

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Г.Ғ. Назарова, Х. Халилов, И.М. Ханова,
Н.З. Хакимов, Б.Р. Бобожонов**

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ
(Ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ- 2006

Назарова Г.Г., Халилов Х., Ханова И.М., Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. - 308 б.

Масъул муҳаррир проф. Б.Ю. Ходиев

**Тақризчилар: и.ф.д., проф. Абирқулов Қ., и.ф.н., доц. Эштаев А.А.,
и.ф.н., доц. Хисамиева Г.Д.**

Жаҳон ҳўжалигининг барча жабҳаларида интеграция ва глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган бир даврда жаҳон иқтисодиётининг асосий ривожланиш тенденция ва йўналишларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодиётининг умумий ривожланиш хусусияти ўзгариб бораётган бир даврда Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда. Жаҳон мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда олиб борилаётган муносабатлар ривожланмоқда. Ривожланган, ривожланаётган ва шунингдек бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг ривожланишининг ютуқ – камчиликлари, ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги ёндашувлар бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бораётган Республикамиз иқтисодиётини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишда тажриба сифатидаги аҳамияти каттадир.

Ўқув қўлланма олий таълим талабалари, аспирант, илмий ходим, магистрант, шунингдек жаҳон иқтисодиёти билан шуғулланувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Назарова Г.Г., Халилов Х., Ханова И.М., Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р. Мировая экономика. Учебное пособие. –Т.: ТДИУ, 2006. -308 с.

Ответственный редактор проф. Б.Ю. Ходиев

**Рецензенты: и.ф.д., проф. Абирқулов Қ., и.ф.н., доц. Эштаев А.А.,
и.ф.н., доц. Хисамиева Г.Д.**

В эпоху усиления процессов глобализации и интеграции во всех сферах мирового хозяйства особое значение придается определению ключевых тенденций и направлений развития мировой экономики.

Республика Узбекистан вступает в мировое сообщество в процессе изменения особенностей развития мировой экономики. Развиваются отношения в социально-экономической, политической и культурной сферах. В условиях поэтапного перехода экономики нашей республики к рынку велика важность изучения проблем развития экономик развитых, развивающихся и стран с переходной экономикой в качестве опыта перехода Узбекистана на уровень развитых стран.

Данное учебное пособие рассчитано на студентов высших учебных заведений, аспирантов, научных работников, магистрантов, а также широкого круга читателей, интересующихся вопросами мировой экономики.

Nazarova.G.G., Halilov X., Xanova I.M., Hakimov N.Z., Bobojonov B.R. World economy. Text book. –Т.: TSEU, 2006. -308 p.

Editor in Chief: prof. Hodiev.B.Yu.

Reviewers: Prof. Abirqulov K., phd. Eshtaev.A.A, phd. Xisamiyeva G.D.

By the time that integration and global processes are developing on whole sphere of world economy, in is the most important to define the basic developing tendencies and directions of the world economy.

Moreover, the Republic of Uzbekistan is entering the world society by the time the general developing characteristics of the world economy is changing. The relations in the branches of social-economic, political and culture with world countries are increasing. Success and drawbacks of the development of the countries developed, developing and passing the market economy, approaches in solving developing problems are most important in experience taking our Republic to the degree of the economic developed countries passing the market economy gradually.

This textbook is for higher educated student, aspirants, researches, masters and for readers studying world economy.

©-Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2007.

©- Ташкентский государственный экономический университет, 2007.

©-Tashkent state of economical university, 2007.

КИРИШ

Республикамизнинг иқтисодчи мутахассисларни тайёрлайдиган ОЎЮларида фундаментал иқтисодий фанлардан бири ҳисобланган «Жаҳон иқтисодиёти» фанини ўқитишнинг аҳамияти каттадир. Хўш, фаннинг мақсади ва вазифалари, унинг ўқув жараёнида тутган ўрни нимадан иборат. Маълумки, жаҳонда БМТга аъзо бўлган 290 дан ортиқ давлат мавжуд бўлиб, бу давлатлар ўз хўжалик иқтисодиётини ва халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришлари билан уч гуруҳга (ривожланган, ривожланаётган, ўтиш давридаги давлатларига) бўлинади. Улар ўзларининг бир неча асрлар давомидаги иқтисодий ривожланишида турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий босқичларни босиб ўтганлар.

Кишилиқ жамиятида синфий жамиятнинг вужудга келиши (бу ҳолат турли давлатларда турлича рўй берган) билан боғлиқ ҳолда, бозор муносабатлари ҳам турлича шаклланиб борди. Бозор муносабатлари дастлаб XVII - XIX асрларда Ғарбий Европанинг бир қатор давлатларида тез ривожланиб борган бўлса, ушбу мамлакатлар томонидан мустамлака қилинган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари иқтисодиёти эса ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ниҳоятда тушқунликка тушиб қолган эди. Шундай қилиб, бозор муносабатлари бу даврда жаҳоннинг деярли барча давлатларида ҳукмрон бўлгани билан унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий оқибатлари турлича эди.

Маълумки, иқтисодий ривожланиш жаҳоннинг барча давлатлари учун умумий табиий қонуниятлар асосида боради, яъни айтмоқчимизки бозор муносабатларининг алоҳида ажратиб олинган кўриниши ёки миллий либоси йўқ, аммо ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари, йўллари мавжуд бўлиб, улар жаҳоннинг у ёки бу мамлакатларини географик ўрни, табиий шароити, иқлими, табиий ресурслари, аҳолиси, иқтисодий ривожланиш даражаси ва муносабатларининг кўпгина бошқа сабабларига кўра турлича бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги баъзи бир давлатлар юқори даражада, айримлари ўртача ва паст (қолоқ) ривожланган бўлади. Бу давлатларнинг (айниқса, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Голландия) иқтисодий ютуқларини атрофлича таҳлил этиш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш йўлларида ўрнатилган

олиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. «Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар – АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради»,¹ - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Хуллас, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодий йўналишидаги барча факультетларида «Жаҳон иқтисодиёти» фанини ўқитиш муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг жаҳоннинг кўплаб (160 дан ортиқ) мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, дипломатик ва маданий ҳамкорлик қилмоқда. Шу сабабли жаҳон мамлакатлари билан халқаро иқтисодий муносабатларни тўғри олиб бориш учун ҳам бошқа бир қатор давлатларнинг (айниқса, ривожланган етакчи давлатлар билан бир қаторда ривожланаётган давлатларни ҳам) иқтисодий ривожланиш йўлларини (моделларини) кенг, ҳар томонлама ўрганиш ва хулосалар чиқариш зарур ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида Республикамиз Президенти И.А. Каримов: «Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитларини ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган. Айни пайтда жаҳон мамлакатлари амалиёти тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига ўтган мамлакатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади».²

“Жаҳон иқтисодиёти” фани бўйича ўқув қўлланмани тайёрлашда ТДИУ “Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ” кафедрасининг профессор-ўқитувчилари: и.ф.д., проф. Г.Ғ. Назарова, и.ф.н., доцент Х.Халилов, и.ф.н., доцент И.М.Ханова, катта ўқитувчилар Н.З.Ҳакимов ва Б.Б.Бобожоновлар иштирок этдилар. Қўлланма биринчи бор кафедранинг профессор ўқитувчилари томонидан яратилганлиги туфайли баъзи бир жузъий камчиликлар йўқ эмас. Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда ўзларининг қимматли маслаҳатларини, ижобий ва танқидий

¹ Каримов И.А.. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005.

² Ўша жойда.

фикрларини берган университетимиз профессор-ўқитувчиларига, шунингдек ТДИУ магистрантлари Б.Қутлимуродов ва М.Норова, ТДИУ талабалари Ф.Алишаев ва Ш.Бобожоновларга муаллифлар ўз миннатдорчилигини билдиради.

1-бoб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ТИЗИМ СИФАТИДА

1.1. “Жаҳон иқтисодиёти” фанининг предмети ва ўрганиш хусусиятлари

1.2. Жаҳон ҳўжалиги ва унинг ривожланиш хусусиятлари

1.3. Трансмиллий компаниялар: жаҳон ҳўжалигининг субъекти сифатида

1.4. Жаҳон ҳўжалигида халқаро иқтисодий ташкилотлар

1.5. Жаҳон ҳўжалигида минтақавий интеграция гуруҳлар

1.6. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил топиши ва унинг кўринишлари

1.1. “Жаҳон иқтисодиёти” фанининг предмети ва ўрганиш хусусиятлари

XX-XXI асрлар бўсағасида рўй берган кенг кўламдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар жаҳон ҳўжалиги ва унинг моҳиятига ўз таъсирини ўтказган эди. Бу жараёнлар таъсирида жаҳон ҳўжалигида сезиларли силжишлар, ўзгаришлар юз бериб ривожланишининг янги, турли-туман ва кўп вариантли босқичлари шаклланди.

Жаҳон иқтисодиётида нафақат дунё, балки уни тушуниш, талқин қилиш ҳам ўзгариб бормокда. Европа мамлакатлари иқтисодиётида шундай туб ўзгаришлар юз бердики, бу ўзгаришлар ҳам, албатта, жаҳон ҳўжалиги ривожланишига ўз таъсирини ўтказган эди. Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатлари бир-бири билан шундай ўзаро боғланиб кетганки, биз буларни асосан ўзаро иқтисодий алоқаларни турли даражада ривожланган иқтисодий тузилмаларнинг иштирокида кўришимиз мумкин. Ушбу мамлакатлар нафақат турли даражада ривожланганлиги билан, балки халқаро меҳнат тақсимотига ва жаҳон ҳўжалигига турли даражада жалб қилинганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида (1991й.) жаҳон ҳўжалигига ўзининг илк қадамини қўйди. Янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ва маданий шарт-шароитда, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикаимизнинг интеграция жараёнларга фаол кириб боришга ҳалақит бераётган бир қатор тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келмокда. Шу нуқтаи назардан олганда бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиётини, рақобатбардош иқтисодиёт асосларини ва корпорацияларнинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида иштироки усулларини ўрганишга бўлган қизиқиш республикаимизда тобора ортиб бормокда. Ушбу муаммолар ҳозирги кунда тор гуруҳдаги мутахассисларнинг ўрганиш предмети

бўлмай қолди. Миллий иқтисодиёт жаҳон хўжалигининг бир қисми эканлигини тан олиниши эса «Жаҳон иқтисодиёти» фанининг ўрганиш предметини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини ташқи бозорга чиқиши ва хорижий фирмаларнинг Республикамизда товар ва хизматлар бозорига кириб келиши бир қатор янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Собиқ СССР таркибидан ажралиб чиққан бир қатор мустақил мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам , халқаро бозор шароитида фаолият олиб бориш учун зарур бўлган назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларнинг камлиги ёки деярли йўқлиги сезилмоқда.

«Жаҳон иқтисодиёти» фанини ўрганишда унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатларига тўхталиб ўтамиз: мазмуни ва моҳияти, XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳон иқтисодиёти; тараққиётининг асосий қонуниятлари ва тамойиллари; замонавий жаҳон хўжалигининг субъекти ва мамлакатларнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрнини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими; халқаро иқтисодий интеграция; жаҳон иқтисодиётининг глобал муаммолари; замонавий жаҳон хўжалигида табиий ресурслар салоҳияти; жаҳон иқтисодиётида инсон ресурслар; илмий-техник салоҳият ва унинг замонавий жаҳон хўжалиги тараққиётидаги роли; жаҳон хўжалигида тармоқ тузилмаси тушунчаси ва замонавий саноатнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни; ривожланган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни; ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни; жаҳон хўжалигида “Янги индустриал давлатлар”; жаҳон иқтисодиётида ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар; жаҳон иқтисодиётида МДХ мамлакатлари; Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви.

1.2. Жаҳон хўжалиги ва унинг ривожланиш хусусиятлари

XX асрнинг 50-60 йилларидан сўнг жаҳон хўжалигининг фаолияти кенгайди, халқаро иқтисодий алоқалар ривожланиб халқаро меҳнат тақсимооти чуқурлашиб борди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ёки бир-бири билан халқаро иқтисодий алоқаларни ўрнатмаган биронта ҳам мамлакат йўқ.

Бугунги кунда жаҳон ҳўжалиги ривожланиши инсонларнинг ўзаро иқтисодий фаолияти доирасида рўй бермокда. Иқтисодиётга оид бир қатор адбиётлар, шунингдек кундалик ҳаётимизда “Жаҳон ҳўжалиги”, “Жаҳон иқтисодиёти” тушунчалари кўп ишлатилади. Ҳақиқатан ҳам жаҳон ҳўжалиги ўзининг мураккаблиги, зиддиятларга бойлиги ва иқтисодий муносабатлари билан бутун бир бирикмани ҳосил қилади.

Иқтисодий адабиётларда “Жаҳон ҳўжалиги”, “Жаҳон иқтисодиёти” иборалари аниқ бир тушунча берилмаган. Аммо бу иборалар иқтисодий ҳаётимизга муҳим ўрин тутганлиги учун ҳам олимлар ушбу ибораларга ўзларининг бир қатор концепциясини берган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- жаҳон ҳўжалиги – ўзаро меҳнат тақсимотига асосланган иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ўрнатган миллий ҳўжаликлар йиғиндиси;
- жаҳон ҳўжалиги – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига эга бўлиб, савдо-сотиқ, молиявий муносабатларни ўз ичига олган капитал ресурслар ва ишчи кучидан турлича фойдаланувчи жамият;
- жаҳон ҳўжалиги – глобал иқтисодий тизим. Бу тизим ишлаб чиқаришни ўзида ташкил этиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳуқуқий ва сиёсий чегараларини ўрнатувчи ҳўжаликдир.

Жаҳон ҳўжалиги бутун бир тизим эканлигини жаҳон олимлари тан олади. Жаҳон иқтисодиётида ушбу сўзнинг вужудга келиши ва ишлатилиш жараёнлари бир бутунликни ташкил этади. Ушбу бутунлик орқали жаҳонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг ташқи ва ички бозорларига чиқарилади ва товар-пул муносабатлари шаклида фаолият юритади.

Жаҳон иқтисодиёти жуда мураккаб тизимдир. Яъни, иерархияси кўп поғонали бўлиб, тузилиши ниҳоятда нотекисдир. Иерархия – юқори поғонага эга бўлган бўлиб, жаҳон ҳўжалигининг барча талабларига жавоб беради. Масалан, АҚШ, Германия ва Япония давлатлари бутун бир дунё аҳолисининг 8 % аҳолисига эга бўлиб, жаҳонда сотиб олинаётган маҳсулотларнинг 1/3 қисми ушбу давлатларга тўғри келади. Шу борада айтиш лозимки, очик иқтисодиёт шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодий тараққиётнинг аниқ бир мамлакатлари иқтисодий файдаси ҳисобига фаолият юритадилар. Тизимнинг асосида халқаро доиралардаги алоҳида бир давлатларнинг миллий ишлаб чиқариши ва унинг тақсимланиши, маҳсулот айирбошлаши ва ишлатилишини ташкил этади. Ушбу фаолият чегараланган ҳолда, бутун бир жаҳон ҳўжалигига ўз таъсирини кўрсатади. Ишлаб чиқариш

хўжаликларининг барчаси ўзларининг миллий хўжаликларидан ташқарида фаолият юритмайди.

Жаҳон иқтисодиётида тизим тушунчаси – кенг маъноли ва ҳаракатланувчи куч бўлиб, у умумий мақсадлар сари интилади. Бу тизимга кирувчи тизимлар эса махсус характерга эга бўлган сектордир. Яъни, бу кичик тизимчалар бўлиб, турли мақсадлар сари ҳаракатланади. Аммо бу тизимчалар ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда иш юритиб, бир-бирига таъсир кўрсатиш характерига эга бўлади. Акс ҳолда тизим тарқалиб кетиши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти тизимининг мақсади, аҳолининг сўров талабларини қондиришга қаратилган. Яъни, яратилган янги ишлаб чиқариш корхоналари ўз талабини эмас, балки аҳолининг яшаш турмуш тарзини қондиришга қаратилган бўлиши лозим. Тизим – юридик ва ноюридик шахслар томонидан давлатлараро иқтисодий алоқаларни йўлга қўювчи, халқаро нормаларда иш юритувчи, якка тартибда фаолият кўрсатишга асосланган иқтисодий тизим ҳисобланади. Юқоридаги ушбу шарт ва нормаларни бажаришда давлат ва унинг назорат бўлимлари ёрдам беради.

Жаҳон хўжалиги – тарихий ва сиёсий категория. Ушбу категория ижтимоий-иқтисодий структура бўлиб, ҳар бир даврда ўзининг ишлаб чиқариш тарихига ва сиёсатига эгадир. Жаҳон хўжалиги мураккаб тизимдир. Ушбу тизим алоҳида элемент ва субъектлардан иборат бўлиб, қайсики ушбу субъект ва элементлар мураккаб жараёнларнинг иштирокчиси ва уни давом эттравчисидир.

Жаҳон хўжалигининг элементлари ва ўзаро муносабатлари поғонали ривожланиб боради. Давлатлараро муносабатда халқаро поғонани ташкил этиб, халқаро меъёр ва қоидаларни бошқаради. Миллий чегарадан ташқарида фаолият юритувчи муносабатлар – трансмиллий поғонани ташкил этади. Бунга ўзининг ахборотига ва тизимига эга бўлган фирмалар киради. Ушбу поғона алоҳида бир автоном тизимга эга бўлиб, бошқарув назоратидан четда фаолият кўрсатади. Трансмиллий даражадаги тизимга қурол-яроғ сотуви билан яширин шуғулланувчи гуруҳлар ҳам киради.

Жаҳон хўжалиги тизими ижтимоий-иқтисодий соҳада турлича ривожланиб боради. Ушбу соҳада юқори поғонани ривожланган мамлакатлар эгаллаган. Жаҳон хўжалиги тизими мураккаб ижтимоий-иқтисодий таълимотдир. Жаҳон хўжалиги тизимида ишлаб чиқариш ва шунингдек ижтимоий-иқтисодий соҳада рўй бераётган жуда кучли рақобат ва қарама-қаршиликларни кўриш мумкин. Ушбу ишлаб

чиқариш соҳасидаги хусусиятларнинг омилларини, яъни бирлашган гуруҳларни ўз ичига олади.

Жаҳон хўжалигида маълум бир мақсадлар сари интилувчи хўжалик фаолияти субъектлар орқали амалга оширилади. Субъектлар ишлаб чиқариш омилларини, ривожланиш жараёнларини йўлга қўяди. Жаҳон хўжалик тизимининг субъектлари керакли капиталга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил эта оладиган, халқаро хўжалик муҳитида фаолият юрита оладиган, халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган доирадир. Бундай доирага ТМКлар, миллий давлатларнинг хўжалик тизимлари, ҳудудий интеграция бирлашмалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар киради.

Давлат — жаҳон хўжалик тизимининг асосий субъект ҳисобланади. Давлат сиёсий ва иқтисодий жамиятнинг органи (синф ва гуруҳларнинг) бўлиб, аҳолининг қизиқишларини қондирадиган субъектдир. Кишилиқ жамиятида синф ва гуруҳлардан иборат субъектлар ўз қизиқишларини давлат миқёсидаги қизиқишларга айлантиради. Ушбу иқтисодий субъектлар ўз навбатида давлат билан бирлашишига ва шунингдек ўзаро иқтисодий муносабатларни ўрнатишга олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётида давлатнинг ривожланиши миллий хўжаликларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг аниқ хўжалик комплекслари асосида фаолият олиб бориши сабабли давлат ушбу комплексларни четдаги салбий аралашувлардан ҳимоя қилади. Иқтисодиётда давлат миллий чегарадан бозорга чиқишда, капитал жамғаришида, умумхалқ алоқаларни тиклаш мақсадида ички ва ташқи алоқаларни назорат қилади, ички маҳсулотларни ишлаб чиқаришига ёрдам беради. У асосан, миллий даромад давлат томонидан тақсимланиши орқали амалга оширилади.

1996 йилда давлат назорати остидаги молиявий даромад 47 %ни ташкил этган. Давлат нормаси асосан ривожланган мамлакатларда 25 %ни ташкил этади. Давлат назорати остига тушадиган даромад ишчи кучини тайёрлашга кетади. 80-90 йилларда ишчи кучи тайёрлаш учун таълим соҳаларига кетган сарф-харажат 3,9 % дан 4,8 %га, соғлиқни сақлаш соҳасида эса 2,5 %га ошди. Давлат аҳолисини ижтимоий таъминотидек муҳим масъулиятни зиммасига олади. Ижтимоий хизматлар соҳасига ривожланаётган давлатлар 20 %, ривожланган давлатлар эса 50 % маблағ ажратмоқда (1-жадвал).

Давлат аҳолиси эҳтиёжларининг қондирилиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1980	1999
Давлат эҳтиёжини қондириш	15	15
Хусусий эҳтиёжни қондириш	61	62
Капитал	25	22
Экспорт товарлари ва хизматлар	20	22
Баланс	-1	0

Манба: Ломакин В.И. Мировая экономика М., 2004

Давлат хўжалик фаолиятида актив қатнашади. У товар, маҳсулот, хизмат кўрсатиш соҳаларига эга бўлиб, капитал жамғаришга мувофиқдир. Йилдан-йилга давлатнинг ички маҳсулотидан оладиган улуши хусусий даромад улушидан ортиб боради.

Умумдавлатнинг сарф-харажатиға ҳокимият органларининг сарф-харажатлари ҳам киради. Давлат капитал-маблағ кўпайтириш ҳажмига ички ва ташқи таъсирини ҳам кўрсата олади. Ички ишлаб чиқариш маҳсулотдан олинадиган капитал-даромад 0,7-14 %ни ташкил этади. Кредит ва субсидиялар бериш шахсий секторнинг инвестициялаштиришига ўз таъсирини кўрсата олади. Саноат тармоқларининг ривожланиши давлатнинг капитал жамғармалари ва субсидияларига боғлиқдир. Бунга мисол қилиб ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ва илмий-текшириш соҳаларини кўрсатиш мумкин.

Давлат йирик иш билан таъминловчи орган бўлиб, у тўғридан-тўғри тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланади. Ушбу ишбилармонлик фаолияти иқтисодий тангликнинг олдини олади, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда ёрдам беради. 1970 йилда давлат ички ишлаб чиқариш маҳсулотини 20 % гача кўрсатиб миллий даромадни қайта тақсимлаб, ишлаб чиқиришни бошқарган эди.

Давлат ўз ҳокимият монополияси ёрдамида миллий стратегияни белгилайди. Жамиятнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, пул-кредит муносабатларини бошқаради, инфратизимни ривожлантириб, ижтимоий соҳада ташқи хавф-хатардан ҳимоя қилади. Бу ишда аҳолини бошқарув гуруҳлари, умумхалқ мақсадлари сари ҳаракатланаётган аҳолининг турли гуруҳлари ёрдам беради. ТМКлар жаҳон хўжалик тизимиға ва унинг хўжалик юритувчи субъектларига, фаолиятиға ҳар томонлама таъсир кўрсата олади.

Жаҳон хўжалиги йирик тизим бўлиб, у турли тизим ва тизимчалардан таркиб топган. Тизимчалар ўзининг ривожланиш жиҳатлари билан биргина ўзига хос вазифаларни эмас, балки умумий глобал тизимнинг муаммоларини ҳам ҳал этишға қодирдир. Ушбу ҳолатда ўзига хос ички ва ташқи қонуниятлар мавжуд.

Жаҳон хўжалиги тизимидан, тизимчаларнинг ажралиб чиқиш сабабларига қўйидагилар киради:

- ижтимоий хўжалик структурасининг характери;
- иқтисодий ривожланиш режаси;
- иқтисодий ўсишнинг тури;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг даражаси ва характери.

Жаҳон хўжалиги тизимидан тизимчалар ажралиб чиқишининг асосий сабабларидан бири –хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини хусусийлаштириш ҳисобланади. Хусусийлаштиришни амалга оширилиши жаҳон ҳамжамияти ривожланишига, шунингдек жамият муносабатлари ўзаро ўрнатилишига таъсир кўрсатади.

Мулк хусусийлаштирилиши халқаро меҳнат тақсимотининг турли шакллари, индивидларнинг меҳнат қуролларига бўлган муносабатларини белгилайди. Мулкни хусусийлаштириш жараёнларида ишлаб чиқариш воситаларининг (асбоб-ускуналар) ишчи кучи билан боғланган шароитида юзага келади. Бу ҳолатда ташкилий-ҳуқуқий идораларнинг роли каттадир. Ишлаб чиқариш жараёнида инсонлар ўзаро алоқани эмас, балки фирмалар ўртасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш, уни айирбошлаш ёки ишлатишни ҳам ўз ичига олади.

Тизимчаларнинг кенг тарқалиш сабабларидан бири ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига мос келишини характерловчи иқтисодий ривожланиш даражасидир. Ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш даражаси аҳоли яшаш шароитига ва шунингдек аҳоли талабларини ижтимоий – иқтисодий қондиришига мос келиши зарур. Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш тармоқлари ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан ва предметларидан иборат. Индустириал давлатларда аҳоли талабларини қондирадиган, узоқ муддатга ишлатиш мумкин бўлган талабларини қондирадиган, узоқ муддатга ишлатиш мумкин бўлган товарларнинг ишлаб чиқариш даражаси юқори ўринни эгаллайди. Жаҳон иқтисодиётида тизимчаларни ўрни ва тавсифи миллий хўжаликларнинг ташқи секторидаги ролига ҳам боғлиқдир. Яъни, импорт, экспорт товарлари ва хизмат кўрсатиш тамойиллари ва капиталнинг ҳаракатига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш кучларининг жаҳон миқёсида ривожланиш даражаси, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви хўжалик юритиш тармоқлари тўхтаб қолишининг олдини олади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичида экспорт ва импорт моллар, ташқи савдо-сотиқ тузилмаси, капитал ҳаракатида халқаро

ташкilotлар, замонавий техника-технологиялар, ишчи кучлари муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг очиқлиги унинг функционал ва ташкилий доираларида кўринади. Функционал доира – мамлакатни халқаро меҳнат тақсимотига жалб қилиниши ҳисобланади. Яъни миллий ишлаб чиқаришнинг ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлиқлигидир (экспорт ва импорт товарларнинг ялпи ички маҳсулотга тааллуқлилиги). Очиқ иқтисодиёт – жаҳон хўжалиги тармоғида ўз тенденциясини, йўналишини ривожлантирувчи хўжаликлардан иборат бўлиб, бунда ташқи иқтисодий алоқалар кучаяди. Бунда иқтисодий ўсиш тез суръатларда ривожланиши ёки ривожланишдан тўхташи ҳам мумкин. Ўсиш ва тўхтаб қолиш поғонаси 25 % ялпи маҳсулотдан фойда олиш даражасида намоён бўлади.

$$\frac{X + IM}{Y} = 0,25$$

Ташқи савдо айланмасининг Ялпи ички маҳсулотга бўлган миқдор коэффиценти қуйидагига тенг:

$$E = \frac{\Delta(X + IM)}{\Delta Y}$$

Е – ялпи ички маҳсулотга ташқи савдо коэффицентининг эгилувчанлиги;

$\Delta (X + I M)$ – экспорт ва импортнинг аниқ вақтларда ўсиши;

ΔY – ялпи ички маҳсулотнинг худди шу вақтда ўсиши.

Иқтисодий ривожланиш даражаси ўсган сари хомашё ва энергия харажатлари камаяди ва табиий хомашё ўрнига кўпроқ сунъий хомашё маҳсулотлари ишлатилади. Миллий даромадни мамлакат аҳоли сонига мос келиши даражаси билан бир неча гуруҳга бўлинади:

- миллий даромад аҳоли жон бошига мос келадиган мамлакатлар. Уларга Ғарбий Европа мамлакатларини (Албания, Греция, собиқ Югославиядан ташқари) ва шунингдек АҚШ, Канада, Япония, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Қувайт, БАА каби давлатларни киритиш мумкин. 1999 йилда аҳоли жон бошига тўғри келган миллий даромад ушбу мамлакатларда 9000 АҚШ долл.ни ташкил этган;

- миллий даромади ўртача даражадаги аҳоли сонига мос келиши 750 дан 8500 долл.ни ташкил қилган мамлакатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга 80 дан ортиқ давлат – Греция, Жанубий Африка Республикаси, Лотин Америкаси мамлакатлари (Венесуэла, Бразилия, Уругвай, Тринидат, Тобаго ва бошқалар), Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари киради. Ўз навбатида ушбу давлатлар икки гуруҳга (юқори ва ўртача даромадга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи 17 та ва қуйи ва ўрта

даражали миллий даромадга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи) бўлинади;

- паст даражали миллий даромадларга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи. Ушбу мамлакатлар гуруҳига 60 дан ортиқ давлатлар (Ҳиндистон, Хитой, Покистон каби давлатлар) кириб, уларнинг ҳар бирида 100 млн. дан аҳоли яшайди.

Ишлаб чиқаришда иқтисодий ривожланишнинг интенсив тури сифатли маҳсулотларни кўплаб миқдорда ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Бу ҳолда ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек ишчи кучини такомиллаштириш лозим. 80-90-йилларда жаҳон иқтисодиёти ривожланишида интенсив ривожланиш тури кенг қўлланиб келинган (сифатли маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш орқали).

Импорт товарларига талаб коэффицентининг эгилувчанлигини тушаётган даромад орқали билиш мумкин, яъни ялпи ички маҳсулот 1 баробар ошганда импортга бўлган талаб коэффиценти шунга боғлиқ. Жойлардаги давлатлар қай даражада кўп экспорт моллари ишлаб чиқарса, ушбу давлатлар иқтисодиёти шунчалик ривожланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Иқтисодиётнинг очиқ фаолият юритиши давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиши ва шунингдек тузилмаларни ташкил этиши билан ҳам узвий боғлиқдир. Иқтисодиётнинг очиқ фаолият юритишига мамлакатларнинг капитал ва ресурслар ҳажми ва ички тузилма талаблари ҳам катта аҳамиятга эга.

Жаҳон иқтисодиётида тизимчаларнинг асосий белгиларидан бири – тизимларнинг иқтисодий потенциал имкониятларга эгаллиги. Бу белгилар ишлаб чиқариш ҳажмига, аҳоли сонига, ҳудуднинг катта-кичиклигига, ер ости ресурсларининг бойлигига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Хитой, Ҳиндистон асосли равишда алоҳида бир тизимча сифатида фаолият юритади.

Жаҳон иқтисодиётида 3 та йирик тизимча мавжуд:

- ривожланган капиталистик давлатлар;
- иқтисодий ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар;
- ривожланаётган давлатлар.

Ҳозирги кунда ушбу учликда саноати ривожланган капиталистик давлатлар юқори ўринлардан бирида турибди.

Жаҳон хужалигида иқтисодий ҳаётни таҳлил қилишда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар жаҳон иқтисодиётининг динамик ҳолати билан тавсифланади. Уларнинг асосини жаҳоннинг ялпи миллий маҳсулоти ташкил этади. Бу кўрсаткич товар ва хизмат кўрсатиш доираларининг ҳажмини (жаҳоннинг барча ҳудудларида) аниқ вақтларда кўрсатилган фаолият даражасидир.

Ялпи капитал жамғарма таркибига инвестициялар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш, шунингдек жаҳоннинг хомашё захиралари ҳам киради. Буни қуйидаги балансда яққол кўриш мумкин.

$$Y = C + I + G + X - IM$$

Бу ерда: Y— ялпи ички маҳсулот, C— сарф-харажатлар, I - капитал жамғарма, G-давлат эҳтиёжи сарф-харажат, X-экспорт, IM- импорт маҳсулотлари кўринишида тавсифланади. Жаҳон ишлаб чиқариш ҳажми, миллий хўжаликларни ишлаб чиқариш йиғиндисидан иборат.

$$Y = \sum (= C + I + G + X - IM).$$

Ялпи ички маҳсулот даромади ҳисобга олинади. Ушбу даромад 3 босқичга (ёлланма ишчи кучига маош, хизматчиларга маош, хусусий даромадни ҳисоб-китоб қилиш) бўлинади. Буларга ҳунармандлар, шифокорлар ва бошқалар ҳам киради. Бу ерда ялпи ички маҳсулот асосий капитал жамғарма вазифасини ҳам ўтайди. Шундай қилиб, ялпи ички маҳсулот миллий даромад кўрсаткичи бўлиб, ушбу даромаддан солиқ тўловлари олиб ташланади ва соф даромад олинади. Ялпи ички даромад – ишлаб чиқариш даромади ўртасидаги фарқлар 8-11 % гача бўлиши мумкин. Миллий даромад динамикаси ялпи ички маҳсулот динамикасига тенг.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми кундалик ва доимий нарх-навода бирон-бир йилга тегишли даражада ўлчанади. Бундай ўлчашда фарқлар бўлиши мумкин. Ялпи ички маҳсулот нархи реал ялпи маҳсулот нархига нисбатан тез кўтарилади. Яъни, бундай фарқлар ялпи маҳсулотда нарх-навони тез-тез ўзгариб туришидан келиб чиқади. Реал ялпи маҳсулот нархи иқтисодий ривожланиш кўрсаткичидир.

Ялпи жаҳон маҳсулоти ягона валютада АҚШ долл.и курсларида ҳисоб-китоб қилинади. Долл. курсларидаги ўзгаришлар жаҳон бозорларидаги товарларнинг нарх-навоси ўзгариб туришига олиб келади. Долл. курсидаги ўзгаришлар халқаро савдо операцияларини амалга оширганда ва ҳ.к.ларда ҳосил бўлиб, жаҳон иқтисодиётига таъсир қилмайди. Ривожланмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни долл. курсларида сотиб олиш қийин. Ривожланмаган мамлакатларда бартер алмашуви орқали савдо ишларини амалга ошириш мумкин. Акс ҳолда, ушбу мамлакатлардан олинadиган маҳсулот ҳажми пасайиб кетади. Ривожланмаган мамлакатларда валюта курсини ишлатиш ялпи ички маҳсулотда даромад миқдорини 2-3 мартагача пасайтиради. Ушбу ҳолатда мамлакатларнинг ишлаб чиқаришдан оладиган улуши ҳам пасайиб кетади.

Жаҳонда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотларнинг нарх-навоси ўзгариб туради ва бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам жаҳонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ягона кўрсаткичини аниқлаш қийин. Кундалик валюта курсларида жаҳон ялпи маҳсулотини баҳолаш ва нархлаш – халқаро капитал ҳаракатини халқаро қарз ва тўловларни адо этишга ёрдам беради. Валюта курсларида савдо-сотиқни амалга оширувчи давлатлар асосан капиталистик мамлакатлардир. Капиталистик давлатлар валюта сотиб олиш салоҳиятига ҳам эгадир. Ушбу жараёнлар халқаро валюта фонди ҳамда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти орқали амалга оширилади (2- жадвал).

2-жадвал

1980-1995 йилларда валюта курслари бўйича валюта сотиб олиш кўрсаткичлари

Тизимчалар	Валюта курслари (долл. 1998 й.)		Валюта сотиб олиш курслари	
	1981-1990	1991-1995	1981-1990	1991-1995
Жаҳон	2,9	1,4	3,2	2,5
Капиталистик мамлакатлар	2,9	1,5	2,9	1,6
Иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатлар	2,0	-7,7	2,0	-7,7
Ривожланаётган мамлакатлар	3,1	4,8	4,0	5,5

Манба: Манба: Ломакин В.И. Мировая экономика. - М., 2004

1.3. Трансмиллий компаниялар: жаҳон хўжалигининг субъекти сифатида

Жаҳон иқтисодиётида олимлар ТМКларга турлича шарҳ берадилар. ТМКлар халқаро, кўпмиллий, глобал, ишлаб чиқариш саноат уюшмаси, илмий-техник, савдо ва сервис хизматларини кўрсатиш, савдо операциясини кенг йўлга қўйган корпорациядир (байналмилал бирлашмадир).

Кўпмиллий корпорацияларга хўжалик корхоналари, 2-3дан ортиқ давлатларда экспорт ва чет эл ишлаб чиқаришини 25 % амалга оширувчи бирлашмалар киради. Ушбу тизим бошқа хўжалик тизимларига аниқ таъсир кўрсатувчи, йўлланма берувчи, давлатлараро келишилган сиёсатда фаолият юритувчи органдир. Улар асосан халқаро ҳажмда ишлаб чиқариш комплексини йўлга қўйган, ишлаб чиқариш характериға эга бўлган, ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган компаниядир.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро компаниялар иккига (трансмиллий ва кўпмиллий компания) бўлинади. Биринчи ўринда ўз миллий капиталига эга бўлган ТМКлар турса, иккинчи ўринда эса капитали бўйича халқаро хусусий кўпмиллий компаниялар туради. Уларга Англия-Голландиянинг “Роял датч Шелл”, “Юнилевер”, Швеция-Швейцариянинг “АСИА Брану Бовери”, Англия-Американинг “Бритиш Петролеум-Амоко” ва бошқаларни киритиш мумкин.

XX асрнинг 60-йилларида ТМКлар ташкил топа бошланди. Ишлаб чиқаришнинг чет элга чиқиши, халқаро меҳнат тақсимооти кенгайиши, ишлаб чиқаришда янги технологияни қўллаш, транспорт воситаларининг янги турлари пайдо бўлиши ва ҳ.к.лар ТМКлар яратилишига сабаб бўлган эди. Жаҳон иқтисодиётида ТМКларнинг кенгайиши ва ривожланиши йилдан-йилга ортиб, жаҳонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 25 %и ТМКларга тўғри келмоқда.

ТМКлар иқтисодий жиҳатдан юқори даражали қувватга эга. Жаҳоннинг 100та йирик ТМКси (умумий сонда 0,16 %) 15 % хориж маблағлари, 22 % халқаро савдо устидан ўз назоратини ўрнатган. ТМКларнинг асосий қисми АҚШ, Япония ва Европа мамлакатларига тўғри келади. Йирик ТМКларнинг пул-капитал айланмаси ҳажми кам ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотидан юқоридадир. Масалан, АҚШнинг “Дженерал Моторс” компанияси капитал айланмаси ҳажми Норвегия ва Финландиянинг ялпи ички маҳсулоти даромадидан юқори.

Жаҳон иқтисодиётида ТМКларнинг ташкилий тузилмаси кўп тармоқли ишлаб чиқариш концернларини ташкил этади. Бу концернлар кенг масштабли соҳалар бўйича фаолият кўрсатаётган саноат тармоқлари билан алоқа ўрнатиб, иқтисодий, техника-технологик сиёсатни олиб боради, шунингдек хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган компания ва фирмаларни назорат қилади. Концернлар асосан молиявий кредит соҳаларини назорат қилувчи текширув ҳамдир. ТМКлар кенг миқёсда ташқи иқтисодий соҳаларни ўзига бўйсундирувчи сиёсатни ҳам олиб боради. Ташқи иқтисодий операциялар чет эл корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширилади. ТМКларнинг филиал ва шохобчаларида савдо ишларининг олиб борилиши эса жаҳонда экспорт ҳажмини кенгайтириши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида ТМКларнинг асосий ғояси йирик ишлаб чиқариш тармоқларини бирлаштиришга қаратилган. Ушбу нуқтаи назардан олганда ТМКлар филиаллараро нарх-навони қўллаб-қувватлайди. Бундай шароитда валюта қиймати,

рақобат ҳажми, транспорт сарф-харажатлари ҳисобга олинади (бирон-бир товар ишлаб чиқаришда). ТМКлар жаҳон бозорига бошқа бир давлатларни ишлаб чиқариш омиллари ёрдамида чиқа олиши мумкин. Яъни, жаҳон бозорига чиқаётган ТМКларга унинг хориждаги ҳомийлари ҳам молиявий ёрдам қилишлари мумкин.

ТМКларнинг олиб бораётган фаолияти давлатларнинг иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Уларнинг инвестициялари дунё ялпи ички маҳсулотининг 5 %ини ташкил этади. Жаҳон иқтисодиётида тармоқлараро (хориждаги) маблағларини, шунингдек ташқи савдодан тушган маблағларнинг бир қисми йирик давлатлар ТМКлари ҳисобига тўғри келади.

ТМКлар ўз қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда капиталларини эркин ҳолда бошқа давлатларга чиқаради. Ҳозирги кунда ТМКлар билан давлат ўртасида умумий қизиқишлар йўқолиб бормоқда. Яъни, ТМКлар ўз мақсадлари йўлида катта даромад олиш учун фаолият юритаётган бир пайтда ўзаро маносабатда бўлаётган давлатларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Ушбу давлатлар ўз ҳудудига эга бўлиб, миллий қизиқишларини юқори қўяётган бир даврда ТМКлар эса ушбу қизиқишларни четлаб ўтишга мажбур бўлмоқда.

ТМКлар давлатларга оддий хўжалик тармоғи субъектига қарагандек муносабатда бўлади. Улар халқаро доирада иқтисодий ҳуқуқларга эга бўлмасда, халқаро мажбуриятларни бажариши шарт эмас.

1970 йилда ТМКларни тартиб билан аниқ бир шаклда назорат қилиш БМТ томонидан ташкил этилди. Ушбу назоратга баъзи бир ривожланган мамлакатлар ўз норозиликларини билдиришган эди. Кейинчалик ушбу мамлакатлар ТМКлар билан ўзларининг аниқ бир муносабатларини ҳам белгилаб олишди. Ушбу муносабатлар кейинчалик ТМКларни давлатлараро бир қатор келишмовчиликларга олиб келган эди.

1.4. Жаҳон хўжалигида халқаро иқтисодий ташкилотлар

Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар (ХИТ) дунё аҳамиятига эга бўлган муҳим субъектлар қаторига киради. Юқори ўринда Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ташкилотлари туради. Бундан ташқари, ўз фирмаларига эга бўлган Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА), Жаҳон банки (ЖБ) ёки Бутунжаҳон банки ташкилотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. 1944 йилда ХВФ ва ХБ

мувофиқлаштирувчи валюта кўринишига айланди. Ушбу банкларнинг фаолияти баъзи бир жиҳатлари билан ўзаро боғлиқдир. Халқаро валюта фонди халқаро савдо соҳасидаги турли чекланишларни бартараф этиб молиявий ёрдам кўрсатади. 80-90-йилларда ХВФ йирик молиявий марказга айланди. Унинг фаолиятида асосий ўринни хўжалик тармоқларининг иқтисодий ривожланиши ва қайта қурилишига кредитлар беришдир. Валюта фонди ўз кредитларини асосан иқтисодий ривожланиш дастурларига ажратади. Иқтисодий ривожланишни молиявий таъминлаш фонди эса уни халқаро поғонага кўтарди, натижада Валюта фонди сифатида ривожланаётган мамлакатларга ёрдамини кўрсата бошлади. Ривожланган капиталистик давлатлар эса ХВФдан фойдаланмайдилар.

Жаҳон банки – жаҳон хўжалиги сифатида тан олиниб, йирик инвестиция сиёсат юритади. Ушбу банк XX-XXI асрлар бўсағасида ривожланаётган мамлакатларга, шунингдек иқтисодий тангликка учраган давлатларга лойиҳаларнинг умумий нархидан 30 %ини ташкил этади. Жаҳон банки ўзининг ярим асрлик фаолияти давомида 300 млрд. АҚШ долл.и миқдоридаги кредит ажратган. Жаҳон банкининг шоҳобчалари ҳам алоҳида вазифаларни бажаришга йўналтирилган. Халқаро молиявий корпорациялар ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий сектори ривожланишига ёрдам берса, халқаро ривожлантириш ассоциациялари эса қашшоқ мамлакатларга зарурий ёрдам кўрсатади.

1.5. Жаҳон хўжалигида минтақавий интеграция гуруҳлар

XX асрнинг 60-80-йилларида хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи анъанасига айланди. Жаҳон хўжалиги глобал байналминаллашувининг асосий тенденцияларидан бири- маълум бир давлатлар гуруҳининг таъсир зонаси вужудга келишидир. Ушбу давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари таъсирида ўзига хос минтақалар ҳосил қилиб бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи интеграция марказларга айланиб боради.

Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграция ўз навбатида иштирокчилари бўлмиш давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон яратади. Иқтисодий интеграция жараёнларни схемали тарзда қуйидаги ўзаро боғлиқ занжир шаклида тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши - халқаро меҳнат тақсимоти - ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви - иқтисодий интеграция. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграцияга икки омил (илмий - техник инқилоб ва трансмиллий корпорациялар фаолияти) катта таъсир кўрсатади.

Жаҳон хўжалигида интеграция жараёнлар ривожланиши бўйича тўпланган тажрибалар уни тўрт босқичда ривожланиб борганлигини кўрсатади:

1. Тариф ва бошқа чеклашларни бекор қилиш билан эркин савдо зонасини ташкил қилиш асосида.
2. Савдо, меҳнат ва капитал ҳаракатида бир хил тарифлар тизимини ўрнатиш билан божхона иттифоқини ташкил қилиш асосида.
3. Иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш билан дискриминациясиз иштирокчи давлатлар иқтисодий иттифоқини тузиш асосида.
4. Ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта тизимини тартибга солувчи органларга эга бўлган тўлиқ интеграция.

Охирги икки босқич ўз ичида у ёки бу интеграция гуруҳга хос бўлган томонлар билан боғлиқ маълум бир кичик босқичларни жамлаши ҳам мумкин. Жаҳон иқтисодиётида минтақавий интеграция компаниялар давлатлараро даражада ҳам рўй бериши мумкин.

Ғарбий Европада иқтисодий интеграция энг юқори даражада ривожланган. Европа Иттифоқининг (ЕИ) янги ташкил топиш ва ривожланиш тарихи 1951 йилдан бошланди. Шу йилнинг апрелида Ғарбий Европанинг 6 давлати - Франция, ГЕРМАНИЯ, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлиб кирган Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) ҳақидаги битим имзоланди. Бу Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос кириш қисми бўлди. Унинг ташкил топиши ва ривожланиш вақти юқорида қайд қилиб ўтилган давлатлар томонидан 1957 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) ва атом энергияси бўйича Европа

Ҳамжамияти (Евроатом) ҳақидаги битимлар имзоланиши билан якунланди. Ҳамжамият таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар кирди. Бу эса кейинги 60-80- йиллар мобайнида иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишига сабаб бўлди.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши бирқанча карама-қаршиликларга дуч келган. Шу билан бирга ЕИХ ташкил топишида унинг олдида қўйилган мақсад ва вазифалар ҳам ҳозирги кунга қадар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишини тўрт босқичга (50-йиллар охири ва 70-йиллар ўртаси; 70- ва 80- йиллар ўрталари; 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошлари; 90-йилларнинг ўртаси ва ХХІ аср бошлари) бўлиб ўрганиш мумкин.

ЕИ интеграциясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муваффақиятлар билан бир қаторда баъзи бир қийинчиликлар ҳам рўй бериб турибди. ЕИга янги давлатларнинг аъзо бўлиб кириши ҳам сезиларли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Энг катта муаммолардан бири Европа валюта тизими (ЕВТ) шаклланишида намоён бўлмоқда. 1992 йилда 7 %га Британия фунт стерлинги ва Италия лираси девальвацияси оқибатида рўй берган ЕВТ инқирози Буюк Британия ва Италияни автоматик тарзда ЕВТ дан чиқариб юборди. Валюта иттифоқи шаклланиши ва унга киришда қўйилган бир қатор талаблар ҳам давлатларга қийинчиликлар туғдирган эди. Шу даврда алмашув курси ва фоиз ставкалари даражасига, бюджет дефицити ва давлат қарзи бўйича қўйилган талабларга фақат Люксембург жавоб берган эди. ЕИга аъзо-давалатлар орасида Иттифоқни кенгайтириш, интеграцияни чуқурлаштириш йўллари ҳақида келишмовчиликлар ҳам мавжуд.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси фақат ЕИ чегаралари билан чекланмайди. 1962 йилда Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) ташкил топди. 80-йилларда ЕЭСАга аъзо давлатлар сони 7 та бўлиб, 90-йиллар ўртасида унга яна 4 давлат: Буюк Британия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария аъзо бўлиб кирди. Ушбу аъзо давлатлар учинчи давлатлар билан у ёки бу савдо-иқтисодий келишувларга эркин қўшилишлари ва ушбу давлатларга нисбатан хоҳлаган божхона тарифларини ўрнатишлари мумкин эди. ЕЭСАга аъзо давлатлар ўртасида божсиз

савдо режими фақат саноат товарларига нисбатан қўлланилади. Чунки ЕЭСА конвенциясининг фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларига таъсир ўтказмайди.

1972 йилда ЕЭСА га аъзо давлатлар ЕИХ билан ўзаро келишувларни имзолади. Унга мувофиқ саноат товарларига бож ва сон жиҳатдан чеклашлар аста-секин камайтирилди. Бу давлатлар ўртасидаги божсиз савдо мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи йўқлиги сабабли ЕЭСА ичида божсиз савдо эркинлиги фақат аъзо давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан қўлланилади.

ЕЭСАга кирувчи давлатлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг юқори даражада бўлишлигига қарамасдан, ЕЭСА тўлақонли интеграция гуруҳга айланмади. Амалда у ЕИХ учун “фармклуб”, яъни янги аъзолар етказиб берувчи ташкилот бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ЕЭСАнинг кўпгина аъзолари уни Шарқий ва Ғарбий Европа давлатлари ўртасидаги истикболли эркин савдо зонаси сифатида қарамоқдалар.

2004 йилнинг 1 майида ЕИга Чехия, Словения, Словакия, Венгрия, Польша, Литва, Латвия, Эстония, Кипр, Мальта аъзо бўлиб кирди. Бундан ташқари Болгария, Туркия, Руминия, Хорватия давлатлари ҳозирда ЕИга кириш учун музокаралар олиб бормоқдалар (ушбу давлатларнинг ЕИ аъзо булиши 2010 йилларга мўлжалланмоқда).

XX–XXI асрлар бўсағасида Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг муваффақиятли ривожланиши жаҳоннинг бошқа ривожланаётган минтақаларининг ҳам эътиборини ўзига жалб қилди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 30 дан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар юзага келди. Жаҳон иқтисодиётида Шимолий Америка эркин савдо зонаси - НАФТАни ташкил топиши (1994 йилнинг 1 январиди) ва фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этмоқда. НАФТА блоки (АҚШ, Канада, Мексика давлатлари) 370 млн.дан ортиқ аҳолига, кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ҳудудни қамраб олди. НАФТА давлатлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар тахминан 7 трлн. АҚШ долл.ни ташкил қилиб, ушбу давлатлар улушига ҳозирги кунда жаҳон савдо ҳажмининг 18-20 %и тўғри келмоқда.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган шартноманинг асосий ҳолатлари куйидагиларни ўз ичига олган эди:

- АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари ўртасида ўзаро савдода товарларга нисбатан божларни бекор қилиш;
- Шимолий Америка бозорларини Мексика орқали АҚШга кириб келаётган Осиё ва Европа компанияларининг экспансиясидан ҳимоя қилиш;
- Мексикада банк ва суғурта компанияларнинг ишида Америка ва Канада компанияларининг капитал қўйилмаларига бўлган тақиқларни олиб ташлаш;
- атроф-муҳитни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш ва бошқалар.

Шартномага кўра 2000 йилгача АҚШ Мексикадан импорт қилинган маҳсулотлар турининг 2/3 қисми учун импорт тарифларини бекор қилди. Мексика эса НАФТА давлатлари ёрдамида ўзининг иқтисодий ўсиш суръатларини ошириб (тахминан ЯИМнинг йиллик ўсиш даражаси 1,6 %-2,6 % атрофида), иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва саноати ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш муддатини ярим асрдан 10-15 йилга қисқартириши мумкин.

НАФТАдан энг кам фойдани Канада олади. Унинг иқтисодиёти АҚШники билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, Мексика иқтисодиёти билан алоқалари унчалик ривожланмаган. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада ҳам интеграция жараёнларга кўпроқ тортилиб, кенгайиб бораётган бозорлардан дивидендлар олади. Хуллас, НАФТАни ташкил қилувчиларнинг режасига кўра, тўлақонли Шимолий Америка бозори 2010 йилларда ташкил топиши мумкин экан. Бундан ташқари ҳозирги кунда Америка иқтисодчилари Аляскадан Оловли Ергача чўзилган ўзига хос панамерика савдо блокини тузишни режалаштирмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнлар Жанубий Америкада ҳам фаоллашиб бормоқда. 60-йилларнинг бошида Жанубий Америка “эркин савдо зонаси”ни яратиш, сўнгра Марказий Америка умумий бозорини – (МАУБ) ташкил қилиш ишлари режалаштирилди. Бироқ, ушбу минтақада сиёсий ва иқтисодий инқироз бу режаларни амалга оширишга имкон бермаган эди.

1991 йилда интеграция жараёнлар Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай ўртасида тузилган ва 1995 йилнинг 1 январида кучга кирган “МЕРКОСУР” савдо пакти тузилиши орқали янада фаоллашди. Ушбу пактга аъзо давлатларнинг умумий аҳолиси 200 млн. кишидан кўпроқ бўлиб, йиллик ЯИМ 550 млрд. долл. дан ортиқроқдир.

МЕРКОСУРга аъзо давлатлар ўзаро савдодаги (90 % атрофида) тарифли тўсиқлардан озод қилинди, учинчи давлатлардан импортга эса бир хил тариф тузилмаси ва божхона қоидалари киритилди.

Ўз минтақаларида интеграция жараёнлар ривожланишига Африка давлатлари ҳам интилоқда. 1989 йилда Африка қитъасининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокаш ва Тунис иштирокида Араб Мағриби Иттифоқи давлатлари ташкил топди. Ушбу иттифокқа аъзо бўлган давлатлар шартномасида минтақавий интеграция даражасида иқтисодий ҳамкорлик амалга оширилиши назарда тутилган.

XX – XXI асрлар бўсағасида Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам интеграция жараёнлар кучайиб борди. Осиё "аждарҳолари"дан бири - Сингапур, шунингдек “ЯИД”лар деб ном олган Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин каби Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) қарийб 30 йиллар мобайнида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Шарқий Осиёда иқтисодий интеграция жараёнларнинг ривожланиш истиқболлари кўп жиҳатдан Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОТИХ)нинг тузилиши билан боғлиқдир. Ушбу ташкилотга Осиё, шунингдек Шимолий ва Жанубий Американинг 18 давлати аъзо бўлиб кирган.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг режаларига мувофиқ ушбу минтақада 2020 йилга бориб жаҳонда энг йирик божхона ва ички тўсиқларсиз эркин савдо зонасини ташкил қилиш назарда тутилган. Осиё-Тинч океани минтақасида иқтисодий интеграция жараёнларни баҳолаган кўплаб мутахассислар унинг ривожланиши стихияли эканлигини ва ўзига хослигини таъкидлайдилар. Бунинг устига интеграция муносабатлар ҳозирча ушбу минтақаларда яхши ривожланмаган. Айтиб ўтиш лозим, иқтисодий сиёсатни ўзаро мувофиқлаштириш

натижасида минтақанинг ички савдоси ва капитал бозорларининг тез ривожланиши Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграцияси эркин савдо зонасига ўтишига имкон беради.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцияга, яъни, ўзаро ҳамкорлик чуқурлашувига бўлган интилиш Форс кўрфазида жойлашган Араб давлатлари орасида ҳам кузатилмоқда. 1981 йилдан буён Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Бахрайн, БААлари ва Уммон каби давлатларни ўз ичига олган "нефть олтилиги" Ҳамкорлик Кенгаши давлатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундай қилиб, реал интеграция жараёнлар ушбу давлатларда ҳали жуда кучсиз бўлиб, характери ва ҳаракатлантирувчи омиллари ривожланиш суръатлари билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги интеграция жараёнларга кўрилаётган тайёргарлик босқичи, холос.

1.6. Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил топиши ва унинг кўринишлари

XX – XXI асрлар бўсағасида “Эркин (махсус) иқтисодий ҳудудлар” (ЭИХ) жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий кўринишларидан бирига айланиб, дунёнинг кўплаб давлатларида ташкил топди. 90-йилларнинг ўрталарида дунё мамлакатларида турли хилдаги 4 мингдан ортиқ ЭИХ фаолият кўрсата бошлаган эди. Ғарб мутахассисларининг фикрича, 2004 йилда жаҳон товар айланмасининг 30 – 35 %и ана шу ЭИХларга тўғри келган. Халқаро корпорациялар ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ЭИХлар учун имтиёзли шароитлар яратиб, фойда олиш мумкин бўлган соҳа сифатида фойдаланишмоқда. Йирик халқаро корпорациялар эркин иқтисодий ҳудудлар ишлаб чиқарган товарлари сотувида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан бири деб ҳисоблайдилар.

ЭИХлар миллий мамлакатларнинг баъзи бир қисмларида фойдаланилмайдиган имтиёз ва рағбатларнинг ўзига хос тизимларини қўллайдиган иқтисодий ҳудуднинг бир қисмидир, яъни ЭИХ географик жиҳатдан у ёки бу даражада ривож топган алоҳида бир ҳудуддир. Илмий мақолалар ва дарсликларда, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларида турли хилдаги иқтисодий ҳудудлар ҳам “ЭИХ”лар дейилади. Аммо бу атама ушбу ҳолатнинг мазмун ва

моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Масалан, ЭИХларнинг аксарияти мавжуд бўлган иқтисодий қоидалар, маъмурий қонунлар уларни маълум ҳуқуқий ва ҳўжалик режимидан озод қилмайди. У фақат тадбиркорликни рағбатлантирувчи имтиёз беради ва уни енгиллаштиради. Давлат ҳокимиятини эса иқтисодий жараёнларга аралаштириши камайтиради.

Ривожланган давлатлар учун ЭИХлар ушбу ҳудудда фаолият кўрсатувчиларнинг ҳаётий турмуш даражасини ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кўрсатувчи “махсус” ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ҳудудлар “махсус иқтисодий ҳудудлар” дейилади. Хўш, ЭИХлар нима мақсадда ташкил қилинади? Нега улар ҳозирги кунда ўзининг географик масштабини кенгайтириб бормоқда?

Маълумки, ЭИХларни очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишдаги аҳамияти каттадир. Уларнинг фаолият кўрсатиши ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш ва эркинлаштириш билан боғлиқдир. У ёки бу давлатлар иқтисодиёти ташқи дунёга очиклигида ЭИХларнинг аҳамияти катта бўлиб, божхона, солиқ ва инвестиция режимларни ўрнатишда, шунингдек ташқи ва ички инвестициялар фаолияти учун қулайдир. ЭИХлар жаҳон ҳўжалигида капитал миграция учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон мамлакатлари ичида рўй бираётган иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришда (хорижий капитални жалб қилиш, саноат соҳасида ЭИХлар фаолиятини янада кучайтиришда) учта муҳим вазифани кўришимиз мумкин:

- саноат экспортини рағбатлантириш ва шу орқали валюта маблағларини жалб қилиш;
- аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш;
- миллий ҳўжаликни ривожлантириш мақсадида ЭИХларнинг янги усулларини амалиётда қўллаш.

Жаҳон иқтисодиётида ЭИХларнинг ташкил топиш сабаблари ва мақсадлари ҳар бир мамлакатда ўзгача бўлиб, бир-бирига мутлақо ўхшамаслиги мумкин. Масалан, АҚШ, Буюк Британияда эркин иқтисодий ҳудудлар депрессияга учраган районларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган минтақавий сиёсатни амалга оширишга қаратилган. Ушбу мақсадда тадбиркорларга

мамлакатнинг бошқа районларига нисбатан кўпроқ фаолият эркинлиги, шунингдек сезиларли молиявий имтиёзлар берилди (уларни ривожлантиришда капитал жалб қилинмайди).

Ривожланаётган давлатларда ҳам ЭИХлар ташкил топади. Бу эса қолоқ ривожланмаган районларни динамик равишда ривожланаётган районларга айлантириш имкониятини беради (саноати ривожланган давлатлардан фарқли равишда ушбу мамлакатларда кўпроқ хорижий капитал жалб қилинади).

Жаҳон иқтисодиётида ЭИХларнинг ташкилий, ҳуқуқий тизими турлитумандир. Шунинг учун ҳам у ёки бу ЭИХларни аниқ таснифлаш қийин, чунки улар кўплаб ҳудудларнинг хусусиятларига эга. Россиялик мутахассислар хўжалик ихтисослашувини минтақада фаолият кўрсатаётган асосий фирмаларнинг ихтисослашуви бўйича таснифини ишлаб чиқишган (3-жадвал).

3-жадвал

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг кўринишлари

I. Савдо	II. Саноат-ишлаб чиқариш	III. Техника киритиш	IV. Хизмат
1. Эркин божхона 2. Банд ҳудудлар омборлари 3. Эркин савдо портлар 4. Эркин савдо ҳудудлар	1. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар. 2. Экспортга ишлаб чиқарувчи маҳсулотлар. 3. Саноат боғлари 4. Илмий-саноат боғлари. 5. Макладорас (Мексика)	1. Технополис. 2. Технобоғ. 3. Янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари.	1. Оффшор зоналар. 2. Молиявий марказлар. 3. Банк хизматлари ҳудуди. 4. Туризм хизматлари ҳудуди. 5. Экобоғлар
	V. Мажмуавий	VI. Халқаро	

Манба: Назарова Г.Ғ. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т., 2005

ЭИХларни ташкил топишида иккита концептуал (худудий ва функционал) ёндашув қўлланилади. Биринчи ёндашувда барча резидент корхоналар хўжалик фаолиятининг имтиёзларидан кенг фойдалансалар, иккинчи ёндашувда эса резидент корхоналар мамлакатнинг қайси туманида жойлашишидан қатъий назар тадбиркорлик фаолиятининг маълум кўринишлари бўйича имтиёзли режимлардан фойдаланиши мумкин холос. Биринчи ёндашувга мисол қилиб Хитойдаги эркин иқтисодий ҳудудларни, Бразилиядаги “Манаус” ҳудудини, ривожланаётган

давлатлардаги экспорт-ишлаб чиқариш ҳудудларини кўрсатиш мумкин. Иккинчи ёндашувга мисол қилиб, оффшор фирмаларни, “дьюти фри” магазинларини кўрсатиш мумкин.

ЭИХларнинг энг оддий кўринишларидан бири эркин божхона (божсиз) ҳудудлари (ЭБХ) ҳисобланади. Бу ҳудудлар эркин савдо ҳудудлари каби биринчи авлод ҳудудларига киради. Улар XVII-XVIII асрлардан буён мавжуд. Бу ҳудудларга транзит ёки кассигнацион омборлар, экспортга мўлжалланган товарларни қадоқлаш ва кам миқдорда қайта ишлаш соҳалари киради. Бундай ҳудудлар кўпинча бонд омборлари ёки эркин божхона ҳудудлари деб ҳам аталади. ЭБХ лари товар олиб кириш ва олиб чиқишда бождан озод қилинади. Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) ҳам дунёда кенг тарқалган бўлиб, 1934 йилда чиқарилган махсус қонун-қоидалар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. ЭСХлар АҚШда кўпроқ ривож топган. ЭСХларнинг мақсади халқаро савдони рағбатлантириш, савдо операцияларини тезлаштириш, савдо харажатларини камайтиришдан иборатдир. АҚШ қонунчилигининг ташқи иқтисодий фаолиятида ЭСХларга нисбатан имтиёзлар белгиланган. Қонунда ҳар бир расмий портда камида битта эркин ташқи савдо ҳудуди ташкил этилиши белгилаб қўйилган. АҚШ қонунчилигига мувофиқ мамлакат ҳудудидаги эркин савдо ҳудудлари умумий ва махсус (субҳудуд) ҳудудларга бўлинади. Умумий ҳудудлар кичик ҳудудда (бир неча кв. км. масофада) жойлашиб ва миллий бож ҳудудидан ташқарида бўлади. Уларда киритилган товарларни омборларга жойлаштириш ва қайта ишлаш ишлари амалга оширилади (қадоқлаш, сортларга ажратиш ва ҳ.к.).

Махсус ҳудудлар (субҳудудлар) умумий ҳудуддан ташқарига чиқувчи алоҳида йирик компаниялар учун ташкил қилинади. Субҳудудларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади. 90-йилларнинг ўрталарига келиб АҚШда 500 дан ортиқ эркин савдо ҳудудлари фаолият кўрсатган.

Оддий эркин савдо ҳудудлари қаторига йирик халқаро аэропортлардаги махсус “дьюти фри” магазинларини киритиш мумкин. Сиёсий режим нуктаи назаридан улар давлат чегараларидан ташқарида деб ҳисобланади. Эркин савдо

худудлари қаторига имтиёзли ҳолатга эга бўлган анъанавий эркин портларни ҳам киритиш мумкин.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш худудлари иккинчи авлод худудлари бўлиб ҳисобланади. Улар эркин савдо худудларига фақат товар эмас, капитал ҳам олиб кирилиши, шунингдек уларда фақат савдо билан эмас балким ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланилиши мумкин. Саноат ишлаб чиқариш худудлари махсус бож режимига эга бўлган худудларда ташкил қилинади. Уларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади. Бундай худудлар солиқ ва молиявий имтиёзларга эга бўлади.

Экспорт ишлаб чиқариш худудлари (ЭИЧХ) айниқса ривожланаётган давлатларда кенг тарқалган. Бундай худудларнинг замонавий модели 1959 йилда Ирландиянинг Шеннон аэропортида ташкил қилинган худудий тизимига асосланади. Бундай худудлардан ҳозирги кунда “янги индустриал давлатлар” катта самара кўрмоқда. Экспорт ишлаб чиқариш худудларининг ташкил топиши мантиқан олганда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ. 50-60-йилларда ривожланаётган мамлакатларда саноат экспортини рағбатлантириш ва хорижий капитал оқими ёрдамида бандлик даражасини ошириш зарурати туғилган эди.

Жаҳон иқтисодиётида техника киритиш худудлари учинчи авлод худудлари ҳисобланади (70-80-йиллар). Улар стихияли тарзда давлат ёрдамида йирик илмий марказлар атрофида ташкил топиши мумкин. Уларда ягона солиқ ва молиявий тизимдан фойдаланувчи миллий ва хорижий тадқиқотчилар, лойихачилар, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда техника киритиш худудлари асосан, АҚШ, Япония, Хитойда фаолият кўрсатмоқда. АҚШда уларни технопарклар, Японияда-технополислар, Хитойда-янги ва илғор технологиялар худудлари деб ҳам юритилади.

АҚШнинг энг йирик “Силикон Вэлли” номли технопарки жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ҳисоблаш техникаси воситалари ва компьютерларининг 20 %ини бермоқда. Ҳозирги кунда АҚШда бундай худудларнинг 80 дан ортиғи мавжуд. Японияда махсус ҳукумат дастурлари доирасида илғор илмий ташкилотлар

йигирмага яқин технополислар ташкил қилинган. ХХРда ҳам бундай ҳудудлар давлатнинг илмий – техникани ривожлантириш режаларини амалга ошириш пайтида ташкил топди. Хуллас, 90-йилларнинг ўрталарида Хитойда 50дан ортиқ янги ва илғор технологиялар ҳудуди фаолият кўрсата бошлаган эди.

Жаҳон иқтисодиётида турли молиявий, иқтисодий, суғурта ва бошқа соҳалар бўйича хизмат кўрсатувчи фирма ва ташкилотлар учун тадбиркорлик фаолиятининг имтиёзли шароитлари яратиладиган ҳудудлар сервис ҳудудлар деб аталади. Сервис ҳудуд қаторига оффшор ҳудудлар (ОХ) ва солиқ гаванлари (СГ) киради. ОХ ва СГлар тадбиркорларни қулай валюта-молия ва фискал шароитлар, банк ва тижорат сирларининг яхши сақланиши ҳамда давлат бошқарувининг камлиги билан ўзига жалб қилади.

Оффшор ҳудудда рўйхатга олинган солиқ ва бошқа имтиёзларга бўлган компанияларга қўйиладиган асосий талаб - оффшор марказ жойлашган давлатнинг резиденти бўлмаслик ва бу давлат ҳудудида даромад олмасликдир. Солиқ гаванларининг оффшор ҳудудлардан фарқи шундаки, у ердаги фирмалар (хорижий ва маҳаллий фирмалар ҳам) фаолиятининг барча турлари ёки шуғулланишда имтиёзларга эга бўлади. Жаҳонда 300 дан ортиқ оффшор марказ мавжуд бўлиб, улардан 70таси солиқ гаваналаридир.

Оффшор компаниялар фаолият кўрсатаётган давлатлар қаторига Лихтенштейн, Панама, Нормандия ороллари, Мэн ороллари (Британия), Антил ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария ва бошқалар киради. 80-йилларда ушбу давлатлар қаторига Мальта, Маврикия, Ғарбий Самоа, Исроил, Малайзия (Лабуан ороли) ва бошқалар ҳам қўшилган эди.

Оффшор ҳудудлардаги саноат, савдо, банк суғурта ва бошқа компаниялар умуман солиққа тортилмайди (Ирландия, Либерия) ёки кичик миқдордаги солиқлар тўлайди (Лихтенштейн, Антил ороллари, Панама, Мэн ороли ва бошқалар) Масалан, Швейцарияда оффшор бизнесга нисбатан кам солиқ миқдори белгиланган. Бу солиқ маълум ҳолатларда умуман тўланмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, оффшор ҳудудлар валюта чеклашларининг йўқлиги билан, даромадни олиб чиқиш эркинлиги, хорижий инвесторлар учун божларнинг йўқлиги билан ҳам ажралиб

туради. Оффшор ҳудудларни ташкил қилувчи давлатлар қўшимча хорижий капитал жалб қилиш, рўйхатга олинган корхонадан фойда олиш, маҳаллий мутахассислар учун қўшимча иш жойларини ташкил қилиши орқали фойда кўради.

Одатда, оффшор бизнес банк суғурта иши, денгиз кемачилиги, кўчмас мулк операциялари билан трест фаолияти, экспорт-импорт операциялари билан консалтингда жамланади. Маълумотларга кўра ҳозирги кунда оффшор бизнесда банд бўлган капитал 500 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этиб, унда қарийб 2 млн. киши қатнашган. Ҳар йили бир неча минглаб янги оффшор бизнесга оид компаниялар рўйхатга олинади.

Мажмуавий ҳудудлар алоҳида бир маъмурий районлар ҳудудида хўжалик юритиш режимига нисбатан алоҳида, имтиёзли режим ўрнатиш йўли билан ташкил қилинади. Уларга Хитойнинг 5та махсус иқтисодий ҳудудлари: Бразилиядаги “Манаус” ҳудуди, Аргентинанинг “Оловли ер”, саноати ривожланган давлатларнинг кам ривожланган ҳудудларидаги эркин тадбиркорлик ҳудудларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Турли кўринишдаги ЭИХларнинг ўхшаш томонларидан бири тадбиркорлар учун молиявий ва божхона, солиқ имтиёзлари, шунингдек умумий тартибга нисбатан устунликка эга бўлган қулай инвестиция иқлимининг мавжудлигидир. Турли кўринишдаги ЭИХларда имтиёз ва рағбатлантиришлар ўзларининг баъзи жиҳатлари билан фарқ қилиб, уларни тўрт асосий гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин:

- ташқи савдо имтиёзлари. Бунга алоҳида божхона-тариф режими кириб (экспорт-импорт божларини камайтириш ёки бекор қилиш) унда ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартиблари соддалаштирилади.

- солиқ имтиёзлари. Бунда фаолиятнинг маълум кўринишлари солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантирилади. Яъни солиқ базаси (даромад, мулк қиймати ва ҳ.к.лар), шунингдек унинг таркибий қисмлари (амортизация ажратмалари, иш ҳақиға харажат, транспорт), солиққа тортилишдан ёки вақтинчалик озод қилинади.

- молиявий имтиёзлар. Ўз ичига турли шаклдаги субсидияларни олади. Уларга коммунал хизматларни арзонлаштириш, ер майдонлари ва ишлаб чиқариш бинолари учун ижара ҳақини камайтириш каби , имтиёзли кредитлар киради.

- маъмурий имтиёзлар. Бунга корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фуқароларнинг келиб-кейтишларини енгиллаштириш, шунингдек хизмат кўрсатиш учун маъмурият томонидан махсус ҳудудларнинг ажратилиши киради.

ЭИХлар ташкил қилишнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг умумий ютуқлари ва хусусиятларини, шунингдек ривожланишининг ўзига хос томонлари ҳақида маълум бир хулосалар чиқаришга имкон беради. Саноати ривожланган давлатлардаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг муваффақияти уларнинг яхши режалаштирилганлигига ва бошқарув тизимининг мослашувчанлигига боғлиқдир. Жаҳон ҳўжалигидаги иқтисодий ҳолатларнинг ўзгариб туриши эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиб, уларга мос жавоб қайтаришни талаб қилади.

ЭИХлар ташкил қилиниши ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Бу ҳудудлар кўплаб иш ўринлари ташкил қилишда, халқаро товар айирбошлашни жонлантиришда, ташқи савдо натижаларини яхшилайти, илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган давлатларда ЭИХлар бир қатор ўхшашликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат. Биринчидан, бу давлатларда экспорт учун ишлаб чиқариш ҳудудлари (ЭИЧХ) кенг тарқалган. Юқорида айтилганидек, ЭИЧХ ташкил қилишга қатор иқтисодий сабаблар, авваламбор, экспорт учун саноат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатга хорижий капитал, илғор фан-техника, замонавий техник ахборотлар воситаларини жалб қилиш зарурати туртки беради. Иккинчидан, эркин иқтисодий ҳудудлардаги ҳўжалик юритиш режими хорижий ишбилармонлар учун эркинроқ ва имтиёзли бўлади. Бу эркин иқтисодий ҳудудлар орасида халқаро рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ бўлган жараёнлардан келиб чиқади. Учинчидан, эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятида товар-саноат диверсификацияси рўй беради. Замонавий ИТИ янги ва юқори технологик ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илмталаб ишлаб чиқариш жамланган эркин иқтисодий ҳудудларни илғор ўринларга олиб чиқади.

Ривожланаётган давлатлар орасида Хитойдаги ЭИХлар ҳозирги кунда сезиларли ривожланиб бормокда. 80-йилларда махсус эркин иқтисодий ҳудудларга бирлашган кичик ҳудудлар Хитой ҳукумати 90-йилларнинг бошларига келиб йирик эркин иқтисодий ҳудудларга айланган давлатлардан бири бўлиб қолишига сабаб бўлди мамлакатда, шунингдек хорижда машҳур бўлган эркин иқтисодий ҳудудлар “Шеньчжен”, “Чжухай”, “Сямень”, “Шаньтоу”, “Хайнань”дан ташқари техник-иқтисодий ҳудудлар (20 дан ортиқ) ва янги юқори техникани ривожлантириш ҳудудлари - технопарклар ҳам сезиларли ривожланган. Хитойдаги “Пудун” иқтисодий ривожланиш ҳудуди бир неча ўн йиллар мобайнида Шанхайни Осиё-Тинч океани минтақасидаги йирик савдо ва молиявий марказига айлантирган эди.

Хитойда ЭИХларнинг ташкил топиши ҳукумат томонидан 70-йиллар охирида эълон қилинган очик ташқи иқтисодий сиёсатнинг натижасидир. ЭИХларни ривожлантириш моделини танлашда Хитой раҳбарияти хорижий тажрибаларини эътиборга олди. Сингапур, Тайвань ва АҚШ тажрибаларига алоҳида эътибор берди. ЭИХларни ташкил қилишнинг бир қатор вариантлари ишлаб чиқилди. Натижада экспортга, шунингдек хорижий капитални жалб қилишга, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилашга йўналтирилган ЭИХ модели танлаб олинди. Махсус иқтисодий ҳудудлар “Очик эшиклар” сиёсатини амалга оширган ҳолда, мамлакатнинг бошқа туманларини боғлаб турувчи ролни ўйнай бошлади.

90-йилларнинг бошида ХХРнинг денгиз порт шаҳарларида, махсус иқтисодий ҳудудлар – эркин божхона ҳудудлари (эркин (божсиз) савдо ҳудудлари) ташкил топди. Ушбу ҳудудлар Хитойлик мутахассисларнинг фикрича хорижий давлатларнинг эркин божхона ҳудудларидаги моделлар бўйича ривожлантирилган. Хуллас, Хитойнинг махсус иқтисодий ҳудудлари, шунингдек бошқа имтиёзли инвестиция иқлимдаги районлар фаолиятининг амалиёти шубҳасиз муваффақиятга эришди. Хитойлик ва хорижий мутахассислар ЭИХлар эришган ютуқлар қаторига аввало барқарор иқтисодий ўсиш суръати, ҳудудларга кўп миқдорда хорижий инвесторларнинг жалб қилинишини, меҳнат унумдорлигининг сезиларли даражада ўсишини ва ниҳоят, аҳоли турмуш тарзи даражаси ўсишини ва ҳ.к.лар киритади.

Хитойдаги махсус ЭИХлар давлат мулки устунлик қилган кўринишдаги бозор муносабатларидан фойдаланиш бўйича тажрибадир. Маълумки, бирданига бозор иқтисодиётига ўтиш халқ учун ва миллий иқтисодиёт учун жиддий қийинчиликлар туғдириши мумкин шунинг учун ҳам Хитой ҳукумати томонидан қабул қилинмади. Хитойлик иқтисодчилар айтишларича, Хитойнинг махсус иқтисодий ҳудудлари ХХІ асрда Хитой яшаши лозим бўлган иқтисодий моделларни синаб кўриш полигони бўлиб фаолият кўрсатган.

Жаҳон иқтисодиёти ЭИХлар ривожланаётган давлатларининг алоҳида районларида ижтимоий у ёки бу соҳанинг ривожланиши учун хорижий капитални жалб қилиш учун кичик ва ўрта бизнес фаолиятини жонлантириш учун асос бўлолмайди. ЭИХлар фаолиятининг мамлакатнинг бошқа ҳудудига таъсири жуда чекланган бўлади. Саноати ривожланган мамлакатларда эса бундай масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тадқиқотларга қараганда, ЭИХларнинг хорижий капитал жалб қилишга кетадиган харажатнинг ўрта ҳисобда 1 долл. хориж капиталининг 4 долл.га тўғри келар экан. Масалан, 80-йилларнинг охиридаги ХХРнинг 4 та ЭИХда хорижий капитал 4 млрд. АҚШ долл.ни ташкил қилган бўлса, Хитойнинг ўзи киритган маблағлари эса 22 млрд. долл.ни ташкил қилган. Шундай қилиб амалда Хитойда ЭИХларнинг инфратузилмасиси марказий давлат маблағлари ҳисобида вужудга келган. Хуллас, эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон иқтисодиётида нафақат муваффақият, балки муваффақиятсизликка ҳам учраши мумкин. Масалан, Шри Ланка, Гватемала, Либерия, Сенегал ва бошқа давлатларда турли кўринишдаги эркин иқтисодий ҳудудлар нафақат муваффақиятсизликка учраган эди, балки умуман ўз фаолиятини тўхтатган ҳам эди. Бунинг асосий сабаблари сиёсий, иқтисодий ва ташкилий сабабларни кўрсатиш мумкин. Сиёсий сабабларга мамлакатдаги умумий сиёсий беқарорлик фуқаролар ўртасидаги келишмовчиликлар ва бошқалар кирса, иқтисодий сабабларга энг авваломбор, эркин иқтисодий ҳудудлардаги жуда мураккаб инвестиция режим ҳақидаги қонунчилик киради. ЭИХлардаги бюрократик башқарув, шунингдек инвесторларни рўйхатга олишдаги

бюрократик жараёнларнинг мавжудлиги, рекламанинг суствлиги ва ҳ.к.лар ҳам ЭИХлар тақдирига сезиларли салбий таъсир кўрсатади.

Таянч иборалар

Эркин иқтисодий ҳудуд, божхона иттифоқи, тўлиқ иқтисодий иттифок, қонунчилиқнинг унификацияланиши, Европа Иттифоқи, Маастрихт шартномаси, Ягона Европа Акти, НАФТА, “Меркосур”, ИХТ.

Назорат учун саволлар

1. Иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг қандай босқичлари характерлаб беринг?
3. Эркин савдо ҳудудларини тавсифлаб беринг.
4. Интеграция жараёнлар миллий давлатлар иқтисодиётини ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини характерлаб беринг.
5. ЕИ қачон ва қайси давлатлар томонидан ташкил этилди.
6. Жаҳондаги интеграция бирлашмалар ҳақида сиз нима биласиз?
7. НАФТАни тузилишидан асосий мақсад нима ва унга қайси давлатлар аъзо?
8. Жаҳон ҳўжалиги нима?
9. Жаҳон ҳўжалигини субъектлари нима?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

2- бoб . ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Жаҳон иқтисодиётининг моҳияти ва шаклланиш босқичлари

2.2. Жаҳон иқтисодиётида «очиқ иқтисодиёт» тушунчаси

2.3 Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув тушунчасининг мазмуни ва моҳияти

2.4 Жаҳон хўжалигида глобаллашув жараёнларининг бориши

2.5 Трансмиллий корпорациялар глобаллашув жараёнларни ҳаракатга келтирувчи омил эканлиги

2.1. Жаҳон иқтисодиётининг моҳияти ва шаклланиш босқичлари

Замонавий жаҳон хўжалиги ёки жаҳон иқтисодиёти - бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига бўйсунувчи, доимий ҳаракатдаги, ўсиб, ривожланиб боровчи халқаро иқтисодий алоқаларга ўзаро боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётлар йиғиндиси, яъни глобал иқтисодий организм.

Жаҳон хўжалиги ўзининг вужудга келиши ва ривожланишида узоқ ва жуда мураккаб бир қатор ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Айрим тадқиқотчилар унинг вужудга келишини Рим империяси даври (э.р.ав. II ва эраизнинг IV асрлари) билан боғлашади. Бунда улар Рим империясини ўша вақтдаги бутунжаҳон хўжалик тизими деб баҳолайдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса жаҳон хўжалиги фаолият кўрсата бошлаган даврни XVI-XVII асрлар билан, яъни буюк географик кашфиётлар даври билан боғлайдилар. Айнан шу кашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металллар, ширинликлар ва қуллар билан халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Аммо бу даврдаги жаҳон хўжалиги чекланган бўлиб, фақат савдогарларнинг сармоялари ишлайдиган соҳа эди ҳолос.

Замонавий жаҳон хўжалиги Европада рўй берган саноат инқилобидан кейин (XVIII аср охири ва XIX аср бошлари), капиталнинг монопол босқичига ўтиши даврида (XIX аср охири ва XX аср бошлари) вужудга келди. XIX аср охири ва XX аср бошидаги жаҳон хўжалиги ўзининг ривожланиш хусусиятлари билан XX асрнинг 60-90-иллардаги жаҳон хўжалигидан тубдан фарқ қилиши бизга маълум.

Ўзининг ривожланиш хусусиятлари билан XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи яримидаги жаҳон хўжалиги «капиталнинг кучига» нисбатан кўп жиҳатдан оддий кучга, яъни иқтисодиётга ёт бўлган мажбуриятларга асосланган бўлиб, жаҳон

хўжалигида бу даврда жиддий қарама-қаршиликлар рўй берган эди. Биз буларни капиталистик мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларда (жумладан, иккинчи жаҳон урушида), шунингдек саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларда кўришимиз мумкин.

XX асрнинг биринчи чорагида жаҳон хўжалиги икки қисмга: жаҳон капиталистик хўжалик тизими ва жаҳон социалистик хўжалик тизими бўлинган эди. Иқтисодий алоқалар тизимида жаҳон капиталистик хўжалик тизими устунлик қилиб, 90-йиллар бошида халқаро савдода товар айланмасининг 9/10 қисми жаҳон капиталистик хўжалиги тизими доирасида рўй берган. 80-йиллар охирида халқаро иқтисодий айирбошлаш каналлари орқали капиталистик дунё умумий ялпи маҳсулотининг 1/5 қисми сотилган. Собиқ социалистик мамлакатларда жаҳон миллий даромадининг 1/3 қисми, шу жумладан ЎИЁК давлатларида эса 1/4 қисми ишлаб чиқарилган.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб жаҳон хўжалиги тизими ривожланаётган давлатлар ҳам қўшилди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб, улар орасидан «янги индустриал давлатлар» («ЯИД»), яъни Осиё-Тинч океани минтақасида 4 та кичик «аждаҳо» деб ном олган Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур ва Лотин Америкасида Бразилия, Аргентина, Мексика давлатлари ривожланиш борасида сезиларли даражада олдинлаб кетган эди.

90-йиллар бошида собиқ Иттифоқ тарқалиб кетиши, шунингдек Шарқий Европада рўй берган инқилобий ўзгаришлардан сўнг жаҳон хўжалиги яхлит, бутун бир организм кўринишини олди. Шаклланиб келаётган глобал жаҳон хўжалиги тизими доирасида бир текис бўлмаган ҳолда, ривожланган, ривожланаётган давлатлар ва иқтисодиёти ўтиш давридаги давлатларнинг миллий хўжаликларини ўз ичига олган бир қатор давлатлар пайдо бўлди. Жаҳон хўжалигида қарама-қаршиликларни, шунингдек турлича ривожланиш тенденцияларни сақлаб қолган ҳолда ушбу давлатлар XX аср ўртасидаги жаҳон хўжалиги билан солиштириб бўлмайдиган даражада кўпроқ интеграциялашиб ўзгариб кетди.

Хўш, замонавий жаҳон хўжалигининг моҳияти, унинг ўзига хос томонлари, кўрсаткичлари ва ривожланиш омиллари нималардан иборат?

XXI аср бўсағасидаги жаҳон хўжалиги - ўз миқёсига кўра глобалдир, у бозор иқтисодиёти тамойилларига, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи тенденцияларидан бири, бу кўплаб давлатларнинг бирин-кетин ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи бозорга юз тутган иқтисодий очик турдаги хўжаликка ўтишидир. Урушдан кейинги иқтисодий тикланиш даврида (50-60 йй.) ва кейинги 70-90-йилларда Ғарбий Европа давлатларининг ҳукумат раҳбарлари янада фаоллик кўрсатиб, олдинги авторитар қолдиқлардан қутилишди.

Жаҳон хўжалигида АҚШ ўзининг «очик савдо», «очик иқтисодиёт» деган қарашлар концепцияси билан чиққан эди. Яъни, биринчидан, жаҳон бозорида АҚШ ўз истак ва мақсадини қўйган бўлса, иккинчидан, жаҳон урушида ғолиб чиқиб ва янада бойиб жаҳоннинг илғор савдо мамлакати сифатида янги иқтисодий тартибларни тақлиф этган эди. АҚШнинг бундай «эркин савдо» ва «очик иқтисодиёт»дан иборат қарашлари концепцияси эса ҳукмрон иқтисодиётнинг камроқ ривожланган давлатларга қарши қуролли, шунингдек корпорацияларнинг мислсиз экспансияга бўлган интилишларини билдирар эди. АҚШнинг «очик иқтисодиёт» ҳақидаги қарашлари концепцияси тўғрисида франциялик иқтисодчи олим Мишель Пейро очик-ойдин шундай деган: «Очик, эркин савдо – илғор иқтисодиёт учун энг қулай ўйин қоидаларидир». Аммо урушдан кейинги йилларда жаҳонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳолатларнинг ўзгара бориши билан боғлиқ ҳолда очик иқтисодиёт ҳақидаги қарашлар концепцияси бир томонлама характерга, яъни Америка экспансионизмининг манфаатларига йўналтирилганликни йўқота бориб, объектив, чуқур омиллар фаолиятига асосланган, жаҳон хўжалик алоқаларининг байналминаллашuvi маъносига эга бўлиб борган эди.

Хўш, жаҳон иқтисодиётининг байналминаллашув миқёси ва характери, унинг очиклик даражаси ошишига муҳим таъсир кўрсатиб келаётган асосий омиллар нималардан иборат?

Маълумки, жаҳон хўжалигида очик иқтисодиётни шакллантиришда давлат муҳим роль ўйнайди. Давлат товар ва хизматлар олиб чиқишни рағбатлантириб, хорижий фирмалар билан кооперацияларни, ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишига ёрдамлашиб, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функциясига эгадир. Хориждан инвестициялар, технологиялар, ишчи кучи ва ахборот воситалари оқиб келишини енгиллаштириб мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Жаҳон хўжалигида мамлакатларнинг очик иқтисодиётга ўтиш жараёнлари трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолияти билан янада тезлашди. ТМКлар янги бозорларни ўзлаштиришга интилиб, турли мамлакатларда кичик шохобчаларни, шуъба корхоналарни ташкил этиб, давлатларнинг протекционистик тўсиқларини айланиб ўтдилар ва халқаро иқтисодий айирбошлашни байналминаллаштирдилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида транспорт, ахборот-алоқа воситаларининг сезиларли ривожланиши ҳам миллий иқтисодиёт «очиклик» даражаси ривожланишида, шунингдек аҳолининг ҳаракатчанлик ҳолати ошишида ҳам муҳим роль ўйнади. Узоқ йиллар мобайнида давлатларни бир-биридан ажратиб турган савдо-иқтисодий, молиявий-валюта тўсиқлари олиб ташланди. Халқаро айирбошлашнинг эркинлаштирилиши эса миллий хўжаликларнинг ташқи иқтисодий шароит таъсирларига мослашишини енгиллаштирди, уларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида янада фаоллик кўрсатишига имкон яратди.

60-йиллардан бошлаб Жаҳон иқтисодиётида «очиклик» жараёнлари бир қатор ривожланаётган мамлакатларга тарқала бошлади. 80-йиллар бошида Хитой ҳам «очиклик» сиёсатига тарафдор эканлигини билдирди. Хуллас, «очиклик» атамаси дунёнинг кўплаб мамлакатларининг изоҳли луғатига (Масалан, арабча - «инфитах», хитойча - «кайфан» ва ҳ.к.лар.) кириб борди. Жаҳон иқтисодиёти тушунчасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолияти йиғиндиси;
- миллий иқтисодиёт йиғиндиси;
- халқаро иқтисодий муносабатлар йиғиндиси;
- трансмиллий компаниялар ва трансмиллий банклар фаолияти;

- мамлакатлар гуруҳи интеграцияси;
- инсониятнинг иқтисодий фаолияти натижалари ва бошқалар.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиёти XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида вужудга келиб ҳозирги кунда ҳам тараққий этиб бораётган иқтисодий тизимдир. Унинг асосини товарлар ва хизматлар кўрсатиш, интеллектуал мулк маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни халқаро савдо жараёнида тақсимловчи, айирбошловчи ҳамда истеъмол қилувчи миллий иқтисодиётни ташкил этади.

2.2. Жаҳон иқтисодиётида «очиқ иқтисодиёт» тушунчаси

Жаҳон иқтисодиётида «эркин савдо» ва «очиқ иқтисодиёт» каби тушунчаларни фарқлаш лозим. «Эркин савдо» ҳақидаги қарашлар концепцияси аслида А. Смитнинг сиёсий иқтисодиётидан (XVIII аср) бошланган бўлиб, у замонавий Америка иқтисодчиларининг кашфиёти эмасдир. «Очиқ иқтисодиёт» тушунчаси ишлаб чиқариш омиллари, ахборот, миллий валюталарнинг ўзаро алмашуви эркин ҳаракатини ўз ичига олган товарлар савдоси сифатидаги «эркин савдо» тўғрисидаги қарашлар концепциясидан кенгроқ тушунчадир. Очиқ иқтисодиётни автаркия, ўз-ўзини таъминлаш иқтисодиёти, ҳаддан ташқари ўз кучига суянишнинг антиподи сифатида ҳам тушуниш лозим. Очиқ иқтисодиётнинг вужудга келиши - жаҳон иқтисодий ривожланишининг объектив аломатидир. Очиқ иқтисодиёт тамойилларига мос ҳаракат қилиш –жаҳон бозори андозаларини тан олиш ва унинг қонун-қоидалари асосида ривожлантиришдир.

Очиқ иқтисодиётнинг яхлитлиги жаҳон хўжалигига, жаҳон бозорига интеграциялашган ягона иқтисодий мажмуани назарда тутди. Очиқ иқтисодиёт турли ҳамкорликдаги тадбиркорлик шаклларида фойдаланиш, эркин тадбиркорлик ҳудудларини ташкил қилиш, ташқи савдода давлат якка ҳокимлигини йўқотиш (кўп соҳалар бўйича), халқаро меҳнат тақсимоотида давлатнинг нисбий устунликларидан самарали фойдаланишдир.

Очиқ иқтисодиётнинг энг муҳим ўлчовларидан бири маълум иқтисодий мақсадга мувофиқлик, халқаро рақобатбардошлилик доирасида (соҳа ва

макроиқтисодий даражада) капитал қўйилмалар, технологиялар, ахборот оқимини рағбатлантирувчи қулай инвестиция муҳитидир. Очiq иқтисодиёт ички бозорнинг хориж капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучи оқимининг очiqлигини назарда тутди.

Жаҳон иқтисодиётида очiq иқтисодиётнинг афзаллик томонларини биз қуйидаги ҳолларда қўришимиз мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви чуқурлашишида;
- ресурсларни самарадорлик даражасига қараб тақсимлашда;
- халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибаси тарқалишида;
- миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайишида.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида шаклланиб бўлган очiq иқтисодиёт ва очiq иқтисодиётга ўтиш бир хил нарса эмас. Очiq иқтисодиёт давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари назоратсизлиги ва чегараларнинг очiqлиги дегани эмас. Очiq иқтисодиёт механизмини шакллантиришда давлатнинг сезиларли аралашуви талаб этилади. Жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатаида иқтисодиёт мутлақо очiq эмас.

Жаҳон иқтисодиётида стихияли очiqлик иқтисодий ривожланишга ёрдам бермайди, балки иқтисодий хавфсизликка хавф туғдиради. Самарадорлик, рақобатбардошлик, миллий хавфсизлик тамойиллари асосида қурилган очiqлик экспорт таркиби ва капитал ҳаракатининг ташқи дунё билан ўзаро таъсирига эмас, балки валюта, солиқ, кредит ва инвестиция сиёсатиға боғлиқлигини ҳам ҳисобға олишлигини талаб этади.

Жаҳон иқтисодиётида очiqлик даражасининг биринчи даражали кўрсаткичлари қаторига экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини киритиш мумкин. Уларнинг комбинацияси алоҳида миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозори билан алоқалари миқёси ҳақида тушунча беради. Шундай қилиб, экспортнинг ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) муносабати экспорт квотаси сифатида аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{кв}} = (\mathcal{E}/\text{ЯИМ}) \times 100\%$$

бу ерда: $\mathcal{E}_{\text{кв}}$ - экспорт квотаси, $\mathcal{E}$ - экспорт ҳажми.

Агар $\mathcal{E}_{\text{кв}}$ 10 % бўлса, иқтисодиётнинг очиқлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодиёт очиқлигининг бошқа кўрсаткичи импорт билан ЯИМ муносабатидан келиб чиқувчи импорт квотаси кўрсаткичидир:

$$И_{\text{кв}} = (И_{\text{м}}/ЯИМ) \times 1100\%$$

бу ерда: $И_{\text{кв}}$ - импорт квотаси, $И$ - импорт ҳажми.

Очиқликнинг комплекс кўрсаткичларидан бири сифатида одатда ташқи савдо квотаси кўрсатилади:

$$ТС_{\text{кв}} = (ТС/ЯИМ) \times 100\%$$

бу ерда: $ТС_{\text{кв}}$ - ташқи савдо квотаси, $ТС$ – ташқи савдо айланмасининг ҳажми.

Бу кўрсаткичнинг камчилиги унда капитал экспорти катталигининг ҳисобга олинмаганлигидир.

Куйида «катта еттилик» давлатлари учун ташқи савдо квотаси кўрсаткичлари келтирилган:

Англия – 41,8 %; Германия – 50,8 %; АҚШ – 17,0 %; Япония – 17,8 %.

Мамлакат ички бозорининг ҳажми, унинг иқтисодий ривожланганлик даражасига, давлатнинг халқаро ишлаб чиқаришда қатнашувига, иқтисодиётнинг очиқлиги даражаси ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишлик даражасига таъсир қилувчи омилларга боғлиқдир. Баъзи бир иқтисодчи олимлар иқтисодиёт таркибидаги асосий соҳаларнинг (энергетика, металлургия, тоғ-кон ва бошқалар) улуши қанча кўп бўлса, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштироки, иқтисодиётнинг очиқлиги шунча кам бўлади, - деган фикрни билдиради. Америкалик иқтисодчилар Ж. Сакс ва Э. Уорнерлар эса миллий иқтисодиётнинг очиқлик даражаси мамлакатда «ҳаддан ташқари катта» экспорт ва импорт божларининг йўқлиги, миллий валютанинг «етарли даражада» конвертацияси мавжудлиги билан аниқланади, деб кўрсатиб, «давлат социалистик бўлмаслиги керак», деган фикрни билдирдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кўрсатиб берилган коэффициент ва кўрсаткичлар ҳар доим ҳам иқтисодиёт очиқлиги ҳолатини тўлиқ кўрсата олмайди. Масалан, ташқи савдо квотаси маълум маънода иқтисодиёт очиқлигини намоён қилса ҳам, унинг синтетик кўрсаткичи бўла

олмайди. Ташқи савдо квотаси асосан давлатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштирокини кўрсатади. Бу эса очик иқтисодиёт тушунчасининг бир қисми холос. Иқтисодиётнинг очиклик кўрсаткичи мураккаброк, комплекс кўрсаткичдир.

1995 йилда Россияда ташқи савдо квотаси 35 %га яқин бўлиб, ЯИМ нинг тахминан 25 %и экспортга тўғри келган. Хўш, бу Россия иқтисодиёти юқори даражада очик деган маънони берадими? Хуллас, божларнинг на ўртача даражаси бўйича, на экспорт таркиби бўйича на инвестиция иқлим параметрлари бўйича, шунингдек бошқа бир қатор кўрсаткичлари бўйича бу саволга қониқарли жавоб бериш мушкулдир. Чунки, Россиянинг стихияли тарзда шаклланаётган очик иқтисодиёти тартибсизлик ва анархияга яқиндир. Уни кўпроқ квазиоциклик деб таърифлашди. Бундай «очиклик» ялпи демократиялашда ташқи савдони тартибсиз эркинлаштириш бўлганлиги учун ҳам иқтисодиётнинг самарадорлиги ва унинг рақобатбардошлигига ёрдам бермасдан, аксинча, унга сезиларли зарар ҳам етказиб давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

МДХ мамлакатларининг жаҳон хўжалиги тизмига кириб боришини таҳлил этиб, Германиялик иқтисодчи Х. Шрёдер: «МДХ мамлакатларининг жаҳон бозорига кириб бориши, савдо имтиёзлари, протекционистик чоралар ва кенг миқёсдаги техник-технологик ёрдамсиз мумкин эмас», деб таъкидлайди. Ўз навбатида М. Пебро: «савдонинг эркинлиги «эҳтиёткор» бўлиши керак, чунки бу қоидалардан кўр-кўрона фойдаланиш кучсизларнинг кучлиларга тезда бўйсунishiга, иқтисодий колониализмни келиб чиқишига олиб келиши мумкин», - деб эслатиб ўтади.

2.3 Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув тушунчасининг мазмуни ва моҳияти

Жаҳон иқтисодиётида XX-XXI асрлар бўсағасида – глобаллашув деган тушунча пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ушбу тушунча тарихчилар, иқтисодчилар, технологлар, файласуфлар, шуниндек кўплаб мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ҳамда жамият вакиллари томонидан муҳокама қилинмоқда. Глобаллашув тарафдорлари ва унга қарши бўлганларнинг мавжудлиги ушбу тушунча турлича

талқин қилинишини англатади. Унинг тарафдорлари фикрича, глобаллашув иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, аҳоли фаровонлигини оширади, янги иш ўринлари яратилишига имкон беради. Унга қарши бўлганлар эса, савдо экспансиясининг кучайишига, иқтисодий жиноятларнинг ортишига (қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ноқонуний реэкспорт, наркотик моддалар савдосининг ошиши ва ҳ.к.лар) атроф-муҳит ифлосланишига, техник хавфсизлигига амал қилмасликка, болалар меҳнатидан фойдаланишга ва бошқа нохуш ҳодисалар билан боғлиқ муаммолар ривожлананишига олиб келади деб ҳисоблайдилар. Умуман олганда глобаллашув жараёнини тўхтатиб бўлмайди. Таҳлилчилар глобаллашув жаҳон иқтисодий ривожланишининг у ёки бу ижтимоий- иқтисодий, технологик ва экологик тенденцияларга қандай таъсир кўрсатишини ўрганишлари лозим бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида “глобаллашув” тушунчаси илк бор америкалик олимлар томонидан киритилди. Т. Левит “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақоласида глобаллашувни олдин тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўп кўрсаткичларга эга бўлган истеъмол товарлари стандартлашиши учун глобал бозорлар пайдо бўлиши билан боғлиқ янги тижорат воқелиги деб атаган. Иқтисодчи Н. Трифт эса глобаллашувнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатади;

- молиявий марказлашувнинг кучайиши. Унинг ёрдамида кредит маблағлари шакллантирилади, кредитлар берилади ва фойдаланилади, шунингдек капиталнинг ишлаб чиқариш устидан ҳукмронлиги ўрнатилади;

- ахборотлар аҳамиятининг ошиши;
- глобал олигополиянинг тўхтовсиз кенгайиши;
- трансмиллий корпорация(ТМК)лар сонининг ортиши;
- трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг шаклланиши ва миллий давлат ҳокимиятининг глобаллашуви.

Калифорния университети профессори М. Кастелс глобаллашув жараёнини “янги капиталистик иқтисод” деб атаб, унда ахборот, билим ва ахборот технологиялари ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлик ўсишининг асосий манбаи эканлигини таъкидлайди. Россиялик олима И.Г. Владимированинг фикрича, глобаллашув жаҳон иқтисодиёти байналминаллашувининг энг юқори босқичидир.

Хуллас, глобаллашув жаҳон иқтисодиётининг ўзаро боғлиқ бўлган турли соҳа ва жараёнлари кучайиб бориши, жаҳон хўжалигида товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ва билимлар бозори аста-секинлик билан ягона бозорга айланишини билдиради.

Глобаллашув жараёни жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларини, яъни:

- ташқи, халқаро, жаҳон миқёсидаги товарлар, хизматлар, технологиялар, интеллектуал мулк объектлари савдосини;
- ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатини (ишчи кучи, капитал, ахборот);
- халқаро молия-кредит ва валюта операцияларини (беғараз молиялаштириш ва ёрдам, иқтисодий муносабатлар субъектларининг кредит ва қарзлари, қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар, махсус молиявий механизмлар ва воситалар, валюта операциялари);
- ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, технологик ва ахборотлар соҳасидаги ҳамкорликни қамраб олади.

Замонавий жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви қуйидаги жараёнларда намоён бўлади:

- энг аввало ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви чуқурлашувида. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви истеъмол учун яратилган маҳсулотларни тайёрлашда жаҳоннинг турли давлатлари ва ишлаб чиқарувчилари иштирокини намоён қилади. Жаҳон савдосининг асосий қисмини ярим тайёр маҳсулотлар эгаллайди. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувида ТМК етакчи ҳисобланади;
- капиталнинг байналминаллашуви чуқурлашуви. Яъни, давлатларо халқаро капитал ҳаракатининг ўсиши, бунда энг аввало тўғри инвестициялар кўринишида, фонд бозорларининг байналминаллашуви;
- ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий, технологик билимлар алмашинуви натижасида, шунингдек халқаро ихтисослашув ва кооперациялашув, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ресурсларининг жойлашуви натижасида ишлаб чиқариш кучларининг глобаллашуви;

- халқаро ҳамкорликни амалга оширишни таъминловчи глобал миқёсдаги материал, ахборот, ташкилий-иқтисодий инфратузилманинг шаклланиши;

- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида айирбошлашнинг байналминаллашуви кучайиши. Бунда халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизматлар соҳаси асосий йўналишлардан бирига айланади;

- халқаро ишчи кучи миграциясининг ўсиши. Бунда ривожланган давлатларга ночор давлатлардан келган ишчи кучлари малака талаб қилмайдиган ёки паст малака талаб қиладиган ишларга жалб этилади;

- ишлаб чиқариш ва истеъмол байналминаллашувининг атроф-муҳитга бўлган таъсири ортиши. Бу эса замонавий глобал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг ортишини келтириб чиқаради;

Башоратчиларнинг фикрига кўра глобаллашув жараёнлари қуйидагиларни ўзига жалб қилади:

- минтакавий интеграция жараёнларини жадаллаштиради;
- хўжалик юритишни тўлиқ эркинлаштирмаган давлатлар иқтисодиётининг очиқлигини таъминлайди;

- барча бозорларда иштирокчиларнинг тўсиқларсиз қатнашувини таъминлайди;

- молиявий ва савдо операциялари чегараларини универсаллаштиради;

- бозорларни тартибга солиш ва назорат қилишни бир меъёрга келтиради, яъни унификация қилади;

- капитал жойлаштириш, инвестиция жараёнлари ва умумжаҳон тўлов-ҳисоб тизимларини стандартлаштиради.

Макроиқтисодий даражадаги глобаллашув давлатлар ва интеграция уюшмаларининг иқтисодий фаолликка тортиб, савдо ва инвестиция тўсиқларини олиб ташлайди, эркин савдо ҳудудларини ташкил қилиш асосида пайдо бўлади. Глобаллашув жараёнлари давлатлараро хўжалик юритиш учун иқтисодий, ҳукукий, ахборот ва сиёсий миқёсдаги ўзаро келишувларни ҳам қамраб олади.

Микроиқтисодий даражадаги глобаллашув компаниялар фаолиятининг ички бозордан ташқарида кенгайиши натижасида пайдо бўлади. Кўпгина йирик ТМК лар

глобал миқёсда ҳаракат қилади. ТМКлар глобаллашув жараёнининг субъекти бўлиб, глобаллашувнинг асосини, яъни уни ҳаракатга келтирувчи асосий кучидир.

Шу ўринда глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишимиз мақсадга моликдир. Глобаллашув жараёнининг ижобий томонлари қуйидагилардан иборатдир:

- глобаллашув натижасида халқаро меҳнат тақсимооти ва ихтисослашув чуқурлашиб боради. Бунда маблағ ва ресурслар самарали сарфланади;
- глобаллашув жараёнининг асосий устунликларидан яна бири, харажатларнинг қисқариши, нархларнинг пасайиши ва барқарор иқтисодий ўсишга олиб келишидир;
- глобаллашувнинг ижобий жиҳатларидан яна бири эркин савдодан келадиган ютуқ барча мамлакатларни қаноатлантиради;
- глобаллашув рақобатнинг кучайишини янги технологиялари яратилишини, шунингдек мамлакатлар ўртасида кенг тарқалишини таъминлайди. Глобаллашувнинг яна бир афзаллиги хорижий давлатларнинг илғор илмий-техник, технологик янгиликларини амалиётга татбиқ этиш натижасида иқтисодий қулайликка эришишилади;
- глобаллашув жараёнида халқаро рақобат кучайиб, миллий бозордаги ички рақобатчиларга ташқи бозордаги кучли рақиблар ҳам қўшилади. Бунда рақобат уларга нархларни пасайтириш ва танлаш имкониятини беради.
- глобаллашув илғор технологияларнинг тарқалиши ва глобал миқёсдаги ишлаб чиқаришнинг рационаллашуви натижасида меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади. Бунда жаҳон миқёсидаги инновацияларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиши мумкин.
- глобаллашув молиявий ресурсларнинг асосий қисми айланишини таъминлашга кенг имкон яратади.

Глобаллашув жаҳон ҳамжамиятини турли соҳаларда ҳаракатларини фаоллаштириб, инсоният учун умумий муаммоларни, энг аввало экологик муаммоларни ҳал этиш учун жиддий асос яратади. Хуллас, кўпчилик мутахассислар, глобаллашувнинг пировард натижаси жаҳондаги мамлакатларда фаровонликнинг ошишига олиб келади, деб умид қиладилар.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлар ривожланган мамлакатларда хайрихоҳлик билан, ривожланаётган мамлакатларда эса хавотир билан қабул қилинмоқда. Бунинг сабаби шундаки, глобаллашув жараёнининг афзалликлари барча мамлакатларга тенг тақсимланмайди. Шунинг учун ҳам глобаллашувдан ким фойда кўради, деган савол турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Замонавий глобаллашув жараёнлари энг аввало саноати ривожланган мамлакатлар мавқеини мустаҳкамлаб, уларга қўшимча афзалликлар беради. Халқаро меҳнат тақсимоти доирасида глобаллашув жараёнининг кенгайиши иқтисодий кам ривожланган мамлакатлар мавқеи салбий ўзгаришига сабаб бўлиб, уларни глобаллашув жараёни субъектларига эмас, балки объектларига айлантириши мумкин. Демак, глобаллашув жараёнларининг алоҳида мамлакатлар иқтисодиётига ижобий таъсир даражаси ушбу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнига боғлиқ. Амалда афзалликларнинг асосий қисми бой давлатларга ёки индивидларга тегади.

- Глобаллашув шароитида марказлаштирувчи кучларнинг марказлашиши билан боғлиқ бўлган бузғунчилик таъсири юзага чиқиши мумкинки, бу мамлакат ичидаги анъанавий алоқалар узилишига, ижтимоий муаммолар кучайишига, мазкур жамият учун бегона бўлган салбий оқибатлар туфайли барча мамлакатларда юзага келадиган муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: глобаллашувдан келадиган афзалликларнинг миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ўртасида бир хил тақсимланмаслиги; миллий иқтисодиётда саноатлашишнинг секинлашуви ва бошқалар.

2.4. Жаҳон ҳўжалигида глобаллашув жараёнларининг бориши

Замонавий жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви қуйидаги жараёнларда намоён бўлади:

- ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви чуқурлашувида. Бунда истеъмол учун яратилган маҳсулотларни тайёрлашда жаҳоннинг турли давлатлари ишлаб чиқарувчилари қатнашди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда жаҳон савдосининг асосий қисмини ярим тайёр маҳсулотлар эгаллаб турибди. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувида ТМКлар муҳим роль ўйнайди;

- капиталнинг байналминаллашуви чуқурлашувида. Яъни, давлатлараро халқаро капитал ҳаракатининг ўсишида, тўғри инвестициялар кўринишида, фонд бозорларининг байналминаллашувида;

- ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий, технологик билимлар алмашувида. Яъни халқаро ихтисослашув ва кооперациялашувда, ишлаб чиқариш ресурсларининг халқаро миқёсда жойлашувида, ишлаб чиқариш кучларининг глобаллашувида;

- халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг глобал миқёсдаги материалларида, яъни, ахборот воситалари, ташкилий иқтисодий инфратузилмаларнинг шаклланиши ва бошқалар;

- халқаро меҳнат тақсимооти чуқурлашуви натижасида айирбошлашнинг байналминаллашуви кучайишида. Яъни, халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизматлар соҳасининг асосий йўналишларидан бирига айланишида;

- халқаро ишчи кучи миграциясининг ўсишида. Яъни ривожланган давлатларга иқтисодиёти суст ривожланган давлатлардан келган ишчи кучларини малака талаб қилмайдиган ёки паст малака талаб қиладиган ишларга жалб этилишида;

- ишлаб чиқариш ва истеъмол байналминаллашувининг атроф-муҳитга таъсири ортишида. Бу эса замонавий глобал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг янада ортишини келтириб чиқаради.

2.5. Трансмиллий корпорациялар глобаллашув жараёнларни ҳаракатга келтирувчи омил эканлиги

Жаҳон иқтисодиётида макроиқтисодий даражадаги глобаллашув жараёнларида давлатлар интеграция уюшмаларининг иқтисодий фаоллигига интилиб, савдо ва инвестиция тўсиқларини олиб ташлайди, эркин савдо ҳудудларини ташкил қилади. Глобаллашув жараёнлари давлатлараро хўжалик юритиш учун иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва ахборот технологияси миқёсида ўзаро келишувларни ҳам қамраб олади.

Макроиктисодий даражадаги глобаллашув компаниялар фаолиятини ички бозордан ташқарида кенгайтириши натижасида пайдо бўлади. Бунда йирик трансмиллий корпорациялар (ТМК) глобал миқёсда ҳаракат қилади (миллий давлат эгалигидан қатъий назар истеъмолчиларнинг талабини қондириши учун). ТМКлар ички бозорга нисбатан кўпинча ташқи иқтисодий фаолиятда муҳим роль ўйнайдиган глобаллашув жараёнининг субъекти.

Хуллас, ТМКлар бу глобаллашувнинг асоси, уни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Шу ўринда биз глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатлари тўғрисида ҳам фикрлашсак мақсадли бўлур эди. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнининг ижобий томонлари: глобаллашув натижасида халқаро меҳнат тақсимооти ва ихтисослашув чуқурлашиб бориб, бунда маблағ ва ресурслар самарали сарфланиши; глобаллашув жараёнида харажатларнинг қисқариб, нархларнинг пасайиши ва барқарор иқтисодий ўсишга олиб келувчи ишлаб чиқариш рўй бериши; глобаллашув жараёнининг жиҳатларидан яна бири эркин савдодан келадиган ютуқ жаҳоннинг барча мамлакатларини қаноатлантириши; глобаллашув жараёнида рақобатнинг кучайиши янги техника-технология яратилишини таъминлаши (хорижий тўғри инвестициялар жаҳон савдосининг ўсишига олиб келади); глобаллашув жараёни хорижий давлатларнинг илғор илмий-техник, технологик ва нисбатан кам харажат талаб қилувчи янгиликларни амалиётга татбиқ этиш имконини бериши; глобаллашув жараёнида халқаро рақобат кучайиб, миллий бозордаги ички рақобатчилар таркибига ташқи бозордаги кучли рақиблар ҳам қўшилади (энг аввало истеъмолчиларга қулай бўлган рақобат уларга нархларни пасайтириш ва танлаш имконини беради); глобаллашув жараёнида илғор технологиядан рационал фойдаланиб, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ошади, инновациялар амалиётга узлуксиз татбиқ этилиши; глобаллашув жараёни давлатларга миллий молиявий ресурсларнинг асосий қисми айланиши имконини бериши; глобаллашув жараёни жаҳон ҳамжамиятининг турли соҳалардаги ҳаракатини фаоллаштиручи муаммолари, энг аввало экологик муаммоларни ҳал қилиш учун жиддий асос яратишидан иборат. Хуллас, кўпчилик мутахассислар,

глобаллашувнинг пировард натижаси жаҳон мамлакатларининг иқтисодий фаровонлиги ошишига олиб келади, деб умид қилмоқдалар.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашувнинг салбий оқибатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган муаммолар хавф-хатарлидир.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви турлича талқин қилинмоқда. Бу жараёнга нафақат экспертлар, олимлар, мутахассислар балки, турли мамлакатларнинг фуқаролари ҳам ўзларининг муносабатларини билдиришмоқда. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари ривожланган мамлакатларда хайрихоҳлик билан, ривожланаётган мамлакатларда эса хавотирлик билан қабул қилинмоқда. Бунинг сабаби шундаки, глобаллашув жараёнининг афзалликлари барча мамлакатларга тенг тақсимланмайди. Шунинг учун ҳам глобаллашувдан ким фойда кўради, деган савол турли мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида замонавий глобаллашув жараёнлари энг аввало саноати ривожланган мамлакатлар мавқеини мустаҳкамлаб, уларга қўшимча афзалликлар беради. Халқаро меҳнат тақсимоти доирасида глобаллашув жараёнининг кенгайиши иқтисодий кам ривожланган мамлакатлар мавқеи салбий ўзгаришига олиб келиб, уларнинг глобаллашув жараёнини субъектларига эмас, балки объектларига айлантириши мумкин. Демак, глобаллашув жараёнининг алоҳида мамлакатлар иқтисодиётига ижобий таъсирининг даражаси ушбу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнига боғлиқдир. Амалдаги афзалликларнинг асосий қисми бой давлатларга ёки индивидларга тегади.

Глобаллашув шароитида марказлаштирувчи кучларнинг марказлашиши билан боғлиқ бўлган бузғунчилик ҳолатлар юзага чиқиши мумкинки, бу ҳолатлар мамлакатлар ичидаги анъанавий алоқаларнинг узилишига, ижтимоий муаммоларнинг кучайишига олиб келади. Барча мамлакатларда юзага келадиган муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- глобаллашувдан келадиган афзалликлар миллий иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида бир хилда тақсимланмаслиги;
- миллий иқтисодиётда саноатлаштиришнинг секинлашуви;

- мамлакатларда иқтисодиётни бошқарув ва назорати миллий ҳукумат қўлидан бошқаларга, жумладан кучлироқ давлатлар қўлига, яъни ТМКлар қўлига ўтиши ва бошқалар.

Шундай қилиб, XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳон ҳўжалигининг вужудга келиши, ривожланиши ва глобаллашувида ташкил топган йирик молиявий капитал гуруҳлар муҳим роль ўйнаган эди. ТМКлар йирик масштабдаги корпорацияларнинг шаклланиши ва пайдо бўлишида қатта аҳамиятга эга бўлди. ТМКларнинг глобал масштабдаги фаолияти шундан иборатки, улар ўз тактикаларини доимо такомиллаштириб, жаҳон бозорларининг энг муҳим нуқталарини, ишлаб чиқаришнинг энг муҳим соҳаларини, халқаро товарлар савдосида эса асосий объектларни эгаллаб бормоқда. АҚШнинг «жаҳон автомашинаси» модели деб ном олган «модео» базасидаги автомобил концерни энгил автомашиналар ишлаб чиқариш бўйича, шунингдек Япониянинг «Мацусита» («Панасоник») фирмалари глобал стратегик аҳамиятга эгадир. Ушбу йирик ТМКлар уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришдан тортиб, электр асбоб-ускуналарини, совутгичларни ишлаб чиқаришда ҳам жаҳон мамлакатларининг 40 га яқинида 150 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарига эгадир. Ушбу концернлар дунё илм фанининг энг янги ютуқларидан фойдаланиб, турли бозорлар ва маданий марказларда НИОКР масштабида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай ТМКларга турли давлатларнинг мутахассислари ҳам тортилмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг «Ройал – Датч – Шелл» компаниясининг Лондондаги штаб – квартирасида ишлаётган ходимлар 40 га яқин миллат вакилларида иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги йирик нефть корхоналари жойлашган давлатларнинг вакиллари.

Таянч иборалар

Жаҳон ҳўжалиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, амалга ошириш механизми, «очиқ иқтисодиёт», автаркия, ташқи савдо квотаси, байналминаллашув, глобаллашув.

Назорат учун своллар

1. Жаҳон ҳўжалигининг ривожланиш босқичларини тавсифлаб беринг.
2. “Очиқ иқтисодиёт”нинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
3. “Автаркия” нима?
4. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий томонларини характерлаб беринг.
6. ТМКлар глобаллашув жараёнларини ҳаракатга келтирувчи омил эканлигини очиб беринг.
7. ТМКларнинг глобал масштабдаги фаолиятини характерлаб беринг.
8. Капитал миграциясининг асосий сабабларини тавсифлаб беринг
9. Капитал миграциясига таъсир кўрсатувчи омилларни характерлаб беринг
10. Кейинги йилларда Халқаро капитал бозорларида рўй бераётган ўзгаришларни тавсифлаб беринг.
11. Трансмиллий корпорациялар деб қандай компанияларга айтилади?
12. ТМКларни жаҳон бозорига кириб бориш усулларини очиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
5. 6. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
7. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
8. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

3-боб. ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

3.1. Жаҳон иқтисодиётида давлатларнинг таснифланиши ва асосий турлари

3.2. Жаҳон ҳўжалигида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси

3.3. Жаҳон ҳўжалигида мамлакатларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш

3.1. Жаҳон иқтисодиётида давлатларнинг таснифланиши ва асосий турлари

Жаҳон ҳўжалигида миллий иқтисодиётнинг ҳеч бири айрим ҳолда, бошқа бир миллий иқтисодиётлар билан ўзаро муносабатларга киришмай туриб тўлақонли равишда ривожлана олмайди. Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётнинг тўла автономлиги тўғрисида гапирганда, яъни ёпиқ иқтисодиётли мамлакатларга (Шимолий Корея ва Кубага) мисол келтириш жуда мушкулдир. Масалан, 1990 йилларнинг охирларида Шимолий Кореяда очарчилик юз берган бир пайтда ушбу мамлакатга Жанубий Корея ва ХХР томонидан беғараз гуманитар ёрдам кўрсатилган эди. Кубанинг жаҳон мамлакатлари билан бўладиган ташқи иқтисодий битимлари жуда кам бўлишига қарамай, ушбу мамлакат туристларни қабул қилиш ва машҳур гавана сигараларини хорижга етказиб беришга ихтисослашган.

Дунёдаги барча мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалик алоқаларида тутган ўрни, энг аввало, уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари орқали баҳоланади. Бу кўрсаткичлар қаторига мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ёки ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажмини, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ёки ЯММни, ўртача иш ҳақи миқдорини, ташқи савдо операциялари ҳажмини, капитал ҳаракатидаги кўрсаткичларни, мамлакатларнинг ташқи қарзларини ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. Бундан ташқари макроиқтисодий кўрсаткичларни баҳолашда инфляция ва ишсизликнинг ўсиш суръати, фоиз ставкаси, солиқ ставкалари, миллий валюта курсининг етакчи мамлакатлар валюталарига нисбатан ўзгариш динамикаси ва бошқа нисбий кўрсаткичлардан ҳам кенг фойдаланилади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳон мамлакатларини ўзаро солиштиришда аҳолининг саводхонлик

даражаси, ижтимоий рағбатлантириш ва нафақа миқдори, ўртача умр кўриш каби кўрсаткичлари ҳам инобатга олинади.

Жаҳон мамлакатларини гуруҳларга ажратишда турли мезонлардан кенг фойдаланилади. Ана шундай мезонлардан бири ҳудудий ёндошувдир. Мамлакатлар қитъалар бўйича гуруҳланади. Мисол учун Европа қитъасини Ғарбий, Марказий ва Шарқий Европага ажратиб, иқтисодий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдorigа кўра иқтисодий кам ривожланган, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар гуруҳига бўлиб ўрганилади. Хуллас, БМТнинг иқтисодий таҳлиллари бўйича жаҳон мамлакатларини ҳозирги кунда қуйидаги гуруҳларга: ривожланган мамлакатлар (бозор иқтисодиётли давлатлар), ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига бўлиб ўрганилмоқда. Ушбу гуруҳларга кирувчи мамлакатларни ҳам ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тамойилларига кўра яна бир неча кичик гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Масалан, ривожланган мамлакатлар ичида энг тараққий этган «катта саккизлик» мамлакатлар - АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада ва Россияни ёки ЕИ мамлакатлари (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Португалия, Швеция, Финляндия, Франция)ни алоҳида ажратиб ўрганиш мумкин. Ривожланган мамлакатлардан Исландия, Лихтенштейн, Норвегия ва Швейцария каби давлатлар Европа Эркин Савдо Ассоциациясига бирлашган бўлса, Шимолий Америкада АҚШ, Мексика ва Канада давлатлари эса минтақавий НАФТА ташкилотига бирлашган.

Ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар гуруҳига Марказий ва Шарқий Европаданинг собиқ социалистик мамлакатлари ва собиқ Иттифоқ ҳукумати таркибига кирган иттифоқдош республикаларни киритиш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётининг ривожланиши ва ташқи иқтисодий қарзлари миқдор жиҳатидан ҳам бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганилади. Масалан, соф кредитор, соф қарздор мамлакатлар ёки энергия ресурсларини экспорт қилувчи ёки бу ресурсларни импорт

килувчи мамлакатлар ва бошқалар. Хуллас, юқорида айтган фикрларни умумлаштирган ҳолда жаҳон мамлакатларининг қуйидаги типологиясини келтиришимиз мумкин:

1. Ривожланган «Катта саккизлик» давлатлар гуруҳи.
2. Ривожланган мамлакатлар гуруҳи.
3. Ривожланаётган «янги индустриал мамлакатлар» гуруҳи.
4. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари гуруҳи.
5. Иқтисодий ўтиш даври давлатлари гуруҳи (собик Иттифок республикалари гуруҳи).
6. Хитой Халқ Республикаси.
7. Ҳиндистон ва Покистон.
8. Нисбатан ривожланиб бораётган мамлакатлар гуруҳи.
9. Классик ривожланаётган давлатлар гуруҳи.
10. Иқтисодий кам ривожланган мамлакатлар гуруҳи.

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни даромад даражасига кўра кам даромадли (уларнинг сони 60 та), ўртадан кам даромадли (59 та), ўртадан юқори даромадли (37 та) ва юқори даромадли (53 та) мамлакатлар гуруҳига ҳам ажратиб ўрганилади.

3.2. Жаҳон ҳўжалигида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси

Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқариш омилларининг турли-туманлиги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини бир томонлама баҳолаш имконини бермайди. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- 1) аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМ ёки ЯММ;
- 2) аҳоли жон бошига тўғри келган миллий даромад;
- 3) миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси;
 - 4) аҳоли жон бошига тўғри келган асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси);

- 5) аҳолининг турмуш даражаси ва сифати;
- 6) иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси тарихий тушунчадир. Миллий иқтисодиётнинг ёки жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир ривожланиш босқичи, унинг асосий кўрсаткичларига у ёки бу даражада ўзгаришларни киритиб туради. Аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМ ёки ЯММ мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлашда энг муҳим кўрсаткичдир. Жаҳон мамлакатларини ривожланаётган ёки ривожланган мамлакатлар қаторига киритишда ана шу кўрсаткичлар муҳим роль ўйнайди.

Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 6000 АҚШ долл.дан кам бўлмаслиги керак. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМ ушбу кўрсаткичдан юқорироқ (масалан, Словения –9840, Саудия Арабистонида –7150, Уругвай –6130 ва ҳ.к.лар) бўлсада, уларни бошқа иқтисодий кўрсаткичлари йиғиндиси бўйича ривожланган мамлакатлар қаторига киритиб бўлмайди.

Жаҳон хўжалигида иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси ҳам муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Унинг таҳлили ЯИМ кўрсаткичлари асосида олиб борилади, яъни тармоқларнинг ЯИМдаги улуши ҳисобланади. Бунда энг аввало, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларининг нисбати эътиборга олинади. Бу нисбат, биринчи навбатда, жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида қайта ишлаш саноатининг солиштирма оғирлиги билан аниқланади.

Жаҳон иқтисодиётида аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий маҳсулот турларининг ишлаб чиқарилиши ҳам мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда энг аввало, аҳоли жон бошига тўғри келадиган электр-энергия маҳсулотларини ишлаб чиқариш муҳим. Чунки электр-энергия бошқа барча ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланиши асосини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги нисбат 500:1, баъзан бундан ҳам юқори бўлиши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида электр-энергиядан ташқари муҳим аҳамият касб этувчи турлар ичида аҳоли жон бошига тўғри келадиган пўлат эритиш, металл кесувчи

дастгоҳлар, автомобиллар, табиий ўғитлар, кимёвий толалар, қоғоз маҳсулотларини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари дон, сут, гўшт, шакар, картошка каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ҳам тармоқлар ичида муҳим кўрсаткич саналади. Аҳолининг турмуш фаровонлигини аниқлашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ноозик-овқат товарлари (матолар, кийимлар, пойабзал, тўқимачилик маҳсулотлар) ҳам зарур кўрсаткичдир.

Мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини аниқлашда ЯИМнинг фойдаланиш бўйича таркиби, айниқса, шахсий истеъмол харажатлари муҳимдир. Узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар қанча кўп истеъмол қилинса ёки хизматлардан кенг фойдаланилса, ушбу мамлакат шунча ривожланганроқ ҳисобланади. Аҳолининг турмуш тарзи даражаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кўрсаткичларда (истеъмол савати ва яшаш минимуми таҳлили) ҳам кўринади. Бундан ташқари жаҳон иқтисодиётида аҳоли турмуш тарзини аниқлашда меҳнат ресурсларининг ҳолати ва хизматлар соҳасининг ривожланиш кўрсаткичларидан ҳам кенг фойдаланилади.

3.3. Жаҳон хўжалигида мамлакатларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш

Жаҳон хўжалигида мамлакатнинг рақобатбардошлиги нималарга боғлиқ? Унинг негизида қандай омиллар ётади? Нима учун баъзи бир мамлакатлар улкан зафарларга эришяпти-ю, бошқалари эса йўқ? Нима сабабдан жаҳон бозорларида баъзи-бир мамлакатларнинг компаниялари етакчилик қилмоқда? Бундай саволлар жаҳон иқтисодиётида жуда кўплаб учраб туради. Жаҳон иқтисодиётида бирор- бир компаниянинг рақобатбардошлигини аниқлаш унчалик қийин эмас. Хуллас, жаҳон хўжалигида мамлакатларнинг рақобатбардошлигини қандай аниқлаш мумкин? Бунинг учун қандай кўрсаткичларни қараб чиқиш зарур? Кўплаб иқтисодчиларни ана шундай саволлар азалдан қизиқтириб келмоқда.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида Япония ва ЕИ мамлакатлари ўзларининг миллий валюта курсини АҚШ долл.га нисбатан пасайтириш ҳисобига устунликка эга бўлиб келмоқда. АҚШ иқтисодиёти эса тўлов балансининг камомадига

қарамасдан, ўз салоҳияти бўйича жаҳонда тенгсиздир. Савол туғилади: хўш рақобат устунликлари нима ўзи? Улар қандай юзага келади?

Юқоридаги барча саволларга биз америкалик иқтисодчи олим Майкл Портер назарияси ёрдамида жавоб топишимиз мумкин. Яъни, у мамлакат рақобатбардошлигини ушбу мамлакатнинг жаҳон бозорларида иштирок этувчи компаниялари рақобатбардошлиги орқали аниқлашни таклиф этади. Майкл Портер мамлакат фаровонлиги даражасини дастлаб микро даражада қараб чиқиш керак, зеро ЯИМ ва миллий даромад алоҳида олинган компанияларининг ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилади. Портер фикрича, ҳаттоки энг ривожланган мамлакатларда ҳам саноатнинг барча тармоқлари ва компаниялари бир пайтнинг ўзида ривожлана олмайди. Миллий иқтисодиёт ривожининг муваффақияти халқаро миқёсда фаолият олиб боровчи компаниялар билан чамбарчас боғлиқ.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро савдо орқали турли мамлакатларнинг энг рақобатбардош соҳаларида яратилган маҳсулотлар қайта тақсимланади. Ҳеч бир мамлакат барча жабҳаларда устунликка эга бўлмайди, чунки ресурслар чекланганлиги бунга ҳалақит беради. Энг муҳим вазифа мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишдир. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, ривожланган мамлакатларнинг ҳам ишлаб чиқарувчиларида рақобатбардош бўлмаган соҳалар мавжуд. Бинобарин, мамлакат иқтисодиётнинг самарадор ва рақобатбардош сегментларига ихтисослашиши керак. Рақобатбардош бўлмаган тармоқли соҳалар ё хорижга кўчирилиши, ёки улардан умуман воз кечиш мумкин. Жаҳон иқтисодиётида миллий саноат ва хизматлар соҳаси, қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлиги эркин бозор шароитида тўлақонли ривожлана олади. Ҳар қандай протекционизм сиёсати маҳаллий компанияларга субсидиялар берилишига, шунингдек рақобатчиларнинг кириши чекланиши миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлигига тўрт хусусият (омиллар шарти, ички талаб шарти, хизмат тармоқларининг мавжудлиги, фирмалар тузилмасининг стратегияси ва тармоқ ичидаги рақобат) тўғридан- тўғри таъсир ўтказди. Ушбу тўрт хусусият маҳаллий компанияларда рақобат қиладиган муҳитни шакллантиради. Ушбу муҳит

иқтисодиётда рақобат устунликлари яратилишига ёрдам бериши ёки аксинча, уларнинг юзага чиқишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида омиллар шarti ишлаб чиқариш омилларини ифодалайди. Ушбу шартларга инсон ресурслари, табиий ресурслар, илмий-ахборот, капитал, инфратузилма киради. Мамлакатларнинг рақобатбардошлиги учун керак бўлган асосий омиллар (табиий ва иқлимий ресурслар, географик жойлашув, малакага эга бўлган аҳоли) табиат инъомидир. Ривожлантирадиган омилларга (замонавий инфратузилма, юқори малакали кадрлар, илмий-техника ахборот воситалари ва бошқалар) эса меҳнат орқали эришилади. Айнан ана шу ривожлантирадиган омиллар жаҳон иқтисодиётида рақобат устунликларини беради. Юқорида қайд этилган омилларни умумий ва ихтисослашган омилларга ҳам ажратиш мумкин. Умумий омиллардан (автомобиль йўллари, темир йўллар, университетлар, тижорат банклари ва оммавий кутубхоналар) фаолиятнинг барча турларида фойдаланиш мумкин. Ихтисослашган омиллардан (юқори тезликка эга бўлган темир йўл излари, технологик институтлар, ипотека банклари ва тиббиёт кутубхоналаридан) алоҳида фаолият соҳаларида фойдаланиш мумкин. Жаҳон иқтисодиётида ихтисослашган омиллар рақобат устунликлари учун узоқ муддатлилиги билан ажралиб туради.

Ички талаб шarti унинг ички талаб ҳажми эмас, балки унинг сифати муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда ички талаб шартлари хусусиятида қуйидагилар кўпроқ аҳамиятга эгадир:

- Талаб таркиби (бозорни сегментларга бўлиш ва харидор эҳтиёжининг табиати, бозор сифими, тўлов қобилиятига эга бўлган талабнинг мавжудлиги, эҳтиёжлар тўғрисидаги ахборотлар, давлат харидлари, миллий сифат стандартлари, аҳоли концентрацияси, харидорларнинг маълумоти даражаси ва ҳ.к.лар).

- Ички талаб ўсишининг ҳажми ва табиати.
- Ички бозордаги афзалликлар, ташқи бозорга олиб ўтиладиган механизмлар.

Бунда учинчи шартнинг моҳияти шундан иборатки, алоҳида олинган бир тармоқнинг ривожланиши турдош ва хизмат кўрсатувчи тармоқларининг ривожланишига олиб келади. Масалан, Швецияда металлни қайта ишлаш саноати билан боғлиқ бўлган барча соҳалар (сифатли пўлат ишлаб чиқариш, подшибниклар,

турли инструментлар ишлаб чиқариш, электр асбоб-ускуналар ва автомобиллар ишлаб чиқариш) тараққий этган.

Жаҳон мамлакатларида компанияларни ташкил этиш усуллари, мақсадлари ва стратегиялари бир-биридан фарқ қилади. Фирмани бошқариш усули, раҳбарлик ва рақобат турлари миллий хусусиятларга боғлиқ. Масалан, Германияда йирик компаниялар, Италияда эса кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи, оилавий корхоналар рақобатбардош саналади. Бунда, компания ўз стратегиясига эга бўлмаса ёки унинг олиб бораётган стратегияси нотўғри бўлса, бу компания мамлакат ривожланишида муваффақиятга эриша олмайди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, агар мамлакатда бир хил товар ишлаб чиқарувчи ёки бир хил хизмат кўрсатувчи бир неча миллий ишлаб чиқарувчилар бўлса, бу миллий иқтисодиёт ривожини учун улкан ютуқ ҳисобланади. Тармоқ ичидаги рақобат иқтисодий тизим ривожланишида катта аҳамият касб этади.

Юқоридаги хусусиятдан ташқари рақобатбардошликка тасодифий ҳодисалар ҳам, шунингдек давлат сиёсати ҳам таъсир (ижобий ёки салбий таъсир) кўрсатиши мумкин. Тасодифларга компаниялар ҳам, ҳукумат ҳам ўз таъсирини ўтказиши олмайди. Тасодифий ҳодисаларга - кашфиётлар, йирик технологик силжишлар, ресурслар нархининг кескин ўзгариши, жаҳон бозори ёки ички бозорларда талабнинг ошиши, раҳбарларнинг сиёсий қарорлари, урушлар, табиий офатлар ва бошқалар мисол бўла олади. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида мамлакат рақобат устунлигига эришиш учун юқорида қайд этилган барча хусусиятлар бўйича устунликка эга бўлиш керак. Бирор-бир алоҳида ажратиб олинган хусусият бўйича устунлик хорижий рақобатчилар томонидан осонгина бартараф этилиши мумкин.

Таянч иборалар

Ички талабнинг ўсиши, миллий саноат, миллий валюталар курси, миллий иқтисодиёт, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, мамлакатнинг рақобатбардошлиги, протекционизм сиёсати.

Назорат саволлари

1. Жаҳон иқтисодиётида давлатлар қандай мезонларга кўра таснифланади?
2. Иқтисодий бирлашмаларнинг асосий турлари қайсилар?
3. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси қандай аниқланади?
4. Мамлакатларнинг жаҳон хўжалигида иштироки нималар билан белгиланади?
5. Жаҳон хўжалигида мамлакатларнинг рақобатбардошлигини қандай аниқлаш мумкин?

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Булатов А.С. Мировая экономика: Учебник. -М.: Юрист, 2004 .
2. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
3. Энциклопедия стран мира. -М.: Экономика, 2004.
4. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
5. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
6. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
7. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
8. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

4-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ

4.1.Халқаро меҳнат тақсимотининг мазмуни, моҳияти

4.2. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишига таъсир қилувчи омиллар

4.3. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг ўзига хос томонлари.

Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси

4.4. Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий концепциялари

4.1.Халқаро меҳнат тақсимотининг мазмуни, моҳияти

Миллий иқтисодиётнинг яхлит бир жаҳон хўжалигига бирлашиши, шунингдек халқаро иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ва моҳиятини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири халқаро меҳнат тақсимотидир. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланишда у ёки бу жиҳатлари билан қандайдир халқаро меҳнат тақсимотига (ХМТ) қўшилган. Унинг чуқурлашуви эса илмий-техникавий инқилобнинг (ИТИ) таъсири остида бўлган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишидан келиб чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш жаҳоннинг барча давлатлар учун қўшимча иқтисодий самара бериб, ўз эҳтиёжларини энг кам харажатлар билан тўлиқроқ қондириш имконини беради.

Хўш, меҳнат тақсимоти нима? Меҳнат тақсимоти - тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизимир. У жамият ривожланиши жараёнида фаолиятнинг сифат жиҳатдан дифференциацияси натижасида келиб чиқади. Халқаро меҳнат тақсимоти давлатлар ўртасидаги ижтимоий-ҳудудий меҳнат тақсимотининг даражаси ҳисобланади. У давлатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувига асосланади. ХМТ жаҳон хўжалигида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнлари ўсиб боришида ҳам муҳим роль ўйнаб, биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро алоқасини таъминлайди, иккинчидан, ишлаб чиқаришда халқаро, шунингдек минтақавий ихтисослашувларни шакллантиради.

Халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисидаги қарашлар концепцияси XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида яшаб ўтган инглиз классик иқтисодий таълимотчилари

А. Смит ва Д. Рикардо ишларида асосланиб, ривожлантирилган эди. А. Смит «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари» китобида (1776 й.) халқаро меҳнат тақсимоти назариясини таҳлил қилиб, савдо ва тадбиркорликда эркинлик зарурлигини исботлаган. Унинг фикрича, савдо эркинлигида рўй бераётган турли тўсиқлар бутун бир давлатлар ўртасида рўй бераётган халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашувига ҳалақит беради. Тўсиқларнинг тугатилиши ва халқаро алмашув майдонларининг кенгайиши эса миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувига ва ўзаро боғлиқлиги кенгайишига, умумжаҳон хўжалигининг юзага келишига олиб келади. Хуллас, А. Смит кейинчалик ўзининг жуда машҳур бўлган эркин савдо шиорини олға сурган эди. Унинг қарашлар концепциясини эса кейинчалик инглиз иқтисодчилари Д. Рикардо, Р. Торренс ва Жон Стюарт Милл ривожлантирди. Ушбу классикларнинг халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисидаги илмий назариясининг асосий ютуқларини биз ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлар назариясида кўрамиз. Бу назария халқаро савдо тўғрисидаги иқтисодий таълимотнинг «классик» асоси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлари назарияси асосида мамлакатлар орасида ишлаб чиқариш шароитларида фарқ мавжудлиги ҳақидаги ғоя ётади. Ушбу таълимотга кўра жаҳон мамлакатларида ҳар қандай табиий ва иқлимий шароитларда ҳам ҳар қандай товар ишлаб чиқарилиши мумкин деб ҳисобланади. Масалан, Шотландияда узум етиштириш мумкин. Лекин унинг таннари жуда баланд, шунинг учун ҳам ундан олинган винонинг нархи юқори бўлади. У ёки бу товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни солиштиришда талабга эга бўлган барча товарлар ишлаб чиқаришдан кўра энг кам харажат талаб қиладиган маълум бир товар ишлаб чиқариш фойдалироқ деган хулоса келиб чиқади. Ушбу товарга ихтисослашиш эса ташқи бозорда айирбошлаш йўли билан бошқа барча товарларни сотиб олиш имконини беради.

Нисбий харажатлар назарияси бирор-бир товарни ишлаб чиқаришда бир давлатнинг бошқа бир давлатдан мутлақ устунлиги эмас, балки бундай устунлик мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам ихтисослашув фойдали эканлигини исботлайди. Агар товар ишлаб чиқаришда халқаро даражадаги харажатларга нисбатан кам харажат

қилишнинг иложи бўлмаса, харажатларнинг ўртача даражадан кўплиги қайсидир бир товарда камроқ бўлади. Бошқа товарларга нисбатан фойдалироқ бўлган шу товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши керак. Ушбу ҳолатдаги ихтисослашиш самара беради. Бунда тескари ҳолат ҳам назарда тутилган. Мамлакат бир неча товарлар бўйича устунликка эга бўлса, бу устунлик максимал бўлган товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши керак. Хуллас, сиёсий иқтисод соҳасидаги классикларнинг ушбу ғоялари Э. Хекшер, П. Самуэльсон, Б. Олин, В. Леонтьев ва бошқа бир қатор ҳозирги замон иқтисодчилари томонидан янада ривожлантирилган эди.

4.2. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишига таъсир қилувчи омиллар

Жаҳон иқтисодиётида халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишига қандай омиллар таъсир қилади? Биринчидан ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, иккинчидан, ишлаб чиқаришда самарадорликни кўтариш, учинчидан, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга интилиш зарурати каби омиллар таъсир қилади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиш жараёнидаги асосий ҳолат, шу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда қидириши ва топишидир. Ҳар қандай давлатнинг халқаро алмашув жараёнида халқаро меҳнат тақсимоти устунликларининг оширилиши қулай шароитларда (экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ва ички бозор нархларидаги фарқини аниқлаш, арзонроқ бўлган импорт товарлардан фойдаланиб миллий ишлаб чиқаришдан воз кечган ҳолда ички харажатларни камайтириш ва ҳ.к.лар) амалга оширилади.

Агар биз жаҳон хўжалигини бутун бир тизим сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, унда ХМТни ушбу тизимни ташкил қилувчи бирлаштирувчи асос деб билишимиз лозим. Жаҳон иқтисодиётида халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиш суръатлари коэффициентлари 1971-2000 йилларда қуйидагича характерланган эди (4-жадвал).

**1971-2000 йилларда жаҳон иқтисодиётида халқаро меҳнат тақсимотининг
ривожланиш суръатлари коэффиценти**

	1971-1980	1981-1990	1991-2000
Жаҳон мамлакатлари бўйича	1,08	1,21	1,08
Саноати ривожланган давлатлар	1,11	1,31	1,15
Ривожланаётган давлатлар	0,99	1,03	0,80

Манба: Ломакин В.И. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004

Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариши кўп ҳолатларда ташқи истеъмолчиларга, шунингдек ички талаб- импортга йўналган бўлади деб тахмин қилинса, ривожланаётган давлатларда эса ички бозорнинг нисбатан тез, лекин экстенсив кенгайиши башорат қилинмоқда.

**4.3. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг ўзига хос томонлари.
Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси**

XX асрнинг 80-90-йилларида жаҳон хўжалигида мисли кўрилмаган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар рўй берган бўлиб, улар халқаро меҳнат тақсимотида сезиларли таъсир кўрсатган эди. Жаҳон иқтисодиётида халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг асосий йўналиши халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациясининг кенгайиши билан чамбарчас боғлиқ. Халқаро кооперация (ХК) ва халқаро ихтисослашув (ХИ) халқаро меҳнат тақсимотининг асосий шакллари бўлиб, унинг моҳиятини намоён этади.

Турли давлатлардаги корхоналарнинг маълум бир товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви замонавий илмий-техника инқилоби билан чамбарчас боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг технологик тизими мураккаблашиб бориши билан боғлиқ ҳолда тайёр маҳсулотга ишлатиладиган асбоб-ускуналар кўпайиб бормоқда. Масалан, енгил автомобилда 20 мингдан ортиқ, прокат дастгоҳларида 100 мингдан ортиқ, электровозларда эса 250 мингга яқин детал ишлатилади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви асосан иккита йўналиш (ишлаб чиқариш ва ҳудудий йўналиш) бўйича ривожланиб боради.

Ўз навбатида ишлаб чиқариш йўналиши: а) соҳалараро; б) давлатлар гуруҳи; в) алоҳида корхоналарнинг ихтисослашувига бўлинади. Худудий ишлаб чиқариш йўналиши эса ўз навбатида: а) алоҳида давлатлар; б) давлатлар гуруҳи; в) жаҳон бозори учун худудларда маълум товарларни ишлаб чиқариш каби ихтисослашувга бўлинади.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувининг асосий турларига, биринчидан, предметли (маҳсулот ишлаб чиқариш), иккинчидан, деталли (маҳсулотнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш), учинчидан, технологик ёки босқичли, яъни алоҳида технологик жараёнларни амалга ошириш турлари (масалан, йиғиш, бўйлаш ва ҳ.к.лар) ни киритиш мумкин.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви - халқаро меҳнат тақсимотининг динамик шаклидир. XX асрнинг 50-60-йилларида автомобилсозлик, авиасозлик, пластмасса ишлаб чиқариш ва ҳ.к.лар ихтисослашишида олдинги ўринлардан бирида турган бўлса, 70-80-йилларга келиб эса, халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувида ушбу соҳалар илғор ўринлардан бирини эгаллаган эди.

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли - халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ўсиб бораётган даражаси ҳамда мамлакат ичида ёки ташқарисида рўй беришидан қатъий назар мустақил корхоналар ўртасида рўй бераётган барқарор ишлаб чиқаришдаги алоқалар жараёни ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида ИТИ ишлаб чиқариш кооперациясининг муҳим элементи бўлиб, унинг ривожланишига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ишлаб чиқариш кооперацияси маълум бир муносабатлар тизими сифатида хизмат кўрсатаётган фаолиятнинг соҳаси ва ҳамкорликнинг усули ҳисобланади. Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқаришда-технологик ҳамкорлик, ушбу ҳамкорликка:

а) лицензиялар бериш ва мулкчилик ҳуқуқларидан фойдаланиш;

б) лойиҳа ва конструкторлик ҳужжатлари, технологик жараёнлар, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифати, қурилиш ва монтаж ишлари, кооперациялашган корхоналарни замонавий ишлаб чиқишга мослаштириш;

в) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификатлашни такомиллаштириш, шунингдек ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш каби ҳамкорликлар ҳам киради.

2. Кооператив маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо-иқтисодий жараёнлар соҳасидаги ҳамкорлик.

3. Сотилган техник асбоб-ускуналарга, дастгоҳларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик.

Жаҳон иқтисодиётида кооператив алоқаларни ўрнатишда асосан уч асосий усулга (ҳамкорликда дастурларни амалга ошириш, шартнома асосида ихтисослашиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш), алоҳида эътиборни қаратмоқ зарур. Ҳамкорликда дастурларни амалга ошириш ўз навбатида икки асосий шаклда (пудрат асосида ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликда ишлаб чиқариш) амалга оширилади. Шартнома асосида ихтисослашиш ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқиш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутди. Қўшма корхоналарни ташкил этиш эса, интеграциялашган кооперациядир.

4.4. Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий концепциялари

Жаҳон иқтисодиётида халқаро меҳнат тақсимотини модернизация қилиш соҳасидаги ғарб тадқиқотларини икки асосий гуруҳга («бир-бирига боғлиқлик»нинг турли вариантдаги қарашлар концепциясига эга бўлган гуруҳ, ХМТнинг мавжуд моделларини қайта кўриш бўйича муайян режалар асосида иш олиб боровчи гуруҳ) бўлиб ўрганиш мумкин.

Маълумки, «бир-бирига боғлиқлик» концепциясининг вакилларида бири - голландиялик иқтисодчи олим К. Нувенхаздир. У ўз фикрларини тасдиқлашда биринчи навбатда барча давлатлар учун умумий бўлган экологик омилларга (атроф-муҳитнинг барқарор эмаслиги, ердаги табиий ресурсларнинг чекланганлиги)

муружаат қилган эди. Унинг фикрича, ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатларнинг хомашё ресурсларига қарам бўлган ҳолда ривожланаётган бўлса, ривожланаётган давлатлар эса ўз навбатида саноати ривожланган давлатлардан замонавий техник-технологик ва бошқа саноат маҳсулотларига қарамликда ривожланиб келмоқда. Демак, улар бир-бирига иқтисодий жиҳатдан боғлиқдир. Голландиялик олимнинг фикрича, жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимотини вужудга келтириб, янада ривожлантирмоқ керак. К. Нувенхузнинг ўзаро боғлиқлик концепцияси жаҳон иқтисодиётида умумий характерга эга бўлиб, бошқа иқтисодий назариялар гуруҳини, яъни мавжуд халқаро меҳнат тақсимотини «замонавийлаштириш» назарияси вужудга келиши учун асос бўлган эди. Халқаро меҳнат тақсимотини «замонавийлаштириш» назариясига мувофиқ ривожланаётган давлатлар протекционизм сиёсатидан воз кечишиб иқтисодиётга хорижий капитални кенг жалб қилишлари лозим (ривожланаётган давлатлар шу йўлни тутмоқдалар). Улар жаҳон иқтисодиётида «очик эшиклар», «очик иқтисодиёт» сиёсатини олиб боришиб, кўплаб қўшма корхоналар, эркин тадбиркорлик зоналарини ташкил қилмоқдалар. Бундай ҳолатларни биз, айниқса, Осиё-Тинч океани минтақаси ва Лотин Америкасининг «Янги индустриал давлатлари»да (Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Тайвань, Бразилия, Аргентина ва бошқалар) кенг ёйилганини кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда ушбу давлатлар протекционизм сиёсатидан тўлиқ воз кечмасдан ундан зарур бўлганда фойдаланмоқдалар.

Хўш, саноати ривожланган давлатлар иқтисодчиларининг фикрига кўра, «замонавий» халқаро меҳнат тақсимотининг мазмуни ва моҳияти нимада? Асосий маъно ривожланаётган давлатларни янги соҳаларга йўналтиришдан иборат. Ушбу давлатлар, биринчи навбатда саноати ривожланган давлатлар эҳтиёжини қондириш учун экспортга меҳнатталаб, материалталаб стандартлашган товарлар ишлаб чиқаришга мослашишлари лозим. Ўз навбатида саноати ривожланган давлатлар ҳам юқори малакали ишчи кучини талаб қиладиган ва ИТИ тез ривожланиб бораётган иқтисодиёт соҳаларига мослашишлари ҳам лозим. Ушбу назария ҳозирги кунда аста-секин амалга оширилмоқда. Масалан, ривожланаётган мамлакатларга

йўналтирилаётган капиталнинг умумий ҳажмида қайта ишлашга йўналтирилган капиталнинг улуши кўпайиб, қисман «зарарли» ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланаётган давлатларга кўчиш жараёнлари рўй бермоқда.

Жаҳон иқтисодиётида соҳавий ихтисослашиш уч босқичли схема бўйича амалга оширилмоқда. Жумладан, биринчидан, ривожланаётган «янги индустриал давлатлар» асосан нисбатан малакали меҳнат ва замонавий технологиялар талаб қилувчи товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда, иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларнинг кам ривожланганлари асосан меҳнатталаб ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига хомашё етиштириб беришга ихтисослашмоқда (энг кам ривожланган давлатлар бу схемага умуман тушмайди), учинчидан, саноати ривожланган давлатлар асосан капиталталаб, юқори технологияли товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий қарашлар концепцияси, унинг режалари, шунингек бу назарияларни амалга оширишни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон ҳўжалигида ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги даражасида саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида янги турдаги халқаро ихтисослашиш ва кооперациялашув жараёнлари вужудга келиб, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида интеграция жараёнлар кучайиб бормоқда.

Таянч иборалар

Демографик муаммолар, ишсизлик, урбанизация, миграция, меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ихтисослашуви, кооперация, илмий-техник инқилобнинг таъсири.

Назорат саволлари

1. Халқаро меҳнат тақсимотининг мазмуни ва моҳияти нимадан иборат?
2. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишига таъсир этувчи қандай омилларни биласиз?
3. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг ўзига хос томонларини характерлаб беринг.
4. Халқаро ихтисослашув нима?
5. Ишлаб чиқариш кооперациясининг мазмуни ва моҳиятини тавсифлаб беринг.
6. Халқаро меҳнат тақсимотни ривожланишининг ғарбдаги замонавий қарашлар концепциясини характерлаб беринг.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Булатов А.С. Мировая экономика: Учебник. -М.: Юрист, 2004 .
2. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
3. Энциклопедия стран мира. -М.: Экономика, 2004.
4. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
5. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
6. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
7. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
8. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

5-бoб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР

САЛОҲИЯТИ

5.1. Жаҳон хўжалигида ресурсларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш муаммолари

5.2. Жаҳон хўжалигида табиий ресурслар

5.3. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари

5.4. Фойдали хомашё ресурсларида жаҳон нархларининг шаклланиши

5.1. Жаҳон хўжалигида ресурсларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш муаммолари

Жаҳон хўжалиги ривожланишида табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган муаммолар муҳим роль ўйнайди. Ушбу муаммолар жаҳон иқтисодиётининг ишлаб чиқариш, молия-валюта ва ташқи иқтисодий фаолият ва бошқа соҳаларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Буни, биз жаҳон иқтисодиётида содир бўлиб турган иқтисодий инқирозлар (70-йиллардаги) мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида табиий хомашё ресурслари ҳар қандай ишлаб чиқариш учун бошланғич материал бўлиб ҳисобланади. Хомашё ресурсларининг улуши турли маҳсулотларда турлича бўлиши мумкин. Масалан, машинасозлик саноатида хомашё ресурсларининг улуши 10-12 %ни ташкил этса, асосий кимёвий синтез маҳсулотларда эса 80-90 %ни ташкил этиши мумкин. Табиий хомашё ресурслари жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари иқтисодиёти учун сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат бойлиги ва даромад келтирувчи асосий манбаларидан биридир.

Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш соҳаларининг кўпайиб, кенгайиб бориши хомашё ресурслари истеъмолининг ортиб боришига сабаб бўлади. 1945-1975 йилларда жаҳон хўжалигида истеъмол қилинган хомашёлар маҳсулотларининг миқдори 1940 йилгача инсоният тарихида истеъмол қилинган хомашё маҳсулотларининг миқдorigа тенг бўлган. Ушбу давр мобайнида саноати ривожланган давлатларда ишлаб чиқариш 3,5 марта ўсган ҳолда, тоғ-кон металлургия саноат маҳсулотлари истеъмоли тахминан 3 марта, кимёвий саноат маҳсулотлари истеъмоли 3,5 марта, бирламчи энергия манбалари (нефть, газ, кўмир, уран) истеъмоли эса 2,6 марта ўсган. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида хомашё

маҳсулотлари истеъмолининг миқдори ўзгариб боришига асосан қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

- моддий ишлаб чиқариш даражаси. Моддий ишлаб чиқаришнинг ўсиши хомашёга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади.

- илмий-техник ривожланиш. Ушбу ривожланиш якуний маҳсулот бирлигига тўғри келган харажатлар даражасининг нисбатан пасайиши ва тузилмасининг ўзгаришига олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётида истеъмол ҳажмининг ўсиб бориши сайёрамизнинг ресурслар салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатган эди. Бу эса объектив жиҳатдан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари кескинлашувига сабаб бўлган эди. Шу нуқтаи назардан жаҳон ҳўжалигида ер ресурслари долзарб муаммолардан бири эканлигини билишимиз мумкин.

Жаҳон ҳўжалигидаги ер усти ва ер остидаги табиий хомашё ресурслари миқдори чексиз эмаслиги барчамизга маълум. Табиий ресурсларнинг хусусияти шундаки, улар якуний маҳсулот бўлиб, уларнинг миқдори у ёки бу элементнинг ер қобиғи ва жаҳон океани-денгизларида мавжудлиги билан белгиланади. Демак, назарий жиҳатдан табиий ресурслардан узоқ йиллар мобайнида интенсив фойдаланган ҳолда уларнинг тугаб қолиши хавфи мавжуд. Аммо, максимал миқдор нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, кўплаб элементларнинг ер қобиғидаги миқдори табиий ресурсларнинг ҳозирги кунги истеъмолидан минг-миллион маротаба кўпроқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан олганда, табиий фойдали қазилма бойликларнинг саноат захиралари муҳим аҳамиятга эга. Саноат захиралари деганда, мавжуд нархлар ва техникавий билимлар даражасида ўзлаштириш учун самарали, сифатли ва яхши ўрганилган табиий фойдали қазилма бойликларнинг захиралари тушунилади. Бундай ресурслар миқдори жаҳон ҳўжалигида нисбатан чекланган. Масалан, саноат захиралари умумий миқдорининг ўртача йиллик қазиб олиш даражасига нисбати темир рудаси бўйича 190 йилга, никель бўйича 76, алюминий бўйича 280, мис 60, кўмир 600, газ 54, нефть 45 йилга тенгдир. Агар биз ушбу

фойдали қазилмаларни қазиб олиш даражаси йилдан-йилга ошиб боришини эътиборга оладиган бўлсак, бу муддат яна ҳам камайиши мумкин.

Агар жаҳон иқтисодиётида фойдали қазилма бойликларнинг саноат захираларини қазиб олишга нисбати ўзгармас ҳолда олинса, захираларнинг тугаб қолиш тезиси тўғри бўлиб чиқади. Аммо, ушбу нисбатнинг динамикаси кўриб чиқилганда, ҳолат бутунлай ўзгариши ҳам мумкин. XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жаҳон хўжалигида табиий фойдали қазилма бойликларининг саноат захиралари, илмий-техник тараққиёт (ИТТ) натижасида геологик кидирув ишлари тез суръатларда ўсиб борди. Жумладан, 1950–1990 йилларда жаҳон хўжалигидаги фосфат рудаларининг саноат захираларидан фойдаланиш тахминан 112 марта, темир рудаси — 2,2, хромли рудалар — 8, нефть — 11, алюминий — 37, мис — 5,7 марта ўсган эди. Жаҳон хўжалигида фойдали қазилма бойликларидан фойдаланиш таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, саноат захиралари миқдорининг ўсиш суръатлари қазиб олиш суръатларидан баландроқ экан. Умуман олганда, жаҳонда табиий ресурсларнинг саноат захиралари хўжалик ривожланишини таъминлаш нуқтаи назаридан етарли ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу захираларнинг миқдори кам ўрганилган ҳудудларда, шунингдек яхши маълум бўлган ҳудудларда ҳам сезиларли даражада оширилиши мумкин.

5.2. Жаҳон хўжалигида табиий ресурслар

Жаҳон хўжалиги табиий ресурслар билан етарли даражада таъминланганлиги мамлакатларнинг табиий хомашё ресурсларига бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилмайди. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқариш кучлари ва минерал ресурсларнинг жойлашишида сезиларли фарқлар мавжуд. Саноати ривожланган давлатларда ноёқилғи табиий ресурс захираларининг 36 %и, нефтнинг 5 %и, қайта ишлаш саноатининг 81 %и жойлашган. Ушбу давлатлар жаҳон хўжалигида катта миқдорда белгиланган табиий хомашё ресурсларининг, (масалан, хром, кўрғошин, рух, калий тузлари, уран хомашёси, бокситлар, темир рудаси ва бошқалар) жуда оз қисмига эга. Ривожланган давлатлар орасида энг кўп табиий ресурсларга Австралия, ЖАР, Канада, АҚШ каби мамлакатлар эга.

Ривожланаётган давлатлар ҳудудида ноёқилғи табиий ресурсларнинг 50 %, нефтнинг 2/3 қисми, табиий газнинг 50 %, фосфатларнинг 90 %, қалайнинг 86 %, кобальтнинг 88 %, мис ва никель рудаларининг 50-55 %и жойлашган. Ривожланаётган давлатлар жаҳон хўжалигида қайта ишлаш саноат маҳсулотларининг бор-йўғи 20 %ни ишлаб чиқаради холос. Ривожланаётган давлатлар орасида фойдали қазилма бойликлар билан таъминланганлик даражасида катта фарқ мавжуд. Жаҳон иқтисодиётида табиий қазилма бойликларининг асосий қисми ривожланаётган мамлакатларнинг тахминан 30 тасида жойлашган. Масалан, Форс кўрфази давлатлари ҳудудида жаҳон нефть захираларининг 2/3 қисми жойлашган. Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларидан ташқари нефтга бой бўлган давлатлар -Бразилия, Чили, Гвинея, Заир, Замбия ҳисобланади.

Шарқий Европа мамлакатлари ҳам сезиларли миқдорда табиий ресурсларга эга. Ушбу минтақада Россия табиий хомашё захираларига бой давлатлардан бири ҳисобланади. Россия ҳудудида жаҳон нефть захираларининг 13 %, табиий газ ва кўмирнинг 39 %, темир рудасининг 2/3 қисми, апатитнинг эса 70 %и жойлашган. Хуллас, Россиянинг табиий ресурслар захираси АҚШдан 3 баробар, ХХРдан 4,4 баробар кўпдир.

Жаҳон хўжалигида табиий хомашё ресурслари нисбатан кам ривожланган давлатларда мавжуд. Жаҳон иқтисодиётида хомашёнинг асосий қисмини истеъмол қиладиган давлатлар сони ундан ҳам камдир. Саноати ривожланган давлатлар ноёқилғи табиий хомашёнинг 69 %ини, нефтнинг 58 %ини, табиий газнинг 50 %ини истеъмол қилади. Ушбу давлатларда табиий хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш ўртасида ҳам катта фарқ мавжуд. АҚШда бу кўрсаткич 20 %ни ташкил этади. ЕИ давлатлари табиий хомашё ресурсларига бўлган эҳтиёжининг фақат 2/3 қисмини қондира олади холос. Японияда эса бу кўрсаткич яна ҳам пастроқ бўлиб 1/3 қисмини ташкил этади.

Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ учун энг катта муаммо нефтга бўлган эҳтиёжни қондиришдир. Ғарбий Европа мамлакатларида истеъмол қилинган нефть миқдори қазиб олинган нефть миқдоридан 2,5 марта, АҚШда - 1,9 марта кўпдир. Япония истеъмол қиладиган нефть маҳсулотларининг барчасини импорт қилади.

Ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг ривожланиш даражаси нисбатан пастлиги туфайли жаҳон табиий хомашёсининг 16 %ини истеъмол қилади холос. Бироқ ривожланаётган мамлакатларда саноатлашиш жараёнлари йилдан-йилга кучайиб бориши (ЯИД сингари) натижасида ушбу давлатларнинг табиий хомашё ресурсларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормокда.

5.3. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари

Жаҳон иқтисодиётида ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ҳолати фақатгина ушбу мамлакатда табиий хомашё ресурсларининг мавжудлиги ёки йўқлигига боғлиқ бўлмай, балки жаҳон хўжалигининг табиий секторидаги ҳолатига ҳам боғлиқдир. Бу ҳолат энг аввало табиий фойдали қазилма-бойликларининг асосий ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларига ҳам тегишли.

Жаҳон хўжалигида хомашё маҳсулотлари савдоси халқаро савдонинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Табиий хомашё маҳсулотлари савдоси ҳисобига жаҳон экспортининг 19-20 %и тўғри келади. Хомашё экспортида ёкилғи-энергетика маҳсулотлари савдоси 53-55 %ни ташкил этади. Ҳозирги кунда хомашё маҳсулотлари экспортида саноати ривожланган мамлакатларнинг роли ошиб, ривожланаётган давлатларнинг роли эса камайиб бормокда.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган давлатлар улушининг камайиши уларнинг хомашё маҳсулотларини етказиб берувчи давлатлар сифатидаги иқтисодий аҳамиятини пасайтирмайди. Масалан, ЕИнинг хомашё маҳсулотлари савдосида импортнинг 50-52 %и ривожланаётган давлатлар ҳисобига тўғри келади. Хомашё маҳсулотлари экспорт саноати ривожланиши жиҳатдан анча қолоқ ҳисобланган ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Бу эса иқтисодиётни хомашё экспортига қарам қилиб қўяди. Жаҳон хўжалигида бир қатор ривожланаётган давлатлар учун хомашё маҳсулотлари экспорти муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Замбия ва Зоир давлатлари экспорт тушумларининг 69-90 %и Мисга, Мавритания экспорт тушумларининг 70-75 %и темир рудасига, Гвинея экспорт тушумларининг 70 %и бокситга тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро хомашё бозорларининг ривожланиш хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида халқаро алоқаларнинг асосий субъектлари хусусий компаниялар ҳисобланади. Уларнинг асосий қисми Ғарб Европа давлатларининг ТМҚларига тўғри келиб, улар хомашё ресурсларини қазиб олишни ҳам, ундан самарали фойдаланишни ҳам назорат қиладилар. Бу ҳолат XX асрнинг 70-80-йилларига келиб бир оз ўзгарган эди. Яъни, ривожланаётган давлатлар аста-секин табиий ресурсларни ўзлари назорат қила бошлаган эди. Хомашё ресурслари ривожланаётган мамлакатларнинг тўлиқ ёки қисман давлатга тегишли бўлган компанияларида ҳам пайдо бўлди. Уларнинг ноёқилғи хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши унчалик катта бўлмасда, 10 % атрофида нефть ишлаб чиқаришдаги улуши жуда каттадир. Жаҳон ҳўжалигида бозорларнинг ташкилий тузилиши нарх-навонинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Агар бозорлар бир неча компания томонидан назорат қилинса ва айниқса у ёки бу хомашёни қазиб олиш ҳамда экспорт қилиш бўйича квоталар ҳақида келишувлар тузилса нарх-наволар сезиларли даражада ўзгариши мумкин. Бунга халқаро нефть маҳсулотлар бозорини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Маълумки, 1973 йилда ОПЕК давлатлари томонидан нефть қазиб олиш корхоналари давлат ихтиёрига ўтказилгач, улар нархни ўзлари белгилай бошладилар. Натижада нефтнинг нархи 1972-1981 йиллар мобайнида 14,5 марта, ёқилғи нархи 13,5 марта, хомашё ресурсларнинг ўртача нархи эса 12,5 марта ошган эди. Нефть нархини сақлаб туриш учун ОПЕК давлатлари уни қазиб чиқаришни квоталадилар.

Жаҳон ҳўжалигида табиий фойдали хомашё маҳсулотларининг нархлари кескин ўсиши саноатда такрор ишлаб чиқариш кескин ўзгаришига олиб келди. 70-йилларда рўй берган ёқилғи инқирози фойдали қазилма бойликлардан самарали фойдаланиш, табиий хомашё ресурсларини қазиб олишда экстенсив усуллардан интенсив усулларга ўтиш муаммоларини келтириб чиқарди.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий сиёсати асосан хомашё ресурсларини тежаш, ишлаб чиқаришда ёқилғи-

энергетика ресурсларига бўлган талабни камайтиришга қаратилмоқда. Шу мақсадда жаҳоннинг кўпгина давлатлари иккиламчи хомашё ресурсларидан фойдаланиш масалаларига ўз эътиборини қаратмоқда. Ушбу чора-тадбирлар ишлаб чиқаришнинг материал ва ёкилғи-энергетика ресурсларига талаблари кескин камайишига олиб келмоқда. Жумладан, 1960-1990 йилларда ишлаб чиқаришнинг энергетика ресурсларига бўлган талаб даражаси 25-30 %га камайган бўлиб, бу тенденция ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Жаҳон хўжалигида айниқса, энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Масалан, жаҳон хўжалигида ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 25 %и АЭСларга тўғри келади. Бундан ташқари саноати ривожланган давлатлар хомашё маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш даражасини оширишга ҳам катта эътибор бермоқда. Ушбу чора -тадбирлар туфайли Австралия, Канада, АҚШ ва ЖАР кўплаб турдаги табиий хомашё ресурсларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича жаҳонда илғор ўринлардан бирига чиқиб олган эди.

Жаҳон иқтисодиётида табиий хомашё ресурсларининг асосий истеъмолчиси бўлган ривожланган давлатлар ҳам, асосий экспортёр бўлган ривожланаётган давлатлар ҳам жаҳон бозорлари устидан ўз назоратини ўрнатишга интилмоқда. Бунга ривожланаётган давлатлар хомашё ишлаб чиқарувчи давлатлар ташкилотини (масалан, ОПЕК ташкилотига ўхшаш) тузиш орқали эришишга ҳаракат қилмоқдалар.

Жаҳон хўжалигининг тоғ-кон саноатида Ғарбий Европа давлатларининг ТМКлари роли ошиб бормоқда. 80-йилларда ноёқилғи секторда «Англо-Америкэн корпорейшн оф Саус Эфрика» бошчилигидаги энг йирик ўнта компания жаҳон тоғ-кон саноатида ишлаб чиқаришнинг 30 %и устидан ўз назоратини ўрнатган эди. 90-йилларда учтадан олтитагача бўлган йирик ТМКлар нефть савдосининг 70-75 %и, мис савдосининг 80-85 %и, темир рудаси савдосининг 90-95 %и, қалай савдосининг 75-80 %и, фосфатлар савдосининг 50-60 %и, бокситлар савдосининг 80-85 %и устидан ўз назоратини ўрнатган.

Жаҳон бозоридаги ҳолат МДҲ мамлакатларида металл экспортининг ошиши билан ўзгарди. 1992 йилда МДҲ давлатларининг жаҳон экспортидаги улуши алюминий савдоси бўйича 8,3 %ни, мис савдоси бўйича 5 %ни, рух савдоси бўйича 2,2 %ни ташкил этган.

5.4. Фойдали хомашё ресурсларда жаҳон нархларини шаклланиши

Фойдали хомашё ресурсларида нархлар шаклланишининг асосий хусусиятларидан бири - рента муносабатларининг мавжудлигидир. Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарувчилар нархни одатда, ишлаётган конларнинг энг ёмони, маҳсулотининг таннархи эса энг юқори бўлган корхоналар билан белгиланади. Бу ҳолат бошқа ишлаб чиқарувчиларга рента олиш имконини беради.

Таннархга таъсир этувчи муҳим омил қазиб олишнинг тоғ-кон геологик шарт-шароитлари, биринчи навбатда рудадаги фойдали компонентларнинг улуши ва конларнинг қулай жойлашганлиги ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида хомашёнинг жаҳон нархлари динамикаси ва даражасини аниқлаш учун қуйидаги нарх шаклларида кенг фойдаланилади:

-маълумот берувчи нархлар. Бунга экспорт нархларини кўрсатувчи улгуржи ва ташқи савдо нархлари киради. Одатда бу нархлар аниқ шартномаларнинг нархини эмас, балки сотувчиларнинг нархини англатади. Бу нархлар амалдаги нархлар учун «ориентир» бўлиб хизмат қилади;

-биржа котировкалари. Бу нархлар биржадаги ўзаро келишувларнинг нархи асосида аниқланади. Биржада чайқовчилик ҳоллари кўплаб учраб туриши боис биржа котировкалари аниқ нарх даражасини кўрсатмаслиги ҳам мумкин;

-ҳалқаро савдо шартномаларининг нархлари. Булар ташқи савдо нархларини кўрсатади. Ушбу ҳилдаги нархлар алоҳида товарлар экспорт ёки импортидаги қийматини унинг миқдорида бўлиш орқали аниқланади.

Таянч иборалар

Хомашё ресурслар, ёқилғи-энергетика, нефть, табиий газ ва кўмир, темир рудаси, апатит, ҳалқаро савдо, жаҳон нархлари, биржа котировкалари.

Назорат учун саволлар

1. Жаҳон хўжалиги ривожланишида табиий хомашё ресурсларининг аҳамиятини характерлаб беринг.
2. Жаҳон иқтисодиётида хомашё маҳсулотлари истеъмоли миқдори ўзгаришига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг.
3. Табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш қандай муаммоларни келтириб чиқариши мумкин?
4. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқариш кучлари ва табиий ресурслар жойланишидаги фарқларни очиб беринг.
5. Жаҳоннинг қайси мамлакатларида табиий ресурсларнинг асосий қисми жойлашган?
6. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини очиб беринг.
7. Хомашё ресурсларда жаҳон нархларини хусусиятларини характерлаб беринг.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Булатов А.С. Мировая экономика: Учебник. -М.: Юрист, 2004 .
2. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
3. Энциклопедия стран мира. -М.: Экономика, 2004.
4. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
5. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
6. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
7. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
8. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

6- боб. ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

6.1. Жаҳон хўжалигида аҳоли миграциясининг дастлабки кўринишлари

6.2. Жаҳон иқтисодиётида «демографик портлаш» жараёни. Аҳоли ўзгаришининг ўзига хос популяцион цикллари

6.3. Жаҳон иқтисодиётида аҳолининг ёшга қараб таснифланиши

6.4. Ишчи кучи миграциясини тартибга солишда халқаро меҳнат тақсимооти

6.1. Жаҳон хўжалигида аҳоли миграциясининг дастлабки кўринишлари

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар аҳолининг халқаро миграцияси қадимги (антик, ўрта асрлар), шунингдек капиталистик ишлаб чиқариш босқичлари даврида асосан кўчманчилик, ҳарбий юришлар ва ўзга мамлакатлар ҳудудини босиб олиш ёки колонизация қилиш шаклларида рўй берган эди.

Жаҳон мамлакатлари аҳолисининг миграцияси ўзига хос хусусиятга эгадир. Жаҳон миграцияси рўй беришида авваламбор аҳоли миграцияси муҳим роль ўйнайди. Аҳоли миграциясининг иқтисодий сабабларини аниқлашда уларнинг сиёсий, диний, этник ва ирқий келиб чиқиши сабабларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда баъзи бир саноати ривожланган мамлакатлар саноатнинг баъзи-бир соҳаларини ривожланаётган давлатларнинг ишчи кучи ресурслари ҳисобига ривожлантириб бормоқда. Масалан, Франциянинг автомобилсозлик саноат корхоналарининг 1/3 қисми, қурилиш соҳаларининг 1/4 қисми, Бельгия тоғ-кон саноат тармоқларининг 1/2 қисми, Швецариянинг қурилиш соҳаларини 40-45 %и хорижий мамлакатларнинг ишчи кучи миграцияси ҳисобига ишламоқда.

Жаҳон хўжалигида хорижий ишчиларни «ўзига тортувчи марказлар» Осиё материгининг Яқин ва Ўрта Шарқ (Саудия Арабистони, Қувайт, Бахрейн, Ливия, Ироқ), шунингдек Жануби – Шарқий Осиё мамлакатларида (Сингапур, Малайзия, Тайвань, Гонконг), Лотин Америкаси давлатларида (Бразилия, Аргентина, Венесуэла), Жанубий Африка Республикасида ташкил топган. Халқаро интеграциянинг ўзига хос характерли томонларидан яна бири яширин миграциянинг ниҳоятда юқори эканлигидир. Кейинги йилларда Шарқий Европа мамлакатларида

жумладан, собиқ Иттифоқ фуқаролари орасида яширин эмигрантлар сони тез ўсиб бормоқда.

Жаҳоннинг аксарият миллий ҳукумат бошлиқлари миграцион жараёнларга таъсир кўрсатмоқда. Улар нафақат эмигрантлар сонига, балки уларнинг профессионал мутахассислигига, жинсига (аёл ва эркеклиги), ёшига, тил билишига ва ниҳоят уларнинг мамлакатга доимо келиб – кетиб туришлигига ҳам эътибор беришмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида мутахассис ишчи кучларини экспорт қилувчи давлатлар ҳам ажралиб чиқмоқда. Буларга Югославия, Хорватия, МАР, Покистон, Португалия, Ҳиндистон, Туркия, Испания, Италия, Иордания, Яман Араб Республикаси каби ўнлаб давлатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу давлатларнинг аксариятида ишчи кучларини экспорт қилишдан кўрган фойдаси ташқи савдо, туризм ва бошқа соҳалардан келадиган фойдадан анча юқорироқ.

Жаҳон иқтисодиётида ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар келтираётган даромадларининг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- воситачилик қилувчи фирма ва ташкилотлардан солиқ ундириш ҳисобидан олинадиган фойда;

- эмигрантлар ўз валютасини бевосита ватанларига ўтказиб туриши ҳисобидан келаётган фойда;

- хусусий инвестор – мигрантлар томонидан миллий иқтисодиётни зарур бўлган воситалар (қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, кўчмас мулк ва бошқалар) билан таъминлаб туришдан келадиган фойда ва бошқалар.

Хуллас, жаҳон ҳўжалигида ишчи кучи миграцияси доимо ўсишлик, кенгайишлик характериға кириб бормоқда. XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳон мамлакатлари бўйича йиллик ишчи кучи мигрантлари сони тахминан 25-26 млн. кишини ташкил этган. Халқаро мигрантларнинг 60-65 %и ривожланаётган мамлакатларға тўғри келиб, тахминан уларнинг 2/3 қисми саноати ривожланган мамлакатларда меҳнат қилмоқда.

Жаҳон ҳўжалигини миллийлаштириш муносабати билан ташкил топган миллий ишчи кучи бозорлари базасида минтақавий ишчи кучи бозорлари ташкил топмоқда.

Халқаро меҳнат бозорларининг ташкил топиши ва ривожланишида ТМКлар муҳим роль ўйнаб, улар профессионал мутахассис кадрларни жаҳон хўжалигининг турли ишлаб чиқариш тармоқларига жойлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. ТМКлар ишлаб чиқариш ва капитални бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга ва ҳатто бир материкдан иккинчи бир материкка ўтказишга, шунингдек халқаро меҳнат бозорининг турли йўллар билан ривожланишига таъсир кўрсатиб келмоқда. ТМКлар ишлаб чиқарган ўз маҳсулотлари билан олиб бораётган техник – технологик сиёсати, ишчи кучи банд бўлган тармоқларнинг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. ТМКлар халқаро – меҳнат бозорида юқори мутахассисликка эга бўлган ишчи кучларининг замонавий талаблар бўйича шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Жаҳон иқтисодиётида ТМКлар ривожланиш даражасига етмаган баъзи бир мамлакатларнинг ишчи кучларини халқаро ишлаб чиқариш тизимига «тортиш»га ҳаракат қилиб, уларни жаҳон мамлакатларининг замонавий техник – технологияси, илғор ишлаб чиқариш соҳалари билан таништириш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Ҳозирги кунда халқаро ишчи кучи бозорлари доирасида махсус уларга таъсир кўрсатувчи «ТМКлар сегменти» ташкил этилган бўлиб, улар асосан Ғарбий Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ, Лотин Америкаси ва Африкада ташкил топган ишчи кучи бозорларида фаолият кўрсатмоқда. Халқаро ишчи кучи миграциясини тартибга солишда ХМТ муҳим ўринга эга.

Маълумки, инсон ресурслари жаҳон хўжалиги ресурсларининг муҳим кўринишларидан биридир. Анъанавий меҳнат ресурсларининг мигратив ҳаракатини, яъни уларнинг ижтимоий, иқтисодий, биологик ва географик омиллари билан боғлиқ бўлган қонунларини, ижтимоий тузилмадаги ўзгаришлар динамикасини, аҳолининг жойлашуви ва кўпайишини демография фани ўрганади. Демография фани асосида аҳолининг келажакдаги иқтисодий, ижтимоий – сиёсий ва маданий турмуш тарзи қандай аҳволда бўлишлиги ишлаб чиқилади. Жаҳон иқтисодиёти доирасида баъзи бир минтақалардаги аҳолининг келажак турмуш тарзини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ўзгариб боришига баҳо берилиб башорат қилинади.

Жаҳон иқтисодиётида илк бор инглиз олими Т.Р. Мальтус (1766 – 1834 йй.) демографик муаммоларнинг мавжудлигига биринчи бўлиб ўз эътиборини қаратган эди. Мальтус табиат билан ҳамоҳанг ўсимлик ва ҳайвонларнинг чексиз кўпайиши ва яшаши учун керакли маблағларнинг ўсишини таҳлил этиб, ўзининг «Нуфус қонуни»нинг математик ифодаси назариясини яратган эди.

Унинг фикрича, инсонлар ҳар 25 йилда икки марта кўпайиб, геометрик тараққиёт асосида ортиб борса (1,2,4,8,16,32,64,128...) тирикчилик воситалари энг қулай шароитларда ҳам арифметик тараққиёт (1,2,3,4,5,6...) асосида кўпайиши мумкин. Ушбу шароитда Т.Р. Мальтус 200 йилдан сўнг аҳоли сонининг тирикчилик воситасига нисбатан 256:9, 300 йилдан сўнг эса 40096:13 бўлишининг назарий томонларини ишлаб чиққан эди (5- жадвал).

5- жадвал

Т.Р. Мальтус «Нуфус қонуни»нинг математик ифодаси

Аҳолининг ўсиши	Геометрик тараққиёт	1,2,4,8,16,32,64,128...
Тирикчилик воситаларининг ўсиши	Арифметик тараққиёт	1,2,3,4,5,6...
200 йилдан сўнг	Аҳолининг 256 марта ўсиши	Тирикчилик воситаларининг 9 марта ўсиши
300 йилдан сўнг	Аҳолининг 9096 марта ўсиши	Тирикчилик воситаларининг 13 марта ўсиши

Манба. Раззоков А.А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи: Дарслик. - Т.:ФАН, 2002.

XX аср ер курраси аҳолисининг кескин ва тез ўсишлиги билан характерланади. Агар ер шарида яшовчи аҳоли сони милoddан аввалги 2,5 – 3 минг йиллар илгари (жез даврида) тахминан 50 млн. кишини ташкил этган, эрамизнинг I асри бошларига келиб 230 млн. кишига етган эди. XIX аср бошларига ер шарида яшовчи аҳоли сони 1 млрд. кишини ташкил этган бўлса, 1930 йилларга келиб 2 млрд. кишига, 1960 йилда 3 млрд. кишига, 1974 йилда 4 млрд. кишига, 1987 йилда 5 млрд. кишига етган эди. Олимлар томонидан 2020 йилга бориб ер шарида яшовчи аҳоли сони 8 млрд. кишига, 2030 йилга бориб эса 10 млрд. кишига етиб, унинг 75-80 %и Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келиши башорат қилинмоқда. Шундай қилиб, БМТ ва жаҳон иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий

ташкilotлар демографик муаммоларга етарлича аҳамият бериб, оилани режалаштириш дастурлари асосида аҳоли миграцияси ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизация жараёнларини молиялаштириш ишларини амалга оширмоқда. Жаҳон хўжалигида рўй бераётган глобал муаммоларни ҳал этиш учун жаҳон экспертлари иқтисодий тизимни қайта кўришни тавсия этишмоқда. Бунинг учун эса уч йўналишда (аҳоли сонини барқарорлаштириш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг муқобил манбаларига ўтиш, иккиламчи хомашё ресурсларидан кенг фойдаланиш) ҳаракат қилиш зарурлигини кўрсатмоқдалар.

6.2. Жаҳон иқтисодиётида «демографик портлаш» жараёни. Аҳоли ўзгаришининг ўзига хос популяцион цикллари

Жаҳон иқтисодиётида ер шари аҳолисининг кескин ўсиш жараёнлари XX асрга хос бўлиб, буни олимлар одатдагидек «демографик портлаш» жараёни билан боғлайдилар. Бу даврда аҳоли ўртасида ўлимнинг кескин пасайиши кузатилиб, туғилиш ниҳоят даражада юқорилигича қолган (асосан ривожланаётган мамлакатларда) ёки пасайганроқ бўлса-да, бироқ ўлимга нисбатан юқорилигича қолган.

Демографик статистика қуйидаги туғилиш ва ўлим коэффицентларидан (промилль ўлчови бўйича, мамлакатда туғилаётган ва ўлаётган аҳоли сони 1 минг киши ҳисобига) кенг фойдаланмоқда. Аҳолининг табиий ҳаракати туғилиш ва ўлим ўртасида ўзаро фарқларнинг коэффицентида кўринади. Жаҳон иқтисодиётида аҳоли ўзгаришининг қуйидаги ўзига хос популяцион цикллари (босқичларни) ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Дастлабки популяцион характердаги циклга:

- 1)- юқори даражада туғилиш;
- 2)- ўлим даражасининг юқорилиги ва бунинг натижасида аҳоли ўртасида ўсишининг секин бориши.

Бундай нопопуляцион циклга Осиё, Африканинг бир қатор тропик ва субтропик мамлакатлари, Океан ороллари давлатлари, баъзи бир Жануби – Шарқий Осиё (камроқ даражада бўлса-да) давлатларининг аҳолиси характерлидир.

Иккинчи популяцион характердаги циклга:

- юқори даражада туғилиш;
- ўлимнинг пасайиши натижасида аҳоли сонининг кескин кўпайиши.

Бундай популяцион циклга Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг нисбатан ривожланган баъзи бир мамлакатларини («янги индустриал» давлатларни) киритиш мумкин.

Учинчи ўзига хос популяцион характердаги циклга:

- туғилишни камайиши (пасайиши);
- ўлимнинг қисқариши.

Бундай популяцион циклнинг характерли томони шундаки, туғилиш ўлимга нисбатан (унча катта бўлмаса-да) юқорироқ бўлиши сақланса-да, аҳолининг ўсиш даражаси доимо пасайиб (камайиб) бориши кузатилади. Ушбу популяцион циклга асосан саноати ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тўртинчи популяцион характердаги циклга:

- туғилишнинг пастлиги;
- ўлимнинг камлиги ва натижада нисбатан барқарорлашиш жараёнлари рўй бериб аҳоли ўсиш динамикасининг минимал ривожланиш даражаси кузатилади.

Бундай популяцион характердаги циклга ЕИ давлатларини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Шундай қилиб жаҳон иқтисодиётида ривожланган мамлакатларнинг ҳар бири юқорида кўрсатилган аниқ популяцион цикл босқичларини босиб ўтганлигини кўришимиз мумкин.

Демографияда баъзан ўзига хос кўринишга эга бўлган, популяцион характердаги цикллар ҳам намоён бўлади. Яъни, аҳоли ўртасида ўлимнинг туғилишга нисбатан ортиб бориши ва аҳолининг табиий ўсишлик даражасида минуслик ҳолатига эга бўлган коэффициент пайдо бўлмоқда (депопуляция, яъни мамлакатларда аҳолининг табиий қисқариши юз бермоқда). Афсуски бундай

кўринишдаги аломатлар ҳозирги кунда Россия, Германия ва бошқа ЕИнинг кўплаб мамлакатларида аниқ кўринмоқда. Масалан, 1987-1997 йилларда Россияда йиллик туғилиш 205 млн. кишини ташкил этган бўлса, 1988-1993 йилларда 1,4 млн. кишини ташкил этган (ҳозирги кунда бу кўрсаткич янада пасайиб кетган бўлиши ҳам мумкин). XX асрнинг 50-70- йилларига нисбатан, Россияда туғилиш пасайиб бормоқда. Россияда туғилишга нисбатан ўлимнинг ўсиб бориши қуйидагича кўринишда: 1992 йилда ўлим 220 минг кишини ташкил этган бўлса, 1993 йилда 737,7 минг кишини, 1994 йилда 920,2 минг кишини ташкил этган эди (ўлимнинг ўсиш даражаси ҳозирги кунда ҳам сақланиб турибди). Россиялик мутахассисларнинг фикрига қараганда 2005 йилга келиб мамлакат аҳолиси сони 9 млн. кишига (6 %га) қисқариши, бунда туғилишга нисбатан ўлим 12 млн. кишига кўпайиши тахмин қилинмоқда. Ваҳоланки, Россия аҳолисининг йиллик ўртача ўсиш даражаси Ўрта асрлар даврида 0,3 %ни ташкил этган бўлса, XIX асрнинг 60-80- йилларида 0,6 %ни, XIX аср охири ва XX аср бошларида 1 %ни, XX асрнинг 70- йилларига келиб эса 2 %ни ташкил этган. Ҳозирги кунда Россия туғилиш масалаларига катта эътибор бериб, хатто махсус қарорлар қабул қилмоқда.

БМТ мутахассисларининг фикрига қараганда XXI аср давомида Ер шари аҳолиси ўртасида туғилиш даражасининг кўтарилиши рўй бериб, ўтган авлодларнинг ўрнини қоплаш даражасида бўлиши, шу билан бир қаторда ўлимнинг камайиши ва ўртача умр кўришнинг ўсишлик даражаси давом этиши кўрсатилмоқда. Маълумотларга қараганда 1975-2005 йилларда кўпайиб бораётган умумаҳолининг 92-93 %и ривожланаётган мамлакатларга тўғри келиб, XXI аср бошларида ушбу давлатларда Ер шари аҳолисининг 80 %и яшаши тахмин этилмоқда. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган мамлакатларнинг кўпчилиги ҳозирги кунга келиб «демографик етуклик» босқичига етишганлигини кўришимиз мумкин (туғилишнинг камлиги билан ўлимнинг пастлиги деярли тенглашиши, минимал табиий ўсишлик даражаси 0 га тушиб қолишлиги). Бунга қарама-қарши жаҳоннинг кўплаб ривожланаётган мамлакатларида туғилиш етарли даражадан юқори бўлиб, ушбу мамлакатларда аҳоли кўпайиши фақатгина XXI асрнинг охирларига келиб бир оз тўхташи мумкин экан.

6.3. Жаҳон иқтисодиётида аҳолининг ёшга қараб таснифланиши

Жаҳон иқтисодиётида аҳолининг ёшига қараб таснифланишида мавжуд бўлган демографик қарашлар концепциясининг қуйидаги мезонларидан кенг фойдаланилмоқда:

- таснифнинг иқтисодий тури;
- таснифнинг биологик тури.

Аҳолининг дифференциацияланишида инсон ресурсларини иқтисодий белгиларига қараб қуйидаги кичик босқичларга бўлиш мумкин:

- аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига қадар босқич (туғилиш ёшидан то 14-16 ёшгача);
- аҳолининг меҳнат қилиш қобилияти даври босқич (14-16 ёшдан то 55-60 ёшгача);
- аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятидан сўнгги қарилик босқичи (55-60 ёшдан сўнгги).

Жаҳон иқтисодиётида инсон ресурсларининг бундай босқичларга бўлиниши жаҳоннинг турли минтақаларида аҳолининг меҳнат ресурсларини аниқлаш ва меҳнатга яроқсиз аҳоли сони билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Жаҳоннинг баъзи бир мамлакатларида меҳнатга қобилиятли ёшларнинг пастки ва юқори чегаралари бир- биридан кескин фарқ қилади. Бу фарқлар эса асосан миллий мамлакатларнинг меҳнат қонунлари ва анъаналари асосида аниқланади.

Аҳолининг биологик мезони бўйича эркак ва аёллар учун дифференциаллаш даври бир йиллик, беш йиллик ва ўн йиллик гуруҳлари алоҳида олинади. Айниқса, катта ёшдаги, яъни фертел (бола кўриш қобилиятидаги ёш) ёшидаги аёл гуруҳларнинг 15-16 ёшдан 49-50 ёшгача ажратилиши муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиётида умумий қабул қилинган аҳоли таснифи йўқ, бироқ демографияда ҳозирги кунда қуйидаги таснифлардан кенг фойдаланилмоқда.

- ёшликнинг болалик ва ўсмирлик йиллари (туғилиш ёшидан 14-15 ёки 19-23 ёшгача);

- ёшликнинг ўсмирлик ва катта ёшдаги даври (15-16 ёшдан то 55-60 ёшгача ёки 18-19 ёшдан то 55-60 ёшга қадар);

- ёшликнинг қарилик даври 55-60 ёки 65 ёшдан юқори.

БМТнинг демографияга оид, шунингдек антропологияга оид мақолаларида қуйидаги аҳоли ёшини ўрганувчи фанга оид гуруҳлар алоҳида ажратилади:

- болалик ёки ўсмирлик ёш (туғилиш ёшидан то 13-14 ёки 16-18 ёшгача);

- катта ёшдаги давр (15-16 ёшдан то 50-55 ёшгача);

- қарилик ёши (55 ёшдан юқори).

Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган мамлакатлар учун аҳоли «қарилик» тенденциясининг давом этиб бориши характерлидир (ҳозирги кунда қарилик ёшдаги аҳоли кўпчиликни ташкил этмоқда). Ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг табиий ўсишлик даражаси юқорилигича (40 % ва ундан юқори) қолмоқда. Ушбу даврларда қарилик ёшдаги аҳоли (55-60 ёшдан юқори) кўпчиликни ташкил қилмайди (тахминан 4-5 % атрофида).

6.4. Ишчи кучи миграциясини тартибга солишда халқаро меҳнат тақсимооти

БМТнинг 1994 йил июнь ойида ва бундан кейинги йилларда бўлиб ўтган демографик муаммоларига бағишланган симпозиум ва йиғилишларида экспертлар Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатларида халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ВОЗ) туғилишни сунъий равишда камайтириш тўғрисидаги таклифларини қабул қилмади. БМТнинг демография билан шуғуullanувчи экспертлари фикрига қараганда ХХІ аср «қариялар асри» бўлиши билан характерланар экан. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларда қарилик аломатлари давом этиши билан бир қаторда ривожланаётган мамлакатларда ҳам қарилик ёшининг ортиши тенденцияси бошланганлиги кўзга ташланмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда яшовчи аҳоли сони саноати ривожланган мамлакатларда яшовчи аҳоли сонига нисбатан мутлақ устунлиги кескин кузатилмоқда. Бу эса «қариялар» гуруҳига кирувчилар халқаро муносабатларда янги муаммоларни келтириб чиқармоқда, яъни ривожланаётган мамлакатлардан саноати

ривожланган мамлакатларга меҳнаткаш аҳолининг оммавий кетиб қолишлиги ҳолатлари кузатилади.

Жаҳон иқтисодиётида инсон ресурсларига баҳо бериш ва таҳлил қилишда уларнинг касбий (профессионал) тузилмаси ва иш билан бандлик томонлари ҳисобга олинади. Ер шари аҳолисининг касбий тузилмаси доимо иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ривожланиш омиллари мажмуаси асосида шаклланиб боради. Бу ҳолатлар эса ижтимоий жамиятнинг ривожланишида, мамлакатларнинг иқтисодий ютуқларида, миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишчи кучининг ўзаро тақсимланишида намоён бўлади.

Жаҳон статистикасида «мутахассислик» (профессия) тушунчасидан ташқари «касбкорлик» деган тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, бундай тушунчалар жаҳон иқтисодиётида айнан бир фикрни англатмайди. Ҳақиқатан ҳам иқтисодиётда маълум бир профессионал тайёргарликка эга бўлган кишилар камчиликни ташкил этиб, улар бошқа бир кўринишдаги иш фаолиятлари билан банд бўлиб қолишган. XX-XXI асрлар бўсағасида дунё аҳолисининг профессионал ўртача иш билан бандлиги 41-49 %ни ташкил этган. Жаҳон иқтисодиёти фанида «аҳолининг иқтисодий фаоллиги» деган тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, бу тушунчалар нафақат умумий ишлаб чиқаришни, балки ишсизлик ва тўлиқ иш кунига эга бўлмаган (ҳафталик) ишсизликнинг яширин кўринишларини ҳам ҳисобга олиб ўрганади.

XX асрнинг 50-70- йилларида саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолининг асосий қисми (30-45 %) саноат - қурилиш ишларида банд бўлган. Аммо, бу муносабат кейинчалик нисбатан ўзгариб бориши билан боғлиқ ҳолда бу тармоқларда аҳоли сонининг аввал нисбий, кейинчалик мутлақ бандлик даражаси кескин камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида аҳолининг иқтисодий фаоллиги пасайиши қишлоқ хўжалигида кузатилмоқда. Масалан, 80-90-йилларда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли массаси тахминан Буюк Британия ва Бельгияда 3-4 % атрофида, Швеция ва Германияда 5-6 % атрофида, АҚШда 3-4 % атрофида бўлган. Бироқ, ҳозирги кунда ҳам баъзи бир ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли массаси етарли даражада юқориликча қолмоқда (аҳолининг

иқтисодий фаол қисмини умумий аҳоли билан таққослаганда). Бундай ҳолат, айниқса Жанубий Европанинг ривожланган мамлакатларига хосдир. Италия қишлоқ хўжалигида иқтисодий фаол аҳолининг 13-15 %и банд бўлса, Грецияда 35-40 %и.

Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли массасининг қисқариб боришининг дастлабки босқичини XVII-XVIII асрларга, яъни Ғарбий Европа мамлакатларида меҳнатга қобилиятли аҳолини иқтисодий қийналиб қолган даврига тўғри келган эди. Ана шу даврлардан бошлаб (асосан XVII асрдаги саноат инқилобидан сўнг) Ғарбий Европанинг саноат тармоқларида меҳнатга қобилиятли аҳоли сонининг мутлақ кўтарилиш жараёнлари юз бера бошлади. XIX аср охири ва XX аср бошларида саноати ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги билан саноат тармоқлари ўртасида «динамик мувозанат» ўрнатилди (яъни, аҳолининг чиқиш ва келиш сони асосан тенглашган эди). Ушбу кузатилган жараёнлар саноат ва транспорт соҳасида, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан банд бўлган аҳолининг иқтисодий фаоллигининг ўсиши билан ҳам характерлидир (XX асрнинг 60-70-йилларида АҚШнинг хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан банд бўлган аҳоли массаси 50-52 % атрофида бўлган).

Жаҳон иқтисодиётида 70-80-йиллардаёқ саноати ривожланган етакчи мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳалари кескин ривожланиб кетган. Бу ўсишни жаҳон иқтисодиётида «маънавий ишлаб чиқариш» деб кўрсатса ҳам бўлади (илм – фан, таълимнинг ривожланиши билан боғлиқ). Маънавий ишлаб чиқариш ривожланишида инсоннинг жисмоний ривожланиши, шунингдек ақлий қобилияти билан боғлиқ комплекс тармоқлари (соғлиқни сақлаш, дам олиш, спорт ва оммавий ўйинлар) ҳам муҳим роль ўйнайди. Буларнинг барчаси жамиятда инсон салоҳиятини қайта ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнаб, бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш омиллари ривожланиши учун кенг имкониятларни очиб беради.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар ҳозирги кунда саноати ривожланган мамлакатларнинг ишлаб чиқаришида ўзига хос мазмунга эга бўлган у ёки бу прогрессив томонларини олиб ривожланиб бормоқда. Ушбу мамлакатларда саноатнинг ўсиши ҳисобига қишлоқ хўжалик аста секин қисқариб боришига қарамасдан устунлик қилиб турибди (қишлоқ хўжалигида аҳолининг иқтисодий

фаоллиги 50-55 %ни ташкил этади). Бироқ, ривожланаётган мамлакатларнинг минтакалараро аҳоли гуруҳлари ўртасидаги фарқи нисбатда каттадир. Мисол учун, Латин Америкаси мамлакатларининг қишлоқ хўжалигида банд бўлган иқтисодий фаол аҳоли 32-35 %ни ташкил этса, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида 40-45 %ни, Осиё ва Африканинг қолган бошқа ривожланаётган мамлакатларида эса 50-55 %ни ташкил этди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳолининг иқтисодий фаоллиги иккинчи даражали бўлиб қолмоқда. Бунга Латин Америкаси мамлакатлари қирмайди, чунки уларда хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли массаси 80-йилларнинг бошидаёқ 40 %ни ташкил этиб, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолига (36 %) нисбатан анча юқорида турган ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги учун характерли бўлган тенденциялардан яна бири бу иқтисодий жиҳатдан кучайиб боришлиқдир («ЯИД» мисолида кўришимиз мумкин), аммо, уларда янги хизмат кўрсатиш соҳаларига (саноат ишлаб чиқариш соҳасига) мослаша олмаслик ҳолатлари ҳам кузатишмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун умумий муаммолардан бири ишсизликдир. Замонавий саноати ривожланган мамлакатлар учун характерли тенденциялардан бири ишсизликнинг ўсиб боришидир. Агар 1993 йилда Европа ҳамкорлигига аъзо бўлган 25 давлатда ва ривожланган (ОЭСР) мамлакатда ишсизлар сони 32 млн. кишини (унинг 7,6 %и иқтисодий фаол аҳолига тўғри келади) ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб 35 млн. кишига (унинг 8 %и иқтисодий фаол аҳолига тўғри келади) етган эди. ЕХ давлатлари ҳозирги кунда ишсизликнинг ўсиб бориши билан боғлиқ ҳолда жуда катта иқтисодий зарар кўрмоқда (тўланмаган солиқлар ҳисобига).

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатларда ишсизлар сонини аниқлаш энг қийин муаммолардан бири бўлиб қолди (статистик ҳисоботларнинг ёмонлиги, ишсизларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига). Халқаро меҳнатни ташкил қилиш ташкилоти берган маълумотига қараганда, XX-XXI асрлар

бўсағасида саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишсизларнинг умумий сони 500 млн. кишидан ошиқроқ бўлган (Ер шари аҳолисининг 1/10 қисми).

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида умумий иқтисодий аҳволнинг ёмонлашиб бориши ўз навбатида ишсизлар массасини йилдан – йилга кучайиб боришига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда, айниқса, қарилик ёшидаги эркак ва аёллар, шунингдек маълум бир касбий тайёргарлик ва амалиётга эга бўлмаган кишилар қийин аҳволда қолмоқда.

Дунёнинг кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида болалар меҳнатидан фойдаланиш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мисол учун, Италиянинг ишлаб чиқариш саноат тармоқларида ишлаётган ишчиларнинг тахминан 1 млн.га яқини 9-15 ёшлардаги болаларни ташкил этади (ЕХ давлатлари ичида бу кўрсаткич бўйича Италия «олдинги» ўринлардан бирида туради. Испанияда ишлаётган ўсмир болалар сони 200-250 минг кишини ташкил этган бўлса, Тайландда бу кўрсаткич 3-3,5 млн. кишини ташкил этмоқда.

Россия, шунингдек собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан, иқтисодий ўтиш даври давлатларида ҳам ишсизлик муаммоси тобора кучайиб бормоқда. 90-йилларнинг ўрталарида Россияда ишсизлар сони 1,6 млн. кишини (ёки иқтисодий фаол аҳолининг 2,1 %)и ташкил этиб, 5,3 млн. киши (иқтисодий фаол аҳолининг 7,1 %)и ҳеч қандай меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган. Аммо, лекин аҳолининг ушбу қатлами меҳнат қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Хуллас, 90-йилларнинг ўрталарида Россия ишсизларнинг умумий потенциалида ишлаб чиқаришда тўлиқ иш билан банд бўлмаган ишчи кучини қўшиб ҳисоблаганда 10,1 млн. кишини (иқтисодий фаол аҳолининг 13,5 %)и ташкил этиб, ишсизларнинг юқори нуқтасига яқинлашиб қолган эди.

Россияда аҳолининг иқтисодий фаоллиги баъзи бир тармоқлар ёки соҳаларга қўшилиб кетиши натижасида шаҳар билан қишлоқ (посёлка) ўртасида иқтисодий муаммоларни кескинлаштириб юборган эди. 2000 йиллардан бошлаб дунё мамлакатларида, жумладан РФ ва бошқа МДХ мамлакатларида ҳам қишлоқ аҳолисини кескин камайиши ҳолатлари сезилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатларнинг қишлоқ аҳолиси сони саноати ривожланган давлатларнинг қишлоқ

аҳолиси сонига нисбатан кескин ортиб бормоқда (қишлоқ аҳолисининг тахминан 9/10 қисми ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади). Жаҳон иқтисодиётида бундай муносабатлар қуйидаги жараёнларда намоён бўлмоқда:

- саноати ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган аҳоли массасининг камайиб бориши;

- ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг миқдори жуда катталиги (“ЯИД” ларнинг ташкил этилиши ва бошқалар ҳисобига қисқариб боришига қарамасдан).

XX-XXI асрлар бўсағасида ривожланаётган мамлакатларга қўшимча 500 млн.дан ортиқ қишлоқ аҳолисининг «келиши», саноати ривожланган мамлакатларда эса қишлоқ аҳолисининг умумий «камайиши» (тахминан 64-66 млн. кишини), 2000 йилдан сўнг эса қишлоқ аҳолисининг сони доимий камайиб бориши кузатилмоқда. Хуллас, хўжаликда қишлоқ аҳолисининг аста секин турли сабабларга кўра шаҳар аҳолиси таркибига қўшилиб кетиши, йирик шаҳарлар сони ўсишига ва дунё аҳолисининг иқтисодий ҳамда маданий турмуш тарзи яхшиланишига – урбанизацияга олиб келмоқда.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Буюк Британия жаҳон мамлакатлари ичида энг ривожланган давлатлардан бири бўлган бўлса, XIX асрнинг охирларига келиб иқтисодий ривожланиш барча саноати ривожланган Ғарбий Европа мамлакатларини ва Шимолий Американи ҳам қамраб олган эди. Жаҳон иқтисодиётида Лондон, Нью Йорк, Чикаго каби дунёнинг энг йирик шаҳарлари пайдо бўлди. Хуллас, XX аср жаҳон хўжалиги учун умумий урбанизация асри бўлиб, жаҳон иқтисодиётида жуда катта ўзгаришлар юз бера бошлади. Агар 70-йилларда шаҳар аҳолиси умумдунё аҳолисининг 38-39 %ини ташкил этган бўлса, 2000 йилда 48 %ни ташкил этган. Саноати ривожланган мамлакатларда шаҳар аҳолиси 80 %ни ташкил этган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда эса 44 %ни ташкил этган.

2025 йилга қадар жаҳон иқтисодиётида урбанизация жараёнлари давом этиб, дунё мамлакатлари шаҳарларида аҳолининг 2/3 қисми яшай бошлайди (саноати

ривожланган мамлакатларда аҳолининг 85-87 %и, ривожланган мамлакатларда эса аҳолининг 61-63 %и). Ҳозирги кунда шаҳар аҳолисининг кескин кўпайиб бориш аломатлари Жануб ва Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатларининг бир қатор шаҳарларида кузатилмоқда (ушбу мамлакатлар аҳолисининг тахминан 30-35 %и шаҳарларда яшайди). Ғарбий Европа материги дунёнинг энг йирик урбанизациялашган минтақаси сифатида тан олинган бўлса, анча кам урбанизациялашган қитъалардан бири Африкадир.

90-йилларга келиб жаҳоннинг саноати ривожланган етакчи давлатларининг кўпчилигида шаҳар аҳолисининг ўсиш (кўпайиши) даражаси қисқариб борган эди. Бу ҳолат албатта ривожланган мамлакатларда урбанизация жараёнининг боришини секинлаштиради. Бироқ, бунга қарама - қарши ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида эса шаҳар аҳолисининг кўпайиш аломатлари кузатилмоқда. Характерли томони шундаки 70- йилларнинг ўрталарига келиб, тарихда биринчи марта ривожланаётган мамлакатларнинг шаҳар аҳолиси (50 %дан ортиқроқни ташкил этган) дунё мамлакатлари шаҳар аҳолисига нисбатан кўпчиликни ташкил этган эди. 90-йилларнинг бошида ривожланган мамлакатларнинг шаҳар аҳолиси, саноати ривожланган давлатларнинг шаҳар аҳолисига нисбатан 1/3га кўпайган бўлса, 2000 йилга келиб 2 баробарга ортган эди.

Жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим томонларидан бири шаҳар аҳолисининг мегаполлашиб (мегапол грекча сўз бўлиб «катта шаҳар» демак) бораётганлидир. 1950 йилда шаҳар аҳолиси 10 млн. кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар сони фақат иккита (Нью Йорк ва Лондон) бўлган бўлса, 80-йилларга келиб жаҳонда янги етакчи шаҳарлар – Токио-Иокогама (20 млн. киши) пайдо бўлди. 2000 йилда жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари Мехико-Сити (аҳолиси 28 млн. киши атрофида), Токио-Иокогама (аҳолиси 28 млн. киши), Сан-Пауло (аҳолиси 22 млн. киши атрофида), Нью-Йорк (аҳолиси 20 млн. киши атрофида) ҳисобланган.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатларнинг мегополислашув жараёнларининг бориши тобора характерли тусга кириб бормоқда. Агар 1980 йилда мегаполис шаҳарларининг сони 17 млн. бўлган бўлса, 2025 йилга бориб уларнинг сони янада ортиб бориши: Мехико-Сити (37 млн. киши атрофида), Сан-Пауло

(аҳолиси 30 млн. киши атрофида), Катта Бомбей (27 млн. киши атрофида), Калкутта (37 млн. киши атрофида), Жакарта (24 млн. киши атрофида), Дакка (24 млн. киши атрофида), Мадрас (21 млн. киши атрофида), Карачи (21 млн. киши атрофида), Бангкок (20 млн. киши атрофида), Қоҳира (20 млн. киши атрофида), Лагос (20 млн. киши атрофида) ва бошқа шаҳарлар ҳисобига қайд этилмоқда.

Саноати ривожланган мамлакатларда эса бу даврда тескари тенденция, яъни шаҳарларда яшовчи аҳоли сонининг ўсиши секинлашиши ва ҳатто мегаполис шаҳарларда яшовчи аҳоли сонини қисқариб бориши кузатилмоқда. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг энг муҳим муаммоларидан бири, бу «шаҳарлар инкирози» нинг рўй бераётганлигидир. Бу инкироз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий экологик, транспорт, шунингдек жиноятчиликнинг ўсиши муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бундай ҳолатлар ҳозирги кунда ривожланган шаҳарлар ҳаётида кузатилмоқда.

Таянч иборалар

Саноати ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар, мегапол, урбанизация, банд аҳоли, мегаполис, Жануб ва Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари.

Назорат саволлари

1. Жаҳон иқтисодиётида аҳоли халқаро миграциясининг дастлабки кўринишларини характерлаб беринг.
2. Аҳоли миграциясининг жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти ривожланишидаги аҳамиятини очиб беринг.
3. Халқаро ишчи кучи бозорлари доирасида фаолият кўрсатаётган «ТМКлар сегменти» тўғрисида нима биласиз?
4. Т.Р. Мальтуснинг демографик муаммоларнинг мавжудлиги тўғрисидаги назариясини изоҳлаб беринг.
5. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган «демографик портлаш» жараёнларини характерлаб беринг.
6. Жаҳон иқтисодиётида аҳоли ўзгаришининг динамикасини тавсифловчи асосий популяцион цикллارнинг мазмуни ва моҳиятини очиб беринг.
7. Жаҳон иқтисодиётида «мутахассислик» ва «касб-корлик» тушунчаларининг бир-биридан фарқини кўрсатиб беринг.
8. Жаҳон иқтисодиётида урбанизация жараёнларининг боришини характерланг.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.

7-бoб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИНИНГ СОҲАВИЙ ТАРКИБИ

7.1. Жаҳон саноати ижтимоий ва ташкилий тузилишининг тармоқлараро ўзгариши

7.2. Жаҳон хўжалик тармоғининг ривожланиш жиҳатлари

7.3. Жаҳон саноат тармоқлари ривожланишида географик жиҳатлар

7.4. Жаҳон иқтисодиётида транспорт ва алоқа тизимининг тутган ўрни. Халқаро тартибга солиниши

7.5. Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини тутган ўрни

7.1. Жаҳон саноати ижтимоий ва ташкилий тузилишининг тармоқлараро ўзгариши

Жаҳон саноатининг замонавий кўриниши ўта мураккаб ва ўзгарувчан жараён бўлиб, у 300 дан ортиқ тармоқ ва тармоқчалардан ташкил топган.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаёқ Ғарбий Европанинг бир қатор ривожланган мамлакатларида (Голландия, Бельгия, Англия, Франция ва бошқалар) оғир саноат етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Жаҳон иқтисодиётида саноат тармоғи –мураккаб жараён бўлиб, у ривожланаётган бирор-бир давлатнинг ички бозори кенгайишида ишлаб чиқаришида илмий-техник ва технологик тармоқларни жалб этилишида муҳим ўринни тутди.

Жаҳон иқтисодиётининг саноат тармоқларида рўй бераётган ўзгаришларга баҳо бериш учун қуйидаги жиҳатларни таҳлил қилиш жоиздир:

→ енгил ва оғир саноат тармоқларининг ҳолати, уларни бир-бири билан узвий боғлиқлиги;

→ қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати тармоқларининг узвий боғлиқлиги;

→ турли хил саноат тармоқларининг ўзаро алоқадорлиги.

Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий жараёнларнинг ўсиши ва ривожланиши ишлаб чиқаришда айланма капиталнинг ва ишчи кучининг кириб келиши шунингдек, чиқиб кетишига боғлиқ бўлади. Иқтисодий жараёнлар саноат индустрияси тармоқларида рўй бераётган ишлаб чиқаришга, маҳсулотларни эски ишлаб чиқариш моделидан янги моделга алмашишига, замонавий асбоб - ускуналар билан таъминланиши, шунингдек илмий техник воситаларни ишлаб чиқариш жараёнларига қараб ривожланади.

Жаҳон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда саноат тармоқларининг ривожланиши, ушбу давлатларнинг халқаро миқёсда олиб бораётган олди-сотдисиға, шунингдек сервис хизматлари кўрсатишларига ҳам боғлиқдир. Жаҳон маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати давлатларнинг иқтисодий ривожланишиға ўз таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, Европа, Осиё ва Африканинг ривожланган давлатларини ички маҳсулотидан оладиган улуши пасайса, иқтисодиёти сусаяди, ишлаб чиқаришдан оладиган улуши кўтарилса, ижтимоий – иқтисодий масалалари ўз-ўзидан ҳал бўлади. Жаҳон саноатида меҳнат унумдорлиги ўсиши ва жаҳон товарлар бозорида халқаро рақобатнинг кучайиши қайта ишлаш саноат тармоқларида ялпи ички маҳсулотни қисқаришиға (масалан, 1960 й. – 30 %ға, 1980 й. – 25 %ға, 2000 й. – 19 %ға) олиб келган эди.

90-йилларда жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида қазиб олиш ва қайта ишлаш саноат тармоқлари айниқса химия, металлургия ва транспорт саноати тармоқлари юқори темпларда ривожлана бошлади. Аммо машинасозлик саноатидан олинадиган даромад(фоиз)лари ривожланаётган мамлакатларда пастлигича қолмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда қазиб олиш ва қайта ишлаш саноат тармоқларидан олинадиган фоизлар миқдори ривожланаётган мамлакатларға нисбатан анча баланддир. Ёқилғи ресурслари хомашё сифатида қазиб олиш ва қайта ишлаш саноат тармоқлари ривожланган мамлакатларда ўртача 2 %ни ташкил этган ҳолда, Яқин ва Ўрта Шарқнинг ривожланаётган мамлакатларида нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш 14 %дан 40-50 %гача кўтарилган. Канада, Австралия ва Африка давлатларида ер ости бойликларини қазиб олиш саноатидан оладиган улуши 66 %ни ташкил этиб, жаҳон бозорига ўз маҳсулотларини экспорт қилади.

Жаҳон мамлакатларида хомашё ресурсларини қазиб олиш саноатидан оладиган улуши – ер ости табиий ресурсларининг ҳажмиға ёки уларнинг ўрнини босувчи сунъий кимёвий ресурслар ишлаб чиқаришға боғлиқ. Бундан ташқари қазиб олиш ва қайта ишлаш саноат тармоқларининг ривожланиши меҳнат унумдорлигининг ўсишиға ҳам боғлиқдир.

Жаҳон мамлакатларида тармоқлараро ишлаб чиқариш саноатидаги ўзгаришларни қиёслаш анча мураккабдир. Чунки, баъзи бир давлатларда ва минтақаларда саноат тармоқлари турлича тақсимланмасдан бир-бирига бириккан ҳолдадир. Масалан, Ғарбий минтақаларда кимё саноати металлургия саноати тармоғига кирадиган бўлса, бошқа давлатларда эса, кимё саноати алоҳида тармоқ ҳисобланади, ёки ёқилғи саноатига бириккан бўлади (6- жадвал).

6- жадвал

**1980 – 1998 йилларда жаҳон саноати ишлаб чиқаришининг дунё
миқёсидаги ҳолати**

Мамлакатларнинг турлари ва минтақалари	Саноат маҳсулотларини қазиб олиш		Қайта ишлаш саноат маҳсулотлари		Электр- энергия, газ ва сув маҳсулотлари ишлаб чиқариш таъминоти	
	1980	1998	1980	1998	1980	1998
Жаҳон мамлакатлари бўйича	15,2	9,1	78,3	82,4	6,5	8,5
Ривожланган давлатлар	8,8	5,3	83,2	85	8	9,7
Ривожланаётган давлатлар бўйича	46,5	24,7	49,6	69,4	3,9	5,9
Минтақалар						
Ғарбий Америка	12,5	8,4	79,3	80,3	8,2	11,3
Лотин Америкаси	16,8	11,8	77,9	80,8	5,3	7,4
Европа	6,7	6	85,7	85,8	7,6	8,2
Европа Иттифоқи Давлатлари	6,7	3,7	85,9	87,7	7,4	8,6
Осиё	30,2	12,7	63,9	80,3	5,9	7
Осиё (Исроил - Япониядан ташқари)	61,1	26,7	35,9	68,3	3	5
Австралия ва Океан ороллари давлатлари	15,9	18,5	73,2	66,9	10,9	14,6

Манба: Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004 .

XIX аср охири ва XX аср бошларида дунёнинг барча минтақаларида машинасозлик, электроника, кимё ва транспорт саноат тармоқлари катта тезликда ривожлана бошлаган эди. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқариш тармоқларига замонавий асбоб ускуналарни, илмий-техник ва технологик воситаларнинг кўплаб кириб келишидир.

Жаҳон ишлаб чиқариш саноатида ўсиш омили –илмий-техник инқилобнинг ишлаб чиқаришга кириб келиши, янги саноат тармоқларининг вужудга келиши,

биоиндустрия лазер техник тармоқлари, дори-дармон ишлаб чиқариш саноати ва микро биологик тармоқларнинг юзага келишидир. Чунончи XX аср индустриясининг асосий мазмунини кемасозлик саноати, оғир металлургия, химия саноати ва нефтни қайта ишлаш саноат тармоқлари ташкил этади.

90- йилларда жаҳон иқтисодиётида кимё саноатининг ўсиши 127 %ни, машинасозлик 189 %ни, транспорт саноати 122 %ни ташкил этган. Илмий адабиётларда жаҳон ишлаб чиқариш саноатининг машинасозлик, кимё, электр-энергетика тармоқларини “Авангард учлик” ўсиши ҳам деб аташади.

Жаҳон мамлакатларида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоқларининг улуши ошиб бориб, ҳозирда 40-50 %ни ташкил этмоқда. Бу тармоқларнинг ичига кирган электроника ва электр техника тармоқларининг ўсиши эса энг юқори чўққига чиққан эди.

Ғарбий Европа мамлакатларида (Греция ва Португалиядан ташқари), шунингдек АҚШ, Канада ва Японияда транспорт ҳамда машинасозлик тармоқларининг улуши 25 – 40 %ни ташкил этган (7- жадвал).

7- жадвал

**Жаҳон қайта ишлаш саноатининг 1960-2000 йиллардаги аҳволи
(% ҳисобида)**

Саноат моллари(товарлари)	1960	1970	1975	1980	1990	2000
Озиқ –овқат товарлари, ичимликлар, тамаки	15,2	12,8	13,4	12,5	12,3	11,9
Тўқимачилик моллари	6,6	5,1	5,5	4,9	4,8	4,1
Кийим-кечак, пойафзал	5,8	4,4	4,7	4,2	3,6	2,5
Мебель маҳсулотлари	4,3	3,8	3,7	3,4	2,2	1,9
Қоғоз маҳсулотлари, полиграфия	6,8	6,1	6,1	6,1	7,7	7,0
Кимё саноати маҳсулотлари	10,2	13,3	14,4	14,9	15,6	15,8
Минерал маҳсулотлар(нометалл)	4,8	4,8	4,9	4,8	4,3	3,9
Қора ва рангли металллар	8,7	8,3	7,7	7,1	6,0	5,4
Металлни қайта ишлаш ва машинасозлик маҳсулотлари	35,2	39,4	37,6	40,0	39,6	44,7
Бошқа саноат маҳсулотлари	2,4	2,0	2,0	2,1	3,9	2,8

Манба: Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004 .

Машинасозлик тармоғида оғир техник ва технологик воситаларни ишлаб чиқарадиган бир қатор фирмалар бўлиб, улар: “General Electric”, “General motors”, “Ford motor”, “Toyota”, “Wolkswagen”, “Daymлер Crysler” ва бошқалардир. Ушбу фирмаларда ўта мураккаб ишлаб чиқариш жараёнлари мавжуд. Бу жараёнлар саноатда аниқ ҳисоблаш машиналар орқали, станоклар, дастурлаштирилган бошқарув ЭХМлар ва бошқа техникавий базалар ёрдамида амалга оширилади. Жаҳон давлатларининг ушбу фирмаларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун катта сарф- харажатлар талаб этилади. Шунинг учун ҳам ушбу тармоқлардан олинadиган улуш ҳам юқори бўлади.

Кимё саноати – замонавий саноат тармоқларидан бири бўлиб, ушбу соҳадаги кўтарилиш XX –XXI асрлар бўсағасида яққол кўзга ташланади. Ушбу тармоқда хомашёнинг сероблиги учун ундан унумли фойдаланиш усуллари юқори даражададир. Нефть, табиий газ, углеводород хомашёларини ишлаб чиқариш технологиялари кескин ривожланди. Бундай кескин кўтарилишларни аммиак, азот ўғитлари, синтетик сунъий толалар ишлаб чиқариш, аммиакни табиий газдан олиш тармоқларида ҳам кузатиш мумкин.

Илмий-техник ва технологик инқилоб даврида (70 – 90 йиллар) кимё соҳасида полимерлар (пластмасса, синтетик смола, сунъий толалар, каучук) ишлаб чиқарила бошланди ва юқори даражада ривожланиб ўсиб борди. Бундай хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқлари катта кимёвий саноатнинг юзага келишига сабаб бўлди. Ушбу тармоқлар резина саноатини ҳам вужудга келтирди. 1930 – 1950 йилларда машинасозлик ва кимё саноати “янги тармоқлар” деб ном олган бўлса, ҳозирги кунда эса “янги тармоқлар” – электроника саноати, авиа ракета ва космик саноати, фармацевтика ва биокимё саноат тармоқларидир.

Жаҳон иқтисодиётида енгил саноат тармоқларидан олинadиган даромад пастлиги кузатилмоқда. Бунинг сабаби енгил саноатда банд бўлган ишчи кучининг арзонлиги. Ривожланган мамлакатларнинг енгил саноатида қайта ишлаш тармоқлари 40 – 50 %га кўтарилди. Баъзи бир тармоқларда қимматбаҳо хомашёдан тайёрланган ўта замонавий кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқариш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

ТМК кўпмиллий ишлаб чиқариш, қазиб олиш ва қайта ишлаш саноат тармоқлари, савдо – сотиқ фаолияти, сервис соҳалари бўйича хизмат кўрсатиш, хорижий мамлакатларнинг ҳудудлари ва минтақаларида ишлаб чиқариш, савдо операцияларини амалга оширувчи буюк корпорациядир. Жаҳон хўжалигида 500 дан ортиқ йирик корпорациялар мавжуд бўлиб, у бирлашган байналминаллашган тузилмадир. ТМКнинг таркиби фирма, корхона, завод, фабрика ва бошқалардан иборат бўлиб, улар давлатлараро келишилган сиёсат асосида савдо, тижорат ишларини амалга оширади (8-жадвал).

8-жадвал

500 та йирик корпорациянинг сотилган маҳсулотлари ҳажми бўйича 1983-2000 йилларда дунё мамлакатлари бўйича жойлашиши

Мамлакатлар	1983	1992	1995*	2000*
АҚШ	226	161	153 (69)	174 (69)
Япония	74	128	141 (61)	111 (61)
Франция	24	30	42 (19)	35 (20)
Германия	30	32	40 (18)	40 (17)
Буюк Британия	49	41	33 (24)	41 (15)
Канада	15	8	6 (3)	13 (4)
Жанубий Корея	10	12	12 (8)	11 (5)
Швейцария	9	9	16 (5)	10 (4)
Италия	7	6	12 (4)	9 (4)
Хитой	-	-	2 (0)	10 (2)
Нидерландлар	6	7	10 (3)	9 (4)
Бельгия	4	4	6 (3)	4 (0)
Бошқа мамлакатлар	46	62	27(14)	33 (17)
Жами:	500	500	500(231)	500(201)

Манба: Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004 .

- 1983 ва 1992 йиллардаги 500 та йирик ТМК рўйхатига фақат саноат корхоналари киритилган.
- 1995 ва 2000 йиллардаги йирик корпорациялар рўйхатига эса, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам киритилган (молиявий, суғурта, транспорт, савдо ва бошқа компаниялар).

ТМКлар жаҳон бозорларида ўз товарларини нафақат сотади балки, завод ва фабрикаларини ҳам хорижий мамлакатларнинг ҳудудларида кенгайтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

7.2. Жаҳон хўжалик тармоғининг ривожланиш жиҳатлари

ТМКларнинг глобаллашиб бориши ва фаолият кўрсатиши ТМКлар томонидан миллий ишлаб чиқаришни хорижий мамлакатларнинг ҳудудларида ташкил этиши ва уларнинг кўпайиши жаҳон хўжалик тармоғининг ривожланишига сабаб бўлди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳон мамлакатларининг миллий товарлари ўз ҳудудларида ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган. Замонавий шароитда эса экспорт қилинаётган ҳудудда ишлаб чиқариш ташкил этилиб, шу ернинг ўзида товарлар сотилмоқда. Бундан ташқари ТМКлар завод ва фабрикаларда ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кейинги жараёнларини эса чет элларда амалга оширмоқда. Ушбу ишларни назорат қилишда ТМКларнинг ўзга ҳудудда бошқарув штаб – квартиралари жойлашган.

70-йиллардан сўнг жаҳон саноати ривожланишида ТМКларнинг ўрни катта бўлди. 80-йилларда Ford – Taylor, постфордизм модели асосида ишлаб чиқариш амалга оширилди. Ford-Taylor модели конвейер орқали ишлаб чиқарилган. Давлат бошқарувидаги завод- фабрикалар хусусийлаштирилиб кичик фирма, корхоналарга айлантирилди. Шу билан бирга меҳнат фаолиятида ишлаб чиқариш модели ўзгарди. Масалан, “Just-in -time” – аниқ муддатда ёки “Just- ungeguncе”- аниқ йўналишда номли моделлар асосида ишлай бошлади. “Постфордизм” модели бир хил турдаги хомашёдан бой ассортиментли товарлар ишлаб чиқариш демакдир. Ушбу моделга кўра, ТМКлар жаҳон бозорларига юқори сифатли товарларни олиб чиқиб, катта даромад кўради.

ТМКлар ҳозирги кунда ўз фаолиятини халқаро бозорда жуда тез суръатлар билан ривожлантирилиб турли усуллар билан ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Яъни, ТМКлар фақатгина ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан, балки хорижий мамлакатнинг завод ва ишлаб чиқариш корхона акцияларини сотиб олиб,

ўз капитал – сармояларини кенгайтириб, даромад кўрмоқдалар. ТМКлар биргина бизнес режа орқали капитал даромадларини кўпайтириб қолмасдан, балки халқаро алоқаларни ҳам кенгайтириб, мустаҳкамлаб йирик ТМКларга айланиб боради.

ТМКлар жаҳон давлатлари иқтисодиётига ижобий таъсир этади. Хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган ТМКлар ушбу давлатларнинг қонун – қоидаларига риоя қилишлари лозим (9-жадвал).

Трансмиллий корпорацияларнинг 2000 йилги ҳолати 9-жадвал

Трансмиллий корпорациялар	Мамлакатлар	Тармоқлар	Хориждаги даромади (млрд долл)	Хориждаги савдо-сотик(млрд.долл)	Фирма ишчилари ва хизматчилари сони(минг киши)	Корпорация кўрган фойда % ҳисобида
Водофон	Буюк Британия	Телекоммуникация	221,2	7,4	24	81,4
Дженерал электрик	АҚШ	Электр асбоб-ускуналари	159,2	49,5	145	40,3
Эксон мобайл	АҚШ	Нефть қазииш	101,7	143.0.64.67.7		
Вивенди Универсал	Франция	Носаноат фирмалар	93,2	19,4	210	59,7
Дженерал моторс	АҚШ	Автомобиль ишлаб чиқариш	75,1	48,2	165	31,2
Роял Датч Шелл	Нидерландия Буюк Британия	Нефть қазииш	74,8	81,1	54	57,5
Бритиш Петролеум	Буюк Британия	Нефть қазииш	57,5	105,6	88.3	76,7
Тойота	Япония	Автомобиль ишлаб чиқариш	55,9	62,2	113	35,1

Манба: Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004 .

Миллий корпорациялар жаҳон давлатлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, ушбу давлатларнинг қонун –қоидаларига амал қилса, йирик саноат ишлаб чиқариш компаниясига айланади.

Трансмиллий корпорациялар ер юзида йилдан-йилга кўпайиб, жаҳон давлатларини ўзаро бир-бирига боғловчи воситачи ролини ўйнамоқда. Агар 1970 йилда жаҳоннинг 14та йирик мамлакатада 7000га яқин ТМК фаолият кўрсатган бўлса (хорижда фаолият кўрсатаётган филиалларнинг сони 27000 дан ортиқ), 1995 йилда 39000 (филиалларнинг сони 270000), 1998 йилда эса 65000 ТМК фаолият кўрсатган эди (филиалларнинг сони 850000). Савдо-сотиқ ҳажмида ТМКлар филиалларининг капитал фоизи йилдан-йилга ортиб бормоқда. 1982 йилдан 2001 йилгача корпорация филиалларининг кўрган фойдаси 2,5 трлн. АҚШ долл.дан 18,5

трлн. АҚШ долл.игача кўпайган. Ана шу даврда Америка корпорацияси “Эксон мобил”, “Дженерал моторс” ва “Форд моторс” фирмаларининг капитал фоизи 150 – 200 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди. Ушбу йирик корпорациялар 50 %дан 75 %гача кўрган фойдани автомобиль ишлаб чиқариш корпорацияларидан олганлар. Жаҳон иқтисодиётида йирик корпорациялар ҳақида кўплаб гапириш мумкин. Баъзи иқтисодчи олимлар “Трансмиллий корпорациялар дунёни бошқаради”, -деб бўрттириб кўрсатдилар. Аслида бундай эмас. Масалан, 2000 йилда “Дженерал моторс” компанияси 185 млрд. АҚШ долл.лик автомобиль сотиб, 42 млрд. АҚШ долл.лик соф фойда кўрган, қолган фойдани эса давлат ҳисобига ўтказган.

Кўпмиллий монополистик корпорациялар асосан ривожланган мамлакатларда жойлашган. 2001 йилда жаҳоннинг 500 та энг йирик корпорациясиданг 190тасининг штаб – квартираси АҚШда жойлашган бўлса, 100 таси Японияда, 30 дан ортиқ штаб-квартираси эса Франция, Буюк Британия ва Германияда жойлашган. Корпорациянинг штаб – квартиралари божхона компаниясидан манфаатдор бўлиш мақсадида у давлатдан бу давлатга кўчишлари ҳам мумкин.

90 – йиллардан бошлаб ТМКлар ривожланаётган давлатларда ҳам ўзларининг штаб-квартираларига эга бўла бошлаган эди. 1990 йилда ТМКларнинг 10000 штаб – квартираси Осиёда, 2000 таси Лотин Америкаси мамлакатларида, 470 таси эса Африка давлатларида фаолият кўрсатган. Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Бразилия, Мексика, Аргентина ва бошқа давлатларда 50 та энг йирик ТМКнинг штаб- квартиралари мавжуд бўлиб уларнинг баъзи бирлари ҳозирги кунда 500 та йирик корпорациялар қаторидан ўрин олганлар.

2000 йилги ҳисоб – китобларга кўра ривожланаётган мамлакатлар саноат тармоқларининг ривожланган 221 корпорациясини йиллик даромади 6 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этган. Бу катта даромад бўлиб, 500 та йирик корпорациянинг йиллик даромадини 50 %ига тенг. 70-йилларда ТМКларнинг фирмалари АҚШ, Япония, Германия, Франция каби ривожланган давлатларга тегишли бўлган. Ҳозирги кунда 500 та энг йирик корпорация ичида Россиянинг “Газпром”, “Лукойл” компаниялари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида машинасозлик саноатида транспорт машинасозлиги, автомобилсозлик, электр-техника саноати, кимё, нефть ва нефтни қайта ишлаш саноат тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Корпорацияларнинг саноат тармоқлари ичида АҚШ етакчи ўринни эгаллаб турибди. Айтиб ўтиш лозимки, АҚШнинг саноат тармоқлари ичида самолётсозлик, компьютер, нефтни қайта ишлаш, ичимлик маҳсулотлари, шунингдек тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда юқори чўққиларни эгаллаган. Япония корпорациялари эса электроника ва электр-техника саноат тармоқлари ичида металлургия саноати соҳасида етакчидир. Автомобилсозлик ва кимё саноати тармоқларининг юқори даражада ривож топганлигини биз Ғарбий Европа давлатларида кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида ТМКлар биргина савдо-сотиқ ва саноатни ривожлантириш билан шуғулланиб қуйидаги хизмат кўрсатиш соҳалар бўйича ўз капиталини ва сармояларини кўпайтириб бормоқда.

- турли – туман товарларни ишлаб чиқариш ва манзилга аёло даражада етказиш бўйича;

- маркетинг фаолияти бўйича;

- суғурта фаолияти бўйича;

- дизайнерлик фаолияти бўйича;

- ссудалар, кредитлар бериш бўйича.

Жаҳон иқтисодиётида баъзи кичик корпорациялар саноат ишлаб чиқариш фаолиятини тарк этиб, “носаноат” турлари фаолияти билан шуғулланмоқда. Масалан, “Nike” пойафзал фирмаси дастлаб ўзининг саноат маҳсулотлари билан машҳур бўлган бўлса, ҳозирги кунда эса пойафзал сотуви билан бирга дизайнер, маркетинг маслаҳатларини бериши билан ҳам жаҳонга машҳурдир.

Жаҳон иқтисодиётида кўпмиллий корпорациялар йилдан йилга ривожланиб, рақобатбардош тарзда фаолият кўрсатмоқда. Ривожланиш – корпорациялар учун капитал айлантириб, юқори фоизли даромад олиш демак. Юқори даромадли активларга эга бўлган компаниялар жаҳон иқтисодиётида талайгина бўлиб, уларга “Водофон” (Буюк Британия), “Дженерал электрик”, “Эксон мобил”, “Дженерал

моторс”(АҚШ) ва бошқаларни киритиш мумкин. Корпорациянинг биргина “Водофон” компанияси 99 %, “Эксон мобил” компанияси 68 % , “Нестле” 88 %, “Бритиш Американ табакко” 95 % даромад кўради. Ушбу компаниялар ичида етакчи ўринни “Нестле”(Швейцария) эгаллайди.

Трансмиллий, яъни кўпмиллий жаҳон корпорациялар давлатларни биргина хўжалик ишларини ривожлантирувчи омил бўлиб қолмасдан, балки ушбу давлатларнинг иқтисодиётига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади. Жаҳон корпорациялари кичик “фармацевтика”, “Электроника” ишлаб чиқариш корхоналарига бирлашиб, уларга кўмакчи бўлган ҳолда ўз фойдасини кўпайтиради. Бундан ташқари қарзга ботган, инкирозга учраган фирмаларнинг қарзларини тўлаб, корхоналарнинг акция пакетларини ҳам сотиб олиб, ўз капиталларини айлантириб, фойда кўра бошлайдилар.

Жаҳон иқтисодиётида кўпмиллий корпорациялар ўзининг халқаро фаолиятини жадаллик билан кенгайтириб бормоқда. Масалан, экспорт ўрнига чет элларда , яъни янги ҳудудларда ўзларининг фирма компания ва корхоналарини ташкил этиб, экспортдан холис бўлиб, капитал олиш ва кўпайтириш операцияларини амалга оширмоқдалар. Бундан ташқари чет эл корхоналари билан бирлашиб, маҳсулотларни ишлаб чиқариб ёки бошқа бир даромадли бўлган фаолиятни талабга мувофиқ юритмоқдалар.

1967 – 1976 йилларда корпорацияларнинг инвестициялари ҳажмини 105 млрд. АҚШ долл. да 287 млрд. АҚШ долл.га ўсган эди. 2000 йилда инвестициялар ҳажми эса 2,7 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этди. Энг катта ҳажмли инвестицияларга эга бўлган корпорациялар АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британияга тегишли.

80-йиллардан бери жаҳон иқтисодиётида кўпмиллий корпорациялар Россия ва МДХ давлари билан ҳам нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, илм – фан соҳаларида ҳамкорликни кучайтириб келмоқда. Бу эса жаҳон корпорацияларининг янада ўсиши ва гуллаб яшнашидан далолат беради.

Капиталнинг ўсиши корпорацияларнинг географик масштабда янада кенгрок кенгайишига ундайди. Ишлаб чиқариш корхоналарини чет элларда кўпайиши эса рақобатбардошликнинг асосини ташкил этади.

Жаҳон корпорациялари ўзаро ҳамкорликларини кучайтирган ҳолда чет эл корхоналари, завод ва фабрикалари билан бирлашиб ёки фирмаларнинг филиалларини сотиб олиб, йирик компаниялардан бирига айланмоқда. Шу йўллар билан жаҳон бозорларига йирик сармоядор компания сифатида кириб бормоқда. Масалан, АҚШнинг “Даймлер Крайслер” компанияси, Япониянинг “Мицубиши моторс” компаниясининг акцияларини (2 млрд. АҚШ доллига) сотиб олиб япон бозорларига рақобатбардош йирик сармоя эгаси сифатида кириб борган эди. Швециянинг “Скания” фирмасининг акцияларини сотиб олган Германиянинг “Фолксваген” фирмаси оғир юк машиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб жаҳон бозорига чиқишга эришди. АҚШнинг “Дженерал моторс” компанияси Италиянинг “Фиат” корхонаси билан бирлашиб, жаҳон бозорига чиққан эди.

Жаҳон иқтисодиётида ҳозирги кунда холдинг – хусусий компаниялар ривожланиб бормоқда. Ушбу компаниялар кўпроқ қўшма корхоналар сифатида иш юритиб эндигина ривожланаётган, келажакда эса йирик кўпмиллий корпорацияга айланиши мумкин бўлган компаниялардир.

7.3. Жаҳон саноат тармоқлари ривожланишида географик жиҳатлар

Жаҳон саноат тармоқларининг ривожланиши географик жиҳатларга ҳам боғлиқ. Жаҳон саноат тармоқлари асосан ривожланган, илмий – техник ва технологик воситаларни ишлаб чиқаришга кенг йўл қўйилган мамлакатларда гуллаб- яшнади ва кўпроқ даромад олишга муваффақ бўлади. Масалан, 1970 ва 1990 йилларда кимё (полимерлар ишлаб чиқариш) саноатининг ривожланиши фақат АҚШда аъло даражада йўл қўйилган бўлса, Японияда эса юқори темпларда электр-техника, транспорт, машинасозлик тармоқлари Германияда металлургия, машинасозлик кимё ва бошқа тармоқлар ривожланган эди.

70 – йиллардан бошлаб Бразилия, Мексика, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Тайвань каби Осиё ва Лотин Америкаси давлатлари ривожланиб, бу давлатларда машинасозлик , металлургия саноати қад кўтара бошлаган эди.

80 – йилларда собиқ Иттифоқ ва Шарқий Европа мамлакатлари жаҳон бозорларига чиқмаган ҳолда металлургия, кимё, машинасозлик тармоқларини

ривожлантира бошлади. Хуллас, ривожланган капиталистик мамлакатларда (илм – фан, техника, ишлаб чиқариш моделларини тез – тез янгилаб турган давлатларда) саноат тармоқлари жадаллик билан ривожланади.

Ривожланган мамлакатларнинг ёрдами, тажрибаси ва технологиялари асосида ривожланаётган мамлакатларнинг саноати ҳам юқори даражада ривожланиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиётида АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларда юқори техник технологиялар асосида турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади. Аммо лекин 80-йилларда офис мебеллари ускуналарини, авиация техникаси ва компьютерларни ишлаб чиқариш тармоқ соҳалар эса билинмас даражада пасайган эди. Фармацевтика ва медицина асбоб – ускуналарини ишлаб чиқариш эса юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилди.

80-йилларда Хитой ва Германияда шунингдек, Жануби–Шарқий Осиё мамлакатларида авиация техникаси, компьютерлар техникаси, коммуникация асбоб-ускуналари юқори технологияларда ишлаб чиқарила бошлади. Хитой машинасозлик, кимё тармоғига тегишли ускуналарни, шунингдек қазийш ва қайта ишлаш ускуналарини юқори технологияларда ишлаб чиқара бошлади (10-жадвал).

10-жадвал

Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда юқори технологияларда маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (% ҳисобида)

Давлатлар	Қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш		Қайта ишлаш саноати экспорти маҳсулотлари		Қайта ишлаш саноатида импорт маҳсулотлари		Қайта ишлаш саноатида истеъмол маҳсулотлар	
	1980й.	1995й.	1980й.	1995й.	1980й.	1995й.	1980й.	1995й.
Жаҳон	7,6.	12,0	9,5	18,1	8,9	18,0	7,6	12,5
АҚШ	10,4	15,1	17,3	27,5	9,8	23,3	9,9	15,4
Япония	10,1	14,9	13,3	27,1	10,0	17,5	9,8	14,4
Хитой	4,4	12,5	2,1	10,2	6,0	15,2	4,6	12,8
Корея	7,3	15,0	10,6	29,6	13,3	20,4	7,8	13,3

**Юқори технологияларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олдинадиган
улуш кўрсаткичлари(% ҳисобида)**

Давлатлар	Қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш		Қайта ишлаш саноати экспорти маҳсулотлари		Қайта ишлаш саноатида импорт маҳсулотлари		Қайта ишлаш саноатида истеъмол маҳсулотлар	
	1980й.	1995й.	1980й.	1995й.	1980й.	1995й.	1980й.	1995й.
Сингапур	19,9	52,3	22,4	54,1	16,8	39,7	15,7	26,2
Тайван	7,6	17,9	13,3	29,3	13,3	25,4	6,8	18,0

Манба: Ломакин В.И. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004 .

XX–XXI асрлар бўсағасида ривожланаётган мамлакатларда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқ соҳаларида йиллик ўсиш 10 % дан ошди. Бунинг баъзи сабаблари бўлиб, уни биз 2000 йилнинг бошларида ривожланаётган давлатларда саноат сусти ривожланган бўлса-да, лекин саноат тармоқларининг баъзилари қад кўтара бошлаганлигида кўришимиз мумкин. Қишлоқ хўжалигида эса техник воситаларни ишлаб чиқариш, оғир саноат тармоқлари сусти ривожланганлиги сабабли ўта юқори технологияга хос бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган эди.

XX аср ўрталарида собиқ Иттифокда саноат тармоқлари жадаллик билан ривожланиб, бой ички бозорига эга бўлган бўлса-да, 70–80–йилларда собиқ Иттифокда жаҳон стандартларига мос келувчи қимматбаҳо саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Машинасозлик саноати тармоғида, айниқса ҳарбий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган эди. 90–йилларда собиқ Иттифок ва Шарқий Европа мамлакатларида баъзи сабабларга кўра (режали хўжалик тизимида емирилиш ва бошқалар) ишлаб чиқариш машинасозлик саноати тармоқлари сусти ривожланиб борган бўлса-да, бу даврда ёқилғи–энергетика маҳсулотларини қазиб олиш саноат тармоқлари катта тезликда ривожланиб борган эди. Чунки мамлакатда кечаётган иқтисодий ўзгаришлар оғир саноат тармоқларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган эди.

Шундай қилиб, жаҳон саноат тармоқлари жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ҳолатига қараб, турлича ривожланиб боради. Яъни ривожланган мамлакатларда индустрия сектори, илмий – техник ва технологик воситалари кенг йўлга қўйилган давлатларда жаҳон саноати тармоқлари жадаллик билан ривожланади.

Замонавий жаҳон хўжалигида йирик корпорациялар бошқарув органларига айланиб бориб, ўз субъектлари бўлмиш жаҳон мамлакатларининг хўжалик ишларида, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятида, мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишида ва шунингдек давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда асосий ўринни эгаллайди.

XX – XXI асрлар бўсағасидаги жаҳон саноат тармоқлари ривожланишини қиёсий таҳлил қилинганда капиталистик давлатларнинг саноат тармоқлари социалистик давлатларнинг индустриясидан анча юқори поғонада турганлигини кўриш мумкин. Характерли томони шундаки, жаҳон саноати тармоқлари юқори фоидали даромадни асосан қазиб олиш ва қайта ишлаш саноат тармоқларидан, машинасозлик, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ва кимёвий саноат маҳсулотларидан олишган.

Жаҳон иқтисодиётида саноат тармоқларининг турли-туман даражада ривожланиб боришига қуйидаги жиҳатлар сабаб бўлган эди.

→ ишлаб чиқаришнинг тармоқ соҳаларига замонавий асбоб – ускуналарнинг жалб этилиши;

→ ишлаб чиқаришда янги моделларни қўллаш, замонавий технологик соҳаларда ишлаб чиқаришни жорий этиш;

→ ишлаб чиқаришнинг тармоқ корхоналарини тижорат корхоналарига айлантириб, ички ва жаҳон бозорларини бойитиш ва бошқалар.

7.4. Жаҳон иқтисодиётида транспорт ва алоқа тизимининг тутган ўрни.

Халқаро тартибга солиниши

XX асрнинг 70-йилларидан сўнг миллий хўжаликларнинг байналминаллашув жараёнлари кучайиб бориши натижасида ишлаб чиқариш компаниялари йириклашиб, уларнинг фаолият кўрсатиш доираси янада кенгайиб борди. Компанияларнинг халқаро бозорларда фаолият юритиши учун вертикал интеграция ва ташқи алоқалар тизими муҳим роль ўйнади. Жаҳон иқтисодиётида ташқи алоқаларни коммуникация тизимларисиз амалга ошириб бўлмайди.

Жаҳон иқтисодиётида алоқа ва транспорт тизими ЯИМ яратишда муҳим роль ўйнайди. Ривожланган давлатларнинг ушбу хўжалик соҳаларида ЯИМнинг 9,5 %и, ўртача ривожланган давлатларда 6,8 %и, иқтисодий паст ривожланган давлатларда эса 5,4 %и яратилмоқда.

Алоқа ва коммуникация тизимлари глобал миқёсда такрор ишлаб чиқариш жараёларининг муҳим элементи ҳисобланади. Алоқа тизими турли шаклда ахборот етказиб бериш ва таркатиш билан шуғулланадиган соҳалар мажмуасидир.

Жаҳон хўжалиги ҳозирги кунда ахборотлаштиришнинг ривожланиш босқичига ўтиб бормоқда. Бу босқичда алоқа ва ахборот технологиялари жаҳон хўжалигининг энг муҳим соҳаси ҳисобланади. Жаҳон хўжалигида иқтисодий шароитлар тез ўзгариб бораётган бир даврда иқтисодий қарорлар қабул қилиш ва аниқ ахборот олишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида алоқа тизимининг тез ривожланиши ва такомиллашишига сабаб бўлмоқда. 1985-2000 йилларда халқаро алоқа хизматлари ҳажми 5-6 баробарга кўпайган эди.

Жаҳон иқтисодиётида алоқа асосан икки кўринишда, яъни почта ва электрон алоқалар кўринишида содир бўлади. Почта алоқаси асосан хатларни, пулларни, даврий нашрларни жўнатувчилардан қабул қилиб, уларни тайёрлаб манзилига етказиб бериш ва бошқа хизматларни бажаради.

Электрон алоқа тизими бу симлар, радио ва бошқа электрон воситалар орқали белги, сигнал, матн, тасвир, овозни узатиш ва қабул қилишдан иборатдир. Электрон алоқалар шаклига телефон, видеотелефон, телеграф, факс, радио, телевидение, электрон почта хизматлари ҳам киради.

Миллий алоқа хизматлари кўп жиҳатдан, минтақавий ва халқаро бозорларнинг ривожланиши даражасига боғлиқдир. Ушбу хизматлар даражаси бўйича жаҳонда биринчи уринда ЕИ (жаҳон ҳажмининг 35,2 %и), иккинчи ўринда Шимолий Америка (30,7 %и) туради.

70-80-йилларда жаҳон хўжалигининг электрон алоқа тизимлари технологиясида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда алоқа тизимида сунъий йўлдошлар, оптик-толали кабеллар, ракамли технологиялар киритилди. Бу эса ўз навбатида ахборот хизматлари технологияси шакллари кенгайишига сабаб бўлди.

Жаҳон иқтисодиётида алоқа ва ахборот тизимларининг ривожланиши ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш имконини беради. Америкалик олимларнинг фикрича, алоқадан сифатли ва ўз вақтида фойдаланиш ишлаб чиқариш харажатларини 6-10 %га, муомала харажатларини эса 7-20 %га камайтириш имконини берар экан. Микродаражада ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш моддий захираларни 3-4 марта, айланма маблағларни 7-10 %га камайтириш имконини беради. Айтиш лозимки, жаҳон иқтисодиётида алоқа тизими хўжалик ресурсларидан унумли фойдаланиш воситасига айланиб бормокда. Хуллас, алоқа тизимлари ва информатика ишчи кучидан фойдаланиш даражасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда кўплаб товарлар таннархидаги қўшимча ахборот хизматлари (дизайн, кадок, реклама, тарқатиш, бошқарув ва ҳ.к.лар) асосий компонентга айланиб, унинг 80 %ини ташкил этмокда.

Жаҳон иқтисодиётида транспорт ҳам коммуникация тизимига киради. Ҳозирги кунда транспорт тизимининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш ресурсларини такрор ишлаб чиқариш жараёни билан боғлаб, уларнинг бозорга чиқишини таъминлашдан иборат. Бошқача айтганда, жаҳон иқтисодиётида транспорт тизими ишлаб чиқарувчиларни, харидор ва сотувчиларни ажратиб турувчи вақт ва маконни бирлаштириб туради.

Жаҳон иқтисодиётида транспорт ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлган транспорт ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Транспортнинг ЯИМдаги улуши жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида 4-9 %ни, бандликда 3-8 %ни ташкил этади. Ривожланган давлатларда транспортда юк ташиш ўрта ҳисобда ҳар бир кишига тўғри келадиган маҳсулот миқдори йилига 20-25 тоннани, жаҳон бўйича эса 10 тоннани ташкил этади. Айтиш лозимки, жаҳон маҳсулотининг ҳар бир тоннаси ўрта ҳисобда транспортнинг 860 т/км ишлашини талаб қилади.

Жаҳон иқтисодиётида инсонларнинг ҳаракати ҳам ошиб бормокда. Агар 1900 йилда АҚШ фуқароси йилига ўрта ҳисобда 698 км йўл босган бўлса, 80-90 йилларда йилига ўрта ҳисобда 19,2 минг км йўлни босган эди. Иқтисодий паст ривожланган

давлатларда аҳолининг ҳаракатчанглиги йилига ўртача 480-660 км. ни ташкил этган бўлса, учинчи дунёнинг энг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 20 баробар ортган эди. Хуллас, инсонларнинг ҳаракатчанглиги у ёки бу мамлакатда иқтисодий ривожланишнинг ўртача даражасига етгандан сўнг кескин ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида транспорт тизимининг ривожланиб бориши йўл қурилиши ва юк-йўловчи ташиш миқдорига қараб аниқланади. Жаҳон ҳўжалигида ҳозирги кунда юк ташиш миқдори йўл қурилишидан кўра тезроқ ривожланиб бормоқда. Маълумки, жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси ошиб бориши билан юк ташиш динамикаси пасайиб, йўловчи ташиш даражасининг ортиб боради. Масалан, 1940-1980 йилларда АҚШ транспорт тизимининг ЯИМи 4,9 марта, шаҳарлараро юк айланмаси 3,9 марта, йўловчи ташиш 5,6 марта ўсган эди.

Жаҳон иқтисодиётида ташилаётган юк миқдорлари бўйича транспорт турлари орасида биринчи ўринда автомобиль транспорти, кейинги ўринларда эса темир йўл, денгиз, қувур, ички дарё ва авиация транспортлари туради. Жаҳон миқёсида юк ташиш миқдорлари бўйича биринчи ўринда денгиз транспорти туради. Унинг ҳисобига жаҳонда ташилаётган юкларнинг 60 %и тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида транспортнинг барча турлари ва транспорт жараёнининг барча миллий ва халқаро даражадаги бўғинлари жаҳон транспорт тизимини ташкил этади. Жаҳон ҳўжалигида турли гуруҳларга қирувчи давлатларнинг транспорт тизимлари турлича бўлиб, бу асосан давлатларнинг ривожланишидаги фаркига боғлиқдир. Транспорт хизматлари бозорида ривожланган давлатларнинг транспорт тизими юк ташишнинг асосий қисмини таъминлайди (70 % атрофида). Ушбу давлатларнинг юк айланмасида денгиз транспорти етакчи ўринда туради.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа давлатлари транспорт хизматлари бўйича кенг тармоқли автомобиль ва темир йуллар тизимига эга. Бу давлатларда жаҳон портларининг 63 %и жойлашган бўлиб, уларда жаҳон юк айланмасининг 3/4 қисми бажарилади. Транспорт воситаларининг асосий қисми ҳам шу давлатларга

тўғри келади. Дунёдаги автомобиль транспортининг 80- 85 %и Шимолий Америка ва Ғарбий Европада давлатларига тўғри келади. Ғарб давлатлари денгиз флотининг 60,5 % тоннажини назорат қилиб, унинг 39 %и тўрт давлат - Греция (16,6 %), ГЕРМАНИЯ (8 %), АҚШ (7,2 %) ва Норвегия (6,9) ҳисобига тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида денгиз флотини давлатлар ва минтақалар бўйича ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улар одатда рўйхатга олинган мамлакатлар бўйича ҳисобга олинади. Бунда ривожланаётган давлатлар илғор ўринлардан бирида туради. Рўйхатга олиш бўйича энг йирик ривожланаётган мамлакатларга - Либерия (тоннажнинг 32 %и), Панама (31 %), Багама ороллари (12 %), ҳамда Бермуда ороллари, Кипр ва Мальта киради. Ушбу давлатлар орасида маълум ихтисослашув мавжуд. Мисол учун юк ташувчи танкерларнинг асосий қисми Либерия (42 %), Панама (26 %) байроғи остида сузиб, асосан Панамада, йўловчи ташийдиган кемалар эса Багама оролларида рўйхатдан ўтади.

Ривожланаётган давлатларнинг транспорт тизими жаҳон юк айланмасининг 20 %ни амалга оширади. Унда денгиз транспорти асосий ўринни эгаллайди. Ривожланаётган давлатлар жаҳон савдо флотининг 35 %ини назорат қилади. Ривожланаётган мамлакатлар ичида энг йирик кема флотига эга бўлган давлатлар бўлиб, Хитой ва Жанубий Корея ҳисобланади. Ривожланаётган давлатларда транспорт енгил автомобилларининг 10 %ни, автобус ва юк машиналарининг 20 %и жамланган (бу АҚШ дан камроқдир). Хуллас, жаҳон иқтисодиётида ҳозирги кунда рақобат, илмий-техник ва технологияларнинг ривожланиши, товарларнинг ҳаётийлик даври камайиши, истеъмолчиларнинг сифатни яхшилаш ва нархларни пасайтиришдаги талаблари ишлаб чиқарувчилар, транспорт ва коммуникация компанияларининг ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга ундамоқда (ўтган аср мобайнида транспорт харажатларининг реал нархлари 12 марта камайтирилган эди).

Жаҳон иқтисодиётида транспорт ва алоқани иқтисодий нуқтаи назардан тартибга солиш турли даража ва шаклларда (ҳукуматлараро миқёсда, компанияларнинг иқтисодий муносабатлари миқёсида) амалга оширилади. Ҳукуматлараро ва хусусий монополистик миқёсдаги ҳамкорликлар асосан икки

томонлама амалга оширилиши билан бир қаторда кўп томонлама асосда ҳам амалга оширилиши мумкин. Халқаро келишувлар жаҳон иқтисодиётида транспорт ва алоқани халқаро тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу келишувлар жаҳон хўжалигида турли ташкилотларнинг тузилишига сабаб бўлади.

Транспорт соҳасида олиб борилаётган ҳукуматлараро муносабатлар турли халқаро ташкилотлар доирасида амалга оширилиб, бундай ташкилотларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

- Халқаро денгиз ташкилоти.
- Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти.
- Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси.
- Кема эгаларининг халқаро ассоциацияси.
- Халқаро кемачилик палатаси ва бошқалар.

7.5. Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини тутган ўрни

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ўз мустақиллигига эришгач, иқтисодий пойдеворини қишлоқ хўжалигини тиклашдан ва уни ривожлантиришдан бошлади. Бугунги кунда дунёнинг юздан ортиқ ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хомашё билан таъминлашда асосий манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг фан - техника ютуқларига асосланган ҳолда индустриал тарзда юксалиб бориши, ундаги меҳнат тақсимооти, турли давлатларнинг ўз табиий, иқтисодий шароитидан келиб чиқиб, турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашиши бир томондан давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантирса, иккинчи томондан, интеграция жараёнлари кучайишига олиб келмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларининг кескин ривожланиб бориши қишлоқ хўжалигининг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти янада ортиб бораётганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётли мамлакатлар қишлоқ хўжалигини, аграр ислохотлар тажрибаларини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришининг асосий омиллари бўлган ер, сув ва меҳнат ресурслари ва уларнинг


Ўзига хос хусусиятларини ривожланган, ривожланаётган давлатлар миқёсида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари айрим мамлакатларнинг иқлим шароити уларнинг у ёки бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашишига қандай таъсир қилишини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий ўринда турувчи аграр саноати ривожланган мамлакати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигининг ҳолати ва тараққий этиши аҳоли турмуш фаровонлигининг ортишига, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланишига, истеъмол бозорининг барқарорлигига асос яратади. Қишлоқ хўжалигининг аҳамияти яна шундаки, у саноат учун хомашё етиштириб берувчи ҳамда мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи тармоқ ҳисобланади. Бу борада республикаимиз Президенти И.А. Каримов: “...Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш бундан буён ҳам ғоят муҳим масала бўлиб қолади...” – деб таъкидлаган эди.³

Жаҳон иқтисодиётида фаол аҳолининг тахминан 50-55 %и, камроқ тараққий этган мамлакатларда эса 80-90 %и қишлоқ хўжалигида банд. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача 60-65 %ни, ривожланган мамлакатларда 8-10 %ни ташкил қилади. Жаҳон бўйича қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг таркибини қуйидаги диаграммадан ҳам кўришимиз мумкин

1-диаграмма

Жаҳон бўйича қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг жойлашуви (2004 йил % ҳисобида)



Манба: Н.Попов. Экономика сельскохозяйственного производства. С основами рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства. –М., 2004. 144 с.

³ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

Юқоридаги диаграммадан ҳам кўриниб турибдики, 2004 йилда дунё бўйича қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 32 %и Африка қитъасига, 19 %и Осиё мамлакатлари, 13 %и Латин Америкаси мамлакатлари, 15 %и Хитой ва 3-5 %и эса Европа мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган.

Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида аграр соҳанининг ўрни ҳақида янги концепциялар ишлаб чиқилган бўлиб, у амалиётга кенг қўлланилмоқда. Ушбу концепциянинг ижобий натижаси сифатида қишлоқ хўжалиги таркибида кескин ўзгаришлар содир бўлиб, янги халқаро меҳнат тақсимооти муносабати билан жаҳон озиқ-овқат таъминоти тизимида янги геосиёсат юзага келди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаши, бунинг учун аввало қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишининг агротехнологик, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларини ва шунингдек, бозор муносабатларининг босқичма-босқич шаклланишига катта эътибор бериб келмоқда. Агар соҳа республика иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга бўлиб, бугунги кунда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 25 %ни ташкил этиб, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги сабабли мазкур соҳа улушининг қисқариши тенденцияси содир бўлмоқда. Шунингдек, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, таркибий ва институционал ўзгаришларнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсиши суръатлари барқарорлашиб, 1997-2005 йилларда ўртача 2,5-6,0 %ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар, аввало босқичма-босқич, агротехнологик-ҳуқуқий-иқтисодий-ташқилий-институционал-ижтимоий-экологик-ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш орқали бир-бирини тўлдирувчи йўналишларда амалга оширилди. Жумладан:

- агросаноат мажмуаси (АСМ)ни ислоҳ қилиш, давлат ва жамоа хўжаликларини бозор тамойилларига мос фаолият юритувчи хўжалик субъектларига айлантириш, қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари билан таъминловчи ва маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни хусусийлаштириш;

- қишлоқ хўжалиги экинларида ғаллачиликнинг улушини кўпайтириш, экин майдонлари таркибидаги ўзгаришларни амалга ошириш;

- стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ва ғалладан ташқари, барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш тизимини давлат тасарруфидан чиқариш, давлат буюртмасини бекор қилиш ва баҳоларни эркинлаштириш;

- аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш тизимини ўзгартириш ва бошқарувнинг ташкилий тизими ҳамда усуллари бозор муносабатларига мос равишда ўзгартириш;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини коммунал хўжалик ва ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаш вазифаларидан озод қилиш.

Дунёда ишлаб чиқариш кучлари ўсиб бориши билан жаҳон қишлоқ хўжалиги тараққиётида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Олдин қишлоқ хўжалиги асосан табиий-иқлим шароитига боғлиқ ҳолда ривожланган бўлса, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши бу боғлиқликни қисман камайтирмоқда. Илм-фаннинг ривожланиши натижасида экинларнинг табиий шароитларга мос янги, серҳосил навлари, сермахсул, зотли чорва моллари яратилмоқда. Бундан ташқари иссиқхоналарнинг қурилиши илгари етиштириш мумкин бўлмаган экин турларини совуқ зоналарда ҳам етиштириш имконини бермоқда.

Техниканинг ривожини сув билан кам таъминланган ерларга олиб келиш ёки ер ости сувларидан самарали фойдаланиш имконини яратади. Транспорт йўлларининг ривожланганлиги, музхоналарнинг пайдо бўлиши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини жойлаштириш тамойилларини ўзгартириш имконини берди. Энди тез бузилувчан ва асосан истеъмолга мўлжалланган маҳсулот турларини аҳолига яқин ерларда эмас, балки энг катта самара берадиган ерларда етиштириш имконияти туғилди.

Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқариш кучларининг тез ривожланиши жаҳон қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш омилларида, энг авалло, ердан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу билан биргаликда дунё аҳолисининг тез кўпайиб бориши ва мавжуд аҳолини баланслашган озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш зарурати жаҳон қишлоқ хўжалигининг тез суръатлар билан ривожлантиришни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигида қулай жойларнинг асосий қисми ўзлаштирилиб бўлганлиги жаҳон иқтисодиёти олдида катта муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Чунки қишлоқ хўжалигига янги ишлаб чиқариш омилларини жалб этиш нисбатан анча қимматга тушади. Бу, ўз навбатида, жуда катта молиявий ресурсларни талаб қилади. Жаҳон давлатларининг иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлиши эса бу масалани янада мураккаблаштиради. Чунки янги ўзлаштирилиши мумкин бўлган ерларнинг асосий қисми иқтисодиёти паст ёки ривожланаётган давлатларга тўғри келади

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш табиий шароитларга (ҳарорат, рельеф, намлик билан таъминланганлик ва бошқалар) боғлиқликни йўқотиш мумкин эмас.

Жаҳон хўжалигида ер юзининг текис қисми 84,9 млн. кв. км. ни ёки 57 %ни ташкил этади. Унинг 16,3 млн. кв. км. музликлар, 3,2 млн. кв. км. кўллар, сув ҳавзалари ва дарёлардир. Тоғли ерлар 64 млн. кв. км. ташкил этади. Жами қуруқликнинг 22,5 млн. кв. км. қишлоқ хўжалиги учун яроқли эмас. 37,5 млн. кв. км. қуруқлик ерлар ўзлаштириш учун жуда катта маблағларни талаб қилади. Бу харажатлар учун жаҳон иқтисодиёти ҳали тўлиқ тайёр эмас. Бор-йўғи 9 млн. кв. км. ёки жами қуруқликнинг 6 %и ўзлаштириш учун катта харажатлар талаб қилинмайдиган захира ерлардир. А.М. Рябчиковнинг маълумотларига кўра, ер юзини қуруқлик қисмини 13 %и (қишлоқ аҳоли пунктлари ва чорва фермер хўжаликларнинг ерлари билан биргаликда) қишлоқ хўжалиги билан банд. Яйлов ва пичанзорлар 19 %ни ташкил этади.

Бошқача айтганда, ер юзи қуруқлик қисмининг 32 %дан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаяпти. Европада қуруқлик ерларнинг 32 %и ўрмонлар билан банд, ва 19 %и яйлов ва пичанзорлардан иборат. Бу кўрсаткичлар мутаносиб ҳолда Осиёда 21 ва 15, Африкада 11 ва 23, Шимолий Америкада 12 ва 18, Жанубий Америкада 8 ва 19 ва Австралияда (Океания давлатлари билан биргаликда) 5 ва 51 %ни ташкил этади. Бу борадаги кўрсаткичлар давлатлар ўртасида ҳам кескин фарқ қилади. Энг катта ер майдонига эга бўлган давлатларда бу кўрсаткичлар тегишли равишда қуйидагича: Россияда 12 %ни ва 18 %ни, Канада 14 %ни, Австралияда 5 %ни ва 54 %ни, Ҳиндистонда 51 %ни ва 7 %ни Аргентинада 12 % ва 40 %ни.

АҚШда қишлоқ хўжалигида етиштириладиган мева, сабзавот, полиз, картошка, гўшт, тухум, маҳсулотларини тоза сақлаш мақсадида омбор ва совутгич-музхоналар билан тўлиқ таъминланган. АҚШ қишлоқ хўжалигининг 15 % майдонида сунъий суғорма деҳқончилик тизими жорий этилган. Суғориладиган ерларда етиштирилган маҳсулот мамлакатда етиштириладиган маҳсулотнинг 1/3 қисмини ташкил этади.

АҚШ жаҳон мамлакатларига йилига 140-150 млрд. долл. қийматига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан 45 млн. тонна маккажўхори дони, 36 млн. тонна буғдой, 20 млн. тонна ловия экспорт қилади. АҚШдаги озиқ-овқат кичиккомплекси юқори даражада ривожланган маркетингга эга. АҚШ қишлоқ хўжалигида асосан оилавий фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, улар қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотининг 99 %ини беради. Озиқ-овқатнинг қолган қисми акционерлик компаниялари ҳиссасига тўғри келади. 2000 йилда АҚШда 2,1 млн. оилавий фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, ушбу ҳар бир оилавий фермер хўжаликлар ўртача 83 минг долл.лик маҳсулот етиштирган. Фермерларнинг ҳар бири ўртача 187 гектар ерга эгалик қилиб, ҳар гектар ер қиймати 250 минг долл.га тенг. Фермер хўжаликларининг 2-3 ишчиси 140 минг долл.лик қийматга эга бўлган ишлаб чиқариш фондларига эга.

Буюк Британияда фермерларининг 50 %и ерни ижарага олиб ишлашади. Қолганлари майда ва ўрта ҳол фермер хўжаликларидир. Ўртача ҳар бир фермер хўжалик 50 гектар ерга эгалик қилиб, 2 дан 20 гектаргача ерга эгалик қилган фермер хўжаликлари ҳам учрайди. Буюк Британияда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи чорвачилик ҳисобланади. Чунки, бу мамлакат табиий яйлов ва пичанзорларга бой бўлиб, бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут кунига 4350-5000 литрни ташкил этади. Сут маҳсулотларини етиштирадиган фермерларда ўртача 70 бошдан зиёдроқ қора-мол сақланади. Буюк Британияда боғдорчилик ва сабзавот-полиэкинлари тармоғи ялпи маҳсулотнинг 30 %ини беради. Шундан 8 %и мева, сабзавот, 5,4 %и картошка, 9,5 %и дон маҳсулоти ва 2,1 %и қанд лавлагини ташкил этади.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги олдида турган энг асосий вазифа дунё аҳолисини баланслашган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳеч қандай қайта ишловларсиз истеъмол қилиш ва қайта ишлаш саноати учун керакли маҳсулотларни етказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, шунингдек МДХ мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ва ЯИМ динамикасида ҳам таркибий ўзгаришлар юз бермоқда. Агар 1980-1985 йилларда мазкур мамлакатларда бу иккала кўрсаткич қисман юқори суръатларда сақланиб келган бўлса-да, сўнгги йилларда бир неча баробар камайиб кетди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш таркибий ўзгаришларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Албатта қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади. Иқтисодий ислохотларнинг бошланғич босқичларида барча ўтиш иқтисодиётли мамлакатларда аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган эди. Бу эса ўз навбатида аграр секторда ишлаб чиқариш самарадорлигининг бир неча баробар камайишига сабаб бўлган эди.

Бундай вазиятда ишчи кучи ресурсларини оқилона жойлаштириш, бўш қолган ишчи кучини саноат тармоқларига жалб этиш зарурияти туғилди. Иқтисодий ислохотларнинг илк йилларида ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда мазкур муаммога катта аҳамият берилди ва қисқа давр мобайнида катта муваффақиятларга эришилди. Бунга мазкур соҳа бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар, мақсадли дастурлар сабаб бўлди. Қисқа муддатларда аграр секторда банд бўлган аҳоли сони камайган бўлса-да, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажми сақланиб қолди (12-жадвал).

12-жадвал

**Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида қишлоқ хўжалиги
ялпи маҳсулоти ва ЯИМ динамикаси
(ўртача йиллик ўсиш, % ҳисобида)**

	1980-1985йй.		1992-2000йй.	
	Марказий ва Шарқий Европа	МДҲ	Марказий ва Шарқий Европа	МДҲ
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	2,22	1,72	-0,21	-4,29
ЯИМ	2,53	3,86	1,61	-5,82

Манба: Современные проблемы конкурентоспособности сельскохозяйственного производства. Труды Азербайджанского Научно-исследовательского института экономики и организации сельского хозяйства. Баку, 2003. 201 с.

Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг асосий тармоғидир. Масалан, Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўпчилики мамлакатларида яшовчи аҳолининг 3/4 қисмини деҳқончилик, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларда банддир. Фақат Қувайт, Исроил, Ливан,

Баҳрайн ва Қатар давлатларининг қишлоқ хўжалиги миллий даромадда иккинчи даражали ўринда туради. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг деҳқончилигида субтропик экинлар етиштириш устун туради. Ўрта ер денгиз бўйида жойлашган мамлакатлар субтропик мевалар, узум етиштиради. Суғориладиган ерларда ҳар хил мевалар, полиз экинлари, қанд лавлаги, пахта, шоли, Арабистон ярим оролининг жанубида кофе экилади. Туркия ва Ироқ ғалла етиштиришда етакчи ўринда туради. Барча мамлакатларнинг чорва моллари орасида қўй ва эчкилар энг кўп боқилади. Қорақўл қўйлар (Афғонистон) ва ангор эчкиси (Туркия), айниқса қимматли маҳсулотдир.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий роль ўйнайди. Аҳолининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, минтақада яшовчи аҳоли миллий даромадининг 50-55 %и қишлоқ хўжалигидан келади. Ушбу минтақанинг қишлоқ хўжалиги ихтисослашишида тарихан иккита йўналиш таркиб топган: хомашёси экспортбоп экинлар етиштириш (плантация ва деҳқон хўжаликларида); хомашёси исьтемом қилинадиган экинлар етиштириш. Хомашёси экспорт қилинадиган асосий экинлар-шоли (Бирма, Таиланд), гевая (Малайзия, Индонезия), абака (Филлипин), чой, кофе (Индонезия), кокос пальмаси, кокос пальмасининг қуритилган этидан олинадиган копра (Филлипин, Индонезия) ҳисобланади.

Гуруч экспорт қиладиган асосий мамлакатлар – Бирма, Таиланддир. Бошқа мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ҳам экспортга ихтисослашган. Жаҳон бозорига чиқариладиган абака (лос) нинг 9/10 қисмини ва копранинг 2/3 қисмини Филлипин беради. Малайзия ва Индонезия дунёда натурал каучук етиштирадиган энг йирик мамлакатлардир.

Жаҳон бозорларида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида етиштириладиган пенька, каноп, копра, дориворлар, шакарқамиш қанди, табиий каучук каби товарларнинг баҳоси ўта пасайиб кетмоқда. Бир қатор мамлакатларда шоли етиштириш ва исьтемом қилиш соҳасида озиқ-овқат муаммоси кескин тус олмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларини ҳал қилиш йўллари қишлоқ

хўжалигида ижтимоий муносабатларни тубдан қайта қуриш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш билан узвий равишда боғлиқдир.

Ривожланаётган давлатлар ичида Ҳиндистон қадимги деҳқончилик маданияти ривожланган мамлакатдир. Лекин ҳинд деҳқонларининг меҳнатсеварлиги деҳқончилик соҳасида малакага эга бўлишига қарамасдан, шунингдек иссиқлик етарли ва тупроғи унумдор бўлишига қарамасдан, заминдор ҳамда ингилиз мустамлакачилик зулми оқибатида мамлакат қишлоқ хўжалиги кейинги 200 йиллар давомида секин ривожланиб келди (13-жадвал).

13-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш бўйича Ҳиндистоннинг жаҳондаги ўрни

№	Маҳсулот тури	Жаҳондаги ҳиссаси (%)	Эгаллаган ўрни
1.	Қизил қалампир	85	1
2.	Қора мурч	60	1
3.	Чой	35	1
4.	Банан	10	1
5.	Шакарқамиш	22	2
6.	Мевалар	9	2
7.	Бугдой	15	2
8.	Тамаки	20	3
9.	Пахта	8	3
10.	Кофе	7	3
11.	Тухум	5	3
12.	Сут	3	3

Манба: Страны мира. Справочник. -Москва, 2005.

Ҳиндистон иқтисодиётида техника экинлари мамлакат экин майдонларининг атиги 1/5 қисмини ишғол қилса-да, лекин уларнинг иқтисодий аҳамияти жуда катта (енгил саноат учун хомашё ҳисобланади ва экспорт қилинади). Техника экинларидан энг муҳими – пахта, жут, чой, шакарқамиш, мойли экинлардир. Пахта етиштиришда Ҳиндистон дунёда учинчи, жутнинг ялпи ҳосили бўйича иккинчи ўринда туради.

Ҳиндистоннинг тоғ этакларида, хусусан, Ассом штатида етиштириладиган чой катта аҳамиятга эга. Чойнинг ялпи ҳосили ва экспорт қилиши бўйича ва шунингдек, шакарқамиш майдони жиҳатидан ҳам Ҳиндистон жаҳонда биринчи ўринда туради, лекин унинг ҳосилдорлиги паст бўлганлиги учун ҳосили Кубага

нисбатан кам. Мойли экинлардан ерёнғоқ ва рапс ҳам катта ахамиятга эга. Тамаки, каучукли экинлар, кофе дарахти, доривор экинлар, кокос пальмаси, банан, ананас, манго, цитрус экинлар деҳқончиликда муҳим роль ўйнайди.

Чорвачилик Ҳиндистон қишлоқ хўжалигининг иккинчи даражали тармоғидир. Чорва моллари сони жиҳатидан Ҳиндистон дунёда биринчи ўринда, лекин чорвачиликнинг маҳсулдорлиги жуда паст. Табиий ем-хашак етишмайди, молларни бойлаб боқиш расм бўлмаган, чунки аралаш ем-хашак сотиб олиш учун деҳқоннинг маблағи йўқ. Чорва моллари орасида касалликлар кўп тарқалган. Қорамоллардан (хўкиз, сигирлар) деҳқон хўжаликларида биринчи галда от-улов сифатида фойдаланилади. Диний ақидаларга кўра, Ҳиндистонда қорамол гўштини ейиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам маҳсулот бериш ёшидан ўтган қорамоллар деҳқон хўжаликларида ортиқча ташвишдан бошқа нарса эмас. Моллар ўлгандан кейин териси экспорт учун хизмат қилади. Чорва молларининг зотини яхшилаш мақсадида зотли моллар боқиладиган давлат фермалари ташкил этилган.

Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги барча халқ хўжалиги тармоқларининг мажмуи бўлиб, энг аввало, саноат билан чамбарчас боғлиқдир. У ҳозирги кунда саноат билан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари, маданий ўғитлар ишлаб чиқариш), саноат билан тугалланади (етиштирилган хомашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш). Бу икки тармоқ ўртасидаги алоқа вертикал интеграция ёки агросаноат интеграцияси жараёни бўлиб, у борган сари чуқурлашиб бораверади.

Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 3-5 %ни ташкил этадиган фермер хўжаликлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз халқини тўла таъминлабгина қолмай, айти пайтда ўз маҳсулотларини бошқа давлатларга ҳам экспорт қилади. Голландия ёки Америкада фермерларга сервис хизматлари кўрсатиш бўйича қанчадан-қанча аҳоли банд эканлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Фермер ўз уйида ёки фермасида туриб, керакли уруғлик, минерал ўғитлар ёки техника хизмати учун, арзон ва ишончли таъминотчи ҳамкорига буюртма бериши ва уни ўз вақтида олиши мумкин.

Дунё давлатлари аҳолисининг миқдори ва ўсиш суръатлари турлича бўлиб, қатор мураккабликларни юзага келтиради. Бугунги кунда аҳолининг катта қисми Хитой, Ҳиндистон, Япония, Шимолий ва Жанубий Корея, Вьетнам каби давлатларга тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми эса Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Россия давлатларида етиштирилади. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган бир қатор давлатлари асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланса-да, умумий ривожланишнинг пастлиги аграр тармоқларда самарадорликнинг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда. Натижада ер юзи аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бир меъёрга таъминлашда катта қийинчиликлар вужудга келмоқда.

Ер юзида табиий-иқлимий шароит, намлик билан таъминланганлиги каби қатор объектив сабабларга кўра, турли минтақаларда турлича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Масалан, дон маҳсулотлари, айниқса, озиқ-овқат учун энг қимматли бўлган буғдой АҚШ, Канада, Европа давлатларида, Хитой ва Россияда кўпроқ етиштирилади. Албатта, Осиё ва Африканинг айрим давлатларида ҳам буғдой етиштирилади. Лекин унинг сифати, миқдори, ҳосилдорлиги етарли даражада эмас. Техника экинлари ва шולי кўпроқ Осиё, сабзавот ва полиз экинлари эса Европа давлатларида етиштирилади.

Чорвачилик маҳсулотлари ер юзининг барча минтақаларида етиштирилса-да, унинг миқдори турли зоналарда турличадир. Африкада қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми жуда паст. Африканинг цеце чивини учрайдиган минтақаларида чорвачилик деярли ривожланмаган. Ўсимлик ёғи учун маҳсулотлар асосан АҚШ, Аргентина, Жанубий Европа давлатларида етиштирилади. Экватор атрофида жойлашган давлатларда кўпроқ меваларнинг шу минтақаларига хос турлари – мандарин, апельсин, банан кабилар етиштирилади.

Бу ҳолат давлатларда кучли товар айрибошлашни йўлга қўйилишини, давлатлар, минтақалар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосининг яхши ривожланишини талаб этмоқда. Мамлакаталар иқтисодиётининг нотекис ривожланганлиги, турли сиёсий сабаблар бу масалани самарали олиб боришда катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунга қарамасдан, дунё аҳолисини қишлоқ хўжалиги, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишларга қуйидагилар киради:

- Турли сабабларга кўра (уруш, давлат тўнтариши, катта табиий офатлар) ўз аҳолисини минимал озиқ-овқат билан ҳам таъминлай олмаётган давлатларга ёрдам

кўрсатиш. Бу турдаги ёрдам бериш заруриятини камайтириш йўллари топиш устида БМТ ва ривожланган давлатлар тинмай ишламоқда. Албатта, бу турдаги ёрдамни камайтириш учун, энг аввало, урушларнинг олдини олиш, дунёда тинчлик ўрнатиш устида ҳаракатлар қилинмоқда.

- Ривожланаётган давлатларга ривожланган давлатлар томонидан жуда паст фоизларда кредитлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун) ажратиш йўли билан, баъзан эса гуманитар ёрдам сифатида маҳсулотлар етказиб бериш. Бу асосан иқтисодиёти бир томонлама ривожланаётган жуда камбағал ва қишлоқ хўжалигини юритиш мумкин бўлмаган давлатларга нисбатан амалга оширилади.

- Ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган ёрдамлар. Бу энг мақбул йўналиш бўлиб, дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг кўпайиши, мавжуд имконият ва омилларнинг ишга туширилиши, натижада дунё аҳолисини шу маҳсулотлар билан таъминлаш даражасининг яхшиланишига олиб келади.

60-80 йилларда бу борада қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, Мексикада яратилган тез-пишар, сувга чидамли, сифати яхши серҳосил буғдой навининг кўплаб Африка ва араб давлатларига жойлаштириши натижасида 80-йилларнинг охирига келиб, ушбу давлатларда буғдой етиштириш кўпайишини тامينлади. 80-йилларнинг охирига келиб, уларнинг баъзилари буғдой экспорт қиладиган давлатларга ҳам айланди. Англия, АҚШ, Италия ва Исроилда яратилган сут йўналишидаги қорамолларнинг янги зотлари дунё давлатларига қисман тарқатилиши бу борадаги вазият яхшиланишига олиб келмоқда.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги тараққиёти дунё давлатлари иқтисодиётининг ривожланиш даражаларига боғлиқ. Дунёнинг ривожланган давлатлари ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун 350 млрд. АҚШ долл. миқдорида субсидия ажратмоқда. Бу ҳам ижобий самара бермоқда.

Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш ишлари йирик компанияларнинг қўлларида тўпланган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ишларини монополистик компаниялар эгаллаб олишган. Саноат йўли билан қайта ишлаш ва хўжаликларни техника жиҳозлар билан қайта қурулантириш учун фермерларга кредитлар бериш, шу компаниялар эътиборидадир.

Таянч иборалар

Саноат тармоқлари, казиб олиш ва қайта тақсимлаш, саноат тармоқларидаги ўзгаришлар, ТМК, глобаллашув, юқори технологик жараёнлар, транспорт воситалари, транспорт ва коммуникация, ахборот тизимлари, байналминаллашув, денгиз флоти, тоннаж, фуқаролик авиацияси.

Назорат саволлари

1. Жаҳон хўжалигида алоқа ва коммуникация тизимларининг аҳамияти ҳақида нима биласиз?
2. Жаҳон хўжалигида транспорт коммуникация тизимининг асосий вазифаларини кўрсатинг.
3. Жаҳон иқтисодиётида транспорт тизимининг аҳамиятини характерлаб беринг.
4. Жаҳон хўжалигида транспорт ва алоқани халқаро тартибга солиш шакллари кўрсатинг.
5. Сизнинг фикрингизча жаҳон хўжалигида транспорт ва коммуникация тизимларига қандай янгиликларни киритиш мумкин?
6. Транспорт ва коммуникация тизимларининг ривожланиш курсаткичларини характерлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. - Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд.3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К°”, 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

8-бoб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТЕНДЕНЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

8.1. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари

8.2. Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорациялар

8.3. Жаҳон хўжалигида либераллашув жараёнларининг бориши

8.1. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон хўжалиги фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиб боришидир. Жаҳон хўжалигида давлатлараро гуруҳлар ва иқтисодий гуруҳлар, алоҳида фирма ва ташкилотлар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатлар тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва хўжалик ҳаётининг байналминаллашувида, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустақамланишида намоён бўлмоқда.

Шуниси характерлики, ўзаро ҳамкорлик ва яқинлашиш жараёнлари қарама-қарши, диалектик характерга эга. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг диалектикаси шундаки, айрим мамлакатларнинг иқтисодий мустақиллик, миллий хўжаликни мустақамлашга интилиши, натижада жаҳон хўжалигининг янада кўпроқ байналминаллашуви, миллий иқтисодиётнинг очиклиги ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши ва ривожланишида жуда узоқ ва қийин йўлни босиб ўтди. Айрим тадқиқотчилар унинг вужудга келишини Рим империяси даври билан боғлашади (эр.аввалги II ва эрамизнинг I асрлари). Бунда улар Рим империясини ўша вақтдаги бутунжаҳон хўжалик тизими деб баҳолайдилар. Бошқа олимлар жаҳон хўжалигини фаолият кўрсата бошлаган даврни XV-XVII асрлар, яъни буюк географик кашфиётлар даври билан боғлайдилар. Айнан ана шу кашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металллар, ширинликлар ва қуллар билан халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Аммо бу даврдаги жаҳон хўжалиги чекланган бўлиб, фақат савдогарларнинг сармоялари ишлайдиган соҳа бўлган эди холос.

Замонавий жаҳон ҳўжалиги саноат инқилобидан кейин (XVIII-XIX асрлар), капиталнинг монопол босқичига ўтиши давомида вужудга келган. Замонавий жаҳон ҳўжалиги бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига бўйсинувчи, ўзаро бири-бирига боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётлар бирлашмаси, яъни глобал иқтисодий организмдир.

XX-XXI асрлар бўсағасидаги жаҳон ҳўжалиги ўз миқёсига кўра глобалдир. У тўлиқ равишда бозор иқтисодиётининг тамойиллари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг етакчи тенденцияларидан бири кўплаб давлатларнинг бирин-кетин ёпиқ миллий ҳўжаликдан ташқи бозорга юз тутган иқтисодий очик типдаги ҳўжаликка ўтишидир. Айнан ана шу даврда АҚШ олимлари “Очик савдо”, “Очик иқтисодиёт” деган тезислар билан чиқдилар. Бу жаҳон бозорида ўз ҳукмронлигини ўтказиш билан боғлиқдир. Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб ва янада бойиб чиққан АҚШ ҳукумати томонидан бир қатор янги иқтисодий тартиблар тақлиф этилди.

Бундай “эркин савдо” ва “очик иқтисодиёт” тезислари ҳукмрон иқтисодиётнинг камроқ ривожланган давлатларга қарши қаратилган қуроли, шунингдек Америка корпорацияларининг тутиб бўлмас экспансияга интилишлари эди. Аммо урушдан кейинги йилларда дунёда ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ўзгара бориши билан боғлиқ ҳолда “Очик иқтисодиёт” ҳақидаги тезис Америка экспансиясининг манфаатларига йўналтирилганлик кўринишини йўқота бориб, жаҳон ҳўжалиги алоқаларининг байналминаллашуви маъносини ола бошлади.

Жаҳон иқтисодиётида очик иқтисодиётнинг шаклланишида давлат муҳим роль ўйнади. Давлат товар ва хизматлар олиб чиқишни рағбатлантириб, хорижий фирмалар билан кооперацияларга, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига ёрдамлашиб, ўзига экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функциясини олди. Чет элдан инвестициялар, технологиялар, ишчи кучи ва ахборот воситаларининг оқиб келишини енгиллаштирувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Жаҳон иқтисодиётида “Эркин савдо” ва “Очиқ иқтисодиёт” тушунчаларини фарқлаш лозим. “Эркин савдо” ҳақидаги концепция А. Смитнинг сиёсий иқтисодиётидан бошланган бўлиб, у замонавий америка иқтисодчиларининг кашфиёти эмас. “Очиқ иқтисодиёт” тушунчаси аслида ишлаб чиқариш омиллари, ахборот, миллий валюталарнинг ўзаро алмашуви эркин ҳаракатини ўз ичига олган товарлар савдоси кўринишида бўлган “эркин савдо” тезисидан кенгрок тушунчадир.

Очиқ иқтисодиётни авторитария, ўз-ўзини таъминлаш иқтисодиёти, ҳаддан ташқари ўз кучига суянишнинг антиподи сифатида ҳам тушуниш лозим. Очиқ иқтисодиётнинг вужудга келиши жаҳон ривожланишининг объектив тенденциясидир. Очиқ иқтисодиёт тамойилларига мос равишда ҳаракат қилиш жаҳон бозори стандартларини тан олиш ва унинг қонунлари асосида ҳаракат қилишдир.

Очиқ иқтисодиёт ички бозорнинг капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучи оқими каби очиқлигини назарда тутди. Очиқ иқтисодиётнинг афзалликлари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашиши;
- ресурсларни самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш;
- халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши;
- жаҳон бозорида миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайиши.

Жаҳон иқтисодиётида шаклланиб бўлган очиқ иқтисодиёт ва очиқ иқтисодиётга ўтиш каби тушунчалар бир хил нарса эмас. Очиқ иқтисодиёт давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида назоратсизлик ва ҳамма нарса мумкин, чегаралар очиқ дегани эмас. Очиқ иқтисодиёт механизмини шакллантиришда давлатнинг сезиларли аралашуви талаб этилади. Ҳеч бир мамлакатда иқтисодиётнинг мутлак (абсолют) очиқлиги йўқ. Иқтисодиётда очиқлик миқдорининг биринчи даражали индикаторига экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушини киритиш мумкин. Уларнинг комбинацияси алоҳида миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозори билан алоқалари миқёси ҳақида тушунча беради. Шундай қилиб, экспортнинг ЯИМга муносабати экспорт квотаси сифатида аниқланади:

$$\mathbf{\mathcal{E}k = \mathcal{E}/\mathbf{YIM} \times 100 \%},$$

бу ерда: $\mathcal{E}k$ - экспорт квотаси, $\mathcal{E}$ - экспорт ҳажми.

Агар $\mathcal{E}k$ 10 % бўлса, иқтисодиётнинг очиқлиги мақсадга мувофиқ бўлади. Иқтисодиёт очиқлигининг бошқа кўрсаткичи импорт билан $\mathbf{YIM}$ муносабатидан келиб чиқувчи импорт квотаси кўрсаткичидир:

$$\mathbf{Ik = I/YIM \times 100 \%},$$

бу ерда: $\mathbf{Ik}$ - импорт квотаси, $\mathbf{I}$ - импорт ҳажми.

Очиқликнинг комплекс кўрсаткичларидан бири деб одатда ташқи савдо квотаси кўрсатилади:

$$\mathbf{TCk = TC/YIM \times 100 \%},$$

бу ерда: $\mathbf{TCk}$ - ташқи савдо квотаси, $\mathbf{TC}$ - ташқи савдо айланмасининг ҳажми.

Бу кўрсаткичнинг камчилиги унда капитал экспорти катталигининг ҳисобга олинмаганлигидир.

Таъкидлаш лозимки, кўрсатиб берилган коэффициент ва кўрсаткичлар доимий равишда иқтисодиётнинг очиқлигини тўлиқ кўрсата олмайди. Масалан, ташқи савдо квотаси маълум маънода иқтисодиётни очиқлигини намоён қилса ҳам, унинг синтетик кўрсаткичи бўла олмайди. Ташқи савдо квотаси асосан давлатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирокини кўрсатади. Бу эса очиқ иқтисодиёт тушунчасининг бир қисми холос. Иқтисодиётнинг очиқлиги кўрсаткичи эса мураккаброқ комплекс кўрсаткичдир.

Жаҳон иқтисодиётида давлатлараро интенсив иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражасини қуйидаги ҳолатларда кўришимиз мумкин:

- жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоот даражасининг чуқурлиги;
- анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсининг кенгайиши ва характерининг ўзгариши (у кўп жиҳатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри хизмат қила бошлайди);
- капитал миграциясининг интенсивлиги;
- илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашиши ва шунингдек хизматлар соҳасининг ривожланиши;
- ишчи кучи миграциясининг сезиларли даражада ўсганлиги (халқаро ишчи кучи

миграцияси жаҳон хўжалигини байналминаллашувининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда);

- давлатлар ва минтақалар ўртасида иқтисодий интеграция жараёнларининг тезлашиши ва кенгайиши. Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган давлатларнинг савдо, ишлаб чиқариш ва кредит-молия соҳасида эришилган ютуқлари даражаси жаҳон хўжалиги шаклланишининг кўриниши бўлиб хизмат қилади. Унинг иштирокчилари давлат чегараларининг мавжудлигига қарамай, умумий хўжалик тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатади. Хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви тушунчаси ортида алоҳида давлатларни глобал жаҳон мажмуига бирлаштирувчи кўп даражали жаҳон хўжалиги алоқалари тизимининг самарали ишлаши туради.

Байналминаллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ўсиб бораётган ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлигини характерлайди. XX асрда айирбошлашнинг байналминаллашуви капитал ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига айланади, ИТИ таъсирида ривожланишда сезиларли туртки олади (XX аср 50-йилларининг ўрталари). Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси кескин ўсди. Йирик миқёсдаги ихтисослашган ишлаб чиқариш учун ички бозорлар доираси торлик қила бошлаб, у объектив равишда миллий чегаралардан чиқа бошлади.

ИТИ таъсирида ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви шундай ҳолатни юзага келтирадики, у ҳар қандай мамлакат учун “шахсий ишлаб чиқаришга” эга бўлиш фойдасиз бўлиб, алоҳида миллий иқтисодиётлар эса янада кўпроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашадилар. Ишчи кучи ҳаракати, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар билан алмашиш янада байналминал характерга эга бўлади.

Ушбу алоқалар ва ривожланишининг истиқболи шаклланиш қонуниятларини текшириш шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияси капитал, товар ва хизматларнинг ягона планетар бозорини ташкил қилиш ва алоҳида давлатларни ягона жаҳон хўжалиги мажмуига бирлаштиришга бўлган ҳаракат ҳисобланади. Бу эса глобал иқтисодиёт масалаларини халқаро иқтисодий муносабатлар тизими мажмуи сифатида ўрганиш заруратини келтириб

чиқаради. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларнинг, бошқача қилиб айтганда юқорироқ даражасидир.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув феноменини икки томонлама, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада кўриб чиқиш мумкин. Макроиқтисодий даражадаги глобаллашув – давлатлар ва алоҳида минтақаларнинг чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият кўрсатишга бўлган умумий интилишлари тушунилади. Бундай интилишларнинг кўринишлари - либераллашув, савдо ва инвестиция тўсиқларининг олиб ташланиши, эркин тадбиркорлик зоналарининг ташкил этилиши ва ҳ.к.лар ҳисобланади. Микроиқтисодий даражадаги глобаллашувда эса корхона фаолиятининг ички бозор чегараларидан ташқарида кенгайиши тушунилади. Тадбиркорлик фаолиятининг миллатлараро ёки кўп миллат йўналганлигидан фарқли равишда глобаллашувда жаҳон бозори ёки “жаҳон учлиги” (Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Япония) бозорларини ўзлаштиришда ягона ёндашиш тушунилади.

8.2. Жаҳон ҳўжалигида трансмиллий корпорациялар

БМТ экспертларининг фикрича, трансмиллий корпорациялар (ТМК) “жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти ривожланишининг асосий двигателлари” дан бири ҳисобланади. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, жаҳон ҳўжалигида 40 мингдан ортиқ ТМКлар мавжуд бўлиб, улар ўз давлатларидан ташқарида фаолият кўрсатиб келаётган 250 мингга яқин шуъба корхоналарни ҳам назорат қилиб туришган. ТМКларнинг сони охириги йигирма йиллар мобайнида 5 баробар кўпайган эди (1970 йилда 7 мингга бундай фирма рўйхатга олинган). Ҳозирги кунда жаҳон ҳўжалигида мавжуд бўлган 100 та энг йирик халқаро компанияларнинг 40 % мулки (шу жумладан молиявий мулки ҳам) бошқа давлатлар ҳудудига тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида ТМКларнинг асосий қисми АҚШ, ЕИ давлатлари ва Японияда жойлашган. ТМКлар жаҳон ҳўжалигида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 40 %ини халқаро савдонинг эса 50 – 55 %и устидан ўз назоратини ўрнатган. ТМКларнинг корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг йиллик миқдори 1 трлн. АҚШ долл.дан ошиқроқни ташкил этиб,

уларда 73 млн.дан ортиқроқ киши ишлайди (яъни жаҳонда иш билан банд аҳолининг 1/10 қисмини ташкил этади).

Хўш, жаҳон иқтисодиётида ТМКлар нима, уларга қандай компаниялар киради? БМТ анъанавий халқаро корпорациялар фаолиятини ўрганиб, ТМКлар таркибига уларга йиллик айланмаси 100 млн. АҚШ долл.дан ошувчи ва камида 6 давлатда филиали бўлган фирмаларни қўшади. Кейинги йилларда ушбу кўрсаткич таркибига резидент-давлатдан ташқарида сотилган маҳсулотлар миқдори кўрсаткичи ҳам киритилди. Бу кўрсаткич бўйича жаҳонда Швейцариянинг “Нестле” фирмаси (98 %) илғорлардан бири саналади.

БМТ методологияси бўйича халқаро корпорацияни унинг таркибига қараб ҳам аниқлаш мумкин. ТМКлар ичида энг кўп хорижий активга (молия сектори-трансмиллий банклардан ташқари) Англия-Голландия концерни “Рояль-Датч Шелл” кирса, ундан кейинги ўринда эса АҚШнинг 4та фирмаси - “Форд”, “Женерал моторс”, “Эксон Мобиль” ва “Ай-Би-Эм” туради.

Ғарб давлатларининг иқтисодий адабиётларида халқаро монополияларнинг кўплаб турларини (кўп миллат корпорациялар, байналминал корпорациялар, трансмиллий корпорациялар, глобал корпорациялар ва х.к) учратиш мумкин. Ф. Котлер ташкилий тамойиллар асосида айнан ана шундай халқаро компанияларни кўрсатиб ўтган эди.

Россиялик иқтисодчилар, одатда, қуйидаги таърифларни берадилар: трансмиллий корпорациялар хорижий активга эга бўлган миллий монополиялардир. Уларнинг ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ фаолияти бир давлат чегарасидан чиқиб кетади.

АҚШ иқтисодиётида ҳиссадорлик жамиятларини ҳам “корпорация” деб аташади. Жаҳон хўжалигида замонавий ТМКларнинг кўпчилиги Америка компанияларининг экспансияси туфайли вужудга келганлиги туфайли бу термин кириб келган. Ҳозирги кунда ТМКларнинг ҳуқуқий филиаллари ва шубҳа корхоналари жаҳоннинг турли давлатларида фаолият юритиб келмоқда. Бу компаниялар нисбатан мустақил бўлиб, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий тадқиқот ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш каби ишларни

бажаради. Умуман улар ягона ишлаб чиқариш-сотиш мажмуини ташкил этиб, бу мажмуада ҳиссадорлик капиталига фақат таъсисчи давлат эгалик қилади. Шу билан бирга ТМКларнинг филиал ва шуъба корхоналари аралаш корхоналар кўринишида ҳам бўлиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида кўп миллат корпорациялар (КМК) - ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотчилик асосида бир неча давлатларнинг миллий корпорацияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациялардир. Бунга 1907 йилдан буён мавжуд бўлган Англия – Голландиянинг “Рояль-Датч шелл” компаниясини, кимё-технология концерни “Юнилевер”ни, машинасозлик электрон инженерлик соҳаларига ихтисослашган Европанинг машҳур Швейцария-Швеция АВВ (Asea Brown Boveri) компанияси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Жаҳон хўжалигида трансмиллий ва кўпмиллий корпорациялар қаторига халқаро компаниялар ичида ажралиб турувчи глобал корпорацияларни (ГК) ҳам киритиш мумкин. Ушбу компаниялар XX асрнинг 80-йилларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда кучайиб бормоқда. Глобал корпорациялар замонавий жаҳон молия капиталининг бутун қудратини намоён қилади. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари ҳозирги кунда кўпроқ химия, электротехника ва электрон соҳаларда нефть ва автомобиль соҳаларида ахборот, банк ва бошқа бир неча соҳаларда рўй бермоқда.

Хўш, ТМКларнинг пайдо бўлишига сабаб нима? ТМКлар пайдо бўлишининг асосий сабаби миллий-давлат чегараларидан чиқиб кетган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувидир. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви йирик компаниялар томонидан хорижий мамлакатларда ўз бўлимларини ташкил этиб, миллий корпорацияларнинг ТМКга айланиши орқали экспансия характериға эга бўлади. Жаҳон иқтисодиётида капитал олиб чиқиш халқаро корпорацияларнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим омилларидан биридир.

ТМКлар вужудга келишининг сабабларидан яна бири ҳаддан ташқари фойда олишга бўлган интилишдир. Ўз навбатида, кучли рақобат бу курашда ғалаба

қозониш зарурияти, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси ҳам ТМКларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Жаҳон хўжалигида рўй бераётган иқтисодий жараёнларнинг объектив натижасига кўра вужудга келган ТМКлар ўзига хос хусусиятга эга. Жаҳон иқтисодиётида ТМКлар халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчиси бўлиб, унинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. ТМКларда капиталнинг ҳаракати, одатда, корпорация жойлашган давлатда бўлаётган жараёнлардан мустақил равишда содир бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида ТМКлар йирик инвестиция ва юқори малакали мутахассисларни талаб қилувчи юқори технологияли, илмталаб соҳаларга кириб боради. Ушбу соҳаларни ТМКлар томонидан монополия қилиш тенденцияси рўй бермоқда. Ҳозирги кунда 500 дан ортиқ энг кучли ТМКдан 90га яқини хорижий мамлакатлардаги инвестицияларнинг 70-75 %и устидан ўз назоратини ўрнатган бўлиб, бу 500 дан ортиқ гигант ТМКлар ҳиссасига жаҳон бозорларига чиқарилаётган электроника ва химия саноатининг 80-82 %и, фармацевтиканинг 93-95 %и, машинасозликнинг 76-80 %и саноат маҳсулотларига тўғри келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кучли ишлаб чиқариш базасига эга бўлган ТМКлар ишлаб чиқаришни, товар бозорларини самарали режалаштиришни таъминловчи ишлаб чиқариш-савдо сиёсатини юритади. Режалаштириш бош компания доирасида амалга оширилади ва шуъба корхоналарига тарқатилади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро корпорацияларнинг вужудга келиши ва ривожланишига мисол қилиб, ўз қўлида жаҳон кундалик электр жиҳозлари ва саноат ускуналари бозорининг 25 %ини ушлаб турган “Электролюкс” ТМКни кўрсатиш мумкин. 1912 йилда икки швед компаниясининг бирлашиши натижасида вужудга келган “Электролюкс” 20-йиллардаёқ Австралия ва Янги Зеландия бозорига чиқиб, у ерда ишлаб чиқаришни ташкил қилган эди. Охириги ўн йилликларда “Электролюкс” АҚШда учинчи ўринда турувчи, “Вестингауз”, “Гибсон” ва бошқа маркалар остида кундалик техника ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи “Уайт Консолидейтед” компаниясини, Италия ва бутун жанубий Европада энг йирик электр товарлари ишлаб чиқарувчи “Занусси” фирмаси ва шунингдек

ГЕРМАНИЯда асосий электр товарлари ишлаб чиқарувчи “АЭГ” фирмаси акцияларини сотиб олган эди. Хуллас, бу уч фирмани кушиб олганидан кейин Шведларнинг “Электролюкс” компанияси жаҳоннинг 75 мамлакатада кундалик электр-техника буюмларини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш бўйича ривожланган тизимга эга бўлган етакчи компанияга айланди. 90-йилларнинг ўрталарида ушбу ТМК корхоналарида 110 мингдан ортиқ киши ишлаб, унинг йиллик айланмаси ўртача 16 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этган эди.

Жаҳон иқтисодиётида ўз экспансиясини кенгайтира бориб, ТМКлар жаҳон бозорини ўзлаштиришнинг турли шаклларида фойдаланади. Бу шакллар кўп жиҳатдан шартномага асосланади ва ҳиссадорлик капиталида бошқа фирмаларнинг катнашишига боғлиқ бўлмайди. ТМК иқтисодиётининг бундай шаклларига кўпинча қуйидагилар киритилади:

- лицензия бериш;
- франчайзинг;
- бошқарув шартномалари;
- техника ва маркетинг хизматларини кўрсатиш;
- корхоналарни “калит остида” топшириш;
- вақт бўйича чекланган қўшма корхоналар тузиш ҳақидаги шартномалар ва алоҳида операцияларни амалга ошириш бўйича келишувлар ва бошқалар.

Лицензия келишуви юридик шартнома бўлиб, унга кўра лицензиялар лицензиантга бир қанча муддатга маълум тўлов эвазига маълум ҳуқуқлар беради. Лицензия бериш трансмиллий корпорациянинг ички фирма шартномалари бўйича ҳам, технология беришнинг ташқи каналлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Франчайзинг – узоқ муддатга мўлжалланган лицензия келишувидир. Бунда франчайзер мижоз-фирмага маълум ҳуқуқлар беради. Бу ҳуқуқлар ўз ичига маълум тўлов эвазига савдо маркаси ёки фирма номидан фойдаланиш, шунингдек техник ёрдам кўрсатиш, ишчи кучи малакасини ошириш, савдо ва бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

80-йиллардан сўнг жаҳон иқтисодиётида охиридан бошқарув ва маркетинг хизматларини кўрсатиш каби трансмиллий корпорациялар экспансияси шакли кенг

тарқалди. Бошқарув хизматларини кўрсатиш бўйича шартномага кўра, корхонани оператив назорат қилиш маълум тўловлар эвазига бошқа корхонага берилади. Техник хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартномага кўра трансмиллий корпорациялар ушбу фирма фаолиятининг махсус томонига боғлиқ бўлган техник хизматларни амалга оширади. Кўпинча бундай шартномалар машина ва ускуналарни таъмирлаш, “ноу-хау” дан фойдаланиш бўйича маслахатлар, аварияларни тугатиш ва сифатни назорат қилиш билан боғлиқ бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида заводларни “калит остида” топшириш ҳақидаги шартномалар кенг тарқалди. Бунда трансмиллий корпорациялар маълум объектни режалаштириб кўриш учун зарур бўлган барча (асосий ишни) фаолиятни амалга ошириш жавобгарлигини бўйнига олади.

ТМКлар томонидан халқаро бозорларни эгаллашнинг энг муҳим шаклларида бири хорижда махсус инвестиция компанияларини ташкил қилишдир. Бу компанияларнинг вазифаси ТМКнинг шуъба ва ҳамкорликдаги корхоналарининг маҳсулотларини минтақавий бозорларга чиқаришни рағбатлантириш учун уларни инвестициялашдир. Бундай усулдан ҳозирги кунда алкогольсиз ичимликларни сотиш бўйича энг йирик халқаро компаниялар “Пепси-кола” ва “Кока-кола” Африкада фойдаланмоқда.

ТМКлар замонавий жаҳон хўжалигининг муҳим иштирокчиларига айланиб бормоқда. Саноати ривожланган давлатлар учун айнан ТМКнинг хориждаги фаолияти уларнинг ташқи иқтисодий алоқалари характерини белгилаб беради. Бу давлатлар экспортида миллий компанияларнинг хориждаги филиалларига товар етказиб бериши ва хизмат кўрсатишининг улуши каттадир. 80-йилларнинг иккинчи ярмида бундай фирма ичидаги савдонинг улушига АҚШ экспортининг 14-20 %и, Япония экспортининг 23-29 %и ва ГЕРМАНИЯ экспортининг 24-28 %и тўғри келган эди. ТМК жаҳондаги хусусий ишлаб чиқариш капиталининг 1/3 қисми устидан, хориждаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг эса 90 %ини назорат қилади.

ТМКнинг соҳавий таркиби ҳам турли-тумандир. Халқаро корпорацияларнинг 60 %и ишлаб чиқариш соҳасида, 37 %и хизмат кўрсатиш соҳасида 3 %и қазиб

чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида банддир. Американинг “Форчун” журнали маълумотларига қараганда жаҳоннинг энг йирик 500 дан ортиқ корпорацияси ичида 4та мажмуа - электроника, нефтни қайта ишлаш, химия ва автомобилсозлик саноат тармоқлари асосий роль ўйнайди. Улар жаҳон иқтисодиётида ТМКлар олиб бораётган ташқи савдо фаолиятининг 80 %и ана шу тармоқларга тўғри келади.

ТМКнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги фаолиятининг яхши томонларини айтганда, уларнинг фаолият кўрсатаётган давлатлар иқтисодиётига салбий таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- ТМКлар фаолият кўрсатадиган давлатларнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишга халақит бериши;
- давлат қонунларини бузиши;
- монопол нархлар ўрнатиши, ривожланаётган давлатларнинг ҳуқуқини чекловчи шартларга мажбур этиши ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиётида ТМКнинг ривожига доимо эътибор бериб, уларнинг устидан халқаро назорат ўрнатилиб туриш мақсадга мувофиқдир.

8.3. Жаҳон хўжалигида либераллашув жараёнларининг бориши

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўринишларидан бири ташқи савдо ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 75-80 %и ташқи савдонинг улушига тўғри келади.

Дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир. Иқтисодчи олим Ж. Сакснинг фикрича, “дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ”.

Халқаро савдода халқаро меҳнат тақсимооти асосида пайдо бўладиган турли давлатларнинг товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларининг бир шакли бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликни намоён қилади.

Мамлакатлар иқтисодиётида ИТИ таъсири остида рўй бераётган тузилмавий ўзгаришлар, (саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви) миллий хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтирмоқда. Бу эса халқаро савдонинг фаоллашувига имкон яратмоқда. Халқаро савдо ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Ташқи савдо айланмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳонда ишлаб чиқариш 10 %га кўпайган ҳолда жаҳон савдоси 16 %га ўсмоқда.

“Ташқи савдо” деганда бир мамлакатнинг бошқа бир мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириши, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни экспортдан иборат савдоси назарда тутилади. Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади. Халқаро савдо тушунчаси тор маънода ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, саноати ривожланган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси, ривожланаётган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси ва ҳ.к.

Жаҳоннинг барча давлатлари олдида ташқи савдо бўйича миллий сиёсат муаммоси ётиб, 200 йиллар мобайнида бу мавзуда қизгин тортишувлар бўлиб турибди. Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай бўлса шу ҳолда сақлаш олдинги асрларнинг характери эди. Бизнинг давримизда бу икки йўналиш ўзаро боғлиқ. Аммо кўп ҳолларда у бу қарама-қарши бирлик эркин савдо тамойилининг бош вазифасини бажаради.

Жаҳон иқтисодиётида эркин савдо сиёсатига дастлаб Адам Смит ўз таърифини берган эди. Адам Смит “айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдали бўлиб, ҳар бир мамлакат бунда мутлақ устунликка эга бўлишини” таъкидлаган эди. Адам Смитнинг таҳлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган.

Давид Рикардо “Сиёсий иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши” (1817йил) номли асарида боши берк кўчадан классик назарияни келтириб чиқарди. У халқаро ихтисослашув мезонларини ажратган ҳолда, давлатлар учун қандай ҳолатларда давлатлараро айирбошлаш манфаатли эканини кўрсатиб берди. Ҳар бир давлат учун устунлик қилган ёки кучсизлиги нисбатан камроқ бўлган соҳага ихтисослашиш

манфаат келтиради деган фикрни берди. Унинг қарашлар концепцияси таққосланиши назарияси ёки принципида ўз аксини топди.

Д. Рикардо ўз таълимотида халқаро айирбошлаш барча давлатлар учун мумкин ва манфаатлигини, айирбошлаш барча учун фойдали бўлган нарх зоналарини аниқлаб берган бўлса, Джон Стюарт Милль “Сиёсий иқтисод асослари”(1848йил) номли асарида қандай нархда айирбошлашнинг амалга оширилиши фойдали эканлигини кўрсатган эди. Стюарт Миллнинг таълимоти бўйича айирбошлаш нархи талаб ва таклиф қонунига кўра, ҳар бир давлатнинг ялпи экспорт миқдори ялпи импорт миқдорини қоплайдиган даража билан белгиланади. Джон Стюарт Миллнинг муҳим хизматларидан бири унинг халқаро нарх қонуни ёки “халқаро нарх назарияси”дир. Халқаро нарх қонунини таъкидланишича, шундай нарх мавжудки, у давлатлар орасидаги товар айирбошлашни оптималлаштиради. Бу бозор нархи бўлиб, у талаб ва таклифга боғлиқдир.

Классик сиёсий иқтисодчиларнинг назариясини ривожлантириб, Готфрид Хаберлер ўз қарашлар концепциясини нафақат меҳнатга, балки ишлаб чиқаришнинг барча омилларига эътиборни қаратган эди.

Халқаро савдо оқимининг нима билан аниқланиши ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертиль Олинлар замонавий қарашларида акс эттирдилар. Улар нисбий устунлик тушунасини изоҳлаб, у ёки бу давлатнинг баъзи товарларга ихтисослашишини уларнинг ишлаб чиқариш омилларига эгаллик даражасига боғлиқдир дейилган эди. Э. Хекшер ва Б. Олин “нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш” назариясини илгари сурдилар.

1948 йилда америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В. Столпер ўз назарияларини киритиб Хекшер-Олин таълимотининг исботини янада мукаммаллаштириб, ишлаб чиқариш омилларидан бири, техника асосан бир мукаммал рақобат ва товарларнинг тўла ҳаракатчанлиги мавжуд бўлганда халқаро айирбошлаш ишлаб чиқариш омилларининг давлатлар орасидаги нархини тенглаштиради деган эди.

Ташқи савдо назарияси Америка иқтисодчиси В. Леонтьевнинг “Леонтьев парадокси” номли ишида янада ривожлантирилди. Парадокс шундаки, В. Леонтьев

Хекшер-Олин таълимотидан фойдаланиб, Америка иқтисодий урушдан кейинги даврда капиталга нисбатан меҳнатни кўпроқ талаб қиладиган ишлаб чиқаришга ихтисослашганлигини кўрсатиб берган эди. Бошқача айтганда, АҚШ экспорти импортига нисбатан кўпроқ меҳнатталаб ва камрок капиталталабдир. Ушбу хулоса АҚШ иқтисодиётидаги олдинги барча фикрларга тамоман тескарисдир. Умумий фикрга кўра, АҚШ иқтисодиётида доимо капитал ортиқча эди ва Хекшер-Олин таълимотига кўра АҚШ капиталталаб товарларни импорт эмас, экспорт қилиши керак эди.

Кейинги йилларда В. Леонтьевнинг ихтироси кенг тарқалди. Турли давлатларнинг кўплаб иқтисодчи олимлари “Леонтьев парадоксини” тушунтириб, бу мавзуда тортишдилар. Натижада нисбий устунлик назарияси янада ривожланди. Ушбу назария техник ривожланди ва унинг тақсимооти тенг эмаслиги, маблағларни фирмалардан ташқарида тежаш, давлатлардаги иш ҳақининг фарқи ва бошқа тушунчалар ҳам киритилди.

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жоҳон иқтисодиётида халқаро савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. 1950-2005йилларда халқаро савдода товар айланмаси 14-16 баробар ўсди. Ғарб мутахассисларининг фикрича, 50- ва 70- йиллар оралиғидаги даврни халқаро савдонинг “олтин асри” деб айтиш мумкин. Айнан ана шу даврда жаҳон экспорти йилига ўртача 6-7 %га ўсди. Аммо, 70-йилларда у 5,5 % га тушиб, 80-йилларда яна камайган эди. 80-90-йиллар охирида ва 90-йилларда жаҳон экспорти сезиларли равишда жонланганлигини кўришимиз мумкин (90-йилларнинг ўртасида 8-9 % ни ташкил этган). Бу даврда халқаро савдонинг барқарор ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- халқаро меҳнат тақсимооти ва ишлаб чиқариш байналминаллашувининг ривожланиши;
- илмий-техника инқилоби (ИТИ);
- жаҳон бозорида трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти;
- халқаро савдонинг Тариф ва Савдо Бош Битими (ТСББ) фаолияти орқали тартибга солиниши (эркинлаштирилиши);

- халқаро савдонинг эркинлаштирилиши, кўпгина давлатларнинг импортни сон жиҳатидан чеклашни бекор қилувчи ва божларни кескин қисқартирувчи режимга ўтишлари, эркин савдо ҳудудларининг ташкил топиши;

- савдо-иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши. Минтақавий тўсиқларнинг олиб ташланиши, умумий бозорлар, эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши;

- собиқ муштамлака давлатларининг муштақилликка эришиши. Улар орасидан ташқи бозорга йўналтирилган иқтисодий моделни танлаган “Янги индустриал давлатларнинг” ЯИД ажралиши ва ҳ.клар.

50-йиллардан сўнг жоҳон иқтисодиётида ташқи савдо динамикасининг нотекислиги намоён бўла бошлади. Бу эса ўз навбатида жоҳон бозоридаги давлатлар ўртасидаги кучлар нисбатига таъсир кўрсатди. Жоҳон иқтисодиёти АҚШнинг ҳукмронлиги пасая бошлади. Масалан, 1950 йилда АҚШнинг улушига жоҳон экспортининг 1/3 қисми тўғри келган бўлса, 2000 йилга келиб фақат 1/8 қисми тўғри келган эди. Ўз навбатида Германия экспорти Американикига яқинлашиб ва ҳатто баъзи йилларда ундан ҳам ошиб кетди. 90-йилларда Ғарбий Европа - халқаро савдонинг асосий марказларидан бирига айланди. Унинг экспорти АҚШникига нисбатан қарийб 4 баробарга ўсди .

80-йилларга келиб, халқаро савдо соҳасида Япония катта ўсишга эришди. 1983 йилда у биринчи марта машина ва экспорти бўйича биринчи ўринга чиқди. Япония жоҳонда енгил ва юк автомобилларини, кундалик электротехника асбоб-ускуналар ва бошқаларни олиб чиқиш бўйича бошқа давлатлардан анча илгарилаб кетди. Япония экспортининг 1/3 қисми АҚШга тўғри келади. АҚШнинг Япония билан бўладиган савдодаги дефицити 90-йилларда 50-60 млрд. долл.ни ташкил этди .

80-йилларнинг охирига келиб, Япония рақобатбардошлик омиллари бўйича илғор давлатлардан бири бўлиб қолди. Бу даврда Осиё-Тинч океани минтақасининг “ЯИДлари” - Сингапур, Гонконг, Тайвань қўшилди. Аммо 90-йилларнинг ўрталарига келиб, АҚШ яна рақобатбардошлик омиллари бўйича олдинги ўринларга чиқиб олди. Ундан кейин Сингапур, Гонконг, Япония бормоқда. Франция рақобатбардошлик омиллари бўйича-17, Хитой-34, Туркия-40, Россия-48 ўринда

бормокда. Рўйхатнинг энг охирида эса Греция, Мексика, Польша, Венгрия ва Венесуэла туради.

Ривожланаётган давлатлар ҳозирча ривожланган давлатлар учун асосан хомашё етказиб берувчи бўлиб қолмокда. Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган давлатлар жаҳон озиқ-овқат ва хомашё (нефтдан ташқари) экспортидаги улушини йилдан-йилга ошиб бормокда. Ривожланаётган давлатларнинг товарлар экспортидаги улуши эса 40 %дан (1960й.) 28 %га (2000 й.) қисқарди.

Ривожланаётган давлатлар ўз экспортларини саноат товарлари ҳисобига диверсификация қилишга ўринишлари саноати ривожланган давлатларнинг у ёки бу шаклдаги қаршилигига дуч келмокда. Шу билан бирга баъзи ривожланаётган давлатлар, айниқса, “ЯИДлар ” ўз экспортларини реструктуралаштиришда анча муваффақиятга эришиб, унда тайёр маҳсулотлар, саноат маҳсулотларни, шу жумладан машина ва ускуналарнинг улушини кўпайтирмокда. Масалан, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон саноат экспортидаги улуши 90-йилларда 16-17 %ни ташкил этди.

Бошқа ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишда “ ЯИДлар ”, айниқса, Осиёнинг тўрт “кичик аждарҳоси” (Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур) ўз экспортларини тез суъратларда кўпайтириб бормокда. Уларнинг жаҳон экспортидаги улуши 90-йилларнинг ўрталарида 10-11 %ни ташкил қилган эди. Охирги ўн йилликларда тез ривожланаётган ХХРнинг 2-3 %ни, АҚШнинг жаҳон экспортидаги улуши 12,3 %ни, Ғарбий Европанинг экспортидаги улуши 43 %ни, Япониянинг улуши 9,5 ни ташкил этган эди.

Жаҳон савдосининг энг динамик ва интенсив ривожланаётган соҳаси илмталаб товарлар билан савдодир. Жаҳон иқтисодиётида илмталаб маҳсулотлар экспорти йилига 500 млрд. долл.ни ташкил қилади. Юқори технологияли маҳсулотларнинг саноати ривожланган давлатлар экспортидаги улуши 40 %га яқин. Энг тез суръатлар билан электр-техника ва электрон ускуналар экспорти ўсмоқда. Уларнинг улушига машина-техника маҳсулотлари экспортининг 25 %и тўғри келади.

Жаҳон савдоси тузилмасини ўрганишда сезиларли ўзгаришларни куриш мумкин. XX асрнинг биринчи ярмида жаҳон товар айланмасининг 2/3 қисми озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғига тўғри келган бўлса, 90-йилларнинг охирида уларнинг улуши 1/4 қисмни ташкил этди. Қайта ишлаш саноати маҳсулотлари билан савдо қилишнинг улуши 1/3 дан 3/4 гача ошганлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ХВФ) берган маълумотларига қараганда 1981 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда халқаро савдо йилига ўрта ҳисобда 5,2 %га ўсган, аммо 1990 йилдан бошлаб, унинг ўсиши бир текис бўлмай секинлашиш тенденциясига ҳам эга бўлган. Масалан, 1989 йилда у 8,2 % ни ташкил этган бўлса, 1993 йилда 4 %ни ташкил килди. Айни бир пайтда Осиё-Тинч океани минтақасининг “ЯИДнинг” ташқи савдосининг ўсиш суръатлари 10-11 % ни ташкил этган.

1994 йилда халқаро савдо ҳажми 9,5 %га усди. Бу эса ЖСТ экспертлари фикрича, 90-йиллар бошидаги камайиш тенденциясидан чиқишни билдирарди. 1995 йилда халқаро савдо ҳажмининг яна ошиши бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлади. 90-йилларнинг ўрталари ва 2000 йилларнинг бошларида жаҳон савдосининг тез ўсиши асосан АҚШ, Италия, Канада, Испания импортининг кескин ўсиши билан ва шунингдек саноати ривожланган давлатларнинг (Япониядан ташқари) Узоқ Шарқ мамлакатлари ва Лотин Америкасида конъюнктураларининг яхшиланиши билан боғлиқдир.

90-йилларнинг ўрталарида дунёдаги энг катта импорт ва экспорт қилган давлат АҚШ бўлганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Бу давлатнинг ташқи савдо ҳажми 1-1.5 млрд. долл.ни ташкил қилиб, бу бутун дунё умумсавдо ҳажмининг 28-29 %ни ташкил килган эди. АҚШ кетидан Германия (802 млрд долл. – 18,8 %) Япония (672 млрд долл. – 15,8 %)турган. Ҳозирги кунда дунёнинг ўнта энг йирик савдо мамлакатига – Франция, Буюк Британия, Италия, Канада, Голландия, Гонконг, Бельгия (Люксембург билан биргаликда) киритиш мумкин. Экспортнинг энг юқори ўсиш суръатларини Хитой, Сингапур, Чили ва Финляндияда кузатишимиз мумкин.

Марказий ва Шарқий Европа, бир ҳудуд сифатида, Осиёдан кейин экспортнинг ўсиш суръатлари бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди (1998 й).

Халқаро савдода содир бўлаётган жараёнларни таҳлил қилар эканмиз эркинлаштириш унинг энг асосий йўналиши эканлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Бож тўловларида сезиларли камайитиришлар юз берди, кўпгина чеклашлар, квоталар ва бошқа тўсиқлар йўқ қилинди. Бироқ халқаро савдода бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси – протекционизм сиёсатининг иқтисодий гуруҳлар ва мамлакатларнинг савдо-иқтисодий блоклари миқёсида ривож топиши.

Савдо-иқтисодий блокларнинг пайдо бўлишидаги биринчи кадам ЭСХларнинг яратилишидир. Халқаро банкнинг ахборотларига қараганда 90-йилларнинг ўрталарида дунё савдосининг 42-45 % худди шундай худудларда олиб борилган. Жаҳонда энг машҳур ЭСХлар Европанинг эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ), ЕИ, Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси (НАФТА), Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС) ва бошқалардир.

Жаҳон хўжалигида халқаро худудий савдо блокларининг энг йирик 9 таси таркиби қуйидагилар бўлган:

- Европа Иттифоқи (ЕИ) - Австрия, Германия, Буюк Британия, Италия, Ирландия, Франция, Испания, Португалия, Финляндия, Швеция, Дания, Бельгия, Люксембург, Нидерландлар, Греция. Бундан ташқари ушбу иттифокқа 2004 йилнинг биринчи майидан Польша, Чехия, Эстония, Литва, Латвия, Словения, Словакия, Венгрия, Кипр, Мальта каби давлатлар аъзо бўлиб кирди.

- Шимолий Америка эркин савдо ҳақидаги келишуви (НАФТА) - АҚШ, Канада, Мексика.

- Европа Эркин Савдо Ассоциацияси (ЕАСТ) - Исландия, Норвегия, Швейцария, Лихтенштейн.

- Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС) Австралия, Бруней, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Индонезия, Филиппин, Тайвань, Гонконг, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Канада, АҚШ, Мексика, Чили, Россия, Перу, Эквадор.

- “Меркосур” - Бразилия, Аргентина, Парагвай, Уругвай.

- Жанубий Африка Тараққиёт қўмитаси (САДК) - Ангола, Ботсвана, Лесото, Малави, Мозамбик Маврикий, Намибия, ЖАР, Свазиленд, Танзания, Зимбабве.

- Ғарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи (ЮЭМОА)- Кот-д Ивуар, Буркина-Фасо, Нигерия, Того, Сенегал, Бенин, Мали.

- Жанубий Осиё ҳудудий ҳамкорлик ассоциацияси (СААРК)-Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Бангладеш, Мальдив ороллари, Бутан, Непал.

- Анд пакти давлатлари Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия.

Жаҳон иқтисодиётида бундай блокларнинг тузилишига сиёсий, иқтисодий ва тарихий характерга эга бўлган объектив жарёнлар сабаб бўлган эди. Бир томондан бундай жараёнларнинг кучайиши халқаро савдони кучайтирса(иқтисодий зона, блок ва иқтисодий ҳудудлар миқёсида), бошқа томондан эса ҳар қандай ёпик тузилма учун хос бўлган баъзи тўсиқлар яратилди. Халқаро савдони бошқариш, унинг тараққиётига бўлган тўсиқларни йўқ қилиш ва эркинлаштиришда халқаро иқтисодий ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ташкилотларнинг энг асосийларидан бири Тарифлар ва савдо бош битимидир (ГАТТ). 1947 йилда ГАТТ ташкилотининг тузилиши ҳақидаги келишув 23 мамлакат томонидан имзоланди ва 1948 йилда кучга кирди. 1994 йилнинг 31 декабрида ГАТТ ўз фаолиятини тугатди ва унинг ўрнига Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) барпо қилинди.

ГАТТ – кўп томонлама халқаро келишув бўлиб, у аъзо мамлакатларнинг ўзаро савдосига алоқадор кўпгина принциплар, ҳукуқий меъёрларни, шунингдек савдони олиб бориш ва давлат бошқарувига оид қоидаларни уз ичига олади. Жаҳон иқтисодиётида ГАТТ энг йирик халқаро иқтисодий ташкилотлардан бири бўлиб, унинг фаолият доираси дунё савдосининг 94-95 %ини қамраб олган ГАТТнинг ҳукуқий механизми бир қатор қонун-қоидаларга асосланган:

- савдода ҳукуқий бузилишнинг олдини олиш учун биринчидан, экспорт, импорт ва транзит операциялари, улар билан боғлиқ бўлган бож ва тўловлар борасида энг қулай шарт-шароит яратиш, иккинчидан, импорт ва миллий моллар орасида ички солиқ ва тўловлар борасида, шунингдек ички савдони бошқарадиган қонун-қоидалар борасида тенг ҳуқуқликни таъминлайдиган миллий тартиблар яратилади;

- энг қулай шарт-шароит, яъни келишувга киришаётган томонлар орасида улар томонидан учинчи давлатларга берилаётган(ёки берилижак) барча имтиёз ва

устунликлардан фойдаланиш ҳуқуқини яратиш. Бу қоида товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, бож тўсиқ тўловлари, ишлаб чиқариш, денгизчилик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига тааллуқлидир;

- миллий бозорни ҳимоя қилишда кўпроқ тариф қуролларидан фойдаланиш, импорт ва бошқа нотариф чеклашлардан воз кечиш;

- кўп томонлама музокаралар олиб бориш йўли билан бож тарифларининг пасайтирилиши;

- ривожланаётган мамлакатлар билан савдода преференция (имтиёз бериш) тизимини ўрнатиш;

- савдо борасида пайдо бўлган келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш;

- бир-бирига савдо-сиёсий ён босишда ҳамкорлик қилиш.

ГАТТнинг фаолияти раундларга бирлашган кўп томонлама музокаралар йўли билан олиб борилган. ГАТТ ўз фаолиятини бошлаганидан бери 8 раунд ўтказилган бўлиб, бунинг натижасида ўртача бож миқдори ўн баробар камайган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда 40 %ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилларнинг бошларида улар тахминан 4 %ни ташкил қилган.

1996 йилнинг ўртасида ГАТТга 130 мамлакат аъзо бўлган. Юқорида айтиб ўтканимиздек, 1996 йилнинг январиди ГАТТнинг ўрнини Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) эгаллади. Уни 81 мамлакат таъсис этди. ЖСТнинг ташкил топишига 7 йиллик “уругвай раунди” музокаралари сабаб бўлди. 2005 йилга келиб, ЖСТга аъзо давлатлар сони 150 тага етди. Ушбу ташкилотга МДХга аъзо бўлган мамлакатлар - Қирғизистон, Арманистон, Озарбайжон, Грузия ва Молдова давлатлари ҳам аъзо бўлиб кирган. Ўзбекистон Республикаси эса 1994 йилдан бери ЖСТда кузатувчи сифатида иштирок этиб келмоқда. Ҳозирги кунда ҳам ЖСТга аъзо бўлиш жараёнлари давом этмоқда.

Таянч иборалар

Жаҳон хўжалиги, “очиқ иқтисодиёт”, автаркия, байналминаллашув, глобаллашув, ТМК, оффшор ҳудудлар, “дьюти фри”, янги технологиялар киритиш ҳудудлари, божхона иттифоқи, ЕИ, НАФТА, “Меркосур”, ташқи савдо, халқаро савдо, экспорт,

импорт, реэкспорт, реимпорт, мутлак устунлик, нисбий устунлик, ташқи савдо айланмаси, ГАТТ, ЖСТ.

Назорат учун саволлар

1. Иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Эркин савдо ҳудудларини тавсифлаб беринг.
3. Интеграция жараёнлари миллий давлатлар иқтисодиётининг ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини характерлаб беринг.
4. Жаҳондаги интеграция бирлашмалари ҳақида нима биласиз?
5. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг босқичларини тавсифлаб беринг.
6. “Очиқ иқтисодиётнинг” мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Глобаллашув нимани англатади?
8. Трансмиллий корпорацияларни тавсифлаб беринг.
9. Мутлак устунлик назариясини тушунтириб беринг.
10. Нисбий устунлик назариясини тушунтириб беринг.
11. ГАТТ ва ЖСТ ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
12. Халқаро савдонинг ривожланишида ЖСТ нинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

9-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРНИНГ БОР ИШИ

9.1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳияти. Интеграция жараёнларини ифодаловчи омиллар

9.2. Интеграция жараёнларнинг жаҳон марказлари

9.3. Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграциянинг кўринишлари ва типологияси

9.4. Жаҳон иқтисодиётида божхона иттифоқи, умумий бозор ва иқтисодий иттифок тушунчалари

9.5. Европа Иттифоқининг ташкил топиши ва унинг ривожланиш босқичлари

9.6. Европа Иттифоқи тузилмаси: замонавий босқичда ривожланиш муаммолари, истиқболлари

9.7. Интеграция жараёнларининг боришида халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий ҳамкорликлар

9.8. Интеграция жараёнларининг миллий иқтисодиётга таъсири

9.1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳияти. Интеграция жараёнларини ифодаловчи омиллар

Халқаро иқтисодий интеграция - миллий хўжаликлар ўртасида ўзаро барқарор алоқаларнинг ривожланиши ва меҳнат тақсимооти негизида юзага келган мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан бирлашуви бўлиб, ишлаб чиқариш тузилмаларининг турли даражада ва турли кўринишдаги ўзаро алоқадорлигини ифода этади.

Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнлари тўғрисида мутахассислар орасида ягона қарашлар концепцияси мавжуд эмас. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар интеграция жараёнлари мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларини шакллантириш орқали «ресурслар чекланганлиги» муаммосини бартараф этиш йўли деб талқин этишса (бу орқали мамлакатларда нисбатан серхаражат товарлар ишлаб чиқаришга чек қўйилиб, технологик айирбошлашни кенгайтириш имконияти пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида илмий-тадқиқот тажриба-конструкторлик ишларига (ИТТКИ) харажатларни камайтириш имконини беради), бошқа бир гуруҳ олимлар интеграцияни талаб этувчи дастлабки туртки сифатида ноиқтисодий омилларни илгари суради (масалан, мамлакат мудоффа қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқалар).

Учинчи бир гуруҳ иқтисодчилар эса интеграция ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши, ижтимоий-сиёсий барқарорлик каби мақсадларга осонроқ ва тезроқ эришиш имкониятини беради деб ҳисоблашади. Хуллас, у ёки бу назарий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда шуни қайд этишимиз лозимки, интеграция ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларининг ўзаро яқинлашиши ва бир-бирига кириб бориш жараёнидир.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий муносабатларда интеграция жараёнлари икки асосий кўриниш, яъни биринчидан, микро — трансмиллий корпорацияларнинг ташкил этилиши орқали, иккинчидан, макро — иқтисодий сиёсатни давлатлараро мувофиқлаштириш сиёсати орқали амалга оширилади. Микро миқёсдаги интеграция жараёнлари бир-бирига яқин жойлашган мамлакатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари капиталларини ўзаро таъсир доираси орқали амалга оширади. Яъни, улар ўртасида иқтисодий битимлар тизимнинг шаклланиши, кичик шахобчалар, шуъба корхоналар ташкил этилиши орқали юз беради.

Жаҳон иқтисодиётида фирма ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида алоқаларнинг тез ривожланиши товарлар алмашуви ва хизмат кўрсатиш соҳаларида капитал ва ишчи кучларининг эркин ҳаракатини таъминлашда, илмий-техник ва шунингдек мудрофаа соҳаларида ягона бир сиёсатга қаратилган давлатлараро тартибларни ўрнатиш заруриятини туғдирмоқда. Бунинг оқибатида, ягона валюта тизими, инфратузилма, молиявий фондлар, шунингдек умумий давлатлараро бошқарув органларига эга бўлган иқтисодий мажмуалар яратилиши юз беради.

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг замонавий босқичида турли шакллардаги интеграция жараёнларини кўришимиз мумкин. Хўжалик ҳаётида интеграция жараёнлари чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Интеграция жараёнларининг боришини биз кундан-кунга халқаро иқтисодий муносабатлар тизмида халқаро савдо сиёсатидан тортиб, илмий-ахборот, товар айирбошлашгача бўлган турли кўринишларини бир-бирига қўшилиб боришида кўришимиз мумкин.

Иқтисодий интеграция жараёнлари асосида бир қатор объектив омиллар ётади, уларнинг ичида энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик ҳаётининг янада байналминаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган илмий-техника инқилоби (ИТИ);
- миллий иқтисодиётда «очиқлик» даражасини кучайиши ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ушбу омилларнинг барчаси ўзаро алоқадорликда ривожланиб боради. Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграциянинг объектив шаклларида бири байналминаллашув мамлакатлар ўртасида барқарор иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва такрор ишлаб чиқаришнинг миллий хўжаликлар доирасидан четга чиқиш жараёнларини акс эттиради (энг аввало, халқаро меҳнат тақсимои асосида). Байналминаллашувнинг ўсиши ва ривожланишида, айниқса, трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) таъсир доираси каттадир. ЮНКТАД маълумотига кўра, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида 40 мингдан ортиқ ТМКлар ва уларнинг 270 мингдан ортиқ шахобчалари ва шуъба корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Дунёдаги 100 дан ортиқ энг йирик корпорацияларнинг 1/3 қисми АҚШга қарашлидир.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари ривожланишининг иккинчи омили – халқаро меҳнат тақсимои тузилмасидаги чуқур ўзгаришлар ҳисобланади (бу асосан ИТИ таъсири остида юз беради). Халқаро меҳнат тақсимои атамаси, бир томондан, мамлакатларнинг баъзи маҳсулотлар ишлаб чиқаришига ихтисослашувини билдирса, иккинчи томондан ишлаб чиқариш мажбуриятларининг фирма ичида ва фирмалараро тақсимланишини ифодалайди.

Умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган ИТИнинг ҳозирги босқичи байналминаллашувни ҳам бозор, ҳам ишлаб чиқариш соҳасида сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқади. ИТИ ташқи иқтисодий алоқаларнинг замонавий ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги ролининг ошишини таъминловчи муҳим омилдир. Хуллас, ИТИ жаҳоннинг у ёки бу мамлакатларида алоҳида ажралган ҳолда тўлақонли ривожлана олмайди.

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизмига дунё мамлакатларининг янада чуқурроқ кириб бориши натижасида миллий иқтисодиётнинг «очиқлик» даражаси янада ортиб бормоқда. Турли мамлакатларга тегишли фирмаларнинг кооперациялашуви натижасида ишлаб чиқариш ва инвестиция соҳасида йирик халқаро мажмуалар ташкил топмоқда. Очиқ иқтисодиётнинг шаклланишида давлатларнинг экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш соҳасида олиб бораётган ташқи иқтисодий стратегияси катта аҳамиятга эгадир. Бунда, одатда хориждан капитал ва технологиялари ва малакали кадрларнинг кириб келишига имконият берувчи ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

9.2. Интеграция жараёнларнинг жаҳон марказлари

Жаҳон хўжалигида ҳозирги кунда 20дан ортиқ халқаро иқтисодий интеграция бирлашмаларининг марказлари мавжуд. Жаҳон ЯИМнинг 2/3 қисми, товар айланмаси ва инвестицияларнинг асосий қисми ана шу марказлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу иқтисодий интеграция марказлари ичида учтасини (Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва Осиё-Тинч океани минтақаси) алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Ғарбий Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин иккита йирик интеграция гуруҳининг, яъни, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕЭС) ва Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ)нинг вужудга келиши натижасида интеграция жараёнлари катта тезликда ривожланиб борган эди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, ЕЭС (1995 йилда ЕИҲ ЕИга айлантирилди) деярли ЕАСТни ўз таркибига қўшиб олди. ЕАСТ ўз таркибида фақатгина Исландия, Лихтенштейн, Норвегия ва Швейцария давлатларини сақлаб қолди холос. Бу икки бирлашмани солиштирадиган бўлсак, ЕАСТ ўзининг тараққиётида божхона иттифоқини яратишдан у ёғига ўтмади, унинг тузилмаси миллатлараро ташкилотлар билан мустаҳкамланмади.

1990 йилда ЕИ ва ЕАСТ ўртасида Европа иқтисодий маконини яратиш тўғрисида келишиб олинди. Бу макон доирасида ЕАСТ аъзоларининг ишлаб чиқарувчилари ЕИ аъзолари компаниялари билан бир қаторда преференциал

божхона режимидан фойдаланади. Шарқий Европада эса собиқ социалистик давлатларида ўтказилган демократик қайта қуришлар 1949 йилдан бери мавжуд бўлиб келган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг(ЎИЁК) тарқалиб кетишига сабабчи бўлди.

Шарқий Европа давлатлари иқтисодий алоқалари йўналишларини Ғарбий Европа бозорларига қаратиш ва янги бирлашмаларни ташкил этишга интилоқда. Масалан, 1992 йилда Эркин савдо тўғрисида Марказий Европа давлатлари келишуви имзоланиб, унга Венгрия, Польша, Чехия ва Словакия давлатлари аъзо бўлган эди. Собиқ СССРнинг иттифоқдош республикалари эса 1991—1993 йиллардан бери Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) доирасида ва шунингдек 2005 йилнинг 26 декабридан бери Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Иқтисодий иттифоқни шакллантиришга ҳаракат қилиб, интеграция жараёнлари асосида ривожланиб келмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда иқтисодий аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи халқаро интеграци маркази Шимолий Америка яхудуди ҳисобланади. Бу ерда 1994 йилнинг 1 январиди Шимолий Америка Эркин савдо ассоциацияси (НАФТА) ташкилоти кучга кирди. НАФТА ташкилоти АҚШ, Канада ва Мексика давлатларини ўз таркибига бирлаштирган. НАФТА давлатлари келишувида асосан товар ва хизматлар савдосида чеклашларни олиб ташлаш, ўзаро келишмовчиликларни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш, бир-бирига нисбатан инвестиция муҳитини эркинлаштириш масалалари назарда тутилган. НАФТАнинг ЕИга нисбатан ўзига хос хусусияти интеграция жараёнларининг симметрик эмаслигидир. Канада ва Мексика давлатлари интеграциялашув жарёнида АҚШ билан кўпроқ яқинлашишга интилади, ўзаро эса кучсиз боғланган.

Жаҳон иқтисодиётида учинчи интеграция маркази бошқа интеграция марказларига нисбатан ҳудуди, аҳолиси ва ресурсларининг миқдори бўйича анча устундир. Бироқ, Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграциялашуви йўлида жуда кўп тўсиқлар (мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги кескин тафовутлар, этник-диний ва маданий фарқлар, ўзаро сиёсий даъволар, ҳудудий тўқнашувлар ва бошқалар) мавжуд. Ҳозирги кунда Осиё-Тинч океани ҳавзасида бир

неча йирик субхудудий иқтисодий гуруҳлар - Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН), Жанубий Хитой Форуми, Австралия-Янги Зеландия эркин савдо ҳудуди ва бошқалар мавжуд бўлиб, улар ҳам дунёнинг энг йирик океанбўйи соҳилларида жойлашган давлатларнинг умумий ташкилотини шаклланишига ҳалақит бермоқда.

Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти 1989 йилда ташкил топган бўлиб, 21 давлатни ўз таркибига бирлаштирган. Бу ташкилотнинг 1995 йил Осака шаҳрида маъқулланган ҳаракат дастури 2010-2020 йилларгача савдо ва инвестициялашнинг Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) стандартларига мувофиқ эркинлаштиришга йўналтирилган. Хуллас, ҳозирги кунда мувофиқлаштирилган ҳужжатлар ушбу ҳамкорлик ташкилотида мавжуд бўлса-да, унга аъзомамлакатлар эса божхона тарифлари, транспорт ва бошқа бир қатор соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириши лозим.

9.3. Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграциянинг кўринишлари ва типологияси

Интеграция гуруҳлар типологияси асосан иштирокчи мамлакатлар иқтисодиётининг макро ва микро даражада ўзаро яқинлашиши ва бир – бирига нақадар чуқур кириб боришгини баҳолашда намоён бўлади. Бу мезонда интеграциянинг тўрт кўринишини (эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи, умумий бозор ва иқтисодий иттифоқларни) ажратиб кўрсатиш мумкин. Эркин савдо ҳудудларининг мазмуни ва моҳияти масалаларини кейинги параграфда батафсил кўриб ўтамиз. Бу ерда эса, эркин савдо ҳудудларининг ўзига хос аломати унинг иштирокчилари ўртасида божхона тарифлари ва квоталарни ўзаро бекор қилиш тўғрисида келишиш эканлигини қайд этиб ўтамиз, бунда учинчи мамлакатларга нисбатан савдо сиёсати мустақил танланиши мумкин.

Божхона иттифоқининг эркин савдо ҳудудидан асосий фарқи иттифоқ чегараларида мувофиқлаштирилган савдо-божхона режимини жорий этиш эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Интеграция жараёнлари кейинги ривожланишининг энг етук кўринишларидан бири бўлган умумий бозор, иқтисодий

иттифоқнинг шаклланишига олиб келади. Кўплаб иқтисодий бирлашмаларнинг вужудга келиши ва тараққиётидан маълумки, айнан ана шу умумий бозор ва иқтисодий иттифоқ жаҳон иқтисодиётида диққатга сазовордир (14-жадвал).

14-жадвал

Интеграция бирлашмаларининг кўринишлари

Кўриниш номи	Иттифоқ ичида эркин савдо	Учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо – божхона сиёсати	Ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракатланиши	қонунчилик, ижтимоий ва валюта соҳаларда иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш
Эркин савдо ҳудуди	X			
Божхона иттифоқи	X	X		
Умумий бозор	X	X	X	
Иқтисодий иттифоқ	X	X	X	X

Манба: Назарова Г.Ғ. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т., 2005.

9.4. Жаҳон иқтисодиётида божхона иттифоқи, умумий бозор ва иқтисодий иттифоқ тушунчалари

Божхона иттифоқи (БИ) ҳукуқий нуқтаи назардан олганда икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида ўзаро ва учинчи бир мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган солиқ сиёсатининг ўтказилишини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан олганда эса божхона иттифоқини ташкил этиш, бу ягона иқтисодий маконни шакллантириш ва бу макон доирасида эса ҳар қандай божхона чегараларини бартараф этишни англатади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлатлараро тартибга солишнинг бу кўриниши БИ қатнашчилари ўртасида божсиз савдони эмас, балки унинг ташқи чегараларида мувофиқлаштирилган тариф тизимини жорий қилишни ҳам назарда тутди. Божхона иттифоқининг эркин савдо ҳудудидан фарқи ҳам ана шундадир.

Божхона иттифоқини яратиш ва уларнинг шаклланишининг конкрет натижалари унга аъзо мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида юз берадиган таркибий ўзгаришларда ўз аксини топади: талаб ва таклиф нисбий устунлик табиатига мос равишда ўзгаради. Бошқача қилиб айтганда, божхона иттифоқи савдонинг кенгайишига қараб, аҳолининг турмуш фаровонлигини

оширади, бироқ айти бир пайтда ишлаб чиқарувчиларнинг арзон маҳсулотларидан қимматроқ товар ишлаб чиқаришга мослашишлари натижасида эса, фаровонликни пасайтиради.

Божхона иттифоқининг шаклланиши жараёнида икки ёндашув мавжудлигини қайд этиш лозим. Бу ёндашувлар, товарларга белгиланган умумий ташқи тариф миқдорлари ўрнатилишидан аввал иттифоқ аъзоси бўлган мамлакатларда амалда бўлган ўртача ўлчанган тариф миқдorigа қиёслаштириш орқали аниқланади. Агар янги тариф ундан олдинги миллий тарифдан юқори бўлса, бојхона иттифоқи иштирокчиси бўлган мамлакат нисбатан арзон ташқи таъминлаш манбаларидан иттифоқ ичидаги ресурслар фойдасига воз кечишига тўғри келади.

Тавсифланган ҳолатда ўқшаш вазият бојхона иттифоқига аъзо мамлакатлар томонидан янги ёқилғи ресурслари, материаллар ва бошқаларни ишлаб чиқаришнинг бошланиши билан боғлиқ ҳолда кузатилиши мумкин. Агар ўрнатилган тариф ундан олдин ўрнатилган ўртача тарифдан паст бўлса, натижавий баҳоларни ҳисобга олганда ташқи савдонинг ўзгариш вектори учинчи мамлакатлар томон йўналади. Бундай ҳаракатлар одатда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва бојхона иттифоқи иштирокчиларининг ташқи иқтисодий фаолиятини жадаллаштириш мақсадида олиб борилади.

Ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг кенг тарқалган кўриниши сифатида бојхона иттифоқи ҳақида гапирганда шуни эсдан чиқармаслик лозимки, унинг фаолияти узоқ вақт мобайнида алоҳида олинган мамлакатларнинг жами товарлар ва хизматлар номенклатурасига тарқалмаслиги мумкин. Бојхона иттифоқининг ривожланиш жараёни, биргаликда тартибга солиш соҳасининг аста-секин кенгайиб боришидан гувоҳлик беради. Яъни босқима – босқич олиб бориладиган жараён охир – оқибат миллатлараро мувофиқлаштирувчи ташкилотлар ва институтларни ташкил этишни кун тартибига қўяди.

Осиё, Африка ва Жанубий Америкадаги бир қатор халқаро ташкилотлар товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ягона умумий бозор кўринишидаги гуруҳларни ташкил этганлиги тўғрисидаги шошилиш хабарномаларини тарқатган бўлса-да, интеграциянинг бу кўриниши амалда фақат Ғарбий Европада кенг амал

қилаётганлигини кўришимиз мумкин. Умумий бозорлар каторига қуйидаги халқаро ташкилотларни киритиш мумкин:

- Жанубий конус мамлакатлари умумий бозори (МЕРКОСУР) – Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай каби давлатларни бирлаштирган.

- Марказий Америка умумий бозори – Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа ва Сальвадор каби давлатларни бирлаштирган.

- Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозори (КОМЕСА), ўз таркибига Африканинг 19 та ривожланаётган давлатларини бирлаштирган.

Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) –*Тинч ва Ҳинд океани қирғоқларида жойлашган 9 та* ривожланаётган мамлакатларни бирлаштирган.

Божхона иттифоқини умумий бозорга айлантириш жараёнлари фақатгина савдони эмас, балки иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олувчи қонуний меъёрларни уйғунлаштириш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ички божхона тўсиқлари ва бошқа чеклашларни бартараф этиш орқали учинчи дунё мамлакатлари билан савдода умумий тамойилларни ишлаб чиқиш зарур. Бунинг натижасида миллий чегаралар орқали товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўтишига шароит яратилади.

Умумий бозорни шакллантириш мобайнида ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий ривожланиш учун замонавий фондларни яратишга бўлган зарурат туғилади. Умумий бозорни халқаро иқтисодий иттифоққа айлантириш жараёнида бу фондларнинг аҳамияти жуда каттадир. Бунда миллатлараро мувофиқлаштирувчи ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи тажрибасидан маълумки, бундай ташкилотларни ташкил этмай, миллий қонунчилик меъёрларини соддалаштириш ва интеграция бирлашмаси иштирокчиларининг умумий қарорлари бажарилишини назорат қилиш мумкин эмас.

Умумий бозорни иқтисодий иттифоққа айлантиришнинг замонавий босқичида ЕИнинг аҳамияти каттадир. Чунки фақатгина ана шу ташкилот иқтисодий интеграция жараёнларининг энг юқори чўққисини намоиш этмоқда.

XX – XXI асрлар бўсағасида ЕИга аъзо мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ўз олдларига қўйган мақсадларга эришишни режалаштирган эди: умумий қонунчилик меъёрларини яратиш, солиқ базасини соддалаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада ягона стандартларни жорий этиш, мувофиқлаштирилган пул сиёсатини ўтказиш, ягона валютага ўтиш ва бошқалар.

9.5. Европа Иттифоқининг ташкил топиши ва унинг ривожланиш босқичлари

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбий Европа мамлакатларида рўй берган бир қатор тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеалар Европа Иттифоқи (ЕИ) интеграция гуруҳининг вужудга келишига замин яратди. Ушбу ташкилотнинг ташкил топишида 1950 йилнинг 9 майида Германия ва Франция ўртасида кўмир ва пўлат ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришни таклиф этган Франция ташқи ишлар вазири Р. Шуманнинг таклифини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Умумевропа ҳамкорлигини уюштиришда «Маршал режаси» (1948 йил) ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу режа доирасида Ғарбий Европа давлатлари хўжаликни тиклаш ва қайта қуриш учун АҚШдан жуда катта миқдорда (12,4 млрд. АҚШ долл.) моддий ёрдам лди. Бундан ташқари собиқ Иттифоқ ҳукумати бошчилигида Шарқий Европа давлатларининг 1949 йилда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашининг ташкил этилиши ҳам Ғарбий Европа мамлакатлари миллий хўжаликларининг бир-бирига яқинлашишига туртки бўлди. Ниҳоят, мустамлака империяларининг (Британия, Франция кейинчалик Испания ва Португалия империялари) парчаланиши собиқ метропол давлатларнинг ўз қитъасидаги қўшнилари билан алоқаларини ривожлантиришига эътибор қаратишга мажбур этди. Шундай қилиб, 1951 йилнинг апрелида кўмир ва пўлат бўйича Европа бирлашмасини (КПЕБ) таъсис этиш ҳақида Париж шартномаси имзоланди. Ушбу шартномага олти давлат (Белгия, Нидерландия, Люксембург БЕНИЛЮКС давлатлари ва ГЕРМАНИЯ, Франция , Италия) аъзо бўлди.

1955 йилнинг июн ойида бўлиб ўтган Миссин (Франция) анжумани қарорлари ҳам интеграция жараёнларининг ривожланишига янги туртки бўлди. Бу анжуманда Европа интеграциясининг истиқболлари белгилаб олинган бўлиб, бундан пировард

мақсад миллий хўжаликларни бирлаштириб, ижтимоий сиёсатни мувофиқлаштириш орқали умумий бозорни шакллантириш эди.

Европа Иттифоқининг навбатдаги иккинчи йирик тарихий босқичи 1957 йилнинг март ойида божхона иттифоқи (БИ) ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсат олиб боришга асосланган *Европа Иқтисодий Ҳамжамияти*ни (ЕИҲ) ташкил этиш тўғрисидаги Рим шартномасининг имзоланиши бўлди. Бундан ташқари шу йили Атом Энергетикаси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ташкил топди. Рим шартномасининг кучга кириши кўмир ва пўлат бўйича Европа бирлашмаси, ЕИҲ ва Евроатомнинг бирлашишига сабаб бўлди. Юқорида зикр этилган олти мамлакат унга аъзо бўлиб кирди.

Ушбу ҳужжат интерация жараёнларини ривожлантиришга доир асосий ёндашувларни, жумладан «тўртта эркинлик» маконни яратишни, яъни товар ва хизматлар кўрсатиш, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши маконини яратишни ифодалаб берди. 60-йилларда ЕИҲнинг давлатлараро мувофиқлаштирувчи органларини шакллантириш жараёнлари амалга оширилди. Вазирлар Кенгаши, Европа Комиссияси ва Европа Суди ташкил топди.

1969 йили Гаага шаҳрида (Нидерландия) бўлиб ўтган мажлис ЕИ тарихида биринчи босқич тугалланганлигидан далолат берди. Бу даврни божхона иттифоқи деб ҳам аташ мумкин. 1973 йили «олтилик» давлатлари таркибига Буюк Британия, Дания ва Ирландия давлатлари, 1981 йилда Греция, 1986 йилда эса Испания ва Португалия қўшилди. 1974 йилда Европа Кенгаши ташкил топди. 1979 йилда Европа Парламентида депутатлар сайланиб фаолият кўрсата бошлади. Европа валюта тизими вужудга келди.

ЕИ ривожланишида 1986 йилда имзоланган Ягона Европа Акти (ЯЕА) ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу акт умумий бозорни иқтисодий иттифоққа айлантириш йўналишларини белгилаб берди. Яъни, савдо йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш, иштирокчи-мамлакатларда ички чегараларни очиш, илмий-технологик айирбошлашни жадаллаштириш, ягона валюта тизимини жорий этиш ва барча фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглиги ҳамда ижтимоий кафолатланиш ва бошқалар эди.

ЕИ ривожланишининг учинчи, яъни замонавий босқичи Ғарбий Европада иқтисодий иттифоқни яратишга қаратилган бўлиб, у XX асрнинг охириги ўн йилликларига тўғри келган эди. 1990 йилда Ҳамжамиятнинг ўн икки давлат раҳбарларидан иборат аъзоси одамлар, товарлар, капитал ва ахборотларнинг эркин ҳарактланиши учун иштирокчи-мамлакатлар ўртасидаги чегараларни 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб очиш тўғрисида Шенген битимини имзоладилар. 1992 йилда ЕИ тўғрисида Маастрих шартномаси имзоланиб, ушбу ҳужжатга кўра қуйидагилар таъсис этилди:

- Ягона Европа фукаролиги;
- сиёсий иттифоқлиги;
- иқтисодий ва валюта иттифоқи.

Маастрих шартномасига мувофиқ миллий валюталарни аста-секин муомаладан чиқариб, ягона умумевропа пул бирлигини (евро) жорий этишдек мураккаб жараёнга илк қадам қўйилди. Ниҳоят, 1995 йилда Ҳамжамиятга яна учта давлатнинг (Австрия, Финляндия ва Швеция) кириши ва Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг ЕИ деб номланишидан сўнг бу интеграция бирлашмаси ўзининг замонавий кўринишига эга бўлди.

Ҳозирги кунда ЕИ давлатлари 370 млн. кишидан ортиқ аҳолига эга бўлиб, умумий ЯИМ 5 трлн. АҚШ долл.дан ортиқ молиявий ресурсга эга бўлган 30га яқин мамлакатни ўз таркибига бирлаштирган. 70-80 йилларда кўплаб ривожланаётган мамлакатлар билан, 90-йилларда Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ) аъзолари билан, шунингдек АҚШ ва Япония билан тузилган битимлар ЕИни жаҳон иқтисодиётининг йирик интеграция марказларидан бирига айлантирди. ЕИ билан жаҳоннинг барча етакчи мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларни олиб боради. Хуллас, ЕИ асосан учта асосга, яъни иқтисодий иттифоқ, юстиция ва ички ишлар соҳасида ҳамкорликка, хавфсизлик ва ташқи сиёсат соҳасидаги келишувларга таянади.

ЕИ нинг мақсади Европа халқининг узвий алоқасини ташкил этиш, барқарор иқтисодий тарққиётга кўмаклашиш, ички чегарасиз умумий маконни яратиш, ижтимоий соҳада ўзаро алоқаларни кучайтиришдир. ЕИ ташкилотининг энг муҳим

тамойилларидан бири аъзо мамлакатларнинг миллий хусусиятлари ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қарашдир. ЕИнинг штаб-квартираси Брюсселда жойлашган. Бу ерда Кенгаш мажлислари ўтказилиб Европа Комиссияси доимий равишда ўз фаолиятини олиб боради. Европа Парламенти (Европарламент) ва Суди Люксембургда жойлашган.

9.6. Европа Иттифоқи тузилмаси: замонавий босқичда ривожланиш муаммолари, истиқболлари

Европа Иттифоқини Европа кенгаши бошқаради. Кенгаш аъзо мамлакатларининг давлат ёки ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, Европа комиссияси Раиси ва унинг бир аъзосидан таркиб топган вакили ҳисобланади. Кенгашнинг фаолияти ярим йилда бир марта ўтказиладиган сессиядир. Ушбу сессияда энг муҳим сиёсий характердаги қарорлар қабул қилинади.

ЕИнинг Олий қонун чиқарувчи органи Европарламент ҳисобланади. У 626 депутатдан(депутатлар сони ўзгариб туриши мумкин) ташкил топган. Бу депутатлар умумий сайловларда 5 йил муддатга мамлакат аҳолиси сонига қараб сайланади (энг кўп депутат Германиядан сайланади – 99 киши). Европарламент умумий мажлисларини ойда бир марта бир ҳафта давомида Франциянинг Страсбург шаҳрида ўтказади. Парламентнинг муҳим ҳуқуқи ЕИ бюджетини тасдиқлашдир.

Европа Иттифоқи Кенгаши аъзо давлатларнинг ҳукумат вазирларидан иборат. Бу ташкилотнинг қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, бу эса мамлакатларга маълум квоталар беришни талаб қилади. Масалан, Германия, Италия, Франция ва Буюк Британиянинг ҳар бири 10 тадан, Испания 8 та, Бельгия, Греция, Нидерландия ва Португалия 5 тадан, Австрия ва Швеция 4 тадан, Дания, Ирландия ва Финляндия 3 тадан, Люксембург 2 та овозга эга. Вазирлар таркиби мажлис мавзусига қараб ўзгариб туриши мумкин. Кенгаш ўз фаолиятида доимий вакиллар қўмитасига суянади. Бу қўмита ЕИда аккредитациядан ўтган 15та элчидан ташкил топган.

Европа Комиссияси – олий ижрочи орган бўлиб, доимий равишда фаолият юритади. Йирик давлатлар Комиссияда иккитадан, кичиклари биттадан овозга эга. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Европа Суди ЕИ тузилмасининг муҳим аҳамиятга эга бўлган охириги ташкилоти саналади. Суд аъзо давлатларнинг розилигига кўра олти йилга сайланувчи 15 та судья ва 9 та прокурордан таркиб топган. Суд иттифоқ аъзолари ва ЕИнинг алоҳида институтлари ўртасидаги баҳсларни ҳал этишда ҳам қатнашади.

ЕИнинг ижтимоий ва иқтисодий қўмитаси интеграция жараёнларининг ривожланишида ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Ушбу қўмита маслаҳат берувчи орган бўлиб, у ижтимоий ва иқтисодий фаолиятнинг турли соҳалари вакиллари бўлган 222 та аъзони бирлаштирган. Қўмита таркибида учта гуруҳ (иш берувчилар, ишчилар ва бошқа ижтимоий қатламлар - фермерлар, истеъмолчилар ва бошқалар) ташкил этилган. Бу тузилма мавқеи жиҳатидан юқорида санаб ўтилган органларга тенглаша олмаса-да, ЕИ Кенгаши ва Европа Комиссияси ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги барча қарорларни чиқаришдан олдин қўмита билан маслаҳатлашади.

ЕИнинг асосий муаммоларидан бири ташкилотнинг бундан кейинги кенгайиши масаласидир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ЕИга янги олтита давлатни қабул қилиш масаласи ижобий ҳал этилган. Бироқ, иттифоққа киришга навбатда турган давлатлар сони жуда кўпдир. Номзодлар қаторида Шарқий Европа давлатлари, Собиқ Югославия республикалари, Туркия, Мальта ва Болтиқ бўйи мамлакатлари бор. Уларнинг қабул қилинишига асосий тўсиқ миллий хўжаликларнинг нисбатан паст даражада ривожланганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг тўлиқ яқунланмаганидир.

Европарламент ваколатларини кенгайтириш ва ЕИ Кенгаши нуфузини аста-секин чеклаш тенденцияси кузатилмоқда. ЕИнинг иқтисодий масалаларига келадиган бўлсак, яқин йиллардаги энг муҳим вазифаси валюта ислохотларини ўтказишдир. Яъни, миллий валютани муомаладан чиқариб, ягона еврони жорий этишдан иборат бўлди. Бу жараён 1992 йилда Маастрихт шартномасидан бошланган эди. Валюта иттифоқи томон қилинган иқтисодий ҳаракат уч босқичда (1996 йил 1 январгача тайёргарлик, 1999 йилнинг 1 январигача ташкилий ва 2002 йилгача

якуний босқичлар) амалга оширилди. Евро ҳудудига кириш учун асосий мезонлар қуйидагича бўлган эди:

- бюджет камомади 2 % дан юқори бўлмаслиги.
- давлат қарзи ЯИМнинг 60 % дан кўп бўлмаслиги.
- йиллик инфляция 1,5 % дан ошмаслиги.
- узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача номинал фоиз ставкаси йилига 2 % дан юқори бўлмаслиги.
- валюта курсининг тебраниши 2,25 % дан баланд бўлмаслиги ва бошқалар.

Валюта иттифоқиға қирувчи мамлакатларға қўйилган ушбу мувофиқлаштирилган талабларнинг қаттиқлиги ЕИ давлатларининг икки гуруҳға, жумладан 2002 йилғача еврони муомалаға қиритган давлатлар (15 тадан 11 таси) ва бу жараёни 2002 йилдан кейинға қолдирувчи давлатлар (Буюк Британия, Дания, Швеция) гуруҳиға бўлинишиға олиб келди.

2002 йилнинг ўрталарига келиб, 11 та давлат ўз миллий валюталарини эмиссия қилишни тўхтатди, муомалаға евронинг 5 та танға пули ва 9 та қоғоз пули қиритилди. Аъзо давлатларнинг мавжуд миллий пул белгилари аста-секин муомаладан чиқарилиб, барча ҳисоб-китоб операциялари халқаро электрон тизим «Таргет» ёрдамида евроға ўтказилди.

9.7. Интеграция жараёнларининг боришида халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий ҳамкорликлар

Ишлаб чиқариш соҳасида халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш динамикаси ва йўналиши ишлаб чиқариш ва муомала соҳасини қамраб олувчи интеграция жараёнларининг мазмуни ва моҳиятини асослаб беради. Бунда кўпгина ҳолларда савдо алоқалари иккинчи ўринға қўйилади. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликларнинг бир неча босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликларнинг биринчи босқичи мамлакатларнинг умумий меҳнат тақсимооти билан халқаро ихтисослашувларнинг

чамбарчас боғлиқлигини ифода этади. Бунда ишлаб чиқаришнинг бир соҳаси (масалан, саноат) маҳсулотлари бошқа ишлаб чиқариш соҳаси (масалан, қишлоқ хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган) маҳсулотларига айирбошланади.

Иккинчи босқич қисман халқаро меҳнат тақсимоти негизида тармоқлараро ихтисослашувнинг интенсив ривожланиши билан тавсифланади. Бу, энг аввало, моддий ишлаб чиқариш тузилмасининг мураккаблашуви, яъни саноат тармоқларининг дифференциацияси билан боғлиқ бўлиб бу халқаро ихтисослашган тармоқларнинг вужудга келишида ўз аксини топади.

Учинчи босқичда тармоқлараро халқаро ихтисослашув фирма ёки ишлаб чиқариш корхоналари ичида содир бўладиган ихтисослашув жараёнлари билан боғлиқдир. Бу маҳсулотнинг алоҳида қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувни назарда тутadi. Бу ихтисослашув кенг доирадига кооператив алоқалар мавжуд бўлишини талаб қилади. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг асосий қисмини ташкил этган халқаро ихтисослашув ва халқаро кооперация бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси – турли мамлакатлар ҳуқуқий шахсларининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган турли ишлаб чиқариш жараёнларининг бевосита бирлашувидир, яъни у иштирокчиларни аниқ ишлаб чиқариш мақсадида бирлаштиради.

Халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг асосий кўринишлари – ихтисослашув ва кооперация асосида ишлаб чиқариш, савдони ўзаро мувофиқлаштириш, қўшма корхоналар, пудрат асосидаги ишлар (қурилиш), шунингдек илмий-техникавий ҳамкорликлар ҳисобланади. Бу кўринишлар жаҳон иқтисодиётида ҳамиша ҳам соф ҳолда мавжуд бўлавермайди. Аммо амалиётда фирмалар бирор- бир маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўйича тармоқлараро ва тармоқ ичидаги ихтисослашувга асосланган қўшма ишлаб чиқаришни ташкил этади. Ушбу қўшма корхоналарда илмий ишлаб чиқариш савдо фаолиятлари билан узвий боғлиқликда олиб борилади.

Халқаро ихтисослашув асосида олиб борилган ишлаб чиқариш жараёнлари халқаро иқтисодий интеграцияни, шунингдек турли мамлакатларнинг фирмалари

ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар ривожланишининг юқори даражадалигини ифода этади. Жаҳон иқтисодиётида. Ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг ўзига хос белгилари қуйидагилар:

-ҳамкорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг узок муддатлилиги, барқарорлиги ва доимийлиги;

- ишлаб чиқариш кооперацияси субъектлари сифатида турли мамлакатларда саноат корхоналарининг (фирмаларнинг) мавжудлиги;

- кооперациянинг асосий объектлари сифатида тайёр буюмларни, шунингдек бошқа маҳсулотларни пудрат асосида технологик ишлаб чиқаришнинг мустаҳкамланиши;

- мувофиқлаштирилган дастур асосида вазифаларнинг ҳамкорлар ўртасида тақсимланиши;

- ҳамкорлар ўртасида ўзаро ёки бир томонлама товар етказиб беришнинг халқаро ҳамкорлик доирасида ишлаб чиқариш дастурларининг амалга оширилиши билан боғлиқлиги (яъни, бу олди-сотди шартномаларини бажариш эмаслиги).

Жаҳон иқтисодиётида халқаро, илмий-техникавий ҳамкорликлар одатда илмий, моддий ва молиявий ресурсларни бирлаштириш, мутахассисларнинг илмий-тадқиқот гуруҳларини ёки ташкилотларини ташкил этиш, шунингдек лойиҳа-конструкторлик ишлари бўйича қўшма дастурлар кўринишида амалга оширилади. Жаҳон иқтисодиётида ушбу ҳамкорликларнинг энг оқилона ва самарали кўринишлари қуйидагилар ҳисобланади:

-янги илмий-техникавий ғоялар, маркетинг тадқиқотлари, шунингдек иқтисодий ҳисоб-китоблардан оқилона фойдаланиш мақсадида илмий-тадқиқот марказларини, бюро ва лабораторияларини ташкил қилиш;

- фирма ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий ва илмий-техникавий кўрсаткичлари самарадорлигини ошириш мақсадида тажрибалар ўтказиш;

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш соҳасида хорижий тажрибаларни биргаликда ўрганиш;

- илмий-техникавий сиёсат масалаларини мувофиқлаштириш ва маслаҳатлар бериш;

- малакали тадқиқотчи кадрларни тайёрлаш.

Жаҳон иқтисодиётида илмий-техникавий ҳамкорликларнинг ишлаб чиқаришдаги самарадорлигини таҳлил қилиш жуда муҳимдир. Олинган илмий-тадқиқот натижаларининг самарадорлигини бир неча жиҳатлари қараб чиқилади, яъни, уларнинг назарий, техник ва амалий қийматлари аниқланади.

9.8. Интеграция жараёнларининг миллий иқтисодиётга таъсири

XX асрнинг иккинчи ярмида хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи анъанасига айланди. Жаҳон хўжалиги глобал байналминаллашувининг асосий тенденцияларидан бири маълум бир давлат ёки бир неча давлатлар гуруҳининг таъсир зонаси вужудга келишидир. Бу давлатлар ёки давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари таъсирида ўзига хос минтақалар ҳосил қилиб, бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи интеграция марказларига айланиб боради.

Иқтисодий интеграция иштирокчилари бўлмиш давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон яратади. Иқтисодий интеграцияга бошловчи жараёнларни схемали тарзда қуйидаги ўзаро боғлиқ занжир шаклида тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши - халқаро меҳнат тақсимоти - ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви - иқтисодий интеграция. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграцияга икки омил (илмий-техник инқилоб ва трансмиллий корпорацияларни фаолияти) катта таъсир кўрсатади.

Жаҳон хўжалигида интеграция жараёнларини ривожланиши бўйича тўпланган тажрибалар, иқтисодий интеграциянинг ҳосил бўлиши ва ривожланишида қуйидаги тўрт босқични кўришимиз мумкин:

1. Тариф ва бошқа чеклашларни бекор қилиш билан эркин савдо зонасини ташкил қилиш.
2. Савдо, меҳнат ва капитал ҳаракатида бир хил тарифлар тизимини ўрнатиш билан божхона иттифоқи ташкил қилиш.
3. Иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш билан дискриминациясиз иштирокчи давлатлар иқтисодий иттифоқини тузиш.

4. Ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва давлатдан юқори турувчи тартибга солувчи органларга эга бўлган тўлиқ интеграция.

Жаҳон иқтисодиётида минтакавий интеграция компаниялар ва давлатлараро даражаларда ҳам рўй бериши мумкин. Ғарбий Европада иқтисодий интеграция энг юқори даражада ривожланган. Ғарбий Европанинг иқтисодий интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда В. Гюго, И. Кант каби Европанинг сиёсий, жамоат арбоблари ва файласуфлари томонидан олға сурилган ягона қарашлар концепцияси билан ҳам кенг суғорилган.

Жаҳон иқтисодиётида Европа Иттифоқининг (ЕИ) ташкил топиши ва ривожланишининг янги тарихи 1951 йилдан бошланди. Шу йилнинг апрелида 6 давлат - Франция, ГЕРМАНИЯ, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлиб кирган Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) ҳақидаги битим имзоланди. Бу ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос кириш қисми бўлди. Унинг ташкил топиши ва ривожланишининг бошланиш вақти юқорида санаб ўтилган давлатлар томонидан 1957 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) ва атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ҳақидаги битимлар имзоланган пайтдир. Ҳамжамият таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар киради. Бу эса кейинги 15 – 20 йиллар мобайнида иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишига сабаб бўлди.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши қарама-қаршиликлардан иборат. Шу билан бирга ЕИХнинг ташкил топишида унинг олдида қўйилган мақсад ва вазифалар ҳозирги кунга қадар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Ғарбий Европада интеграция жараёнларининг боришини тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йилларнинг охири - 70-йилларнинг ўрталари). Бу давр ЕИХ давлатлари ҳаётида “олтин аср” ҳисобланади. Унда божхона иттифоқи белгиланган муддатидан олдин ташкил этилди, ягона аграр бозори яратилди. ЕИХга учта янги давлат - Буюк Британия, Дания ва Ирландия аъзо бўлиб кирди. ЕИХ ёки “Умумий бозор”ни ташкил қилишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода аста-секин барча тўсиқларни олиб ташлаш;

- учинчи давлатлар билан савдода бир хил бож тарифларини ўрнатиш;

- “инсонлар, ишчи кучи, капитал ва хизматлар” нинг эркин ҳаракатланишига қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш;

- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- валюта иттифоқи тузиш;

- солиқ тизимини унификация қилиш;

- қонунчиликни яқинлаштириш;

- иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Буларни амалга ошириш мақсадида бошқарув структураси мажмуи - ЕИХ Вазирлар Кенгаши, ЕХ комиссияси, Европа Кенгаши, Европа суди, Европа парламенти ташкил қилинди.

ЕИХнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида аъзо давлатлар ўртасида товарлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг умумий бозорини ташкил қилиш вазифасини қўйилди. Бунинг учун Божхона иттифоқи тузилди. Айнан Божхона иттифоқи ЕИХнинг асоси ҳисобланади. Божхона иттифоқи доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода тўсиқлар олиб ташланди;

- учинчи давлатларга нисбатан бир хил божхона тарифлари ўрнатилди;

- капитал, кредитлар, пулқўчирмаларининг эркин ҳаракатланишига шароит яратилди;

- ишчи кучи миграцияси эркинлиги ва турар жой танлаш эркинлиги таъминланди.

Бу чоралар ЕИХга аъзо давлатлар ўртасида саноат интеграциясининг тезлашишига имкон берди. Айни пайтда аъзо давлатларда компенсация йиғимлари ва қишлоқ хўжалиги фонди орқали молиялаштириш ёрдамида, умумий протекционизм сиёсатини қўллаш йўли билан аграр соҳанинг интеграциялашувини амалга оширишга ҳаракат қилинди. ЕИ доирасидаги аграр сиёсат ЕИга аъзо

давлатларнинг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бир хил минимал нарх ўрнатишни кафолатлайдиган ягона нархлар тизимига асосланади.

Умумий бозорнинг шаклланиши ЕИХ давлатлари миллий монополияларининг трансмиллий корпорацияларга айланиши жараёнини тезлаштирди, ҳамкор давлатлар иқтисодиётига киришга имкон яратди. ЕИХнинг ривожланиши Ҳамжамиятга аъзо давлатларнинг ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи бозорга юзланган очик турдаги иқтисодиётга интенсив равишда ўтишини англатади.

Иккинчи босқич (70 ва 80-йилларнинг ўрталари). Бу давр ЕИ тарихига асосан турғунлик даври сифатда кирди. Бу даврда ЕИга аъзо давлатлар Европа валюта ҳамкорлиги дастури, ташқи сиёсий маслаҳатлар механизмини қабул қилишга муваффақ бўлса-да, вужудга келган салбий жиҳатлар ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий инкирозига олиб келди. Бу инкироз “евросклероз” номини олди. 70 ва 80- йилларнинг бошида ЕИ давлатлари ўртасида ривожланиш даражаси бўйича фарқ ўсиб борди. 1981 йилда ЕИга Грециянинг кириши билан бу фарқ янада кучайди, чунки ушбу давлат иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа иштирокчи давлатлари иқтисодиётига нисбатан жуда паст даражада ривожланган эди.

Учинчи босқич (80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг боши). Бу давр Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиши билан характерланади. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг ЕИХга қўшилиши аъзо давлатлар ўртасидаги фарқнинг янада кенгайишига олиб келди. ЕИХга аъзо бўлган вақтида Португалияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ЕИХ даги ўртача даромаднинг тахминан 45-50 %ига, Испанияда эса 3/4 қисмига тўғри келган эди. Янги иштирокчи давлатларда аҳолининг тахминан 1/5 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган бўлса, ЕИХ да эса ўртача 1/13 қисми тўғри келган.

Шу билан бирга, айнан шу даврда Ғарбий Европа интеграцияси янада ривожланди. Бунга биринчи навбатда Ягона Европа Акти (ЯЕА)нинг қабул қилиниши ҳам сабаб бўлди. Ушбу актда ЕИХга иштирокчи-давлатларининг умумий мақсади - Европа Иттифоқининг ташкил қилиниши яна бир бор тасдиқланди. Европа Иттифоқи Ҳамжамияти ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий иттифоқ бўлиб, аъзо

давлатлар ўртасида иқтисодий, валюта-молия, гуманитар соҳалардаги ҳамкорликлар билан бир қаторда ташқи сиёсат хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ҳам чуқур ҳамкорликни амалга ошириш ишлари назарда тутилган.

ЯЕАнинг асосий мақсади, ЕИХга аъзо давлатлар ўртасида ягона хўжаликни ташкил қиладиган ягона иқтисодий ҳудуднинг яратилишидир. ЯЕАнинг қабул қилиниши билан Ҳамжамиятга аъзо давлатлар ўртасида микро ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология, минтакавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграция жараёнлари кучайди. 90-йиллар бошида ЕИга аъзо давлатлар ягона бозор асосларини яратишни амалда тугатиб, валюта, иқтисодий ва сиёсий иттифоқларни шакллантиришга бевосита яқинлашди.

Тўртинчи босқич (90-йилларнинг ўртаси ва ХХІ аср боши). Бу Ягона Европа Актига мувофиқ 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ҳамжамият чегаралари доирасида ишлаб чиқариш воситаларининг эркин ҳаракати йўлга қўйилди. Ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий ҳудуд вужудга келди. Бу ЕИ доирасидаги иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги босқичга кирганини англатади.

Маастрихт Битими (1992 йил февраль) мувофиқ, 1994 йилнинг 1 январидан ЕИХ Европа Иттифоқига айланди ва унинг аъзолари 15 тага етди. ЕИ доирасида ягона ички бозорнинг тузилиши амалга оширилди. Маастрихт битимида интеграция ҳамкорлигининг кейинги босқичлари мақсадлари (Ягона валюта - еврони эмиссия қилиш ҳуқуқига эга ягона Европа банкини тузиш, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа ҳудудини ташкил қилиш ва бошқалар) эълон қилинган эди.

ЕИ интеграциясида ҳозирги кунда ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий муваффақиятлар билан бир қаторда қийинчиликлар ҳам рўй бермоқда. Юқорида ЕИ га янги аъзо давлатларнинг кириши муносабати билан юзага келган давлатлараро иқтисодий ривожланишдаги фарқлар кўриб чиқилган эди. ЕИга янги давлатларнинг аъзо бўлиб кириши ҳам сезиларли муаммолари келтириб чиқариши мумкин. Энг катта муаммолардан бири Европа валюта тизимини шакллантириш давомида намоён бўлмоқда.

1992 йилдаги 7 %га Британия фунт стерлинги ва Италия лираси девальвацияси оқибатида рўй берган ЕВТ инқироzi Буюк Британия ва Италияни автоматик тарзда

ЕВТ дан чиқариб ташлади. Валюта иттифоқини шакллантиришда унга кириш учун қўйилган бир қатор талаблар ҳам давлатларга қийинчиликлар туғдирган эди. Ўша даврда алмашув курси инфляциясининг даражасига, фоиз ставкалари даражасига, бюджет дефицити ва давлат қарзи бўйича қўйилган талабларга фақат Люксембург жавоб берган эди. ЕИга аъзо давлатлар орасида Иттифоқни кенгайтириш, интеграцияни чуқурлаштириш йўлларида келишмовчиликлар мавжуд эди.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси фақат ЕИ чегаралари билан чекланмайди. 1962 йилда Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) ташкил топди. ЕЭСА ЕИ дан фарқли равишда давлатдан юқори турувчи функцияларга ва давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. 80-йилларда ЕЭСТ аъзо давлатлари сони 7 та бўлиб, 90-йиллар ўртасида яна 4та давлат - Буюк Британия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария аъзо бўлиб кирган эди. Ушбу аъзо давлатлар учинчи давлатлар билан у ёки бу савдо-иқтисодий келишувларга эркин қўшилишлари ва бу давлатларга нисбатан исталган божхона тарифларини ўрнатишлари мумкин эди. ЕЭСАга аъзо давлатлар ўртасидаги савдода эркин, божсиз савдо режими фақат саноат товарларига нисбатан қўлланилади. Чунки ЕЭСА конвенциясининг фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига таъсир ўтказмайди.

1972 йилда ЕЭСА га аъзо бўлган ҳар бир давлат ЕИХ билан ўзаро келишувларни имзолади. Унга мувофиқ саноат товарларига бож ва сон жиҳатдан чеклашлар аста-секин камайтирилди. Бу давлатлар ўртасидаги божсиз савдо мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи йўқлиги сабабли ЕЭСА ичида божсиз савдо эркинлиги фақат аъзо давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан қўлланилади.

ЕЭСА га кирувчи давлатларнинг ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юқори даражада ривожланганлигига қарамасдан, ЕЭСА тўлақонли интеграция гуруҳга айланмади. Амалда у ЕИХ учун “фармклуб”, яъни янги аъзолар етказиб берувчи ташкилот бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ЕЭСAnинг кўпгина аъзолари унга Шарқий ва Ғарбий Европа давлатлари ўртасидаги истиқболли эркин савдо зонаси сифатида қарамоқдалар.

Маълумки, 2004 йилнинг майида Европа Иттифоқига Чехия, Словения, Словакия, Венгрия, Польша, Литва, Латвия, Эстония, Кипр, Мальта аъзо бўлиб кирди. Бундан ташқари Болгария, Туркия, Руминия, Хорватия давлатлари ҳозирда ЕИга кириш учун музокаралар олиб бормоқда. Бу ЕИнинг янада ривожланишидан гувоҳлик беради.

XX–XXI асрлар бўсағасида Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг муваффақиятли ривожланиши жаҳоннинг бошқа ривожланаётган минтақаларини эътиборини ҳам ўзига жалб қилди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида ўттиздан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар юзага келди. Аммо жаҳон иқтисодиётида энг сезиларли, ривожланаётган интеграция жараёни Шимолий Америка эркин савдо зонаси - НАФТАнинг ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШ билан Канада ўртасидаги мавжуд бўлган иқтисодий интеграция ва уларнинг Ғарбий Европадаги давлатлар билан олиб бораётган ҳамкорлиги АҚШни қониқтирмай қўйди.

Натижада 1994 йилнинг 1 январида кучга кирган Шимолий Америка эркин савдо зонаси (НАФТА) ҳақидаги шартнома имзоланди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам қўшилди. Шундай қилиб, ушбу блок ҳудуди 370 млн.дан ортиқ аҳолига, кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ҳудудни қамраб олди. НАФТА давлатлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар тахминан 7 трлн. АҚШ долл.ни ташкил қилиб, ушбу давлатлар улушига жаҳон савдо умумий ҳажмининг 18-20 %ига яқини тўғри келмоқда.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган шартноманинг асосий ҳолатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АҚШ, Канада ва Мексика давлатларида ўзаро савдо қиладиган товарларга нисбатан божларни бекор қилиш;

- Шимолий Америка бозорларини Мексика орқали АҚШга кириб келаётган товарлар учун божларни тўламасликка ҳаракат қилувчи Осиё ва Европа компаниялари экспансиясидан ҳимоя қилиш;

- Мексикада банк ва суғурта компаниялари ишида Америка ва Канада компаниялари капитал қўйилмалари ва рақобатларига бўлган таъқиқларни олиб ташлаш;

- атроф-муҳитни ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил қилиш ва бошқалар.

Хуллас, НАФТАни ташкил қилувчиларнинг режасига кўра, тўлақонли Шимолий Америка бозори 2010 йилларда ташкил қилиниши мумкин экан. Бундан ташқари ҳозирги кунда Америка иқтисодчилари Аляскадан Оловли ергача чўзилган ўзига хос панамерика савдо блокини тузишни режалаштирмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти интеграция жараёнларида Жанубий Америка ҳам фаоллашиб бормоқда. 60-йилларнинг бошида Жанубий Америка “эркин савдо зонаси”ни яратиш, сўнгра Марказий Америка умумий бозорини – (МАУБ) ташкил қилиш ишлари режалаштирилди. Бироқ, ушбу минтақада сиёсий ва иқтисодий инқироз бу режаларни амалга оширишга имкон бермаган эди.

90-йилларнинг ўрталарида интеграция жараёнлари 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай ўртасида тузилган ва 1995 йилнинг 1 январиди кучга кирган “МЕРКОСУР” савдо пактининг тузилиши орқали янада фаоллашди. Бу пактга аъзо бўлган давлатларнинг умумий аҳолиси 200 млн. кишидан кўпроқ бўлиб, йиллик умумий ЯИМи 550 млрд. долл.дан ортиқроқ. МЕРКОСУР савдо гуруҳининг тузилиши натижасида унга аъзо бўлган тўрт давлат ўзаро савдосидаги (90 % атрофида) тарифли тўсиқлардан озод қилинди, учинчи давлатлардан импортга эса бир хил тариф тузилмаси ва божхона қоидалари киритилди.

Африка давлатлари ҳам ўз минтақасида интеграция жараёнларини ривожлантиришга интиломоқда. 1989 йилда Африка қитъасининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокаш ва Тунис иштирокида Араб Мағриби Иттифоқи давлатлари ташкил топди. Ушбу иттифокқа аъзо бўлган давлатларнинг шартномасида минтақавий интеграция даражасида иқтисодий ҳамкорликнинг амалга оширилиш ишлари назарда тутилади.

XX – XXI асрлар бўсағасида Шарқий Осиёда ҳам интеграция жараёнлари кучайиб борди. Осиё "аждарҳолари"дан бири - Сингапур, шунингдек “ЯИД”лар деб

ном олган Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин каби Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) қарийб 30 йиллар мобайнида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти ушбу давлатлар иқтисодиётининг гуркираб ўсиши, ривожланишининг бир-бирига мослиги, яхши йўлга қўйилган ва узоқ тарих анъаналарига эга бўлган ўзаро савдо алоқалари, шунингдек тартибга солинган ҳамкорлик шакли билан чамбарчас боғлиқдир.

Шундай қилиб, АСЕАН режаларида иштирокчи давлатлар божларини 2000 йилгача 38 минг турдаги товарлар бўйича ўртача 5 % гача қисқартириш кўзда тутилган бўлса, 2003 йилга келиб, эркин савдо зонасини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Шарқий Осиёда иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши истикболлари кўп жиҳатдан Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОТИХ)нинг тузилиши билан боғланади. Ушбу ташкилотга Осиё, шунингдек Шимолий ва Жанубий Американинг 18 давлати аъзо бўлиб кирган эди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг режаларига мувофиқ, ушбу минтақада 2020 йилларга бориб жаҳонда энг йирик божхона ва ички тўсиқларсиз эркин савдо зонасини ташкил қилиш назарда тутилган. Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини баҳолаган кўплаб мутахассислар унинг ривожланиши стихияли ва ўзига хос эканлигини таъкидлайдилар. Бунинг устига интеграция муносабатлари ҳозирча ушбу минтақаларда унчалик ривожланмаган. Масалан, АСЕАН тизимидаги савдо зонасини иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи, яъни тариф ва тарифли тўсиқларсиз эркин савдо зоналарига киритиш мумкин. ОТИХга нисбатан эса ҳозирча эркин савдо зонаси деб эмас, "эркин иқтисодий ассоциация" деб айтиш мумкин. Айтиш пайтда, иқтисодий сиёсатни ўзаро мувофиқлаштириш натижасида минтақанинг ички савдоси ва капитал бозорларининг тез ривожланиши Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграцияси эркин савдо зонасига ўтишига имкон беради.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцияга, яъни ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган интилиш Форс кўрфазидаги Араб давлатлари орасида ҳам

кузатилмоқда. 1981 йилдан буён Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Бахрайн, БАА ва Уммон каби давлатларини ўз ичига олган "нефть олтилиги" ҳамкорлик Кенгаши давлатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундай қилиб, ривожланаётган давлатлар ҳамкорлиги, уларнинг интеграцияга бўлган интилишлари ҳақида фикр билдирганда шуни назарда тутиш керакки, реал интеграция жараёнлари ушбу давлатларда ҳали жуда кучсиз бўлиб, характери ва ҳаракатлантирувчи омиллари, ривожланиш суръатлари билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, улар эълон қилган интеграция жараёнларига кўрилаётган тайёргарлик босқичи, холос. Жаҳон иқтисодиётида эълон қилинган интеграция гуруҳларининг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг етук эмаслигини, миллий хўжаликларнинг оддий ва таркибий дифференциясизлигини, бозор ва молиявий инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги бу тузилмаларни ё ҳаракатсиз қолдирмоқда ёки бутунлай муваффақиятсизликка учратмоқда.

Таянч иборалар

ЕИ, НАФТА, ГАТТ(ЖСТ), Осиё-Тинч океани минтақаси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган илмий-техника инқилоби (ИТИ), ЕАСТ, МЕРКОСУР, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, интеграция блоки, илмий-техникавий ҳамкорлик, кооперация, ихтисослашув, дефференциация, ХМТ.

Назорат саволлари

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳиятини характерланг.
2. Интеграция жараёнларини ифодаловчи асосий омиллар қайсилар?
3. Интеграция жараёнларининг жаҳон марказлари ҳақида нима биласиз?
4. Осиё-Тинч океани ҳавзасидаги қандай субҳудудий иқтисодий гуруҳларни биласиз?
5. Европа давлатлари иқтисодий интеграциясининг ижобий томонларини кўрсатиб беринг.
6. Шимолий Америка иқтисодий интеграциясига умумий тавсиф беринг.
- 7 Африка давлатлари иқтисодий интеграциясига умумий тавсиф беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд.3-е , перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К°”, 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

10-бoб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

10.1. Жаҳон иқтисодиётида глобал муаммоларнинг моҳияти ва хусусиятлари

10.2. Жаҳон иқтисодиётида қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш тенденциялари

10.3. Жаҳон иқтисодиётида экологик муаммолар

10.4. Жаҳон иқтисодиётида озик-овқат ва демографик муаммолар

10.1. Жаҳон иқтисодиётида глобал муаммоларнинг моҳияти ва хусусиятлари

Жаҳон иқтисодиётида замонавий цивилизация ривожланиши жараёнида ҳеч қачон ҳозирги кундагидек кескин муаммолар гирдобига дуч келмаган. Ушбу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, инсоният ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан ҳаракатлана олмайди. Жаҳон иқтисодиётида у ёки бу муаммони глобал, яъни умумжаҳон миқёсидаги муаммолар эканлигини кўрсатувчи асосий мезонлар куйидагилар:

- унинг оламшумул аҳамият касб этиши;
- инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқлилиги;
- муаммони ҳал этишда давлатларнинг биргаликда ҳаракат қилиши ва бошқалар.

Иқтисодчи олимлар ва жамоат арбоблари орасида мамлакатлар ёки ҳудудлар тараққиётининг ўзига хос масалалари глобал муаммоларга айланиши ҳусусида турли фикр ва қарашлар концепцияси мавжуд. Шунинг қайд этиб ўтиш жоизки, бу жараёнга асосий сабаб жаҳон хўжалигининг XX аср индустриал бозор иқтисодиёти босқичига хос бўлган экстенсив ривожланиши бўлди. Лекин охириги ўн йилликларда Европа, Америка ва Осиёнинг ривожланган мамлакатлари ўз хўжалигининг интенсив ривожланишига қанчалик ҳаракат қилаётган бўлса, кўплаб ривожланаётган, шунингдек бир қатор ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар учун интенцификациялаш жараёнлари энг муҳим муаммолигича қолмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида инсоният учун энг долзарб масалаларни кўриб чиқишни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва манавий аҳамият касб этувчи муаммоларни ҳал этишдан бошлаш лозим. Сўнг табиий-иқтисодий характерга эга бўлган экологик ва озик-овқат муаммолари, аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ демографик

муаммолар таҳлил этилиши лозим. Аммо кўрсатиб ўтилган масалалар билан жаҳон давлатлари ва дунё аҳолисини хавотирга солувчи муаммоларнинг хилма-хиллигини чеклаб бўлмайди. Бундан ташқари глобал муаммоларни таҳлил қилганда унинг иқтисодий жиҳатларига ҳам диққатни қаратиш лозим.

10.2. Жаҳон иқтисодиётида қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш тенденциялари

Инсоният тарихида юз берган турли -туман ўн беш мингдан ортиқ урушларнинг иқтисодиёт учун қанчалик вайрон келтирувчи таъсирга эгаллиги барчага маълум. Бироқ, цивилизация тараққиётининг нисбатан тинч даврида армия ва мамлакат мудофааси учун харажатлар давлат бюджети учун оғир юкдир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда ҳарбий харажатлар жаҳон ЯИМининг 5-6 %и миқдорига етмоқда. Қурол-яроғ тайёрлаш энг кўп меҳнат ва ресурс талаб қилувчи ишлаб чиқариш соҳаси бўлиб, мамлакат мудофаа қобилиятини ушлаб туриш катта миқдорда қўшимча молиявий воситаларни талаб қилади.

Ҳарбий кучларни оммавий қисқартириш ва доимий армияни қуролсизлантириш улкан тежамкорликка олиб келиши, иқтисодий ўсишни рағбатлантириши, очлик, қолоқлик ва камбағаллик билан курашга мадад бериши мумкин. Ҳарбий-саноат мажмуаси ўлим келтирувчи маҳсулот ишлаб чиқаришида банд бўлган минглаб корхоналар ва миллионлаб инсонлардир. Бундан ташқари жаҳон қурол-яроғ савдоси энг даромадли бизнес кўринишларидан бири бўлиб, баъзи мамлакатларга миллиард долл. миқдорида даромад олиб келади.

Хуллас, юқоридаги қарашлар концепциясидан сўнг конверсия муаммоси, яъни ҳарбий ишлаб чиқаришни фуқароларга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга айлантириш муаммоси келиб чиқади. Конверсияни жаҳон иқтисодиётида амалга оширишнинг энг самарали йўлларида бири «икки ёқлама мўлжалланган» технологиялардан фойдаланиш ҳисобланади, бу асбоб-ускуналарни қайтадан созлаш ва бу соҳада бандликни ушлаб туриш имкониятини беради. Айни бир пайтда жаҳон иқтисодиётида ҳарбий ишлаб чиқаришга хос бўлган юксак

технологияларда тайёрланган маҳсулотларни сотиш орқали катта фойда олиш ҳам мумкин.

10.3. Жаҳон иқтисодиётида экологик муаммолар

Экологик муаммолар кўп асрлик тарихга эга, бироқ XX асрнинг 70-90-йилларига келиб, такрор ишлаб чиқариш ва инсонларнинг хўжалик фаолиятида мувозанатнинг бузилиши оқибатида биосферада кескин ёмонлашиш ҳолатлари кузатила бошлади. Жаҳон иқтисодиётида кўплаб келтирилган маълумотлардан, шунингдек экспертлар томонидан келтирилган статистик рақамларда атроф-муҳит деградацияси кўламининг катталашиб бораётганилиги қайд этилади. Кейинги 100 йил ичида сайёрамизда ўрмонларнинг 2/3 қисми йўқолиб кетди, атмосферадаги карбонад ангидрид миқдори 13 % га кўпайди, ўнлаб турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бутунлай қирилиб кетди, инсон генофондининг ўзи ҳам олдини олиб бўлмайдиган мутация ўзгаришлари хавфи остига тушиб қолди.

Республикамиз, шунингдек қўшни давлатлар аҳолиси ҳам Орол денгизи сувининг камайиб кетиши билан боғлиқ муаммони ўз бошидан кечирмоқда. Орол денгизининг қуриб қолиши нафақат республикамиз муаммоси, балки глобал муаммо эканлигини жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Бу муаммо ўз вақтида ҳал этилмаса, инсоният ва шунингдек бутун кишилик жамияти учун катта хавф туғилиши мумкин. Бу борада дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича турли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида экологик хавф-хатарнинг кучайиши экологиялаш жараёнлари ривожига асос бўлади, зеро табиатни ҳимоялаш омиллари савдо, инвестиция ва ишчи кучи миграциясига таъсир этади. Мутахассисларнинг қайд этишича, ҳозирги кунда умумий айланмаси 150 млрд. АҚШ долл.га тенг бўлган табиатни асровчи товарлар, хизматлар ва технологияларнинг махсус бозорлари вужудга келмоқда.

Атроф-муҳитни ҳимоя этиш тадбирлари экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига ҳам таъсир қилади, зеро истеъмолчилар экологик тоза ва хавфсиз маҳсулотларни афзал кўришади. Экологик муаммолар кўплаб мамлакатлар

ривожланишининг стратегик дастурларида марказий ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу борада албатта халқаро ташкилотларнинг энг йириги - БМТ ҳам четда қолмаган. БМТ 1972 йилдан буён махсус *Атроф-муҳит бўйича дастур* (ЮНИСЕФ)ни амалга ошириб келмоқда. 1992 йилда атроф-муҳит бўйича БМТ Анжуманининг (Рио-де-Жанейро) ўтказилиши катта аҳамият касб этди. Ушбу Анжуман қатнашчилари барқарор ривожланиш тамойилини қабул қилди. Бу тамойил ўз ичига 27 та тавсиявий характердаги принципларни ўз ичига олиб, улар экологик хавфсизликнинг универсал мезонларини қабул қилиш, чиқиндисиз технологияларни жорий этиш, саноат ва ҳарбий соҳадаги чиқиндилардан режали фойдаланиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш руҳида янги авлодни тарбиялашдан иборатдир. Рио-де-Жанейродаги Анжуман «Ер Ҳартияси»ни тайёрлашни белгилаб олди. Ушбу ҳартия XXI асрнинг экологик муаммосини ҳал этишнинг стратегик дастури ҳисобланади.

10.4. Жаҳон иқтисодиётида озиқ-овқат ва демографик муаммолар

80-йилларда сайёрамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан оптимал таъминлаш режимиға эришиш муаммоси фақат 30га яқин ривожланган мамлакатлар учун ўз долзарблигини йўқотган эди ҳолос. Бироқ жаҳоннинг кўпчилик давлатлари учун бу муаммо энг долзарблиғича қолмоқда. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш аста-секин ўсиб бораётган бўлса-да, бу жараён аҳоли сонининг кўпайиб боришиға нисбатан бир текисда юз бераётгани йўқ. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг баъзи давлатларида бу масала барқарорлашган, яъни бир кишиға тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ўзгаргани йўқ. Гарчи сўнгги 30-40 йиллар ичида дон маҳсулотларини етиштириш икки марта кўпайган бўлса-да, бу даврда ер юзида яшовчи аҳоли сони ҳам 1,8 марта ошганлигини кўришимиз мумкин.

Хуллас, озиқ-овқат муаммоси вужудға келган энг жиддий вазиятларни биз Саҳара саҳросининг жанубида жойлашган Африка давлатларида, Осиёнинг жануби ва марказий қисмида жойлашган баъзи давлатларда (Афғонистон, Бангладеш, Ироқ) ва шунингдек, бир қатор Кариб ҳавзаси давлатларида (Гаити) кўришимиз

мумкин. Бу давлатларда йиллик озиқ-овқат хавфсизлиги икки ойдан кам муддатга тўғри келади.

1996 йилнинг ноябрида Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган озиқ-овқат масалалари бўйича Бутун жаҳон учрашувида қайд қилинишича, жаҳонда доимий равишда 800 миллионга яқин киши тўйиб овқатланмас экан. Қишлоқ хўжалигида ҳосилнинг яхши бўлмаслиги, табиий офатлар, ҳарбий низоларнинг бўлиб туриши, шунингдек очарчиликнинг «авж олиши» билан боғлиқ ҳолда кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, ўтиш даври иқтисодиётили давлатлардаги аҳолининг турмуш фаровонлиги билан боғлиқ «яширин» кўринишдаги очлик ҳолатлари кенг тарқалмоқда. Буни биз кейинги 15-20 йил ичида жаҳоннинг 54 давлатида озиқ-овқат билан таъминлашнинг мутлақ пасайиб борганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида албатта озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш борасида олиб борилаётган баъзи ижобий мисолларни ҳам келтириш мумкин. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли мавжуд захиралар ҳисобига кафолатланган ва шунингдек озиқ-овқат хавфсизлиги режимини яратиш йўлида сезиларли ютуқларга эришган давлатлар қаторига Вьетнам, Ҳиндистон, Хитой, Мексика, Филиппинни киритиш мумкин. Хўжалик соҳасида ушбу давлатларнинг олиб борган тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, қишлоқ хўжалигида «*яшил инқилоб*»ни, яъни қишлоқ хўжалигида илғор технологияни жорий қилиш, ўсимлик ва ҳайвонлар селекциясини ривожлантириш, унумдор тупроқ таркибини яхшилаш ва қайта культивациялашнинг комплекс чора-тадбирларини олиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиётида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр тармоқни инвестициялашни йилига 3,5 - 4 % га кўпайтириш эса муҳим омил ҳисобланади.

Шуни қайд этишимиз мумкинки, жаҳон иқтисодиётида ҳайдаладиган ер майдонлари бирлигига тўғри келадиган дон маҳсулотлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, чорва моллари бошига тўғри келадиган сут ва гўшт маҳсулотлари миқдорини ошириш каби муаммоларни ечиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хуллас, жаҳон ҳамжамияти олдида 2025 йилгача очликни бошидан кечираётган

кишилар сонини икки мартага камайтириш ва шунингдек умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларидан паст даражада истеъмол қилувчилар сонини сезиларли миқдорда қисқартириш каби масалалар ҳам ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Жаҳон иқтисодиётида демографик муаммоларнинг мавжудлигига биринчи бўлиб XVIII асрнинг охирида илк бор инглиз донишманди Т.Р. Мальтус ўз эътиборини қаратган эди. Бу муаммонинг мазмуни ва моҳияти шундаки, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришга нисбатан аҳоли сонининг назорат қилиб бўлмайдиган даражада ўсиб боришидир. Мутахассисларнинг башорат қилишича, 2020 йилларга бориб жаҳон аҳолисининг сони 8 млрд.га етиб, унинг 80 %и Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатларига тўғри келади. Юз бераётган бундай «демографик портлашлар» кейинчалик табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришда ва инсонларнинг ҳўжалик фаолиятида мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Бу эса ўз навбатида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рўй бераётган камбағалликнинг олдини олиш ва енгиш, очлик, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги бир қатор муаммоларни янада чуқурлаштириб юбориши мумкин.

БМТ ва шунингдек жаҳоннинг ҳудудий ташкилотлари ҳам демографик хавфга етарлича аҳамият бериб келмоқда, яъни оилани режалаштириш дастурларини, аҳоли миграцияси ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизация жараёнларини молиялашни амалга оширмоқда. Хуллас, юқорида қайд этилган барча глобал муаммоларни ҳал этиш учун жаҳон экспертлари иқтисодий тизимни қайта қуришни тавсия этишмоқда. Бунинг учун асосан уч йўналишда (сайёрамиз аҳолисининг сонини барқарорлаштириш, энергия олишнинг муқобил манбаларига ўтиш, металлومлашган (утилизация) саноат материалларидан кенг фойдаланиш) ҳаракат қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Таянч иборалар

Глобал муаммолар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, демографик тушунча «Ер хартияси», моддий ноз-неъматлар, жаҳон ҳамжамияти, экологик хавфсизлик.

Назорат саволлари

1. Умумжаҳон характерига эга бўлган, глобал муаммоларни кўрсатувчи қандай мезонларни биласиз?
2. Жаҳон мамлакатлари тараққиётидаги глобал муаммолар хусусидаги назарияни очиб беринг.
3. Жаҳон иқтисодиётида қуролсизланиш ва уни бартараф этишнинг моҳиятини тавсиблаб беринг.
4. Жаҳон иқтисодиётида экологик муаммоларни бартараф этишдаги олиб борилаётган чора -тадбирларга тўхталинг.
5. Жаҳон хўжалигидаги демографик ва озиқ-овқат муаммоларини бартараф этишда кўрилаётган чора-тадбирларни характерлаб беринг.
6. Жаҳон иқтисодиётида жиддийлашиб бораётган муаммолар(турли хил юкумли касалликлар, наркомания, ОИТС ва бошқалар)ни характерлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. - Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд.3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К°”, 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

11-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР

11.1. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг умумий қонунчилиги

11.2. Ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий фаолияти

11.3. Ривожланган мамлакатларда халқаро ишчи кучи миграцияси

11.4. Ривожланган мамлакатларнинг молия - валюта сиёсати

11.1. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг умумий қонунчилиги

XX-XXI асрлар бўсағасида бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг 40 таси Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Осиё, Австралия ва Океанияда жойлашган бўлиб, унинг 29таси иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг аъзосидир. Ривожланган давлатларнинг 8 таси, яъни АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Канада, Италия, Россия жаҳоннинг «катта саккизлик» давлатлари ҳисобланади. Ушбу давлатлар жаҳон хўжалигининг барча тармоқлари иқтисодий ривожланиши йўналишини ва шунингдек минтақаларда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш аломатларини белгилаб беради.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ЯИМ миқдори ҳисобланади. 1997 йилда ушбу кўрсаткич саноати ривожланган мамлакатларда ўртача 21,5 минг долл.ни, жаҳоннинг ривожланган давлатлари бўйича эса ўртача 5,7 минг долл.ни ташкил этган эди (ривожланаётган мамлакатларда 3-15 минг долл.ни, Шарқий Европа мамлакатларида 5,5 минг долл.ни, МДХ давлатларида эса 3,1 минг долл.ни ташкил этган). Ривожланган мамлакатларда ЯИМ миқдори 1998 йилда 1996 йилга нисбатан, аҳоли жон бошига нисбатан 6,8 марта, ривожланаётган мамлакатларда-6,8, Шарқий Европа давлатларида- 3,9, МДХ давлатларида эса 6,7 марта ўсган эди.

Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий қисми ривожланган мамлакатлар ҳудудига тўғри келади. 1997 йилда ривожланган мамлакатларда яшовчи аҳоли сони 840,5 млн. кишини (ер юзи аҳолисининг 14,2 % ни ташкил этган). Ушбу давлатларда ЯИМ қиймати 18070 млрд. долл.ни(бу кўрсаткич жаҳон ҳажмига нисбатан 52,8 % ни) ташкил этган. Шунинг учун ҳам ривожланган

мамлакатлар жаҳоннинг бошқа мамлакатлари иқтисодий ривожланиши устидан (ташқи савдо, хорижий инвестиция тармоғи, трансмиллий корпарация тармоғи, илмий техникавий монополияга эришиш ва бошқаларни) назорат қилиши йилдан-йилга кенгайиб бормокда. 1929-1933 йилларда жаҳон капиталистик хўжалик тизимининг инқирозга юз тутиши бошқариш тизимининг издан чиқиши, иқтисодиётнинг беқарорлиги, инфляция, ишсизликнинг кучайиши ишлаб чиқаришнинг кескин тушишига олиб келган эди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлатнинг роли сезиларли даражада ўсиши иккинчи жаҳон урушидан кейин юз берди. Бу эса ўз навбатида аралаш иқтисодиётни юзага келтирди. Яъни, хусусий бизнесда асосий ўринни давлат сектори эгаллаган эди. Давлат сектори ва хўжалик механизмининг бозор элементларига қараб ривожланган мамлакатларнинг аралаш иқтисодиётини қуйидаги иқтисодий ривожланиш моделлар асосида ўрганиш мумкин:

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг либерал (Америка) модели. Бунда хусусий мулкчилик ишлаб чиқариш рақобатида бозор механизмидан юқори даражада ижтимоий дифференцияланади. Давлат сектори макро-микро иқтисодиётни қонунлар асосида бошқариб туради. Солик, пул-кредит сиёсати, рақобат ва шунингдек монополияни чеклаш, бозорнинг касотга учраши каби аҳоли маълум гуруҳларининг ижтимоий-иқтисодий қизиқишини ҳимоя қилади. Либерал модель асосан АҚШ ва Канадага тегишли бўлиб, Буюк Британия, Ирландия, Бельгия, Италия ва Франция каби давлатлар ҳам ҳозирги кунда либерал модель асосида ўз иқтисодиётини ривожлантириб бормокда.

Социал (аҳолини ижтимоий ҳимоялаш) бозор (Германия) модели. Ушбу модель бозор механизми инфратузилмасини ташкил қилади ва уни тўлдиради. Доимо аҳолининг ишлаб чиқариш соҳасида рўй бераётган қийинчиликларга бардош беришини қўллаб-қувватлайди. Давлат иқтисодий кам таъминланган оилаларни, ишсизларни, ёшларни, кичик ва ўрта фермер хўжаликларини ҳимоясига олиб, катта иқтисодий фаолликни олиб боради.

Швед модели. Бу модель асосан Швеция, Скандинавия, Австралия мамлакатларида қўлланилган. Ушбу моделда даромадларни кенг миқёсда қайта

тақсимлаш ва шунингдек ижтимоий-иқтисодий бирликка асосланган ижтимоий кафолатлар юқори даражада бўлиш характерлидир. Швед моделининг яна бир характерли томони шундаки, касаба уюмларининг хизмат соҳаларига асосланиб жамоат ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилганлигидир. Ушбу модель кооператив модели ҳам дейилади. Швед модели турли туманлиги билан Япон моделига ўхшаб кетади.

Япон модели. Ушбу модель жаҳон иқтисодиётида йўналтириб турувчи кооператив капитализми модели бўлиб, давлат иқтисодиётини режалаштиришда асосий роль ўйнайди. Давлат ишчиларининг касб маҳоратини оширишга эътиборни қаратиб, узлуксиз оширишга ҳаракат қилади. Япон моделининг характерли томони шундаки, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни миллий анъаналар асосида ташкил қилишни шакллантиришга асосланган. Япон модели иқтисодиётнинг ривожланишида анархия корпоративизми ҳам деб аталади. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида кейинги 100 йиллар давомида бозор иқтисодиёти юқори даражада ривожланган иқтисодий тизимларидан, илмий-техника инқилоби (ИТИ)ни ўзлаштиришда эҳтиёж ва талабни тўлиқ қондира олиши билан катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти саноати ривожланган мамлакатлар учун товар ишлаб чиқариш ва унинг манфаатли мутаносиб ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу давлатларда умумий ишлаб чиқаришнинг қонунийлиги даврий характерда (ишлаб чиқаришнинг тебранишлари ва кўрсаткичларида, бандлик ва нархда) намоён бўлади. Иқтисодиёт назариясида инвестиция активларининг тебранишлари пул массасининг ҳажмида, умумий харажатларда асосий капитал ҳажмининг янгилалиши ва ишлаб чиқариш технологиясининг алмашуви даврларида намоён бўлади.

XX-XXI асрлар бўсағасида ривожланган мамлакатлар учта даврий иқтисодий тушкунликларни ўз бошидан(1974-1977; 1980-1982; 1990-1993 йилларда) кечирган эди. Жаҳон иқтисодиётида 70-йиллардаги даврий динамикадан фарқли ўлароқ 80-90 йилларнинг даврий динамикаси синхрон (тесқари) ҳаракати билан характерланади. 1984 йилда АҚШ ва Канадада, 1988 йилда Япония, Буюк Британия, Италия, 1990

йилда Германия, АҚШ, Буюк Британия ва Канада давлатлари янги иқтисодий пасайишни энг юқори чўққисига чиққан эди.

1995 йилдан кейин АҚШнинг иқтисодий ўсиши бир меъёрга борган эди. 1993 йилда Япония иқтисодиёти иқтисодий инқирознинг энг паст нуқтасида турганлиги билан характерланади. Япониянинг иқтисодий ўсишига молиявий инқироз таъсир қилган бўлиб, 1997 йилда бу инқироз бутун Шарқий Осиёни қамраб олган эди. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий даврнинг синхрон босқичлари 70-90 ва шунингдек 2000-2006 йилларда, нефть ва бошқа ёқилғи хомашё нархларининг глобал кўтарилиши билан асосланади.

Жаҳоннинг илғор мамлакатлари даврий ривожланишига таъсир этмасликда доимий кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Замонавий шароитда даврий ривожланиш характериға фақат капиталнинг янгиланиши таъсир этиб қолмасдан, балки янги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг моддийлаштирилиши ва шунингдек умумий ишлаб чиқаришнинг асосий ресурслари фарқидаги алмашувлар ҳам таъсир қилади. Жаҳоннинг саноати ривожланган давлатларида иқтисодиётнинг бошқа бир муҳим жиҳатларини биз ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг номутаносиблигида ҳам кўришимиз мумкин.

Умумий ишлаб чиқаришда бозор иқтисодиётининг даврийлиги меҳнатнинг самарадорлиги ва даромад кўрсаткичларида ҳам намоён бўлади. Агар XVIII аср охири ва XIX асрнинг 70-йилларига қадар жаҳон иқтисодиётида Буюк Британия етакчи давлатларидан бири бўлган бўлса, XIX асрнинг 80-90 йилларига келиб, етакчилик ўрнини ёш капиталистик давлатларга АҚШ, Германия ва Францияга бўшатиб берган эди. Аммо Ғарбий Европада Буюк Британия ўзининг етакчилиги ўрнини сақлаб қолди.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишининг энг юқори чўққисига чиқиши ўтган иккита жаҳон урушларига бевосита боғлиқдир. Масалан, Биринчи Жаҳон урушида Германиянинг ютқизиши АҚШ, Англия ва Франциянинг жаҳон хўжалигида ўз ўрнини янада мустахкамлашига сабаб бўлди. Германиянинг Иккинчи Жаҳон урушида якка ҳукмронликка бўлган интилиши эса унинг мағлубияти, шунингдек иқтисодиётининг ниҳоятда пасайиб кетиши билан

яқунланди. АҚШ жаҳоннинг ривожланган капиталистик давлатларининг етакчиларидан бири бўлиб қолди.

11.2. Ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий фаолияти

Ривожланган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги муваффақияти асосан ушбу давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятининг эркинлаштирилиши, очик иқтисодиётнинг яратилиши билан боғлиқдир. Ривожланган барча давлатлар жаҳоннинг бошқа давлатлари билан ўзаро ташқи иқтисодий алоқаларни олиб боради. Шунинг учун ҳам ИХТТ давлатларининг дунё экспортидаги улуши охириги тўрт йил ичида қатъий 72-73 % даражасида турибди. 1998 йилда Осиё-Тинч океани минтақасининг “Янги индустриал давлатлари” иқтисодиёти кескин ўсишига қарамасдан, 72,4 % ни ташкил қилган. 1997 йилда ривожланган давлатларнинг экспорт квотаси 27 %ни ташкил этган (ривожланаётган давлатларда 12 %, ўтиш даври иқтисодиёти давлатларида эса 5,5 %ни ташкил этган, Россиядан ташқари). Ғарбий Европанинг кичик ривожланган давлатларида (Белгия, Нидерландия, Люксембург) экспорт квотаси 40-50 % атрофида бўлган. 1998 йилда ИХТТ давлатларидан 4016 млрд. долл. миқдорида товар ва хизматлар олиб чиқилган. 90-йилларда товар ва хизматлар экспортининг ўртача йиллик ўсиш суръати ривожланган давлатлар умумий маҳсулотининг ўсиш суръатидан юқори бўлган.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланган давлатларнинг экспорт тузилмасида илмий технологик характерга эга бўлган маҳсулотлар биринчи ўринда туради. Экспорт қилинадиган саноат товарлари орасида асосий ўринда ахборот технологиялари ва электроника саноат маҳсулотлари, электрон алоқа ускуналари ва электрон микросхемалар турган. 90-йиллар ўртасида ривожланган давлатлар ушбу маҳсулотларнинг 70 % ини жаҳон бозорига чиқарган. Ахборот технологиялари ва электроника саноат маҳсулотларининг асосий экспорт қилувчилари бўлиб, экспорт улуши 40 % ни ташкил қилган АҚШ ва Япония давлатлари, шунингдек экспорт улуши 280 % ни ташкил қилган Ғарбий Европа мамлакатлари ҳисобланган.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланган давлатларнинг экспорт хизматлари тез суръатлар билан ўсиб ривожланиб бормоқда. Ушбу мамлакатларда экспорт

хизматлари товар олиб чиқишига нисбатан тезроқ ўсиб, унинг экспортдаги умумий улуши 1998 йилга келиб 23 %га етган эди. Экспортнинг касбий хизмат кўрсатиш тури ҳам ривожланиб бормокда. 1998 йилда уларнинг умумий экспорт хизматидаги улуши ривожланган давлатларда 28 дан 44 %гача ўсган эди. Умумий ҳисобда экспорт хизматини 1,3 қисмини туризм эгаллаган. Янги технологиялар ўз навбатида соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ва маданият соҳасидаги экспорт хизматларининг имкониятларини ҳам анчагина кенгайтирган эди.

Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган давлатлар турли хилдаги товарларнинг йирик импортчилари ҳамдир. 1998 йилда ушбу давлатлар улушига дунё маҳсулотлари импортининг 68-69 %и, ишлаб чиқаришда хомашё маҳсулотларининг 61-62 %и, ёқилғининг 60-61 %и, мис ва металлларнинг 63-64 %и, кимё воситаларнинг 63-64 %и, машина ва транспорт воситаларини 65-66 % ва бошқа маҳсулотларни 67-68 %и тўғри келган. 80-йиллар билан таққослаганда ривожланган давлатлар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт воситалари ва бошқа асбоб- ускуналари билан таъминлашида импортнинг роли анча ўсган. Шу билан бир қаторда ушбу мамлакатларнинг жаҳон импортидаги (руда, ёқилғи ва металллардаги) улуши ҳам анча қисқарган.

Ривожланган давлатлар иқтисодиётининг очиқлигига қарамасдан, ушбу давлатларнинг ҳукумат раҳбарлари экспортчиларини қўллаб-қувватлайдилар. Яъни, экспорт кредитларини давлат кафолатлайди. Улар жаҳон бозоридаги маҳсулотларининг юқори рақобатбардошлигига эришишга интилади ва асосан энг юқори технологик соҳаларни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортини субсидия қилади. Бундан ташқари ривожланган давлатлар актив демпинг чораларини асосан ривожланаётган давлатларга, шунингдек Россия ва бошқа давлатларга нисбатан қўллайди.

АҚШнинг ишбилармон доиралари органи бўлган “Форчун” журналида таъкидланишича, Американинг бизнес капитализми ўзиникидан бошқа ҳамма эркин бозорларни назарда тутди. Ушбу ибора нафақат жаҳон бозорининг товар ва хизматларида, балки дунё молиявий бозорида етакчилик қилаётган барча саноати ривожланган давлатларга тегишли дейиш мумкин.

Саноати ривожланган давлатлар капиталнинг тадбиркорлигини биз ссуда шаклида экспорчирлиги, шунингдек импортчи бўлиб хизмат қилишида кўришимиз мумкин. 1997 йилда жаҳоннинг барча тўғри инвестицияларининг 90 %и ривожланган давлатларга тегишли бўлиб, унинг 80 %дан ортиғи энг ривожланган давлатларнинг иқтисодиётига қўйилган. Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда ривожланган давлатлар орасида капитал ҳаракатининг энг тез ривожланган шакли тўғри инвестиция бўлган. Тўғри инвестициялар асосан янги компаниялар асосига қўйилган.

Капитал экспортида тўғри инвестициянинг етакчиси АҚШ ҳисобланган. 1997 йилда АҚШ тўғри капитал қўйишнинг йирик импортчиси бўлиш (91 млрд. долл.) билан бир қаторда йирик экспортчи ҳам бўлган (114,5 млрд. долл.). Шу йили дунё бўйича 424 млрд. долл. капитал экспортга чиқарилган. АҚШ капитал қўйилмаларининг 60 %и жаҳоннинг саноати ривожланган еттилик давлатларига тўғри келган. Бу ҳамкорлар ўз навбатида АҚШнинг барча хориж инвестицияларининг 85 %ини таъминлаб турган.

90-йилларнинг бошида Ғарбий Европа давлатларининг инвесторлари Японияга Америка инвестицияларининг 74 %ни йўналтиришган. Европа иқтисодиётидаги қўйилмаларнинг 63 %и хизмат кўрсатиш соҳасига, 31 %и эса саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Кўчмас мулкка инвестициялар умуман қўйилмаган.

Жаҳон иқтисодиётида Канада ва Япония давлатлари энг йирик халқаро инвестор давлатларидир. Хорижий малакатларга қўйиладиган инвестицияларнинг ҳажми бўйича Япония дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Япониянинг хорижий мамлакатларга қўядиган инвестицияларининг ўртача 1,3 қисми АҚШ иқтисодиётига тўғри келади. Япония капиталининг 80 %и Ғарбий Европа давлатларининг молиявий ва савдо-сотиқ соҳаларига, фақат 15 %и қайта ишлаш саноатига тўғри келади. Ғарбий Европа давлатларининг капитали асосан АҚШга йўналтирилган бўлиб, унинг улуши хорижий қўйилмаларнинг 2,3 қисмига тўғри келади. Ғарбий Европа давлатлари ўз навбатида АҚШ инвестицияларининг 50 %ини қабул қилди.

Ривожланган давлатлар инвестиция сиёсати ривожланишининг муҳим манбаи ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритадиган компанияларнинг бозорга чиқишидир. Агар Ғарбий Европада 1984-1991 йилларда саноат соҳасида 900 та, молиявий соҳада – 141та, савдо соҳасида 50та ҳамкорликлар содир бўлган бўлса, охириги етти йилликда уларнинг умумий миқдори 4 мингтадан ошиб кетган эди. 90-йилларда халқаро ҳамкорликлар ОЭСРга аъзо давлатлар орасидаги инвестиция оқимининг 70 %ини таъминлаган.

Ривожланган давлатларда инвестиция сиёсати ўсишининг муҳим манбаи ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи компанияларнинг бозорга чиқиши бўлди. 1995 йилда бу секторда 90,5 млрд. долл.лик иш бажарилиб, умумий миқдори 134 млрд. долл.лик 1861 та шартнома ўрнига 2013 та шартнома амалга оширилди. Шундай қилиб, америкалик, европалик ва шунингдек бир қатор япон компаниялари давлатларнинг асосий ишлаб чиқариш воситаларига ўз маблағларини сарфлаган эди.

90-йилларда саноати ривожланган давлатларнинг халқаро капитал ҳаракатидаги ўрни асосан ўзгарди. Агар 80-йилларда саноати ривожланган давлатлар асосан молиявий ресурсларнинг нетто-импортчилари бўлган бўлса, 90-йилларга келиб улар нетто-экспортчи давлатларга айланган эди. Молиявий ҳаракатнинг асосий йўналишлари, дунё миқёсидаги инвестиция иқлими мавжуд бўлган ривожланган давлатлардаги фонд ва валюта бозорларининг ҳолатига боғлиқдир. Дунёнинг асосий молиявий марказлари саноат маҳсулотларини етказиб берувчи давлатлар чегарасида жойлашаган.

90-йилларнинг ўрталарида ОЭСР таркибига кирувчи давлатлар молиявий активларининг умумий миқдорида 35-40 трлн. АҚШ долл.ни ташкил қилган бўлиб, бу улар томонидан чиқарилган маҳсулотнинг миқдоридан икки марта ошиб кетган эди. 2000 йилда доимий нархлардаги қўшма капитал миқдори 53 трлн. АҚШ долл.ига етган бўлиб, бу давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан уч баробар кўп эди. Ривожланган давлатлар замонавий фонд бозорларининг асосий йўналиши саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсишига нисбатан компаниялар акцияларининг бозор нархида ўсиб боришидир.

11.3. Ривожланган мамлакатларда халқаро ишчи кучи миграцияси

Жаҳон иқтисодиётида ишчи кучини халқаро миграциясида ривожланган давлатлар асосан қабул қилувчи томон ҳисобланади. 70-йиллардан бошлаб, ривожланган давлатларнинг биридан бошқасига аҳолининг мигратив қисқариши кузатилмоқда. Масалан, 60 – йилларда АҚШга Ғарбий Европа давлатларидан 140 мингга яқин киши кўчиб келган бўлса, 80-90 йилларда 63-65 минг киши кўчиб келган эди холос. Бу эса Ғарбий Европанинг посиндустрия давлатларидаги ижтимоий – иқтисодий ўсиши ва уларнинг турмуш тарзининг тенглашганлигидан гувоҳлик беради. Шу билан бирга АҚШда юқори квалификацияга эга бўлган иммигрантлар ҳисобидаги ишчи кучи томонидан давомий тўлдириш анъанаси мавжуд. XX-XXI асрлар бўсағасида бунақа тўлдиришнинг манбаи собиқ Иттифоқнинг иттифоқдош республикалари ва Шарқий Европа давлатлари ҳисобланган АҚШдаги билим олиш даражаси бўйича америкаликдан ўртача тўрт марта паст бўлган Лотин Америкалик ёки келиб чиқиши Осиёлик бўлган 80 %дан кам бўлмаган иммигрантлар мавжуд(гап бу ерда расмий рўйхатдан ўтган иммигрант тўғрисида бормоқда). Кўпчилик ноқонуний кўчувчиларнинг билим олиш даражаси анча паст бўлиб, улар АҚШда ишсизлар армиясини тўлдирмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида худди шунга ўхшаш ҳолатлар Ғарбий Европа давлатларида ҳам юзага келмоқда. 90-йилларнинг ўрталарида ЕИга унинг чегара районларидан келган иммигрантларнинг сони 10 млн. кишини (ЕИ давлатлари ишчи кучининг 11 %ини) ташкил этган эди. Туркия, Югославия, Жазоир, Тунис, Марокашликлардан иборат иммигрантлар Германия, Буюк Британия, Францияга келишган эди. Қоидага биноан, иммигрантларнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи европаликларнинг ўртача иш ҳақидан 1,5-2 баробар камроқдир.

Жаҳон иқтисодиётида иммигрантларни қабул қилувчи давлатларда кўпинча ижтимоий-иқтисодий танглик вужудга келади. Туб аҳоли бошқа минтақалардан келган иммигрантларнинг иш жойларини “тортиб” олишига салбий муносабатда бўлади. Ижтимоий “портлашдан” қочиш учун, ривожланган давлатларнинг ҳукумат раҳбарлари сўнгги йилларда хориж фуқароларига кириш ҳуқуқини берувчи визаларнинг миқдорини чеклаб иммиграция қонунларига талабчанликни

кучайтирмоқда. Бу тенденция, экспертларнинг фикрича, яқин ўн йилликларда АҚШ ва ЕИда сақланиб қолиши мумкин.

11.4. Ривожланган мамлакатларнинг молия - валюта сиёсати

Молиявий оқимлар халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида валюта айрибошлаш шаклидаги ҳаракатлар орқали ўз ифодасини топади. Ривожланган давлатлар учун эркин валюта сиёсати ўзича хос кўринишга эга бўлиб, улар ҳеч қандай валюта чеклашларни қўллаб-қувватламайди. Валюта курсларининг бошқарилиши марказий банкларнинг валюта интервенциялари ва шунингдек пул-кредит сиёсати воситалари орқали амалга оширилади.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланган давлатлар халқаро валюта муносабатлари тизимида устунлик қилади. Бу авваламбор АҚШга тегишлидир. 90-йилларнинг ўртасида 40 %дан ошиқ валюта-алмашув операциялари, турли молиявий институтларга тегишли бўлган 44 % атрофидаги маблағларнинг халқаро савдо ҳисоб-китоблари АҚШ долл.да амалга оширилган эди. 90-йилларнинг иккинчи ярмида жаҳон молиявий бозорларида доллар ўрнини кенгайтиши ва бошқа ривожланган давлатлар валютаси ўрнининг заифлашиши билан тавсифланади. Шундай қилиб, долл.нинг барча ривожланган мамлакатлар валюта захирасидаги улуши, ЭКЮ улуши (1 январ 1991 йилдан евро) 30 % ни ташкил қилган ҳолда, 1990 йилдаги 45 % дан, 1998 йилда 58 % гача кўпайган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Япония “иена зона”сини ташкил қилишга уринаётган Осиё –Тинч океани минтақаси давлатларида ҳам 80-йилларда валюта захирасида долл.нинг улуши 48,6 дан, 62,7 % гача ўсган ҳолда, иенанинг улуши 13,9 дан 17,7 % гача ўсган эди холос. Жаҳоннинг бошқа давлатларида орттирилган долл.лар асосли равишда халқаро молиявий бозорлардаги беқарорлик муҳитида кескин ўсган Америка федерал хазинасининг қимматли қоғозларига сарфланган эди.

Жаҳон иқтисодиётида 1997-1998 йилларда рўй берган молиявий инқироз валюта ва фонд бозорлари аҳволига сезиларли таъсир кўрсатди. 1998 йилда ривожланган давлатлар компаниялари акцияларидаги курсининг ўсиш суръатлари амалда икки марта секинлашди. Ғарбий Европа бозорларидаги акциялар курси юқори суръатда кўтарилди. Ғарбий Европа давлатларининг инвесторлари фаоллик

билан ўз акцияларини сотишган. Шундай йўллар билан АҚШ ва Германия йирик қимматли қоғозлар воситасига эга бўлишди. Бундай ижобий ҳаракатларнинг иқтисодий кўрсаткичларини биз давлат бюджети зарарининг пасайишида, инфляциянинг секинлашишида, евронинг жорий қилинишида кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида еврони жорий этишга кўрилган тайёргарлик Ғарбий Европа давлатлари фонд бозорларидаги бирлашув жараёнларини тезлаштирган эди. 1998 йилнинг июлида Лондон ва Франкфурт фонд биржалари ўртасида ягона савдо тизимини ташкил қилиш тўғрисида битим имзоланди. 1998 йилнинг ноябрида ушбу битимга Ғарбий Европа давлатларининг яна бта фонд биржаси кўшилди. Ривожланган давлатлар ўртасида халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши бир томондан, уларда хўжаликнинг байналминаллашуви кучайишидан гувоҳлик берса, иккинчи томондан эса уларнинг иқтисодий мустақиллигинг кучайтириб, саноати ривожланган давлатлар иқтисодиётида капитал оқими тезлашиши рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ўтаётганлигидан далолат беради.

Таянч иборалар

Пул-кредит сиёсати, валюта-алмашув операциялари, евро, байналминаллашуви, фонд биржаси, замонавий техник-технологиялар.

Назорат саволлари

1. Ривожланган мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларини характерлаб беринг.
2. АҚШнинг либерал, Германиянинг ижтимоий бозор ва Швециянинг иқтисодий ривожланиш моделлари мазмуни ва моҳиятини очиб беринг.
3. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг умумий қонунчилиги масалаларини характерлаб беринг.
4. Ривожланган мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятининг ўзига хос тенденцияларини характерлаб беринг.

5. Ривожланган мамлакатларнинг инвестиция ва молия – валюта сиёсатини тавсифлаб беринг.

6. Ривожланган мамлакатларнинг хўжалик тизимида халқаро ишчи кучи миграциясининг ўзига хос тармоқларини очиб беринг.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Булатов А.С. Мировая экономика: Учебник. –М.:Юристъ, 2004.
2. Энциклопедия стран мира. -М.: Экономика, 2004.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. - Т., 2005.
4. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд.3-е , перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К°”, 2006.
5. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, 2006.

12-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР

12.1. Ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши

12.2. Ривожланаётган мамлакатларда халқаро товар алмашуви

12.3. Хорижий сармоялар - ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида

12.1. Ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жаҳон ҳўжалигида халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири собиқ мустамлака ва қарам ҳудудлар ролининг иқтисодий жиҳатдан кучайиб борганлигидир. Ушбу мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий адабиётларда ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, «учинчи дунё мамлакатлари», «жануб» мамлакатлари, «периферия» мамлакатлари сифатида тилга олинади. Ривожланаётган мамлакатларда 3,2 млрд. атропоида аҳоли яшаб, уларда жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар кечмоқда.

60-йиллардан сўнг озодликка эришган ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши тенденциялари тобора ўсиб боровчи характер касб этмоқда. 50-йиллардаёқ, ушбу давлатларнинг энг илғорлари ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий муносабатлари «ўртачаларидан» (54 мамлакат) 40-йилларга 2,4 марта юксакликка эришган эди. 50-йилларнинг ўрталарига келиб, юқорида зикр этилган мамлакатлар ўртасида ривожланиш даражасидаги фарқлар сезиларли даражада ортиб борди.

90-йилларга келиб ривожланаётган мамлакатларнинг биринчи гуруҳига кирувчи мамлакатларнинг (19 та мамлакат) аҳоли жон бошига «тўғри келувчи ўртача фойда»си ўртачаларининг мос даражасига нисбатан 2,9 баробар, қуйи гуруҳлариникига нисбатан эса 12,2 баробарга ўсган эди. Ривожланаётган мамлакатларнинг айнан шу гуруҳлари таркибида, шунингдек мамлакатларнинг ривожланиш даражалари ўртасидаги боғлиқликда ҳам ўзгаришлар юзага келди.

Жаҳон иқтисодиётида ушбу жараёнларнинг табақалашуви икки асосий минтақада рўй берган эди. Минтақанинг бир томонида озодликка эришган мамлакатларнинг кўпроқ ривожланганлари, жумладан, форс кўрфази давлатлари-Қатар, Қувайт, БАА, Багама, Бермуда, шунингдек Осиё-Тинч океани минтақаси ва

Лотин Америкасининг янги индустриал мамлакатлари жойлашган бўлса, минтақанинг иккинчи томонидан эса мутлақо турғунлик ҳолатидаги иқтисодий камбағал мамлакатлар (бу категорияга 48та мамлакат тааллуқлидир) жойлашгандир. Улар орасида бир қатор Африка мамлакатлари, Мозамбик (ЯИМ йилига киши бошига 80 долл.), Эфиопия (100 долл.), Сьера Леоне (140 долл.), Брунди (180 долл.), Уганда (190 долл.), Чад ва Руанди (200 долл.) мавжуд. Бу гуруҳга тааллуқли рўйхатининг қуйи қисмида жойлашган бир қатор Осиё мамлакатлари (Непал (160 долл.), Бутан ва Вьетнам (170 долл.) ва бошқалар) қайд этилади.

Ушбу минтақалар орасида ривожланаётган мамлакатларнинг қолган қисми жойлашган. Ушбу гуруҳ таркибига кирувчи мамлакатлар кўплаб ижтимоий-иқтисодий ўлчовлар бўйича фарқланади. Россиялик олимларининг гувоҳлик беришича, икки қутб орасида, ўз навбатида табақалашув тенденцияларини намоён этувчи ривожланаётган мамлакатларнинг конгломерати жойлашган. Ривожланаётган мамлакатлар табақалашувининг бундай гуруҳлари баъзи мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш динамикасини аниқлаб берса, бошқаларининг замонавий халқаро иқтисодий доирасида аҳамиятсиз эканлигини кўрсатади. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиши жиҳатидан анча муваффақиятга эришган, олдинроқ озодликка эришган «янги индустриал мамлакатлар» шаклланади.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган бир қатор иқтисодий ривожланишнинг умумийликлари билан бир қаторда турли-туманликлар ва ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти кўп укладли ишлаб чиқариш характерига эга.

- Ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши паст даражада эканлиги, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфратузилманинг қолоқ эканлиги (биринчи гуруҳ «юқори қутб» мамлакатларини ҳисобга олмаганда).

- Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти жаҳон хўжалиги тизимида боғлиқлиги, капитализмнинг переферик характер касб этиши ва бошқалар.

- Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида капиталистик хўжалик уклади билан бир қаторда ҳамон уруғ-аймоқчилик ва патриархал ишлаб чиқариш муносабатлар ҳам мавжуд.

Ушбу мамлакатлар иқтисодиётида давлат – монополистик ва хусусий мулкчилик хўжалик уклади муҳим роль ўйнайди. Давлат секторини ривожлантириш босқичи, уларда капиталистик ишбилармонликни кенгайтириш сиёсати орқали олиб борилади. Бунинг натижасида эса давлат – монополистик капитализми пайдо бўлиб ривожланади.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги секторининг мавқеи анча юқори бўлганлиги учун ҳам, ушбу мамлакатлар асосан аграр қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлардир. Ушбу мамлакатларда кичик товар хўжалигининг патриархал ва натурал ишлаб чиқариш муносабатлари кенг тарқалганлиги учун ҳам қишлоқ хўжалигида ушбу тармоқлар катта аҳамиятга эгадир. Озодликка эришган мамлакатларда амал қилувчи хусусий капиталистик хўжалик уклади ўз ичига капиталистик мулкчиликнинг турли шакллари қамраб олади.

Ривожланаётган мамлакатлар бир-биридан хусусий капиталистик муносабатларнинг ривожланиш даражаси бўйича ҳам фарқ қилади. Иқтисодий жиҳатдан анча илгарилаб кетган ривожланаётган мамлакатларнинг капиталистик бозор муносабатлари тизимига эга бўлган аломатлари муҳим аҳамият касб этади. Бир қатор ривожланаётган мамлакатларда давлат монополистик капитализмининг аломатлари шаклланиши рўй бермоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг нисбатан паст даражада ривожланган гуруҳларида миллий капиталистик уклад эндигина шаклланиш палласида турибди.

Жаҳон иқтисодиётида миллий капиталистик хўжалик укладининг жамғарма маблағлари асосан савдога, (ички ва ташқи), кўчмас мулкларни сотиб олишга, машиналарни таъмирлаш ва суғурталашга, бензин қуйиш шохобчалари қурилишига ва шунингдек сармояларнинг катта қисми айланадиган жойларга йўналтирилди. Ишлаб чиқариш соҳасида капитал иқтисодиётнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитни яратиш мақсадида сарф қилинади. Аммо озодликка эришган мамлакатлар

иқтисодиётида хорижий сармоялар асосий мавқега эга бўлиб, улар одатда маҳаллий тадбиркорларга нисбатан ён беришни истамайди.

Миллий мустақилликка эришган мамлакатларнинг кўпчилигида пайдо бўлиб, ривожланиб бораётган капиталистик хўжалик уклад периферик характер касб этади. Яъни, саноати ривожланган капиталистик мамлакатлардан нафақат ривожланиш даражаси бўйича, балки ишлаб чиқариш усулларининг модели ва моддий неъматлар тақсимооти бўйича ҳам тубдан фарқ қилади. Капиталистик ишлаб чиқариш марказлари жамғаришнинг ўзаро алоқадорлигида доимий ўсиш жараёнида ривожланиб боради. Мослашувчанлик (имитация) аҳолининг бой қатламлари учун зарурий бўлган барча нарсаларни қўлга кирита оладиган махсус бозорларнинг ташкил топишидан бошланади. Бундай вазият миллий аҳолининг асосий қисмини камбағалликка маҳкум этиб, уларни бозорларда эркин муомалада бўлиш имкониятидан маҳрум этади.

Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар жорий қилган янги техник-технологиялар одатда кечаги кунга мос келса-да, аммо уларнинг бозор нархлари жуда юқорилигича қолиши мумкин. Бунда периферия капитализмининг ривожланиши асинхроник, яъни тенг бўлмаган ҳолатда амалга ошади. Иқтисодий ўсиш ва сиёсий демократик бошқарув тизим эса паралел равишда ривожланмай, балки тескари ҳолатда ҳам содир бўлиб, бир-биридан сезиларли даражада узоқлашиб боради. Баъзи ривожланаётган мамлакатлар периферик капитализм моделини жорий қилар экан, кўпчилик ҳолларда уни четлаб ўтишда ўзига хосликни ҳисобга олиб, ички куч ва маблағларни топиш орқали тараққиётнинг юқори чўққилари томон ҳаракат қилади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг бир-бирига ўхшаш томонларини биз уларнинг иқтисодий қашшоқлиги ва аҳолисининг қолоқлигида, ишсизлик даражасининг юқорилиги ва саноати ривожланган мамлакатлардан катта миқдорда қарздор бўлиб қолишида кўрамиз. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги тўлақонли ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши билан, шунингдек аҳолисининг турмуш тарзи бўйича саноатлашган илғор мамлакатлардан 20-50 маротаба орқададир.

12.2. Ривожланаётган мамлакатларда халқаро товар алмашуви

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиши, хўжалик алоқаларининг анча ривожланган тизими, шунингдек молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро оқиб юриши иқтисодий тараққиётнинг чексиз шарт-шароитларидан бирига айлантирмоқда. Ривожланаётган миллий мустақил давлат сифатида мамлакатларнинг барчаси 70-йиллардан бошлаб халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиш учун фаол интиломоқда. Ушбу давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этишининг зарурияти шундайки, улар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарурий бўлган маҳсулотларни етиштириш имкониятига эга эмас. Ҳозирги кунда ушбу давлатлар саноати ривожланган мамлакатлар учун хомашё етиштириб берувчи ҳамда нисбатан арзон ишчи кучларининг манбаи ҳисобланади.

Халқаро меҳнат тақсимоотида кўплаб хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи давлатлар гуруҳи жамланган. Энг муҳими, ХМТ халқаро савдони ташкил этувчи, хомашё ва тайёр маҳсулотларни, шунингдек барча иқтисодий ресурсларни дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро алмашувини таъминлайди. Халқаро савдо энг камбағал ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи даромаднинг ишончли манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. Лекин материал ва энергия сифимининг кейинги йилларда камайиб бориши муносабати билан ривожланаётган мамлакатларнинг ўсишида табиий хомашёнинг халқаро савдода тутган ўрни пасайиб бориш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Шунга мувофиқ, у 1991 йилда жаҳон экспортида умумий улушнинг 25 %ини ташкил этди. Бир вақтнинг ўзида, ривожланаётган мамлакатлар ўртасида кўзда тутилган бир қатор анъанавий товарларнинг қайта тақсимланиши содир бўлаётир.

XX асрнинг 70-90 йилларида Осиё ва Африканинг ривожланаётган мамлакатлари умумий экспорт ҳажмидаги улуши қисқариб бораётганлиги қайд этилади. Осиё мамлакатларидан жўнатилаётган молларнинг доимий ўсиб бораётганлигига қарамасдан, у 2-3 баробарга пасайган. Шунинг учун ҳам экспортнинг ривожланаётган мамлакатлар жаҳон бозорида эгаллаб турган ўрни ёмонлашувини тўхтатиш имкониятига эга бўлган қўшимча экспорт ресурсларини

излаб топишга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Ривожланган мамлакатлар учун экспортнинг хилма-хиллигини таъминлаш, яъни чиқарилаётган хомашё маҳсулотларини қайта ишлаш, бошқа турдаги саноат маҳсулотларининг жаҳон бозорида эркин ҳаракатини таъминлаш энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида анъанавий товарлар экспорти ҳажмини кенгайтиришдаги муаммоларга қарамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги умумий улуши аста-секинлик билан кенгайиб бормоқда. 1987 йилда 22 % ни ташкил этган бўлса, 1992 йилга келиб, 24,7 %га ўсган эди. 1993 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг экспорт ҳажми саноати ривожланаётган мамлакатларда 1,2 %га қисқарганлигига қарамасдан, яна 10 %га ортган эди. Ривожланаётган мамлакатларда экспортни таркиблаштириш жараёнлари содир бўлмоқда. 1991 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг экспортида саноат молларининг улуши (рангли материалларни ҳисобга олганда) 57,7 % га етган эди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг саноат маҳсулотлари экспортидаги улуши ҳам ўсиб бормоқда. Агар ривожланаётган мамлакатларнинг экспортида саноат молларининг улуши 1970 йилда 7,6 %ни ташкил этган бўлса, 1980 йилда 11 %ни, 1991 йилда 19,5 %ни, 1995 йилда эса 25 %ни ташкил этган эди. Хуллас, 90-йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортида улуши доимий ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Ривожланаётган мамлакатларда саноат маҳсулотлари экспорт ҳажмининг ўсишида машина ва замонавий асбоб-ускуналар энг муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу товарларни экспорт қилиш 1970-1990 йилларда 90 маротабага ўсиб, саноатнинг умумий улуши 35-37 %ни, товарлар экспортининг умумий ҳажми 22-24 %ни ташкил этган эди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг баъзилари 1980-1990 йилларда хомашё маҳсулотларини кўплаб четга чиқариш ҳисобига халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш имкониятини ҳам кучайтирган эди. Ривожланаётган мамлакатларнинг бошқалари эса жаҳон экспортидаги улушини саноатда қайта ишлаш маҳсулотларининг ташқи бозордаги фаол ҳаракати ҳисобига ошириб бормоқда. Ўз

навбатида, ривожланаётган мамлакатларнинг баъзи гуруҳларининг эришган муваффақиятларини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон иқтисодиётида олдинги ўринлардан бирида «янги индустриал мамлакатлар» (Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Тайван, Бразилия, Аргентина) бораётган бўлса, бошқа ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи эса, экспортнинг асосини ташкил этувчи саноатни кучайтириш ва кенгайтириш борасида энг кам улушни қўлга киритган. Ривожланаётган мамлакатларнинг баъзиларида эса, масалан, Африканинг йирик давлатларидан бири Нигериянинг саноат экспортидаги улуши тобора қисқариб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро савдо мисолида ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирокини баҳолаш орқали жаҳон хўжалиги бутунлай тенгсизлик асосида қурилганлигини кўришимиз мумкин. Ривожланаётган мамлакатларнинг баъзилари илмий-технологик ютуқлардан суист фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг қолган қисмлари анъанавий индустриалашувга, баъзи қисмлари эса индустриалашувгача бўлган технологик ютуқларга асосланиб тараққий этмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни билан боғлиқ бўлган умумий ҳолатларни характерлаш орқали шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, қолоқ ривожланаётган мамлакатлар борган сари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидан «ажралиб» қолмоқда. Бундай фикрлар 1996 йилда савдо ва ривожланишга бағишлаб ўтказилган БМТнинг (ЮНКТАД) конференциясига тақдим этилган маърузаларнинг муаллифлари томонидан келтириб ўтилган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Уругвай Раунди доирасида амал қилаётган ва шунингдек глобал савдо битими мақомини олган ГАТТ – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда субсидияларини қисқартириш кераклигини таъкидлаб ўтади. Бундай вазият кучсиз ривожланган мамлакатларга нисбатан берилаётган кучли зарбадир. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида бугдой, қанд, гўшт ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг бозор нархлари кундан-кунга ўсиб бормоқда. 2004 йилда энг камбағал мамлакатларнинг жами йиллик савдо камомади тахминан 300-600 млрд. долл.ни ташкил этган.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон савдосида хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши тобора қисқариб бориши муносабати билан уларнинг ишлаб чиқаришга бўлган ихтисослашуви борган сари етакчилик ролини йўқотмоқда. Халқаро савдонинг ривожланиш аломатларининг гувоҳлик беришича, сўнгги ўн йилликларда турли хизматларнинг ҳажми ва аҳамияти бекиёс даражада ўсиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатлар ушбу йўналишдаги имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Масалан, сайёҳлик ва меҳнат соҳалари билан боғлиқ бўлган хизматлар, «ифлос» ва паст маош тўланадиган ишлар учун ишчи кучларини экспорт қилиш шулар жумласидандир.

Жаҳон иқтисодиётида сайёҳлик кўп йиллардан буён ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий валюталар тушумининг асосий манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. Миср учун туризм соҳасидан тушган тузум ўз аҳамияти бўйича жаҳон мамлакатларида шу билан банд бўлган мисрлик ишчилардан тушган валюталар ва хорижий ёрдамлардан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда туризм Туркияда юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу кўрсаткич туризмнинг умумжаҳон миқёсидаги 4 %ли ўсиш кўрсаткичи билан таққосланганда йилига 8 % ни ташкил этади. Туркия кўпроқ миллий иқтисодиётнинг туризм тармоғини динамик ривожланиши билан фарқ қилувчи бешлик мамлакатлари қаторига киритилган. 2005 йилда Туркия сайёҳликдан тушган даромадлар миқдори бўйича дунёда 6-ўринни эгаллаган.

Туркия туризм хизматлари бўйича Греция ва Испания билан бўлган рақобатда ғалаба қозониш эҳтимолига ҳам эгадир. Сўнгги йилларда ишчи кучларини экспорт қилишдан келадиган валюта тушумлари айнан ана шу ривожланаётган мамлакатларда анча ўсиб, йилига 10 %ни ташкил этмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида ҳозирги кунда ишчи кучи хизматлари бўйича экспорт ихтисослашувлари яратилмоқда. 80-90 йилларда ишчи кучини экспорт қилиш Покистон иқтисодиётига анча самарали таъсир кўрсатган эди. Хорижий мамлакатларда ишлаётган покистонлик ишчилар ҳисобидан ўтказилган валюта тушумлари, товар ва хизматларни экспорт қилишидан тутган тушумлардан беш

маротаба ортиқдир. Бу кўрсаткич Миср учун 40 % ни, Марокаш учун – 50 %, Туркия учун – 60 %, Ҳиндистон учун – 80 % ни ташкил этади.

12.3. Хорижий сармоялар - ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида

Жаҳон иқтисодиётида «қашшоқлик ботқоғи»дан қутилишга бўлган интилиш, хўжаликнинг барча илғор тармоқлари ривожланишига бўлган имкониятини яратиш ва такомиллаштириши учун ривожланаётган мамлакатлардан хорижий сармояларни изчил жалб қилишни талаб этади. Ана шу мақсадда инвестиция муҳитини кафолатлайдиган махсус минтақавий иқтисодий зоналар ташкил этилади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида инвестиция муҳитининг кучайиб бориш жараёнлари осонлик билан кечаётгани йўқ. 1992 йилда ушбу мамлакатларга тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори 51,5 млрд. долл.ни ташкил этган. 90-йилларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий капиталнинг жалб қилиниши янада кучайиб, 1994 йилда 173 млрд. долл.ни ташкил этди.

Янги фонд бозорларининг акцияларига банд этилган портфель қўйилмалар 1993 йилда 46,9 млрд. долл.ни, 1994 йилда эса 39,5 млрд. долл.ни ташкил этган. Ўз навбатида банкларнинг депонентланган ва облигацияларига қўйилган хусусий сармояларнинг қиймати 1993 йилда 45,7 млрд. долл.дан 1994 йилда 55,5 млрд. долл.га ўсган. Тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестициялар миқдори эса 1993 йилда 66,6 млрд. долл.дан 1994 йилда 77,9 млрд. долл.га ўсган. Қайд этиб ўтиш жоизки, 1993 йилда ривожланаётган мамлакатлар ҳам 14 млрд. долл. миқдorigа эга бўлган сармояни хорижий мамлакатларга экспорт қилган.

«Эрнест ва Янг» Америка консалтинг фирмаларининг таҳлилларига кўра 2000 йилликнинг яқин ўн йилликларида ривожланаётган мамлакатларнинг энг кўзга кўринганлари: Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Мексика ва Бразилия бўлиши башорат қилинмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий сармоялар жалб қилинар экан, энг муҳими улар динамикали ўсиш имкониятига эга бўлиб, истиқболи порлоқ бўлган мамлакатлар томон илгарилаб бормоқда.

Бугунги кунда хусусий инвестицияларнинг 80 %и ривожланаётган мамлакатларга тўғри келиб, бунда Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари асосий ўринни эгаллаб турибди. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг турғунлиги ва шунингдек уларда сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги эса кўпинча саноати ривожланган мамлакатлардан келаётган ишбилармон доираларни ҳавотирга солмоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан уюштирилган ёрдамлар 70-80 йилларда етарли даражада амалга оширилган бўлиб, 90-йиллардан эътиборан уларнинг миқдори сезиларли даражада қисқариб бормоқда.

Халқаро валюта фонди мутахассисларининг фикрича, 1994 йилда дунё бўйича инфляциянинг олдини олиш мақсадида давлат йўналиши бўйича 59 млрд. долл.га тенг расмий ёрдамлар уюштирилган (1993 йилдга нисбатан 3 млрд. долл. кам). Ривожланаётган мамлакатлар билан ривожланган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ўзининг меъёрига етган 1990 йилги даражаси билан таққослаб кўрилганда эса 12 млрд. долл.га камайган. Бу пайтда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан уюштирилган ёрдам жами ялпи миллий маҳсулотининг 0,3 %ини ташкил этган холос.

Муҳим томони шундаки, Африка мамлакатларига уюштирилаётган барча ташқи ёрдамлар қарзларнинг фоизлари шаклида Ғарбий Европа давлатлари томон қайтиб кетмоқда. 90-йилларда Африка Саҳарасининг жанубий минтақасида жойлашган мамлакатларнинг қарзлари 211 млрд. долл.ни ташкил этган. 1984-1994 йилларда Африка давлатлари ушбу кредит қарзларининг 150 млрд. долл.га яқинини тўлаган холос. 1994 йилда Африканинг барча минтақаларида жойлашган давлатларининг умумий қарзлари тахминан 303 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этиб, у Африка мамлакатлари йиллик экспорт даромадининг 204 %ига тенгдир.

1994 йилда энг катта ташқи қарз Мексика ва Хитойда бўлиб, унинг миқдори Мексикада 5 млрд. долл.ни, Хитойда 111 млрд. долл.ни ташкил этган. Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ҳисобланувчи- Тайланд, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Филиппин каби давлатларнинг ташқи қарзлари тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ушбу минтақадаги ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи

қарзлари миқдори 1994 йилда 1,7 трлн. долл.ни ташкил этиб, 1993 йилга нисбатан 10 %га ўсган.

Жаҳон иқтисодиётида Лотин Америкаси мамлакатларининг ташқи қарзлари ўсиб бораётганлигини биз аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда мазкур мамлакатлар бошқа мамлакатларга қараганда анча олдинда турганлигини кўришимиз мумкин (Осиё мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача ташқи қарзлар миқдори тахминан 250 долл.га тенг бўлса, Лотин Америкасида эса 1000 долл.ни ташкил этади).

Ривожланаётган мамлакатларнинг амалдаги қарзлари хусусий капитал кўйилмалари орқали тўпланиб боради. 1995 йилда кредитор мамлакатлар орасида Япония биринчи ўринни эгаллаган бўлиб, унинг ривожланаётган мамлакатларга (биринчи навбатда Осиё мамлакатларига) йўллаётган кредитларининг умумий тахминан 236 млрд. долл.ни ташкил этган. Кейинги ўринни – 147 млрд. долл. миқдоридаги кўрсаткич билан АҚШ эгаллаган бўлиб, уларнинг ярмиси Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келган. Учинчи ўринда эса Германия туриб, у 106 млрд. долл. миқдоридаги сармояларни четга чиқарган. Ўз навбатида Франция ҳам хорижий мамлакатларга унча катта миқдорда бўлмаган кредитларни берувчи давлат ҳисобланади (103 млрд. долл. атрофида). Германиянинг қарздорлари бўлиб, асосан Африка ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар томонидан қарзларнинг қайтарилиши энг оғир муаммо бўлиб турган бир пайтда, қарздорликка қарши курашнинг бирдан-бир йўли, ушбу кредитор мамлакатлар қарзларининг кечиб юборилган умумий миқдорини 75-100 % га етказиш кўзда тутилганлигидир. Бундан кўзланган мақсад 80- йиллардан буён қарзларининг миқдори юқори суръатлар билан ўсиб келаётган ривожланаётган мамлакатларга нисбатан енгиллик беришдан иборатдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, халқаро меҳнат тақсимооти кўпгина ҳолларда ТМКлар томонидан шакллантирилади. ТМКлар айнан ривожланаётган мамлакатларни ўз манфаат зоналари деб билиб, ушбу зоналарда ишлаб чиқаришни

ташкил этиш иқтисодий ва технологик жиҳатдан юқори фойда келтганда ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиради.

Жаҳоннинг йирик трансмиллий корпорациялари билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ўзаро муносабатларнинг кенгайиб бориши жараёнлари асосан 80-йилларга тўғри келади. Бунга кўп жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларда қабул қилинган хорижий инвестициялар тўғрисидаги бир қатор қонунларнинг қайта кўриб чиқилиши муҳим аҳамият касб этган эди. Буни биз трансмиллий корпорациялар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасида пайдо бўлган баъзи ҳолатларнинг суд орқали муҳокама этилишида ҳам кўришимиз мумкин.

Трансмиллий корпорациялар ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўзгаришлари вужудга келишида муҳим роль ўйнаши билан бир қаторда, ушбу корпорациялар малакатларнинг техник тараққиётининг ички омилларига жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ТМКлар “учинчи дунё” мамлакатларининг ривожланишида юксак аҳамият касб этиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

Бир қатор саноат тармоқларида (тўқимачилик, озиқ-овқат, электрон ва бошқа саноат тармоқлари) қўлланилаётган техника ва технологияларни етказиб беришда ТМКлар инвестор сифатида ҳам, шунингдек инвестиция товарларини ёки технологияларни (лицензияларини) етказиб берувчи корпорацияларлар сифатида ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар хомашё маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилувчи давлатлардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчиларига айланишида ТМКларнинг тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялари муҳим роль ўйнайди.

Трансмиллий корпорациялар анъанавий жараёнларининг тезлашувини таъминлайди. Технологик инновациялар асосан саноати ривожланган мамлакатларда тўпланган бўлиб, сўнгги 10 йилликларда улар бир қатор ривожланаётган мамлакатларда, айниқса “янги индустриал” давлатлар иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Технологияларнинг қўлланилиши атроф-муҳит билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ТМКлар фаолияти улар

танлаган мамлакатларнинг табиати, шунингдек инсонларнинг манфаати ва уларнинг ҳаётига таҳдид солмаслиги лозим.

Шу муносабат билан хусусий шунингдек хорижий корхоналар устидан назоратни ўрнатиш мақсадида ривожланаётган мамлакатларда миллий органларнинг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

ТМКлар ривожланаётган мамлакатларда бандлик муаммоларини ҳам бартараф этади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлган ишчи ўринлари унчалик кўп бўлмасдан иқтисодий фаол аҳолининг 1 %дан камроқ қисмини таъминлай олади холос.

Халқаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник-технологик ёрдамларини кўрсатишда ТМКлардан фойдаланишни таклиф этмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукумат раҳбарлари ТМКларни ўз иқтисодиётига жалб этиш борасида ўзаро кураш олиб бормоқда. АҚШнинг “Женерал моторс” компанияси 2005 йилда Осиё –Тинч океани минтақаси бозорларидаги улушини икки баробарга (10 %га қадар) оширишга ҳаракат қилмоқда.

Ушбу компания Филиппин ёки Таиландда қиймати 1 млрд. долл.га тенг бўлган машина ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи заводни бунёд этишни режалаштирган. Мутахассисларнинг фикрича, Таиланд автомобиль бозорларининг ривожланиши учун энг қулай жойдир. Филиппин “Женерал моторс” компаниясига солиқ ва божхона енгилликлари билан боғлиқ шарт –шароитларни таклиф этмоқда.

Шундай қилиб, жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ривожланаётган мамлакатлар ўз олдиларига қўйилган мақсадларига эришиш учун бир қаторда ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган параметрларни ҳам излаб топмоқда.

Таянч иборалар

Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши хусусияти, ЯИМ, халқаро товар алмашув, “Женерал моторс”, технологиялар, халқаро валюта фонди, хорижий инвестициялар, «янги индустриал мамлакатлар», тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар.

Назорат саволлари

1. Жаҳон хўжалигида ривожланаётган мамлакатларнинг тутган ўрнини тавсифлаб беринг.
2. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.
3. Халқаро товар алмашувида ривожланаётган мамлакатларнинг тутган ўрнини харктерлаб беринг.
4. Инвестиция муҳитининг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги аҳамиятини очиб беринг.
5. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида халқаро корпорацияларнинг ролини тавсифлаб беринг.
6. Ривожланаётган мамлакатлар таркибидан ажралиб чиқаётган “Янги индустриал мамлакатлар” иқтисодиётига умумий тавсиф беринг.
7. Осиё-Тинч океани минтақаси “Янги индустриал” давлатларининг жаҳон хўжалигида тутган ўрнини кўрсатинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд.3-е , перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К°”, 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

13-бoб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА “ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР”

13.1. Жаҳон хўжалигида “Янги индустриал мамлакатлар” нинг иқтисодий ривожланишига умумий тавсиф

13.2. “ Янги индустриал мамлакатлар” нинг иқтисодий ривожланиш тамойиллари

13.3. ”Янги индустриал мамлакатлар” – халқаро меҳнат тақсимооти тизимида

13.1. Жаҳон хўжалигида “Янги индустриал мамлакатлар” нинг иқтисодий ривожланишига умумий тавсиф

60-80 йилларда жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари, жумладан «Янги индустриал мамлакатлар»нинг (“ЯИМ”) ҳам умумий тузилишида глобал ўзгаришлар рўй берган эди.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигидан “ЯИМ лар” ўз параметрларининг барча тизимлари бўйича ажралиб туради. “ЯИМ”нинг ривожланаётган мамлакатлардан фарқланиб турувчи хусусиятларидан бири ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳам ажралиб туришидир. Яъни, уларнинг ривожланиши “янги индустриал” ривожланиш модели сифатида мавжудлигидир. Бундай характерли томонлар Осиё-Тинч океани минтақаси, шунингдек Лотин Америкаси “ЯИМ”ининг ривожланиш тажрибасини чуқур таҳлил қилиш жараёнида кўзга ташланган эди.

Лотин Америкаси “ЯИМ”ларининг ривожланиш тажрибаси, шунингдек Осиё-Тинч океани минтақаси “ЯИМ”ларининг кўпчилиги озодликка эришган жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари учун ҳам халқ хўжалигининг ички ривожланиш динамикаси бўйича ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларининг экспансияси бўйича ҳам ривожланишнинг ўзига хос намунасидир. Одатда, ривожланаётган “Янги индустриал мамлакатлар” қаторига Осиё-Тинч океани минтақасининг Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия давлатлар, шунингдек Лотин Америкасининг Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатларини киритади.

Юқорида қайд этиб ўтилган барча мамлакатлар “ЯИМ”ларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи қалдирғочлари ҳисобланади. Уларнинг орқасида “ЯИМ”нинг сўнгги авлодлари (Филиппин ва Хитойнинг жанубий чегаралари)

етишиб чиқмоқда. БМТ томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича “ЯИМ”лар қаторига кирувчи давлатлар у ёки бу мезонлар бўйича алоҳида ажралиб туриб, улар қуйидагилардан иборат:

- аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотлар миқдори;
- ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш даражаси;
- ялпи ички маҳсулот таркибида қайта ишлаш саноатининг умумий миқдори (20 % атрофида бўлиши керак);
- чиқарилган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт миқдорлари;
- хорижий мамлакатларга тўғридан –тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг умумий миқдори ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиёти “ЯИМ”лар ушбу кўрсаткичлар бўйича нафақат ривожланаётган мамлакатлардан ажралиб туради, балки айрим ҳолларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлардан ҳам устунликка эга. Масалан, 1952-1995 йилларда Тайвань аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини 170 маротаба ўстирган эди (аҳолининг ўсишига нисбатан 2,5 маротаба ортиқроқдир). Ташқи савдо ҳажмини эса 544 маротабага оширди. Мамлакатнинг инфляция даражаси ўртача 3,6 %ни, иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръати эса 8,7 %ни ташкил этган эди.

Тайвань ижтимоий- иқтисодий сиёсий ва маданий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг илғор мамлакатлари қаторига кирган бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад тахминан 12 минг долл.ни ташкил қилган. 60-90 йилларда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш суръати ҳисоблаб кўрилганда унинг миқдори йилига 5 %ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 2 %га тенг бўлган). Шу йилларда, Тайванда йиллик ўсиш суръати жуда юқори бўлиб, 8,7 %ни ташкил этган. 90-йилларда Жанубий Корея ва Сингапурда йиллик ўсиш суръати 8 %ни, Малайзияда эса 9 %ни ташкил этган.

Жаҳон иқтисодиётида “ЯИМ”нинг иқтисодий ривожланиш суръати юқорилиги аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиб бораётганлиги билан уйғунлашиб бормоқда. 60-90 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад

ривожланаётган «ЯИМ»да 4 маротаба ўсган эди. Хуллас, халқаро экспертларнинг башорат қилишича, 2010 йилларга бориб, Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари ялпи миллий маҳсулотининг ҳажми бўйича қувиб ўтиши, 2020 йилларга бориб эса Шимолий Америкадан ҳам ўзиб кетиши башорат қилинмоқда (15- жадвал).

15- жадвал

Осиё-Тинч океани минтақасининг “ЯИД”да ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари (% ҳисобида)

Мамлакатлар	1980-1990 йй.	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1994 й.
Жанубий Корея	9,9	8,3	7,3	6,4	7,6
Тайвань	8,3	7,3	6,7	6,7	6,9
Гонконг	7,1	4,0	5,8	5,4	5,5
Сингапур	6,3	7,0	6,1	6,0	6,1
Малайзия	5,1	8,6	8,5	7,6	7,5

Осиё-Тинч океани минтақасининг «ЯИД»дан бири Сингапур ҳақида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, у 1995 йилда Жанубий- Шарқий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб “индустриал ривожланган мамлакат” мавқеини қўлга киритган эди. Бундай унвон унга Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ) томонидан расман эълон қилинди. Сингапур барқарор иқтисодий ўсишининг 3 йиллиги давомида нисбатан паст ривожланаётган 10 та ривожланаётган мамлакатлар доирасидан ажралиб чиқиб, дунёнинг бой ривожланган давлатлари қаторидан жой олди (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳисобига).

Сиёсий барқарорлик шароитида мамлакатнинг sanoat ишлаб чиқариши йилига ўртача 8,4 %ни ташкил этган бўлиб, мамлакатдаги аҳолининг яшаш даражасини ўртача етти маротабага ортирган эди. Сингапурдаги ҳар бир аҳолининг ўртача даромади 1995 йилда 22,3 долл.ни ташкил этди. Ўз навбатида Гонконг ҳам Буюк Британиянинг собиқ колонияси бўлиб, кейинчалик у ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг кўпчилиги бўйича метрополияли даражасидан юқори поғонага кўтарилган эди.

13.2. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг иқтисодий ривожланиш тамойиллари

Жаҳон иқтисодиётида “ЯИМ”нинг иқтисодий ривожланиш моделини кўриб чиққанда, унинг ташқи ва ички омиллари хусусида ҳам тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кўриниб турибдики, омилларнинг бу икки гуруҳи «ЯИМ»ларнинг ҳукумат раҳбарлари томонидан олиб борилаётган нозик, мақсадли сиёсатлар орқали тўлдириб турилади. “ЯИД”ларнинг ички тузилишидаги муаммолар ҳамда уларнинг хўжалик механизмларига асосий эътиборни қаратмасдан туриб, “ЯИМ”лар ташқи иқтисодий ривожланиш омилларининг ўзига хос томонларини очиб бера олмаймиз.

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш жараёнлари шунини кўрсатмоқдаки, жаҳоннинг у ёки бу мамлакатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликка фаол киришаётганда асосий ишни хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда ташқи савдонинг ўсишига шарт-шароитни яратишдан бошлайди. Шундай экан, бу мамлакатлар ўз иқтисодий ривожланиши доирасида технологик ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларидан кенг фойдаланган ҳолда таркибий қайта қурилишларга, ишлаб чиқаришда тайёр хомашёдан технологик сифими юқори бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўта бошлайди. Ишлаб чиқаришда хўжалик тармоқларини ривожлантириш ва қайта таъмирлаш учун экспортдан тушган даромадлардан кенг фойдаланиш халқаро меҳнат тақсимооти кўламида анча истиқболли ва “фойдали” усул ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида АҚШ, Германия, Япония каби бир қатор етакчи саноати ривожланган мамлакатлар худди мана шу йўллар орқали тараққий этган эди. АҚШ ўз иқтисодий фаолиятининг дастлабки йилларида асосан хомашё, мевалар, пахта, асал, кўмир ва шунга ўхшаш бир қатор хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишдан бошлаган бўлса, ГЕРМАНИЯ, 50- йилларда кўмир, қора металлургия, кимёвий саноат маҳсулотларини экспорт қилишдан, Япония эса тўқимачилик, металлургия, кимёвий саноат маҳсулотларини экспорт қилишдан бошлаган эди.

60-йилларда Шарқий Осиё ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатлари, яъни “ЯИМ”лар ҳам худди ана шу йўллар орқали ривожланиш босқичига қадам қўйган эди. Ушбу давлатларнинг барчаси иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларидан

самарали фойдаланди. Шу ўринда саноати ривожланган мамлакатлардан хорижий сармоялар, техника ва технологиялар кенг миқёсда жалб қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида шундай савол туғилади – қайси сабабларга кўра “ЯИД”ни ривожланаётган дунёдаги бошқа мамлакатлардан ажратиб кўрсатиш мумкин?

Бир қатор сабабларга кўра, “ЯИД” нинг баъзилари саноати ривожланган етакчи мамлакатларнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб қолганлигини кўришимиз мумкин. АҚШнинг сиёсий манфаатлари асосан Шарқий Осиё мамлакатларининг “коммунистик таъсирига” қарши турувчи Тайвань ва Жанубий Кореянинг сиёсий манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ушбу мамлакатларга чексиз иқтисодий ёрдамлар уюштирилиб - ҳарбий жиҳатдан қўллаб- қувватланди (масалан, Тайванга 1,5 млрд. долл. миқдорида ёрдам кўрсатилган). 1950-1965 йилларда АҚШнинг ёрдами Тайванда жалб этилган жами инвестицияларнинг 34 %ни ташкил этган бўлиб, унинг 74 %и инфратузилмага, 59 %и қишлоқ хўжалигига ва 13 %и саноат ишлаб чиқаришига жалб этилган эди. Хуллас, буларнинг барчаси Тайвань иқтисодиётининг ривожланишида ташланган ижобий қадам бўлди.

Жаҳон иқтисодиётида “ЯИД”лар замонавий иқтисодий таркибининг шаклланишида, тўғридан–тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг таъсир доираси ҳам катта бўлмоқда. 80-йиллар “ЯИД”ларнинг иқтисодиётига тўғридан–тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори, ривожланаётган мамлакатларга тўғридан–тўғри йўналтирилган сармоя қуйилмаларининг 42 %ига етган эди. Ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ “ЯИД”даги ишбилармонлик сармояларининг энг кўзга кўринган инвестори ҳисобланади. Улардаги тўғридан–тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиши, хорижий мамлакатлардаги худди шундай инвестициялар умумий миқдорининг 10 %ини ташкил этади. Япония ҳозирги кунда “ЯИД”га тўғридан–тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори бўйича жаҳон мамлакатлари ичида иккинчи ўринда туради. Япон инвесторлари “ЯИД”ларнинг индустриаллашувига ва уларнинг экспорт товарларининг рақобатбардошлигини оширишга имконият яратиб, ушбу мамлакатларнинг

саноатида қайта ишланган маҳсулотларнинг йирик экспорчирларидан бирига айланишида муҳим роль ўйнамоқда.

Япония инвестицияларининг кириб келиши 1982-1985 йилларнинг ўзида Тайванда 2,1 мартага, Гонконгда 61 %га ўсган эди.

Япония сармояларининг иштирокида ушбу мамлакатларда юқори сифатли тайёр маҳсулотларнинг экспортчилари бўлиб қолишига имкон берувчи йирик ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. 80-йилларнинг бошида Япония инвестициялари умумий миқдорининг ярмисидан кўпроғини ташкил этган эди. Хуллас, япон инвесторлари иштирокида “ЯИД”ларда замонавий дастгоҳ, электроника жихозлари, денгиз кемалари ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича йирик комплекслар барпо этилган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Осиёнинг “ЯИД”лари учун шу нарса характерли бўлдики, уларнинг тадбиркорлик сармоялари, биринчи галда қайта ишлаш саноати ва хомашё тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Ўз навбатида, Лотин Америкаси “ЯИД”ларининг ишбилармонлик сармоялари эса, кўпроқ савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари ва қайта ишлаш саноат тармоқларига жалб этилган эди. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида хорижий сармояларнинг кенг миқёсда тарқалиши шу нарсага олиб келдики, “ЯИД”ларда хорижий сармоялар иштирок этмаган бирорта ҳам иқтисодий тармоқ қолмаган эди.

1998 йилда Лотин Америкаси ва Шарқий Осиёнинг “ЯИД”ларининг бозорларига қўйилган маҳсулотларининг даромадлилик даражаси (% ҳисобида) қуйидагича бўлган эди: Аргентинада 58 %ни, Бразилияда 83 %ни, Мексикада 40 %ни, Чилида 39 %ни, Индонезияда 79 %ни, Жанубий Кореяда 26 %ни, Тайванда 104 %ни, Таиландда 121 %ни, Филиппинда 165 %ни ташкил этган эди.

Кўриниб турибдики, Шарқий Осиёнинг “ЯИД”ларида инвестицияларнинг даромадлилик даражаси Лотин Америкаси мамлакатларидан сезиларли даражада юқорироқ бўлган. Қонуний шундай савол туғилади, хўш, нима учун хорижий мамлакатларнинг хусусий сармоялари Шарқий Осиё минтақасининг баъзи мамлакатларига нисбатан фаолроқ кириб боради? Маълумки, 60-йилларнинг охирларида жаҳон ҳўжалиги ривожланишидаги вазият шу қадар мураккаблашган

эдики, натижада трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш манфаатлари ва стратегиялари Шарқий Осиёнинг бир қатор ривожланаётган давлатларининг имкониятлари ва интилишлари билан мослашиб борган эди.

Ривожланаётган мамлакатлар импортидаги турли чеклашлар ва уларнинг унча катта бўлмаган тўлов қобилятига дуч келмаётган ТМКлар, жойларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ўз сармояларини четга чиқариш томон қадам қўя бошлади. Трансмиллий корпорацияларнинг худди ана шу йўналишдаги фаолияти, ривожланган мамлакатларнинг тўйинган бозорларининг конъюктурасида рақобатни авж олдириш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун курашиш орқали амалга оширилмоқда. ТМКлар фаолият кўрсатаётган жойларда ишлаб чиқаришни илмий асосда ривожлантиришга эътибор бермоқда.

Характерли томони шундаки, жаҳон иқтисодиётида “Осиё аждархоси” деб ном олган давлатлар халқаро иқтисодий конъюктураларининг бундай ўзгаришларини қабул қилиш ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга тайёр эканлиги маълум бўлди. Трансмиллий корпорациялар ўз сармояларини, айнан Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларига жалб қилишида қуйидаги шарт–шароитлар муҳим аҳамият касб этган эди:

1. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг географик қулай жойлашганлиги. Уларнинг барчаси дунё савдо-иқтисодий йўллариининг чорраҳасида, яъни жаҳон хўжалиги марказлари бўлмиш – АҚШ ва Японияга яқинроқ худудларда жойлашганлиги.

2. “Янги индустриал мамлакатлар”нинг барчаси саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан муносиб автократик ёки шунга яқин бўлган сиёсий муҳитлар яратилганлиги. Уларда сиёсий барқарорлик таъминланиб, сиёсий ҳамда демократик ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Хорижий инвесторларнинг хавфсизлиги учун юқори даражали кафолатлар таъминланганлиги.

3. Осиёнинг “янги индустриал мамлакатлари” аҳолисига хос бўлган меҳнатсеварлик, интилувчанлик, тежамкорлик каби ноиқтисодий омиллар ҳам катта аҳамият касб этди. Бу омиллар маълум даражада Осиё-Тинч океани ва Лотин Америкаси “ЯИД”ларининг иқтисодий ривожланиш моделлари ўртасида ўзига хос

беллашувда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Хўш, ушбу моделларнинг ўзига хос томонларини нимада кўришимиз мумкин. Жаҳон иқтисодиётида биринчи модель миллий иқтисодиётнинг ташқи бозор ва экспортга томон устувор йўналишлари орқали ривожланишини кўрсатиб берса, иккинчи модель эса импорт ўрнини эгаллашга қаратилганлигидир.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида АҚШ, 50-йиллардан сўнг Ғарбий Европа давлатлари ва Япония, кейинчалик эса Осиё-Тинч океани минтақасининг «ЯИМ»лари ривожланишнинг биринчи модели йўлидан боришди. Иккинчи модель эса сезиларли даражада Лотин Америкасининг “ЯИД”лари томонидан ўзлаштириб олинган эди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, импорт ўрнини эгаллашга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиялари бир қатор ривожланаётган мамлакатларнинг тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Импорт ўрнини эгаллаш стратегиялари хўжалик таркибининг хилма – хиллигини таъминлаш имкониятини беради. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида янги ва муҳим ҳисобланувчи ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этилиши билан бир қаторда муҳим йўналишлар бўйича ўз – ўзини таъминлаш даражаси ҳам ўсиб бормоқда. Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишда импорт ўрнини эгаллашга мўлжалланган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришни асосий ўринга қўювчи барча мамлакатларда жиддий инқирозлар бўлиб турибди. Гап шундаки, хорижий компаниялар учун имтиёзли кредитларни йўқлиги ва протекционизм сиёсати асосланган миллий иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишини “қўллаб–қувватлаб турганлик” муҳити жаҳон иқтисодиётида тез мослашувчан ва самарали иқтисодий тизимнинг вужудга келишига йўл қўймайди. Умуман олганда, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати, ривожланаётган мамлакатлар фаолиятининг дунё хўжалигида туб ўзгаришлар ясашига йўл қўймайди.

Бундан ташқари, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати нафақат ташқи омилларни пасайишига йўл қўймайди, балки унинг ўсишини ҳам таъминлайди. Импорт ўрнини эгаллаш принципларига узоқ вақт таянилганда, мамлакатда қолоқликни бартараф этиш имконияти пайдо бўлади ҳамда кенг миқёсдаги тараққиётга эришишни

таъминловчи иқтисодиётдаги етакчи тармоқларни вужудга келишига ҳалақит берувчи барча тўсиқларга барҳам берилади.

Протекционизм, ички бозорларни ва бизнесни ҳимоя қилиш чоралари сифатида қисман самарасиз ишалётганига қарамасдан, унинг монопол ҳолати ва баҳоларининг кескин ўсаётганлигидан фойдаланиб фойда олаётган маҳаллий корхоналарни қўллаб – қувватлайди. Хуллас, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш даври бир қатор ривожланаётган давлатларда, шу жумладан “ЯИМ”да ҳам ўз ниҳоясига етганлигини кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш стратегияси Лотин Америкасининг “ЯИД”лари (Бразилия, Аргентина, Мексика) учун хилма-хил миллий иқтисодиётни барпо этишда ва шунингдек бир қатор товарларни ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда салмоқли ўринни эгаллаб келишида муҳим ролни ўйнамоқда. Нима бўлганда ҳам ушбу мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан қолоқлик даражасини бартараф этиш учун зарур бўлган шарт – шароитни ярата олмадилар. Шунинг учун ҳам Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари қанчалик кучайиб, иқтисодий потенциалга эга бўлишига қарамасдан, Осиёнинг “ЯИМ”ларига нисбатан иқтисодий жиҳатдан анча қолоқлигича қолмоқда. Масалан, Бразилиянинг ялпи ички маҳсулоти Шарқий Осиёнинг “ЯИД”нинг умумий ялпи ички маҳсулотига нисбатан биров камроқдир.

13.3. “Янги индустриал мамлакатлар” – халқаро меҳнат тақсимооти тизимида

90-йилнинг ўрталарига келиб Лотин Америкасининг янги индустриал мамлакатлари 80-йиллардаги узоқ давом этган инқирозидан чиқиб олди. Бразилия, Чили, Аргентинада амалга оширилган либерал иқтисодий ўсиш суръатлари юксалиб, савдо балансини яхшилашда ижобий ютуқлар қўлга киритилди.

Лотин Америкасининг йирик «ЯИД»ларидан бири Бразилияда олиб борилган сиёсат - очик иқтисодиётни яратишга қаратилгандир. Бунинг учун мамлакатнинг ички бозорларида рақобат курашуви учун муҳит яратилган бўлиб, унга боғлиқ ҳолда импорт тарифлари пасайтирилди. 1995 йилда МЕРКОСУР мамлакатлари (Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай) ўртасидаги божхона тўсиқлари олиб ташланди.

Осиё-Тинч океани минтақасининг “янги индустриал мамлакатлар” иқтисодиётининг экспортга мўлжалланган анча самарали ва тез мослашувчан моделини жорий этди. Ушбу модель, маълум давр мобайнида бир вақтнинг ўзида импорт ўрнини эгаллаш сиёсатини ҳам ўз ичига олган эди. Экспорт сиёсати ўрнини эгаллашга мўлжалланган индустриаллашувнинг тугалланган даврини қайта содир этишни талаб этмайди. Маълумки, жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш ва экспортга мўлжалланган иқтисодий сиёсат бир – бири билан тенгма – тенг ҳолда ҳаракат қилиб, баъзи даврларда эса улар бир – биридан устунликка ҳам эга бўлиши мумкин. Экспортни кенгайтириш даврига ёппасига ўтиш олдидан, импорт ўрнини эгаллаш учун жаҳон мамлакатлари ишлаб чиқаришининг замонавий тизимларини вужудга келтириш, халқ хўжалигини анъанавий секторини қайта қуриш каби масалаларга ҳам эътиборни қаратишмоқда.

Осиё-Тинч океани минтақасининг кўпчилик мамлакатларида (50-, 60-йилларда Жанубий Кореяда, Тайванда, 60-йилларда Малайзияда, 60-, 70-йилларнинг бошларида Тайландда, 50-, 60-йилларнинг охирида Филиппинда) импорт ўрнини эгаллаш сиёсати устувор бўлган эди. Гонконг ва маълум даражада Сингапур ўзининг тарихий ривожланиш шарт-шароитлари, географик жойлашуви ва ички талабни чекланганлиги таъсирида ишлаб чиқаришни кўпроқ экспортга қаратдилар.

Жаҳон хўжалигида қўрилган маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи чора тадбирлар, саноат корхоналарида қайта ишлашнинг фойда меъёрини ошириш, истеъмол маҳсулотларини ва шунингдек узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган товар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг аста-секинлик билан импорт ўрнини эгаллашига сабаб бўлмоқда.

60-80 йилларда Жанубий Корея жаҳон бозорига худди шу маҳсулотларнинг 2,9 %ни, 3,4 %ни, 9,6 %ни, 9,3 %ни, 11,1 %ни ва 9,6 %ни етказиб берган бўлиб, унинг жаҳон кемасозлик саноати экспортидаги улуши 13,1 % га тўғри келган эди.

Осиё-Тинч океани минтақасининг “янги индустриал давлатлари” саноат маҳсулотлари экспортининг юқори динамикасига асосланган ҳолда анъанавий айрим товарлар экспорти бўйича ташқи савдо айланмасида ҳал қилувчи ўринни

эгаллаган эди. Масалан, Жанубий Корея ва Тайван экспортида хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши мос равишда 7,1 % ва 7 %ни ташкил этган. Хуллас, 90-йилларда Жанубий Корея товарлар экспортида қиймати бўйича пойафзал маҳсулотлари иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Тайванда эса ўйинчоқлар ва спорт товарлари эгаллаган эди. Жанубий Корея экспортида тўртинчи ўринни синтетик маҳсулотлардан тайёрланган текстил товарлари турган бўлса, Тайванда эса еттинчи ўринда пойафзал маҳсулотлари турган эди.

Осиё-Тинч океани минтақасининг “ЯИД”да айниқса, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича экспортида Хиндистон ва шунингдек Лотин Америкасининг “ЯИД”ларининг кучсизлиги сезилмоқда. Агар Лотин Америкасининг “ЯИД”да товарлар экспортининг ривожланган давлатлар умумий экспортидаги улуши 1998 йилда 1980 йилга нисбатан унчалик камаймаган (0,5 %) бўлсада, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариши бўйича улуши қарийб 1,8 баробарга камайганлигини кўришимиз мумкин. Айнан ана, шу машина-техник маҳсулотлар экспорти ривожланган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ҳолатларини яхшиланишининг энг муҳим омилдир.

90-йилларда АҚШнинг Осиё-Тинч океани минтақасининг “ЯИД”лари билан бўлган йиллик савдо ҳажми (128,4 млрд. долл.) Ғарбий Европа билан бўлган савдо айланмасидан (117,1 млрд. долл.) юқори бўлган эди. Бунда Осиёнинг “ЯИД”лари (Японияни қўшиб ҳисоблаганда) АҚШнинг автомобиль ва электр-техника асбоб-ускуналар бозорининг 30 %ни, тўқимачилик маҳсулотлари бозорининг эса 50 %ни эгаллаган эди.

XX-XXI асрлар бўсағасида ривожланган мамлакатларнинг энг йирик капитал импортёри бўлган “ЯИД”ўз географиясини анча кенгайтирган эди. Ҳозирги кунда илғор саноати ривожланган давлатларнинг капитали учун Осиё-Тинч океани минтақасининг ривожланаётган давлатлари янги капитал бозорлар бўлиб ҳисобланади. Масалан, Жанубий Корея фирмалари АҚШда аниқ мақсадга йуналтирилган экспорт экспансиясини ўтказмоқда. Америка иқтисодиётига капитал қуйишиб, Жанубий Кореяликлар ўз иқтисодиёти учун энг янги техник-технологияларини кириб келишига йўл очмоқда. Шунингдек, Жанубий Корея

фирмалари Осиё-Тинч океани минтақасининг “аждарҳо”деб ном олган бошқа давлатларига ҳам капитал олиб чиқишни кўпайтирмоқда. Масалан, Тайваннинг Хитойга бўлган қизиқиши жуда каттадир. 90-йиллар ўртасида Тайваннинг ХХРдаги инвестициялари 9 млрд. долл.дан ошиб кетган эди. Ўз навбатида Гонконглик ишбилармонлар ХХРда рўйхатга олинган кўшма корхоналарнинг ярмидан кўпроғига эгалик қилишмоқда.

XX асрнинг 50-йилларида жаҳон ҳўжалигида байналминаллашув жараёнларининг тезлашиши ривожланаётган мамлакатларни, биринчи навбатда “ЯИД”ларни ҳам қамраб олган эди. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришни, меҳнат ва капитал бозорларини ва шунингдек товар айирбошлаш жараёнларининг байналминаллашишига молия бозорларининг байналминаллашуви ҳам кўшилди. “ЯИД”ларнинг кредит имкониятини ўсиши миллий молиявий бозорларнинг ривожланиши билан, шунингдек молиявий салоҳиятининг ошиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги кунда “ЯИД”нинг кўпчилиги миллий молиявий бозорлар ташкил топишининг биринчи босқичидан ўтиб, либераллаштиришнинг иккинчи босқичига қадам қўйдилар. Бунинг натижасида ушбу давлатларда халқаро молиявий муносабатлар интеграциялашувига асос яратилди. Капитал ҳаракатининг байналминаллашиш жараёнлари ҳатто ривожланган давлатлар орасида ҳам якунланишидан узоқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ривожланаётган давлатлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Шунга қарамасдан, баъзи бир “янги индустриал давлатлар” (Сингапур ва Гонконг) бу йўлда сезиларли қадамлар қўйдилар. Бунга, 70- йилларда жаҳон иқтисодиётида янги халқаро молиявий марказларнинг ҳосил бўлиши ва тез ўсишини киритиш мумкин. XXI аср бошларида Тайвань Осиё-Тинч океани минтақасининг йирик молиявий-валюта марказига айланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Осиёнинг «ЯИД»лари кредит-молия операцияларини ўтказиш даражаси бўйича Лондон, Париж, Цюрих каби йирик молия марказлари қаторига чиқиб, уларни ссуда капитали бозоридан аста-секин сиқиб чиқармоқда.

Осиё-Тинч океани минтақасининг «ЯИД»лари иқтисодий эволюциясининг характерли томонларидан бири уларнинг бир-бирига бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганлигидир. Саноати ривожланган Ғарбий Европа давлатларига капитал

йуналтиришнинг устувор тенденцияси минтақа ва бир-бирига яқин бўлган субминтақаларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни олиб боришлиги билан тўлдирилмоқда. Аммо бу Осиё “ЯИД”ларининг рақобатбардошлигини оширишга эътибор бермаяпти дегани эмас. Хуллас, 90-йилларнинг ўрталарида товарларнинг рақобатбардошлиги бўйича жаҳондаги биринчи бешликда Сингапур, Гонконг, Тайвань каби давлатлар ҳам турган.

Ушбу давлатларда қабул қилинган иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши – илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. Меҳнат талаб ва паст рентабелли ишлаб чиқаришлар “ЯИД”ларнинг “иккинчи оқимида” турган Хитой ва Вьетнамга “топширилмоқда”. Натижада, бу ишлаб чиқаришларни бир вақтлар содир этган саноати ривожланган давлатлардан биринчи авлод “янги индустриал давлатлар”га кўчиш жараёлари амалда қайтарилмоқда.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётида “ЯИД”лар ривожланишида қўлга киритган ютуқлари, жаҳон хўжалигига интеграцияси, иқтисодий ўсишининг истиқболлари, аҳоли турмуш тарзининг ўсиши ушбу давлатлар иқтисодиётида ташқи иқтисодий экспансияларнинг роли юқори даражада дейишга имкон беради. XXI асрда ушбу давлатлар жаҳон иқтисодиётида юқорироқ ўринни эгаллаб, янги ва муҳим натижаларни намоиш этмоқда. Жаҳон банки башорат қилишича, яқин 10 йил мобайнида йиллик ўсишнинг ўртача суръатлари Жанубий Осиёда 5,5 %ни, Шарқий Осиёда 7,7 %ни, Лотин Америкасида 3,5 %ни ташкил қилар экан. 1996-2005 йилларда Шарқий Осиёда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромаднинг йиллик ўсиши 6,6 %ни ташкил этиб, ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад йилига 1,9 % га ўсган.

Таянч иборалар

Осиё-Тинч океани, янги индустриал давлатлари, ривожланаётган мамлакатлар, иқтисодий ўсиш, импорт, экспорт, ривожланган давлатлар.

Назорат саволлари

1. Осиё-Тинч океани минтақасининг “ЯИМ” мактабларига умумий Лотин Америкасида жойлашган қандай “ЯИМ” мамлакатларини биласиз?

2. Осиё ва Лотин Америкасининг “ЯИМ”ларини ривожланиш хусусиятларини характерлаб беринг.

3. Ривожланган ва “ЯИМ”ларни ривожланиш хусусиятларини бир-биридан фарқлаб беринг.

4. Жаҳон иқтисодиётида “ЯИМ”ларнинг иқтисодий ривожланиш моделларини ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб беринг.

5. Ривожланаётган “Янги индустриал мамлакатларни” халқаро меҳнат тақсимотидаги ролини очиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.

2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.

3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.

4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.

5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.

6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.

7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

14- бoб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ МАМЛАКАТЛАР

14.1. Социалистик режали хўжалик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлиги

14.2. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар

14.1. Социалистик режали хўжалик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлиги

Жаҳон иқтисодиётида ўтиш даври иқтисодиёти бир хўжалик юритиш тизимининг бошқаси билан алмашиш ҳолатини ифода этади. Бу жараён нисбатан узоқ даврни ўз ичига олади. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, эски иқтисодий тизим батамом йўқ бўлмайди, янги хўжалик тизимда эса ўзининг самаралироқ эканлигини кўрсата олмайди. Натижада иқтисодиётнинг яхлитлиги бузилади, яъни эски ва янги иқтисодиётнинг кўринишлари бир вақтнинг ўзида фаолият кўрсатади. Шунга ўхшаш ҳолатлар жаҳон хўжалигининг цивилизациялар алмашувида (антик даврдан ўрта асрлар даврига, ўрта асрлар давридан капитализмга ўтишда) ҳам кузатилган эди.

Замонавий босқичда ўтиш даври иқтисодиёти Европа ва Осиёдаги собиқ социалистик мамлакатларга (КХДР бундан мустасно) хосдир. КХДР ҳозирги кунда ҳам марказдан туриб режалаштирилган тизимга асосланган иқтисодиёт ривожланмоқда. Жаҳон иқтисодиётида Иттифок, Чехословакия ва Югославия каби социалистик тизимдаги давлатлар тарқалиб (бўлиниб) кетгандан сўнг уларнинг ўрнида 29 та ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар вужудга келди. Ҳозирги кунда ушбу давлатлар ўтиш даври қийинчиликларини бошидан кечирмоқда. Ўтиш даври давлатларининг иқтисодиёти бир бутун яхлит эмас, бунинг натижасида барқарор ўсиш механизмлари қийин аҳволга тушиб қолган бўлиб, миллий хўжалик ҳолати барқарор эмас.

Ўтиш давридаги мамлакатлар иқтисодиётини барқарорлаштириш жараёнлари кучайишига, миллий ишлаб чиқаришда рақобатбардошлик кучайишига, янги хўжалик юритишнинг бозор кўринишларини амалга оширишни енгиллаштиришга ҳаракат қилади. Жаҳон иқтисодиётида рақобатбардошлик муаммоси энг долзарб

хисобланади, чунки марказдан туриб режалаштириш тизимидан воз кечиш, энг аввало, ишлаб чиқаришда самарадорликнинг пастлиги билан, шунингдек даромадлилик даражасини кўтарилиши билан характерланади. Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиёти ташқи бозорларга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ўз маҳсулотларини жаҳон бозорларида сотишда бир қатор муаммоларга дуч келишган эди. Экспорт имкониятларининг етарли даражада эмаслиги эса валюта маблағларини жамлашда бир қатор қийинчиликларни туғдирган эди. Бу эса ўз навбатида ушбу мамлакатларда аҳолини турмуш фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган импорт товарларни етарли даражада сотиб олиш имкониятини бермаган эди.

Жаҳон иқтисодиётида ўтиш давридаги мамлакатлар рақобатбардошлик ва жаҳон нархларига боғланиб қолганлик муаммосини собиқ Иттифоққа нисбатан чуқурроқ ҳис этади. Чунки собиқ Иттифоқда ички бозор ўзининг сиғимлилиги ва диверсификацияланганлиги учун ҳам такрор ишлаб чиқариш жараёнида жаҳон бозорига нисбатан аҳамиятлироқ эди.

Ўтиш давридаги мамлакатларда ишлаб чиқариш самарадорлигига бўлган талабларга нисбатан ёндашув ҳам бир хил эмас. Агар Шарқий Европа мамлакатларида хўжалик бошқарув механизмнинг инқирозга учраганлиги жаҳон бозори талабларидан орқада қолганлиги билан баҳоланса, собиқ Иттифоқда режали иқтисодиёт ишлаб чиқаришда аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжлари учун хизмат қилмаслиги танқид қилинади.

Шарқий Европа мамлакатлари жаҳон бозори босимини ўзларида кўпроқ ҳис қилиб собиқ Иттифоққа нисбатан социализм моделини такомиллаштириш йўллари фаолроқ изладилар. Ушбу мамлакатларда давлат ва кооператив мулк майда хусусий мулкни (хизматлар, чакана ва улгуржи савдо ишлари) сиқиб чиқармаган эди. Бу ҳолат айниқса Польшага хос бўлиб, ушбу давлатнинг қишлоқ хўжалигида кооперациялаш жараёнлари амалга оширилмаган эди. Шундай қилиб Шарқий Европада бозор иқтисодиётига хос бўлган хусусий хўжалик алоҳида иқтисодий тартиб сифатида сақланиб қолган бўлиб, у бозор ислохотларини амалда қўлланилишини енгиллаштирган эди.

60-йилларда бошқарувнинг социалистик хўжалик иқтисодиётида инқирозли ҳолатлар кузатила бошланди, иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашди. Собик Иттифокда саноат маҳсулотларини сотиш муаммоси кучайиб кетди. Халқ истеъмоли товарлари етишмаган бир вазиятда, ўз харидорини топмаган товарларнинг ортиб бориши кузатилди. Бундай муаммолар Шарқий Европа мамлакатларига ҳам ҳосдир. Ушбу мамлакатларда бозорнинг торлиги учун ҳам сотилмаган товарларни бир бозордан бошқасига ташлаш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам улар товар ассортименти тез-тез алмаштириб турганлар ва сифатига кўпроқ эътибор берганлар. Ана шундай вазиятда иқтисодий ўсишнинг экстенсив омиллари тугаб, интенсив ўсиш омилларига ўтиш зарурати туғилган эди.

14.2. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар

80-90-йилларда жаҳон иқтисодиётида муҳим иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Ўтказилган ушбу ислохотларнинг асосий мақсади режали иқтисодиётнинг устун жиҳатларини бозор иқтисодиёти ютуқлари билан бирлаштириш эди. Бу даврда бозор социализми деб номланган ғоя юзага келган бўлиб, бу ғоя собик Иттифокда 1965 йилги ислохотларда ўз ифодасини топган эди. Унинг моҳияти режали бошқарувни бозор рақобатлари билан уйғунлаштиришга интилишдир. Жаҳон иқтисодиётида собик Югославияда ўтказилган бозор ислохотлари янада чуқурроқ характерга эга бўлган. Югославияда ишлаб чиқариш корхоналари ўз-ўзини бошқариш, эркин нарх-навони белгилаш ва товарларни сотиш имкониятига эга бўлиб, рақобат кучайган эди. Бунинг оқибатида корхоналар рақобатга бардош бериш учун бозор шароитига мослашишга мажбур бўлди. Югославия модели корхоналарнинг талабга мослаша олиш, бозорни тўлдириш ва маҳсулотни нисбатан юқори сифатли бўлишини таъминлаш имкониятига эга эканлигини кўрсатди. Мамлакат ўзининг дастгоҳларини замонавий янгилай олиш имкониятини ҳам намоиш этди. Бундай янгилаш корхоналар ҳисобидан амалга оширилди. Бироқ, бозор социализмининг югославча модели мамлакатда ишсизликнинг кўпайиши, инфляция жараёнларининг кучайишига олиб келган эди.

60-йилларнинг охирида бозор ислохотлари Шарқий Европанинг бошқа социалистик мамлакатларида ҳам амалга оширилди. Уларнинг иқтисодиётида бозорга оид таркибий қисмлар собиқ Иттифоқ билан солиштирганда янада сезилган бўлсада, бироқ Югославия даражасига етиб бормаган эди.

Венгрияда бозор социализми моделини яратиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига мустақиллик бериш йўли билан боғлиқ бўлди. Яъни, уларга ўз маҳсулотларини ўзлари сотишга рухсат берилди. Маълумки, мамлакат етарли даражада кичик бўлган тақдирда бу жараёнга давлатнинг жиддий аралашуви талаб этилмайди. Шунинг учун ҳам Венгрияда корхоналар иш ҳақи фондларини сақлаб қолган ҳолатда бандлар сонини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлган эди. Ишчилар сонини камайтириш ҳисобига иш ҳақи фонди сақлаб қолинди, натижада корхона бу фондни қайта тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлганлиги учун ҳам ишлаб чиқаришда бандларнинг иш ҳақини ошириш имконига эга бўлган эди.

Венгрияда ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг энг диққатга сазовор томонларидан бири шундаки, бу ерда ички нархлар жаҳон нархларига боғлаб қўйилди. Ўтказилган ушбу ислохотлар натижасида Венгрия иқтисодиёти маълум даражада қоқоқ, рақобатбардош бўлмаган ишлаб чиқаришдан ҳоли бўлиб, рақобатда ғолиб чиққан корхоналар жаҳон бозори талабларига мослашган эди. Шундай қилиб, 80-йилларнинг бошларида амалга оширилган жиддий иқтисодий ислохотлар венгерлар томонидан «иқтисодий қон алмаштириш» сифатида баҳоланди ва кейинчалик бу Венгриянинг бозор иқтисодиёти томон ташланган жиддий қадами бўлди. Ушбу ислохот Австрия билан бўлган давлат чегараларини очилиши муносабати билан янада кучайди. Саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ўзининг капиталистик қўшни давлатлари томонидан кучли рақобатни ҳис эта бошлади. Жуда кўп нархлар, айниқса, чорвачилик маҳсулотларнинг нархлари Австрия нархларига яқинлаштирилди. Бу эса ўз навбатида австрияликлар томонидан нисбатан арзон венгер гўштларини оммавий равишда сотиб олинишига қарши жавоб бўлган эди. Хуллас, Венгрия социалистик ҳўжалик тизими ҳукмронлик давридаёқ очик жамиятни шакллантириш томон, яъни жаҳон бозори ҳўжалиги қонунларига мослашиш томон илдам қадамлар ташланган эди.

1969 йилда Варшава шартномасида мамлакат қўшинларининг киритилиши муносабати билан Чехословакияда бозор социализми томон ҳаракат бир мунча қийинлашган эди. Шундай бўлса-да, Чехословакияда марказдан туриб режалаштириш ишларига путур етказмаган ҳолда, ресурсларнинг нархлари ҳар йили ўсиб, истеъмол товарлари нархлари эса пасайиб борди. 90-йилга келиб, Венгрияда нарх параметрлари ва уларнинг таркиби жаҳон стандартларига яқинлашди. Бу эса мамлакатга бундан кейин рўй бериб турган инфляциялардан қутилиб қолиш имкониятини берган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Польшанинг иқтисодий ривожланиши учун сиёсий нобарқарорлик хос бўлиб, бу мамлакатда ҳар қандай иқтисодий ислохотларни ўтказишни қийинлаштирган эди. Шундай бўлсада, 80-йилларда ҳукмронлик қилган инфляция Польшанинг тармоқ тузилмасини бир мунча яхшилади, бозор иқтисодиётига мос келадиган бир қатор қонун ишлаб чиқилди. Бу ҳолатни бозор ҳўжалиги учун мамлакатда ҳуқуқий пойдевор ўрнатилиши деб қараш мумкин, чунки бу пойдеворсиз бозор иқтисодиётини яратиш мумкин эмас.

Польшада бозор иқтисодиёти, мамлакатларда бозор иқтисодиёти амалда бўлишининг моддий шарт-шароитини яратишдан бошланди. Яъни, мамлакатда эркин бозор нархлари масштабининг кенгайиши, хусусий мулкчиликка нафақат қишлоқ ҳўжалигида, балки қайта ишлаш саноатида ҳам рухсат этилиши муҳим аҳамият касб этган эди.

80-йилларда Польшада ўтказилган иқтисодий ислохотлар қуйидаги йўналишларни назарда тутган эди:

- марказдан туриб режалаштиришни давлат буюртмалари тизими билан алмаштириш;
- марказдан туриб нарх белгилашни қисқартириш (1989 йилнинг кузига келиб 90 % нарх эркинлашган эди);
- моддий ресурсларни марказдан туриб тақсимлашни 45 % дан 1986-1988 йилга келиб 22 % гача қисқартириш;
- тармоқ вазирликларини тугатиш ва ягона саноат вазирлигини ташкил этиш (Венгрия каби);

- иш ҳақини эркинлаштириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ошишига қараб ўсиб боровчи солиқни жорий этиш;
- воситачилик ва лизинг шартномаларини жорий этиш;
- қайта ишлаш саноатида хусусий мулкчиликка рухсат бериш;
- хорижий валюта бозорини 1989 йилдан бошлаб эркинлаштириш ва бошқалар.

Шундай қилиб, 80-йилларнинг охирига келиб Шарқий Европа мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтишини осонлаштирувчи иқтисодий шарт-шароитлар яратилган эди. Собиқ Иттифокда 1965 йилда ўтказилган иқтисодий ислохотлар давом эттирилмасдан қолиб кетган эди. Иқтисодиёт режали бошқарув хўжалигини янада марказлаштириш сиёсатини кучайтириш йўлидан кетди. Ишлаб чиқариш корхоналари амалда мустақил фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга бўлмай қолди. Ички бозорнинг нарх тузилмаси эса халқаро стандартларга умуман мос келмас эди.

Бозор ислохотлари бошланган бир даврда собиқ Иттифокда ресурслар нархи жаҳон нархининг бор йўғи 1/3 қисмини ташкил этган эди. Бу эса инфляция жараёнларининг мамлакатда узок давом этишини ва ниҳоятда чуқурлашиб боришини ифода этади.

Шарқий Европа мамлакатларида давлат социализмининг сўнгги йилларида амалга оширилган чуқур иқтисодий ислохотларни МДХ давлатлари билан солиштирганда ушбу мамлакатларда бозор ислохотларини ўтказиш учун қулай вазият яратилганлигини кўришимиз мумкин. Бундай қулай шарт-шароитлар бир қатор жиҳатлар билан боғлиқ. Масалан, Шарқий Европа мамлакатларида иқтисодиётнинг монополлашиш даражаси МДХ мамлакатларига нисбатан пастлиги, аҳолининг турмуш фаровонлиги эса нисбатан юқорилиги ҳамда ушбу мамлакатларда бозор менталитети сақланиб қолганлигидир.

Таянч иборалар

Ўтиш даври иқтисодиёт, эски иқтисодий тизим, бозор ислохотлари, экстенсив, ички бозор, иқтисодиётнинг монополлашиши, менталитет.

Назорат саволлари

1. Социалистик хўжалик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётининг афзаллигини характерлаб беринг.
2. Ўтиш даври давлатлари деганда қандай давлатларни тушунасиз.
3. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислохотларни ўзига хос жиҳатларини очиб беринг.
4. Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислохотларни МДХ мамлакатлари билан таққослаб фарқини аниқланг.
5. Ўтиш даври давлатларига умумий тавсиф беринг.
6. Ўтиш даври мамлакатларда вужудга келган иқтисодий муаммоларни очиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

15-бoб. МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ

15.1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил топиши ва ривожланиш хусусиятлари

15.2. МДХ мамлакатларининг жаҳон хўжалигига кириб бориши ва унинг муаммолари

15.3. Ўзбекистон Республикасининг МДХ доирасидаги ҳамкорлиги

15.1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил топиши ва ривожланиш хусусиятлари

1991 йилнинг 8 декабрида Белоруссиянинг ҳукумат резиденциясида (Вискули шаҳрида) Россия Федерацияси, Белоруссия ва Украина Республикаларининг ҳукумат раҳбарлари МДХ давлатлари иттифоқини тузиш тўғрисида битимни имзолашди. Шу йилнинг 21 декабрида Олма-Ота шаҳрида 11 та суверен давлатларнинг ҳукумат раҳбарлари (Болтиқ бўйи давлатлари ва Грузиядан ташқари) Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Молдова, РФ, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина Республикалари МДХ нинг тенг ҳуқуқли давлатлари эканлигини қайд этувчи Баённомани имзолашган эди. 1993 йилнинг декабрида эса, Грузия ҳам МДХ га аъзо бўлиб кирди. МДХ ўз аъзоларининг суверен тенглигига асосланган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади.

МДХ доирасида мамлакатларнинг мувофиқлашган институтлари бўлиб, унинг бошқарув органлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари Кенгаши, Ижроия котибияти ҳисобланади. МДХ Низомида мамлакатларнинг унга аъзо бўлиш шартлари, мақсад ва тамойиллари белгилаб берилган.

МДХ ташкил қилинган дастлабки кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, хўжалик алоқаларини сақлаш ва кенгайтириш, сиёсий ишларга аралашмаслик, бир-бирига сунъий таъсир қилмаслик тарафдори бўлган давлатлар каторидан ўрин олди. МДХ мамлакатлари билан бўлган муносабатда Ўзбекистоннинг ўрни қуйидагилардан иборат эди:

- МДХнинг барча иштирокчи-давлатлари ўзаро манфаатларини тенг ҳуқуқли асосини эътиборга олган ҳолда, иқтисодий интеграциянинг устувор йўналишда бўлиш шarti;

- Ўзбекистон Республикаси ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишда ихтиёрийлик тамойилини сақлаш тарафдорлиги ва бошқалар;

- МДХ доирасида ҳамкорликнинг иқтисодий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, аъзо- давлатлар билан иккиёқлама ва шунингдек ҳар томонлама олиб борилаётган иқтисодий муносабатларнинг барча соҳаларида тенг ҳуқуқлилик тамойилларига асосланган ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжуд;

- МДХ ёрдамида катта йўқотишларсиз янги мустақил давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар ҳам яратиб берилган.

Жаҳон иқтисодиётида МДХ муҳим тизим бўлиб,¹² аъзо- давлат, умумий, шунингдек миллий давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга оширади. Давлатлараро ҳамкорликнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари МДХ доирасидаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланиб, улар қуйидагилардир:

- МДХ доирасида мақсадлар амалга ошгунга қадар интеграцияга сакраб ўтмасдан, босқичма – босқич ишлаб чиқаришни ривожлантириб эркин савдо зоналарини ташкил қилиш;

- МДХ доирасида савдо – иқтисодий ҳамкорликнинг салоҳиятни кўтариш;
- МДХ доирасида товарларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиётида МДХ координатор ва ахборотчи ролини ўйнаб, аъзо давлатлар учун юқори даражадаги ижтимоий –иқтисодий, сиёсий ва маданий хўжалик соҳаларида юқори натижаларга эришиш жараёнларини тартибга солувчи платформага айланиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараёнлар МДХ давлатларининг жаҳон хўжалик тизимига босқичма – босқич ишлаб чиқаришни ривожлантириб киришига имкон беради. Бунда самарали фаолият юритаётган эркин савдо зонасининг яратилиши тўлақонли бозор инфратузилмаси ва хўжалик ҳамкорлиги юқори босқичларга ўтишида объектив зарурат касб этди. МДХга аъзо давлатлар жаҳон хўжалик алоқалари тизмида, шунингдек иқтисодий ҳамнафаслик даражасига боғлиқ ҳолда интеграция жараёнларининг кейинги ривожланиш босқичларида ва минтақавий бирлашмаларида тўлақонли қатнашиш тўғрисида

мустақил қарорлар қабул қилганлар. Қабул қилинган қарорларнинг амалий бажарилиши эса МДХ доирасида самарали ҳамкорликда намоён бўлади.

15.2. МДХ мамлакатларининг жаҳон хўжалигига кириб бориши ва унинг муаммолари

90-йилларнинг бошига қадар социалистик режали тизимни бошидан кечирган МДХ мамлакатлари жаҳон хўжалигига дадил кириб боришининг назарий ва амалий томонларини ечиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этишга киришган эди:

- «очиқ иқтисодиёт» тамойилларининг назарий жиҳатларини таҳлил этиб, амалиётда кенг қўллаш;

- жаҳон иқтисодиётида социалистик режали тизимни бошидан кечирган (ХХР, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари) ва ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига дадил кириб бораётган мамлакатларнинг иқтисодий ислохотларини чуқур таҳлил этиш ва амалиётда қўллаш;

- иқтисодиётда экспорт стратегияси билан саноат сиёсати ўртасида рўй бераётган ўзаро алоқадорликни чуқур таҳлил этиш;

- жаҳон мамлакатлари ўртасида интеграция жараёнлари боришини таҳлил этиб, иқтисодий фаолиятнинг жаҳон стандартларига мос механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Жаҳон иқтисодиётида МДХ мамлакатлари ривожланишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, ташқи савдо соҳасида халқаро иқтисодий муносабатларнинг глобал масштабда ривожланиши билан характерланади. 90–йилларда МДХ мамлакатларининг иқтисодий ривожланишида барқарорлашув жараёнлари рўй бериб, Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг иқтисодий тикланганлиги кўзга ташланади.

МДХ мамлакатлари билан яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалари боришида, саноати ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Жанубий Корея, ГЕРМАНИЯ, Франция, Туркия алоҳида ўринни эгаллаб турибди.

МДХ мамлакатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида олиб борилаётган савдо – иқтисодий муносабатлар ҳам самарали ривожланиб бормоқда. МДХ мамлакатларининг республикаимиз билан товар айланмаси ривожланиши тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали тамойилларга асосланган. 2000 йилда Украина билан Ўзбекистон ўртасида савдо айланмаси 1999 йилга нисбатан 1,3 баробарга, РФ билан бўладиган савдо айланмаси эса 16 % га ўсган эди.

МДХ мамлакатларини республикаимиз билан бўлган ташқи савдо айланмасининг 30-35 %и Марказий Осиё минтақаси давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон) орқали амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикаимизнинг ташқи савдо алоқаларини 70-80 %и МДХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1997 йилда 60-65 %, 2004 йилда эса 75 – 80 %га тўғри келган эди.

Россия Федерацияси билан Ўзбекистон ўртасида савдо – иқтисодий алоқалар йилдан-йилга кенгайиб, ривожланиб бормоқда. 1997 йилда Россия билан Ўзбекистон ўртасида экспорт – импорт сальдо 65,3 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган. Ўзбекистон Россияга асосан қишлоқ - хўжалик маҳсулотларини чиқариб, саноат товарларини сотиб олмоқда. Агар 1992 йилда Россияга сотилган маҳсулотларнинг 58-59 %и пахта толасига, 7-8 %и машина ва асбоб- ускуналарга, 1-2 %и эса халқ истеъмоли товарларига тўғри келган бўлса, 1998 йилда пахта толасининг улуши 21-22 %га қисқарганлигини, машина ва асбоб – ускуналар 30-31 %га, халқ истеъмоли маҳсулотлари савдоси учун эса 14-15 %га ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Хуллас, республикаимиз ўзининг қисқа иқтисодий ривожланиш йилларида Россиядан халқ истеъмоли маҳсулотларини импорт қиладиган мамлакатдан, уларни экспорт қиладиган мамлакатга айланиб борган эди.

Агар 1992 йилда ёқилғи маҳсулотлари импорти 61-62 %ни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб РФ дан ёқилғи сотиб олиш деярли тўхтади. Ўзбекистон РФдан машина ва асбоб – ускуналарни, 16-18 %атрофида кимё, 15-18 %атрофида қора металлургия саноат маҳсулотларини сотиб олмоқда. Россия эса ўз навбатида Ўзбекистондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олмоқда. Жумладан, 1992

йилда Ўзбекистондан сотиб олинган пахта толаси 58-59 %ни ташкил этган бўлса, 1998 йилда 21-22 %ни ташкил этган.

МДХ мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасида бўладиган ташқи савдо айланмасининг 30-35 %и Марказий Осиё минтақаси давлатлари орқали амалга оширилмоқда. Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилдан бошлаб минтақа давлатлари ўртасида товар айланмаси йилдан – йилга ўсиб, ривож топмоқда. Агар 1999 йилда минтақа давлатлари билан республикамиз ўртасида товар айланма 525 млн. АҚШ долл.ни, 2002 йилда эса 568 млн. долл.ни ташкил этган. 2002 йилда Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасида товар айланмаси 263,3 млн. долл.ни, Тожикистон билан 116,9 млн. АҚШ долл.ни, Қирғизистон билан 111,6 млн, Туркменистон билан эса 75,3 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган.

МДХ давлатлари билан Ўзбекистон ўртасида савдо – иқтисодий муносабатлар сезиларли ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2003 йилда Ўзбекистоннинг Украина билан бўлган савдо айланмаси 1,5-2 баробарга, РФ билан 20-25 % га, Марказий Осиё давлатлари билан 1,5-2 баробарга ўсган эди. МДХ мамлакатларининг савдо – иқтисодий алоқалари Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия каби мустақил давлатлар билан ҳам йилдан – йилга кенгайиб бормоқда. МДХ мамлакатларининг савдо – иқтисодий алоқаларининг боришида, айниқса саноати ривожланган (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия) ва ривожланаётган (Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Саудия Арабистони) давлатлари алоҳида ўринни эгаллаб турибди.

15.3. Ўзбекистон Республикасининг МДХ доирасидаги ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1998 йилнинг 15-16 сентябрида Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб, МДХнинг навбатдаги Саммитида иштирок этди. Саммит қатнашчилари Россияда рўй берган террорчилик ҳаракатларни кескин қоралашди ва мазкур иллатга қарши курашда ушбу мамлакат билан ўзларининг бирдамлигини билдиришди. Давлат раҳбарлари кенгашнинг тор доирадаги учрашувида ҳам, кенгайтирилган тартибдаги музокараларда ҳам терроризмга қарши ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътиборни қаратишди.

МДХ нинг бир қатор мамлакатларида рўй берган воқеалар террорчилик ҳаракатининг кенгайиб бораётганидан дарак бермоқда. Бундай шароитда фақат

жипслашиб ҳамкорлик қилиш билан мазкур иллатга қарши туриш мумкин. Бироқ, МДХ мамлакатларининг хавфсизлик йўлида қилаётган ҳамкорлиги бугунги кун талаби даражасида эмаслиги кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, террор муаммосига ҳамма давлатлар ҳам бирдай жиддий эътибор бермаяпти, деб бўлмайди... Улар тайёрланадиган лагерларни бартараф этиш зарур. Энг муҳими, террорчиларни тайёрлаш, операцияларни молиялаштириш, кишилар онгини заҳарлаш билан шуғулланувчи марказларни йўқ қилиш керак. Ушбу Саммит – йиғилишида Ислон Каримов МДХ мамлакатларида экстремистик ташкилотларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг фаолиятини қонун йўли билан таъқиқлаш таклифи билан чиқиб, террорчиларнинг МДХ мамлакатларидан наинки маконини топиш, бу ҳудудга ҳатто қадам боса олмаслиги учун барча чора – тадбирларни кўриш керак, - деган эди. Айрим мамлакатларнинг ҳукумат раҳбарлари «тегмасак – бизга ҳам тегишмайди», деган тамойилга таяниши ўта хато, ҳатто хатарли қараш эканлиги бугунги ҳаёт, вазият яққол кўрсатиб турибди. Террор қутилмаган жойларга ҳам кириб бормоқда. Демак, террордан ҳоли мамлакат бор, деб бўлмайди. Шундай экан, унга қарши курашда ҳамкорлик қилиш, бунинг учун куч ва имкониятни сафарбар этиш керак. Ислон Каримов бу борада барча давлатларнинг раҳбарлари мазкур иллатга бир хил назар билан қараши, муаммога бир хил баҳо бериши ғоят муҳимлигини ушбу Саммит йиғилишида таъкидлаган эди.

Жаҳон иқтисодиётида бугунги кунда алоҳида ажратиб олинган давлат учун хавфсизлик тушунчаси ўз кучини йўқотган. Террорчи бир мамлакатда тайёргарлик кўрса, иккинчисидан қурол, учинчисидан маблағ олади ва тўртинчи бир мамлакатда эса ҳунрезликни амалга оширади. Уларнинг раҳнамолари эса бошқа бир мамлакатда ўрнашган бўлади. Дунёда рўй бераётган террорчилик ҳаракатларининг чегара билмаслиги, миллат ва ёш танламаслигини кўрсатиб турибди. МДХ мамлакатлари орасида эса чегара ва муҳожирликка, учинчи давлатлардан келган одамларнинг бир мамлакатдан иккинчи бир давлатга ўтишига доир масалалар ҳали пухта ишлаб чиқилмаган. Демак, ҳозирги кунда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакати террор хавфидан

тўла қонли кафолатланмаган. Саммит қатнашчилари ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, террорчилик, диний экстремизм ва уюшган жиноятчиликка, қурол-яроқ ва наркотик моддалар контрабандасига, ноқонуний муҳожирликка қарши курашда амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтириш чораларини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан МДХ Давлат раҳбарлари кенгашнинг баёноти қабул қилинади.

Қозғистоннинг пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган Олий даражадаги учрашувда кўрилган асосий масалалардан яна бири, МДХга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришдир. Ҳукумат раҳбарлари МДХ доирасида ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган омилларни таҳлил этдилар. Ҳукуматнинг тегишли ташкилотларига уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишни топширишга келишиб олдилар. Ислон Каримов эркин савдо зонасини барпо этиш масаласи ҳамон МДХ давлатлари доирасида оқсаётганини таъкидлади. Ҳолбуки, бу билан кўпгина муаммоларга ечим топиш мумкинлигини қайд этган эди.

Жаҳон иқтисодиётида товар ва хизматларнинг эркин ҳаракати ўзаро ишонч ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлайди, ахборот алмашувини кучайтиради. Айни бир пайтда қонунга зид бўлган савдо-сотикқа чек қўйилади. Бу эса нафақат контрабанда ва ноқонуний муҳожирлик каби иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, балки хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ташаббуси билан илгари сурилган Марказий Осиё ва умумий бозорни яратиш ғояси замирида интеграциянинг ана шундай шакли ўз ифодасини топган. Аслида, иқтисодиётда умумий бозор ва эркин савдо зонасининг моҳияти битта. Ислон Каримов учрашув қатнашчиларини бу йўналишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга, тезроқ амалий ишга ўтишга чақирди. Саммит- йиғилишида энергетика, сув захиралари, транспорт ва бошқа соҳаларда МДХ мамлакатларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Саммит-йиғилишида ноқонуний муҳожирликка қарши курашдаги ҳамкорлик концепцияси, жиноятчиликка қарши курашнинг 2005-2007 йилларга мўлжалланган

чора-тадбирларнинг давлатлараро дастури, наркотик воситалар, психотроп моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда 2005-2007 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари имзоланди. РФ Президенти Владимир Путин МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб сайланди.

Остона шаҳрида Ўзбекистон ва Россия ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ислон Каримов ва Владимир Путин икки томонлама алоқалар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш соҳаси билан бўлган ҳамкорликка доир масалаларни муҳокама қилишди. Ўзбекистон ва Россия ўртасида олиб борилаётган стратегик шериклик тамойилларига таянувчи муносабатларнинг бугунги аҳволини таҳлил этишиб, фикр алмашишди.

ЕТТБ ўзининг 2004 йил 9 ноябридаги ҳисоботида МДХ мамлакатларида иқтисодий ўсиш 7,4 %га ўсганлиги Берлин деворининг қулашидан сўнгги 15 йил ичида Марказий Европа ва Марказий Осиёнинг собиқ коммунистик давлатлари бозор иқтисодиётига ўтишда улкан муваффақиятга эришганлигини қайд этган эди (2003 йилда бу кўрсаткич 5,6 %ни ташкил этган).

Жаҳон иқтисодиётида ЕТТБ берган маълумотларга кўра энг юқори иқтисодий кўрсаткич МДХ мамлакатларида кузатилган (7,4 %) бўлса, Жануби–Шарқий Европа давлатларида иқтисодий ўсиш 5 %га, Марказий Европа ва Болқон мамлакатларида эса 49 %га ўсган эди. Энг йирик иқтисодиётга эга бўлган Россиянинг иқтисодий кўрсаткичлари 7,3 %дан 6,9 %гача ўсган эди. 2005 йилда мазкур минтақанинг умумий кўрсаткичи 5,5 %ни ташкил этган.

1992 йилнинг 20 мартида Ўзбекистон – РФ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси ва РФ ўртасида муносабатлар узоқ муддатли стратегик аҳамиятга эга бўлиб, ҳар икки мамлакат парламентларининг раислари, ҳукумат раҳбарлари ва ташқи ишлар вазирларининг олий мақомдаги ташрифлари муҳим қадам бўлди. Жумладан, 1998 йилнинг 5-7 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов давлат ташрифи билан РФда бўлди. 1998 йилнинг 11-12 октябрида РФ Президенти Б.Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. 1999 йилнинг 12-13 феввалида Россиянинг Федерал йиғилишининг раиси Е. Строев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. 1999 йилнинг 10-11 декабрида РФ

президенти Владимир Путин расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. 2002 йилнинг 18-19 майида РФ Президенти В.В. Путин хизмат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

2001 йилнинг 3-5 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов давлат ташрифи билан РФда бўлди. 2001 йилнинг 7-8 сентябрида Москва мери Ю. Лужков бошчилигидаги пойтахт ҳукумати делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. 2001 йилнинг 18-19 сентябрида РФ хавфсизлик кенгаши котиби В. Рушайло хизмат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. 2002 йилнинг 9-10 январида РФ ташқи ишлар вазири С. Иванов хизмат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. 2002 йилнинг 4-5 июнида РФ ҳукумати раиси ўринбосари В. Христенко бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Ўзбекистонга келди. 2003 йилнинг 30 январида РФ Президенти маъмурияти А. Волошин бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга келди. 2003 йилнинг майида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Санкт – Петербург шаҳрининг 300 йиллик юбилейи тантаналарида иштирок этиш мақсадида РФ да бўлди. 2003 йилнинг августида РФ Президенти В. Путин хизмат сафари билан Ўзбекистонга келди.

1991- 2005 йилларда республикаимиз ҳукумат раҳбарияти томонидан 160дан ортиқ халқаро шартнома ва 40 дан ортиқ бошқа ҳужжатлар (минтақалараро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни ҳам олганда) имзоланди. Жумладан, 1992 йилнинг 30 майида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва РФ ўртасида давлатлараро аҳамиятга эга бўлган дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси, шунингдек 1998 йилнинг 12 октябрида имзоланган Ўзбекистон билан РФ ўртасида 1998-2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақидаги битим икки давлат ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Икки давлат ўртасида иқтисодий соҳада 40дан ортиқ, ижтимоий ва илмий-техник ҳамкорлик соҳада 10та, ҳарбий ҳамкорлик масалалари бўйича 10 та, солиқ қонунлари ва ҳуқуқий муносабатлар соҳаси юзасидан эса 10 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланган. Бундан ташқари ҳозирги кунда икки давлат ўртасида имзоланишга тайёрланган 50 дан ортиқ ҳужжатлар ўрганилиб таҳлил қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва РФ ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида ҳужжатларни инвентаризация қилиш бўйича тадбирий ишлар ҳам олиб борилмоқда.

1997 ва 2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва РФ ўртасида савдо – иқтисодий ҳамкорликларнинг бориши қуйидагича бўлган эди (16-жадвал).

16-жадвал

Кўрсаткич номи	1997й.	1998й.	1999й.	2000й.	2001й.	2002й.	2003й. январ - август
Товар айирбошлаш	607,6	053,4	864,8	1010,3	1129,8	913,13	681,1
Экспорт	836,4	526,2	432,6	545,5	526,2	317,1	241,0
Импорт	771,2	527,2	432,1	464,8	603,6	595,2	440,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.

2003 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистондан Россияга экспорт қилинган товарлар таркиби қуйидагича бўлган: транспорт воситалари – 25,6 %ни, хизматлар – 17,1 %, пахта толаси – 14,6 %, табиий ёқилғи, нефть ва нефть маҳсулотлари – 9,6 %, сабзовотлар – 4,6 % газлама, пахта калаваси – 4,1 %, пахта, жун – 3,9 %, сабзовот ва боғдорчилик мевалардан ишланган маҳсулотлар–3,5 %ни ташкил қилган. Россиядан Ўзбекистонга келтирилган импорт маҳсулотлар қуйидагиларни: механик ускуналар – 11,2 %, хизматлар – 7,5 %, электр асбоб – ускуналар – 6,9 %, транспорт воситалари – 5,1 %, ўрмон маҳсулотлари – 5,1 %, каучук ва резина маҳсулотлари – 4,5 %, оптик асбоб – ускуналар – 4,3 %, фармацевтика маҳсулотлари – 3,4 %ни ташкил этган.

Мустақиллик йилларида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг 6 та йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистонда РФнинг капитали иштирокида 300 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари республикада фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 42 таси тўлиқ (100 %) РФ инвестицияси ҳисобига қурилган бўлса, 258 таси қўшма корхонадир. Ҳозирги кунда 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастурлари доираси 20 дан ортиқ ҳукуматлараро шартнома, битим ва баённомалар имзоланиб, 30 га яқин ҳукуматлараро, шартномалар ва минтақалараро ҳужжатлар устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ва РФ ўртасида ижтимоий сиёсий ва маданий ҳамкорликлар ҳам йилдан – йилга ривожланиб бормоқда. 2001 йилнинг мартидан бошлаб Тошкент шаҳрида Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг («Росзарубежцентр») ваколатхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

2001 йилнинг ноябрида Москва шаҳрида Халқаро Фанлар Академиясининг олий мактабида ўзбек миллий бўлими ташкил этилди.

2002 йилнинг 25 сентябрида Санкт – Петербург шаҳрида Пискарево мемориал мажмуасининг «Хотира майдони»да Ленинград шаҳри мудофаасида ҳалок бўлган Ўзбекистонлик жангчилари хотирасига бағишлаб мрамртош ўрнатилди. Москва шаҳрида 2002 йилнинг ноябрида Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши муҳим воқеа бўлди. 2002 йилда Россиянинг Москва ва Санкт – Петербург шаҳарларида «Ялла» гуруҳининг юбилей концерти ва «Илҳом» театрининг гастроллари бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда «Росзарубежцентр» қатор маданий тадбирлар олиб борди. 2002 йилнинг декабрида Ўзбекистон бадиий академияси билан биргаликда Третьков галереясининг асосчиси П. Третьковга бағишланган кўرғазмаси очилди ва Россия киноси кунлари бўлиб ўтди. 2003 йилнинг январида эса Самарқанд шаҳрида ҳозирги кунда рус тили ва маданиятини ўқитиш борасида Халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

2003 йилнинг 14 майида «Андрей Первозванный» жамғармаси ҳомийлик кенгаши делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовга РФнинг давлат мукофоти «Андрей Первозванный» ордени тақдим этилди.

2003 – 2004 йилларда Ўзбекистонга олий таълим соҳасида Россия олий ўқув юртларининг магистратура, аспирантура ва докторантураларида таълим олиш учун 40 та стипендия, шунингдек МГИМО (У) МИД РФ ва Дипломатик академиясига квоталар ажратилди. МДУ ректори академик В. Садовничийнинг 2001 йилнинг январида Тошкентга ташрифи ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга «М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг фахрий профессори» дипломининг тантанали тақдими икки давлат ўртасида

муносабатларнинг ривожига муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг 800 га яқин мактабларида дарслар ўзбек ва рус тилида олиб борилмоқда (159 та мактабда таълим рус тилида олиб борилиб, улардан 313 мингга яқин ўқувчи таълим олмоқда).

Мустақиллик йилларида республика кутубхоналари рус тилида чоп этилаётган янги адабиётлар билан таъминланди. Олий ўқув муассасалари фондларининг ўзида 19.165.954 та китоб мавжуд бўлиб, улардан 11.870.322 таси рус тилидадир. 2002 - 2003 йилларда олий таълимнинг барча йўналишлари бўйича рус тилида 136 хил дарсликлар чоп этилди. 2003-2004 ўқув йили учун рус тилида 66 хил дарслик нашр қилиниб, уларнинг умумий тиражи 1,1 млн нусхани ташкил этди. Бундан ташқари ҳар йили республикада рус тилида 40-45 хил дарслик ва ўқув адабиётлари нашр этилиб, уларнинг умумий сони 1-1,2 млн. донани ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда рус тилида нашр қилинаётган газета ва журналларнинг умумий сони ўзбек тилидаги нашрлар сонига деярли тенглашиб қолган бўлиб, 85 та газета ва 52 журнал рус тилида чиқади. Россия нашрлари сотувда ва обунада бор. Бундан ташқари “Камалак – ТВ” каналига аъзо фуқаролар Россия телевидениеси дастурларини тўлиқ ҳажмда томоша қилиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси билан Арманистон ўртасида олиб борилаётган дипломатик муносабатлар 1995 йилнинг 27 октябрида имзоланган протокол орқали ўрнатилган (Москва шаҳрида) бўлсада, икки томонлама олиб борилаётган савдо – иқтисодий муносабатлар ҳозирги кунда ҳам ўз ривожини топгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э. Халилов бошчилигидаги парламент делегацияси 1999 йилнинг 31 октябрида Ереванда бўлишиб, Арманистон Республикаси Миллий йиғилиши раиси К. Демерчян ва Арманистон Республикаси Бош Вазири В. Саркисянларнинг дафн маросимида қатнашишди.

80-йилларда Ўзбекистон Арманистонга кундалик эҳтиёж молларини, озиқ – овқат маҳсулотларини, қурилиш материалларини чиқарган бўлса, Арманистондан автомобиллар, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қоғоз, кундалик эҳтиёж моллари келтирилган эди.

1988 йилда Арманистонда рўй берган zilзила, Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги уруш ҳолатлари ва Кавказдаги мураккаб сиёсий, ижтимоий – иқтисодий

вазият Арманистоннинг иқтисодий шароитини янада чуқурлаштириб, кўпчилик корхоналар, хомашё ёки ёқилғи ресурслари етишмаслиги туфайли ўз ишини тўхтатишга мажбур бўлди. Бу эса ўз навбатида ўзбек – арман иқтисодий алоқаларига салбий таъсир кўрсатган эди. Арманистоннинг ишлаб чиқариш саноат корхоналари билан боғлиқ бўлган республикамиз корхоналари бошқа хорижий давлатларнинг компаниялари ва ташкилотлари билан шартномалар тузишга мажбур бўлишди. Хуллас, 1993 йилнинг февралида Ўзбекистон билан Арманистон ўртасида имзоланган савдо – иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим Арманистондаги мураккаб ижтимоий –иқтисодий сиёсий вазият сабабли жуда сустрелиб кетган эди (17-жадвал).

Кўрсаткичларнинг номланиши	1998й.	1999й.	2000й.	2001й.	2002й.	2003й. 8 ой
Товар айланиш	158,2	955,5	1634,5	2294,1	1798,8	1,6
Экспорт	102,0	610,5	591,1	726,1	372,1	0,4
Импорт	56,2	345,0	1043,4	1567,6	1426,7	1,2
Савдо	45,8	265,5	452,3	841,1	1054,7	0,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.

Ўзбекистонда арман инвестициялари иштирокида қурилган 3та корхона фаолият юритаётган бўлиб, улардан биттаси қўшма корхона бўлса, иккитаси эса тўлиқ Арманистоннинг инвестициялари ҳисобига ишламоқда. Ўзбекистон Республикасининг ТИАВда “Арманистон авиалинияси”нинг арман фирмаси ваколатхонаси ЎЗР ташқи иқтисодий агентлигида (АВЭС) аккредитация қилинган.

1992 йилнинг 25 августида Ўзбекистон – Украина ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Икки давлат ўртасида олиб борилаётган сиёсий муносабатларни юқори босқичга кўтарилишида ҳукумат раҳбарлари ва икки давлат ташқи ишлар вазирлигининг ташрифлари муҳим ўрин тутди. Жумладан, 1991 йилнинг 27 октябрида Кенгаш раиси Л. Кравчук бошчилигидаги Украина ҳукумат делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.

- 1992 йилнинг августида ЎЗР Президенти И. Каримов Украинада давлат ташрифи билан бўлди;

- 1993 йилнинг февралида Бош вазир Л. Кўчма бошчилигидаги Украина ҳукумат делегацияси Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди.

- 1994 йилнинг 10-11 ноябрида ЎзР Президенти И. Каримов давлат ташрифи билан Украинада бўлди.

- 1995 йилнинг июнида Украина Президенти Л. Кучма ЎзРга давлат ташрифи билан келди.

- 1996 йилнинг сентябрида Украина ташқи ишлар вазири Г.И. Удовенко ЎзРга расмий ташриф билан бўлди.

- 1997 йилнинг 28 мартада Москвада бўлиб ўтган МДХ мамлакатларининг ҳукумат раҳбарларининг саммитида республикамиз Президенти И. Каримов ва Украина Президенти Л. Кучма икки давлат ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш (қўшма комиссия тузиш) тўғрисидаги протоколни имзолашди.

- 1997 йилнинг апрелдаги ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича ўзбек – Украина қўшма комиссияси Украинада ўзининг биринчи йиғилишини ўтказди. Бунда ЎзР си бош вазири Ў.Т. Султонов ўзбек делегациясига бошчилик қилди.

-1998 йилнинг январида Украина Республикаси Бош вазири В.П.Пуцовойтенко Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида Тошкентда ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича ўзбек – Украина қўшма комиссиясининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

-1998 йилнинг февралида ЎзР си Президенти И.Каримов Украинага расмий ташриф билан келди. Ушбу ташриф чоғида бошқа битимлар билан бир қаторда ўзбекистон- Украина ўртасида дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги шартнома имзоланди.

-1999 йилнинг 20-21 майида ЎзР бош вазири Ў.Султонов Украинада расмий ташриф билан бўлди. Ташриф чоғида Ўзбек – Украина қўшма комиссиясининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

-1999 йилнинг 7-8 октябрида Президент И.Каримов расмий ташриф билан Украинада бўлди.

-2000 йилнинг 11-12 сентябрида Украина Бош вазири А.В.Юхенко республикамизга расмий ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида Тошкентда ҳар

томонлама ҳамкорлик бўйича ўзбек – украин қўшма комиссиясининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

-2000 йилнинг 12-13 октябрида Украина Президенти Л.Кучма ЎзР га расмий ташриф буюрди.

-2002 йилнинг 19-20 декабрида Украина Президенти Л.Кучма ЎзР да амалий сафарда бўлди.

-2003 йилнинг 29-30 январиди ЎзР Бош вазири Ў.Султонов Украинада ишчи ташрифида бўлди. Ташриф чоғида ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича ўзбек – украин қўшма комиссиясининг бешинчиси йиғилиши бўлиб ўтди.

2003 йилнинг 11 апрелида Украина президенти Кучма ЎзР га хизмат сафари билан келди. Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида иккиёқлама манфаатли характерга эга бўлган 140 га яқин ҳужжат ва шартномалар имзоланган бўлиб, унинг 84 таси давлатлараро, ҳукуматлараро характерга, 25 таси идоралараро характерга, 24 таси эса бошқа ҳужжатларни (ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг баённомалари ва бошқалар) ташкил этган эди.

Икки давлат ўртасида савдо – иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатлар 1998 йилнинг 19 феврилида имзоланган ЎзР си билан Украина ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида шартнома, 1999 йилнинг 7 октябрида имзоланган ЎзР билан Украина ўртасида 1999 ва 2008 йилгача бўлган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ташкил қилди. Икки давлат ўртасида, иқтисодий соҳада 60 га яқин ҳужжат, ижтимоий ва илмий – техника соҳаларида 8 та, транспорт соҳасида 10 та, солиқ қонунчилигини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий муносабатлар соҳасида 6 та, ҳамда ҳамкорликнинг турли соҳаларидаги бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланган эди.

ЎзРнинг Украина билан 1996 ва 2003 йилнинг августигача бўлган савдо иқтисодий ҳамкорлиги қуйидаги жадвалда ўз аксини топган. млн. АҚШ долл. (18-жадвал).

**ЎзРнинг Украина билан 1996 ва 2003 йилнинг августигача бўлган савдо
иқтисодий ҳамкорлиги**

Кўрсаткичлар номи	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003 8 ой.
Товарайирбошлаш	202.0	321.7	182.1	252.7	331.9	372.7	282.1	238.0
Экспорт	35.8	199.9	33.3	122.3	153.5	149.8	160.3	153.2
Импорт	166.2	121.8	148.8	130.4	178.4	222.9	121.8	84.8
Савдо	-130.3	78.1	-115.5	-8.1	-14.9	-73.1	38.5	68.3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.

Ўзбекистоннинг Украина билан олиб бораётган ижтимоий соҳадаги ҳамкорликлари 1998 йилнинг 19 феврилида имзоланган дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномада, 1994 йилнинг 10 ноябрида имзоланган маданият соҳасида ҳамкорлик ривожлантириш тўғрисидаги ҳукуматлараро шартномада, 1995 йилнинг 20 июнида имзоланган таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномада, 1994 йилда имзоланган ЎзР си Маданият вазирлиги билан ва Украина маданият вазирлиги ўртасида ҳамкорликларни ривожлантириш тўғрисидаги идоралараро битимларда ўз ифодасини топган эканлигини кўришимиз мумкин.

2002 йилнинг 20 декабрида Тошкентда Украинанинг машҳур шоири Тарас Шевченко хотирасини абадийлаштириш мақсадида ҳайкалини очилиши ўзбек-украина халқларининг ўзаро маданий алоқаларини янада кенгайтирди.

2003 йилнинг 29 январида Киевда Тошкент Давлат юридик институти ва Ярослав Мудрий номли Украина миллий юридик академияси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган бўлса, шу йилнинг март, июн ойларида Тарас Шевченко номли Киев Миллий университетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг 12 талабаси Мирзо Улуғбек номли Миллий университетида малака ошириши, давлатлараро таълим соҳасини янада ривожлантиришга имкон берган эди.

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон ўртасидаги дипломатик алоқалар 1995 йилнинг 2 октябрида ўрнатилди.

Икки давлат ўртасида мавжуд бўлган тарихий ва маданий боғланишлар, шунингдек ҳукумат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари муҳим роль ўйнамоқда. 1996

йилнинг 27-28 майида ЎзР си Президенти И. Каримов Озарбайжонга расмий ташриф билан борган бўлса, 1997 йилнинг 18-19 июнида Озарбайжон Президенти Ҳ. Алиев Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган эди. 2000 йилнинг апрелида ЎзР Олий Мажлиси раиси Э. Халилов Озарбайжонда бўлиб ўтган туркий тиллар давлат саммитида қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон ўртасида 90 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланган бўлиб, уларнинг 17 таси давлатлараро шартномаларни, 24 таси ташкилотлараро шартномаларни, 8 таси ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишлари ва баённомаларидан иборатдир.

1996 йилнинг 27 майида Бакуда имзоланган ЎзР си ва Озарбайжон ўртасида ҳамкорлик ва дўстлик тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2001 – 2010 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги 2001 йилнинг 18 апрелида Тошкентда имзоланган битимлари иккала давлатларнинг асосий шартномавий – ҳуқуқий ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Икки давлат ўртасида иқтисодий соҳада 20 дан ортиқ ҳужжат транспорт ва алоқа соҳалари бўйича 5 та, савдо – сотиқ қонунчилиги ва ҳуқуқий муносабатларни муҳофаза қилиш ҳамкорлиги бўйича 19та, ижтимоий ва илмий – техникавий соҳалар бўйича 9 та ҳужжат ва бошқа келишувлар имзоланган. Бундан ташқари ҳозирги кунда ЎзР си ва Озарбайжон ўртасида 10 га яқин халқаро характерга эга бўлган ҳужжатларни имзолаш устида қизғин ишлар ҳам олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан 1996 - 2003 йилнинг августигача олиб борган ташқи савдо динамикаси қуйидагича бўлган эди (19-жадвал):

**Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан 1996 - 2003 йилнинг августигача олиб
борган ташқи савдо динамикаси**

млн. долл. АҚШ

Кўрсаткичлар номланиши	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003 8 ой.
Маҳсулотлар айирбошлаш	7,9	23,5	5,2	5,1	7,8	12,2	10,7	6,5
Экспорт	3,6	3,1	2,3	2,5	3,5	3,7	5,2	4,1
Импорт	4,3	20,4	3,0	22,6	4,2	8,5	5,5	2,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.

1998 йилнинг 26 феввалида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузилди. Комиссиянинг фаолияти доирасига нафақат иқтисодий характердаги балки ТРАСЕКА лойиҳаси доирасидаги коммуникацион масалалар ҳам, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликлар ҳам кирган эди.

Таянч иборалар

МДХ мамлакатлари, жаҳон хўжалиги, иқтисодий алоқалари, ташқи савдо, икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий муносабатлар, ЖСТга аъзо бўлиш, халқаро молия-кредит ташкилотлари билан иқтисодий муносабатлар.

Назорат саволлари

1. МДХ мамлакатлари олдида турган асосий муаммоларни характерлаб беринг.
2. МДХ мамлакатларини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.
3. МДХ мамлакатларини яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан олиб бораётган савдо-иқтисодий алоқаларини тавсифлаб беринг.
4. МДХ мамлакатлари билан Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий алоқалари қандай принципларга асосланган?
5. МДХ давлатлари билан Ўзбекистон ўртасида қандай битим ва шартномалар амалга оширилмоқда?
6. МДХ ва ЕИ давлатларининг иқтисодий характерлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

16-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

16.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотларда иштироки

16.2. Ўзбекистон Республикасининг турли халқаро иқтисодий ва сиёсий ташкилотлар билан алоқаси

16.3. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиш салоҳияти

16.4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари

16.5. Ўзбекистонда ташқи савдонинг ривожланиш тенденциялари

16.6. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолият

16.7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида амалга оширилган аграр ислохотлар

16.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотларда иштироки

«Жаҳон иқтисодиёти» курсининг олдинги бобларида биз баъзи – бир халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлар (савдо ташкилотлари – ГААТ/ЖСТ; инвестиция ташкилотлар – ХТТБ, ЕТТБ; халқаро молия-валюта, халқаро капитал миграция ва илмий-техника соҳасидаги ташкилотлар) тўғрисида фикр юритган эдик. Мазкур боб эса материалларни умумлаштирувчи характерга эга бўлиб, улар юқорида қайд қилиб ўтилган манбаларнинг халқаро иқтисодий муносабатларни яхлит бир комплекси сифатида ривожланишда тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беришга ёрдам беради. Халқаро иқтисодий муносабатлар мураккаб иқтисодий механизм сифатида бир томондан бозорга хос ўз-ўзини бошқариш қобилятига эга бўлса (ХИМнинг моддий асоси жаҳон бозори ҳисобланади), иккинчи томондан, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро алоқаларни осонлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни яратишни талаб этади. Айни бир пайтда қайд этиб ўтиш керакки, биринчи (1914-1918 йиллар) ва иккинчи (1939-1945 йиллар) жаҳон урушлари орасида халқаро ташкилотларни вужудга келиш жараёнлари (шу даврда Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро савдо палатаси, Халқаро ҳисоб-китоблар банки ва бошқалар ташкил этилган) айниқса, 40-йилларда иккита глобал тўқнашувларни (Жаҳон уруши, НАТО, ЎИЁК) бошидан кечирган давлатлар тарихида фавқулотдаги ҳолатлар ва 1929-1932 йилларда рўй берган чуқур иқтисодий таназзул билан боғлиқдир. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга

келишининг иккинчи «тўлқини» ва ҳаракатдаги фаолиятининг фаоллашуви иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизимининг парчаланиши ҳамда 60-70 йилларда рўй берган иқтисодий чайқалишлар турғунлик билан боғлиқдир.

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида учинчи босқичнинг бошланганлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб сифатида тоталитар тизимларнинг (собик СССРни) инқирозга учраши ва янги 2000 йиллик остонасида инсониятнинг глобал муаммоларини кескин кучайиши каби жиҳатларни кўрсатиш мумкин. Ана шу даврда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларининг ҳукумат раҳбарлари замонавий халқаро иқтисодий муносабатларда тизимда рўй бераётган муаммоларни мустақил ҳал эта олмадилар ва натижада улар ушбу муаммоларни ҳал этишда биргалашиб ҳаракат қилиш усулларини ишлаб чиқа бошладилар. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий гуллаб-яшнаш ва жаҳон аҳолиси фаровонлигини таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи минглаб халқаро ташкилотлар мавжуд. Экспертларнинг фикрича уларнинг ичида жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир ўтказа оладиган халқаро ташкилотлар сони 100 дан ортиқдир.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар топологияси ҳақида гапирганда, иккита мезондан (географик қамрови кенглиги ва фаолият кўрсатиш хусусиятларига кўра) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Биринчисидан келиб чиқиб, икки томонлама, худудий ва глобал тузилмалар ажратиб кўрсатилади. Иккинчи мезонни қўллаган ҳолда махсус соҳалар бўйича ва глобал ташкилотларга эга бўламиз. Буларнинг ичида, айниқса, 1945 йилнинг 24 октябрида ташкил топган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тасарруфидаги иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари алоҳида ўринга эга. БМТ – иккинчи жаҳон урушидан сўнг Антигитлер коалициясига аъзо давлатлар томонидан ташкил этилган энг универсал, обрў-эътиборли ва энг йирик халқаро ташкилот ҳисобланади.

БМТнинг штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган бўлиб, унинг таркибида 190 дан ортиқ аъзо-мамлакат мавжуд. БМТнинг низомини 1-моддасида ташкилот фаолиятининг асосий мақсади «иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш» деган

пункт муҳим аҳамият касб этади. БМТ иқтисодий соҳада асосан қуйидаги тўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боради:

- глобал муаммоларни ҳал этиш;
- давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги узилишларни енгиб ўтиш;
- ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири БМТ муассасаларининг фаолиятида ахборот, техник-маслаҳат ва молиявий соҳадаги ҳамкорликларни ҳам ўз ичига олади. БМТ бош ва ёрдамчи органлардан, шунингдек, 18 та махсуслашган институт ва бир қатор автоном тузилмалардан (кенгашлар, комиссиялар ва дастурлар) иборат. БМТнинг бош тузилмавий бўлимлари - Бош Ассамблея (БА), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда Секретариат ҳисобланади.

БМТнинг Бош Ассамблеяси йилида бир марта ўз сессияларини ўтказди (сентябр ва декабр ойларида). Сессияларнинг ҳар бирида раис, унинг ўринбосарлари ва асосий қўмиталарнинг бошлиқлари сайланади. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган асосий масалалар ҳам умумий мажлисларда ҳам махсус иккинчи қўмита доирасида муҳокама қилинади.

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаш бўлими (ЭКОСОС) 1946 йилда ташкил топди. 60 дан ортиқ мамлакат унинг аъзолари бўлиб аъзоларнинг 1/3 қисми (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франциядан ташқари) ҳар йили уч йил муддатга қайта сайланилади. Юқоридаги бешта давлат уруш ва тинчлик масалалари билан шуғулланувчи Хавфсизлик Кенгашида бўлгани каби доимий равишда ЭКОСОС таркибига киради. Кенгаш одатда бир йилда икки марта (ижтимоий-ҳуқуқий ва гуманитар мавзуда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича) сессия ўтказди. ХИМ муаммолари бўйича қарор ва тавсиялар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти ҳам ЭКОСОС зиммасидадир. Бугунги кунга келиб, ЭКОСОС 6 доимий қўмита, 7 та функционал ва 5 та ҳудудий комиссияларни таъсис этган. Булардан ташқари 18 та махсуслаштирилган муассаса, жумладан Жаҳон озиқ-овқат дастури ва ЮНКТАД ЖСТ Халқаро савдо маркази ҳам ЭКОСОС таркибида фаолият кўрсатади. БМТнинг

иқтисодий органлари тизимида учинчи бўғин сифатида секретариат фаолият олиб боради. Секретариат бир неча бўлимлардан (иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департамент ва бошқалар) таркиб топган бўлиб, маъмурий-ижрочи тузилма сифатида иш олиб боради.

Жаҳон хўжалиги муаммоларини ҳал қилишда БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича анжумани (ЮНКТАД) ва БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО) тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1964 йилнинг охирида БМТнинг Бош Ассамблеяси халқаро савдо бўйича ҳамкорликка кўмаклашиш учун ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Анжуманнинг олий органлари тўрт йилда бир ўтказиладиган сессия ва йилда икки марта тўпланадиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш назорати остида доимий кўмиталар, вақтинчалик ишчи гуруҳлари ва секретариат фаолият кўрсатади. ЮНКТАДга ҳозирги кунда 186 та давлат аъзо бўлиб, унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. ЮНКТАД раҳбарлиги остида ўтказилган ҳукуматлараро маслаҳатлар натижасида бир қатор муҳим савдо битимлари имзоланди, хомашё товарлари савдоси соҳасидаги ҳолатларни ўрганиш учун эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Анжуман Европа ва Америка бозорларида ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун махсус имтиёзлар бериш режимини (дастурни) қўллаб-қувватлайди.

1967 йилда ташкил этилган ЮНИДО 166 та давлатни бирлаштирган бўлиб, унинг штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган. Бу ташкилотнинг бош вазифаси Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Океан оролларида яшовчи камбағал ва ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар гуруҳини иқтисодий қолоқликдан олиб чиқиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида БМТ доирасида саноат ривожланишини мувофиқлаштиришдан иборат. ЮНИДОнинг олий органи икки йилда бир марта чақириладиган Бош Анжуман саналади. Бошқарув тузилмалари эса саноат тараққиёти бўйича кенгаш ва бюджет масалалари бўйича кўмита ҳисобланади. ЮНИДО фаолияти ҳукуматлараро, шунингдек хусусий саноат тармоқлари билан узвий боғланган. Ташкилот инвестициялар, техник ва саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича форумлар ўтказади. Хорижий инвестицияларнинг

кўпайиб боришига, ривожланаётган мамлакатларга техника-технологияларни етказиб беришга кўмаклашади. Бу масалаларни амалга оширишда ЮНИДОнинг Саноат ва технологик ахборотлар банки (СТАБ) самарали фаолият кўрсатмоқда. Шундай қилиб, молиялаштиришдаги қатор муаммолар, қоғозбозлик ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг салбий ҳолатларига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидаги иқтисодий ташкилотларнинг (ЮНКТАД, ЮНИДО) аҳамияти ортиб бормоқда. БМТнинг махсуслашган муассасаларининг ролини кучайиб боришида халқаро меҳнат тақсимооти тузилмасининг мураккаблашуви, ахборот-технологик айирбошлашнинг янгидан-янги каналларининг вужудга келиши, жаҳон хўжалик ҳаётининг жадаллашуви ва шунингдек инсоният олдида турган жиддий глобал муаммолар ва ҳ.к.лар муҳим роль ўйнамоқда.

БМТ доирасига кирмайдиган иқтисодий ташкилотга 1961 йилда ташкил топган, штаб-квартираси Парижда жойлашган Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилотини (ИХТТ) киритиш мумкин. ИХТТ иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШнинг молиявий ёрдамидан (Маршал режаси) самарали фойдаланиш ва қитъадаги тикланиш жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган. Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг вориси ҳисобланади. «Бойлар клуби», жаҳон иқтисодиётининг «ақл маркази» деб аталувчи ИХТТ ҳозирги кунда жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган 29 та мамлакатини ўз таркибига бирлаштирган. Чунончи, бу ташкилотга аъзо-мамлакатлар ҳиссасига жаҳон товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисми тўғри келади.

ИХТТнинг олий кенгаши бўлиб, унинг таркибига ҳар бир аъзо-мамлакатдан биттадан вакил киради. Кенгаш аъзолари ойда бир марта Бош котиб раислигида учрашадилар. Бундан ташқари Кенгаш вазирликлар (ташқи ишлар вазирлиги, молия вазирлиги, иқтисодиёт вазирлиги кабилар) миқёсида йиллик мажлисларни ҳам ўтказиб туради. Доимий асосда иш юритувчи ижроия қўмитанинг асосий вазифаси ИХТТ фаолиятини назорат қилиш ва Кенгаш мажлисларини тайёрлашдан иборат. Унинг 200 дан ортиқ қўмиталари, ишчи гуруҳлари ва эксперт комиссиялари

ижтимоий-иқтисодий характерда бўлган кенг доирадаги масалалар билан ҳам шуғулланади.

ИХТТ тузилмаси ҳақида фикр билдирилганда албатта Европа ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик марказини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бу марказ 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, ИХТТ ва Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб туради. ИХТТ фаолиятидаги энг муҳим жиҳат ташкилотга аъзо-мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий муаммолари бўйича фикр алмашишни йўлга қўйишдир. Капитал ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, порахўрликка қарши кураш каби масалалар билан ҳам самарали фаолият кўрсатишдир. Ҳозирги кунда ИХТТнинг амалий вазифалари қуйидагилардан бўлиши мумкин:

- болалар ва аёллар меҳнати, маҳсулот баҳосини атайлаб пасайтириш каби салбий аломатларни чеклаш;

- меҳнатни ҳимоялаш бўйича барча мамлакатлар учун ягона бўлган меъёрий ҳужжатлар тўғрисида конвенция қабул қилиш;

- глобал миқёсда чет эл инвестицияларни бериш режимини тартибга солиш;

- саноат корхоналарининг фаолияти устидан халқаро экологик назоратни амалга ошириш ва бошқалар.

Жаҳонда ЕИ, НАФТА, МЕРКОСУР, МДХ каби ҳудудий иқтисодий ташкилотлар билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ўнлаб ҳудудий миқёсдаги халқаро иқтисодий ташкилотлар мавжуд. Ушбу ташкилотларнинг фаолият кўрсатиш механизмларини ўрганиш мақсадида биз Ғарбий ярим шар ва Африка қитъасидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) ва Африка Бирдамлик Ташкилоти (АБТ) тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) 1948 йилда Богота шаҳрида (Колумбия) ўтказилган Америка давлатларининг 9- халқаро Анжуманида ташкил этилган бўлиб, ўз таркибига 35 давлатни бирлаштирган. Штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган. Ташкилотнинг фаолияти нафақат иқтисодий, балки сиёсий характерга ҳам эга. 60- йилларда «Совуқ уруш» даври сиёсатидан сўнг иқтисодий масалалар бу ташкилотнинг асосий фаолияти бўлиб қолди. АДТнинг олий бош органи Бош

Ассамблея ҳисобланади. Унинг бир йилда бир марта чақириладиган сессияларида жиддий масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади. Доимий Кенгаш ташкилотнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади ва назоратни амалга оширади. Шунингдек, доимий кенгаш доимий қўмиталар ва ишчи гуруҳларга таянган ҳолда Бош Ассамблеянинг сессияларини тайёрлайди. Аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган Американинг давлатлараро иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1994 йилда Америка қитъасидаги 34 мамлакат (Кубадан ташқари) давлат ва ҳукумат раҳбарларини учрашувда «тараққиёт ва ривожланиш мақсадида ҳамкорлик тамойиллари: демократия, эркин савдо ва Америкада барқарор ривожланиш тўғрисида декларация» қабул қилинди. Ушбу анжуман қатнашчилари келажакда – 2005 йилдан сўнг Панамерика эркин савдо ҳудудини ташкил этишга қарор қилишди.

Африка Бирдамлик ташкилоти (АБТ) 1963 йилда Аддис-Абеба шаҳрида (Эфиопия) ўтказилган Африка давлатлари раҳбарларининг анжуманида ташкил топди. Африканинг 53 аъзо–мамлакатини бирлаштирган бу ташкилотнинг штаб-квартираси ҳам шу шаҳарда жойлашган бўлиб, унга Африканинг деярли барча давлатлари аъзо (Мароккодан ташқари). АБТ фаолияти АДТдаги каби комплекс ҳаракатига эга, иқтисодий масалалар ҳамisha бошқарув тузилмаларнинг диққат марказида туради. АБТнинг олий органи давлат ва ҳукумат раҳбарлари Ассамблеяси ҳисобланиб, у йилда бир марта сессия ўтказиб туради. Ташкилотнинг бошқа муассасалари ичида Африка давлатларининг иқтисодий ривожланишига бевосита қўмаклашувчи иқтисодий ва ижтимоий комиссия сезиларли мавқега эга.

АБТнинг ҳудудий сиёсати тўғрисида фикр билдирилганда, албатта 1991 йилда аъзо-мамлакатлар томонидан қабул қилинган “Африка иқтисодий ҳамжамиятини” ташкил этиш тўғрисидаги битимни эслатиб ўтиш керак. Ушбу битим 34 йилга мўлжалланган бўлиб, у олти босқичдан иборат. Хуллас, жаҳон иқтисодиётидаги ушбу ҳудудий иқтисодий ташкилотлар глобал миқёсдаги тузилмалар билан ҳамкорликда мамлакатларга миллий тўсиқларни енгиб ўтиш, хўжалик алоқаларини жадаллаштириш ва XX-XXI асрлар бўсағасида инсоният дуч келаётган жуда кўп муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракатларни бирлаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётида фаолият кўлами ва соҳаси турли-туман муассасаларни ўз ичига оловчи халқаро иқтисодий ташкилотлар ХИМ тизимида янада аҳамиятлироқ бўлиб бормоқда. Халқаро иқтисодий ташкилотлар ичида БМТ тизимига кирувчи тузилмалар (ЭКОСОС, ЮНКТАД, ЮНИДО ва бошқалар) марказий ўринни эгаллайди. БМТ доирасидан ташқари жуда кўп нуфузли, глобал ва ҳудудий миқёсдаги ташкилотлар (ЕИ, НАФТА, АДТ, АСЕАН ва бошқалар) ҳам мавжуд бўлиб, ушбу ташкилотлар жаҳон иқтисодиётида кенг доирада фаолият кўрсатиб келмоқда.

16.2. Ўзбекистон Республикасининг турли халқаро иқтисодий ва сиёсий ташкилотлар билан алоқаси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг (31 август 1991 йил) иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида ривожланишнинг янги даври бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Осиё минтақасининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, республика ҳудудида Ўрта Осиё аҳолисининг 45 %и яшайди. Ўзбекистон қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатлар билан чегараланиб Европа, Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатлари билан транспорт ва телекоммуникация алоқалари орқали боғланиб турувчи муҳим стратегик йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг кўзга кўринган йирик ва нуфузли халқаро ташкилотлари билан, дунёнинг барча минтақасида жойлашган ўнлаб давлатлари билан дўстона алоқаларни ўрнатган бўлиб, уларнинг йирик банк ва молиявий ташкилотлари билан, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг 43 та элчихонаси, 49 нодавлат ва шунингдек 15 та давлатлараро ташкилотлари аккредитация қилинган. Республикамиз энг муҳим халқаро конвенцияларнинг қатнашчисидир. Ўзбекистон турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕИ, ЕТТБ, ХВФ, Осиё банки ва бошқалар) билан халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириб боровчи давлатлардан биридир.

90-йилларнинг охирида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида хорижий инвесторларни республика иқтисодиётининг устувор тармоқларига кириб келишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Хорижий компания ва фирмалар билан иқтисодий ҳамкорликларда инвестиция лойиҳалари устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Агар 1997 йилда Ўзбекистонга кириб келган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 1,1 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 1,3 баробарга ўсган эди. Республика ҳудудида жаҳоннинг 80 дан ортиқ давлатларнинг сармоялари иштирокида қурилган 4 мингга яқин қўшма корхоналари фаолият кўрсата бошлади (1996 йилга нисбатан 3 баробар кўп демакдир). Шундай қилиб, 1999 йилда рўй берган бир қатор иқтисодий тушкунликлардан сўнг республика саноат корхоналарида ҳам ишлаб чиқаришни кучайтириш билан боғлиқ ҳолда экспорт фаолияти ҳам ривож топиб борди. Ўзбекистон товар айланмасида импорт товарларни қисқариши ҳисобига экспорт товарлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайиб борди.

2000 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларининг географияси янада кенгайиб, ташқи савдо айланмасининг 63,1 %и Европа мамлакатларига тўғри келган эди. Шу йили республиканинг Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан бўладиган савдо иқтисодий алоқалари 7,2 %га, ОПЕК мамлакатлари билан 1,4 баробарга, ЭКО мамлакатлари (Эрон, Туркия, Афғонистон, Туркменистон ва бошқалар) билан эса 1,2 марта ўсиб, 2000 йилда Ўзбекистоннинг умумий савдо айланмасининг 31-32 %и Осиё ва Яқин – Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғри келган эди.

Ўзбекистон Республикаси ЕИ давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривож топишида «Ўзаро ҳамкорлик» тўғрисидаги меморандумни тасдиқланиши (1992 йил) муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1994 йилда Ўзбекистон билан Европа давлатлари ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шу йили ЕИ комиссиясининг (ЎзБюроКЕС) «Техник ҳамкорликни координациялаш бюросини ташкил этиш» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. 1995 йилда Брюссель шаҳрида ЕИ комиссияси таркибида республикани дипломатик миссияси ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси ЕИ давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида ҳукумат раҳбарларининг саммит-йиғилиши бўлиб ўтди (1996 йил). Ушбу йиғилишда «Ўзбекистон – ЕИ ва уларга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш» тўғрисида шартнома (СПС) имзоланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон собиқ СССР давлатлари ичида РФдан сўнг иккинчи бўлиб, ЕИга аъзо бўлиб кирди. Республикани СПСга аъзо бўлиши мамлакат учун ЕИ давлатлари билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрнатиш имкониятини берди. СПСни қучга кириши (1 июл 1999 йил) билан «ЕИ-Ўзбекистон» қўшма комитетида «Ўзбекистон – ЕИ» ҳамкорлик Совети ташкил топди.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси билан ЕИ давлатлари ўртасида икки томонлама олиб борилган товар айланма 1 млрд. 065,8 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган бўлиб, унинг 520,6 млн. АҚШ долл.и экспорт товарларга, 545,2 млн. долл. эса импорт товарларига тўғри келган эди. Ана шу йили ЕИ давлатлари ичида Ўзбекистон билан самарали савдо-иқтисодий алоқаларни олиб борган давлатлар – Буюк Британия (302 млн. долл.), ГЕРМАНИЯ (250,8 млн. долл.), Италия (123,8 млн. долл.), Бельгия (95,5 млн. долл.), Франция (91,5 млн. долл.), Нидерландия (68,5 млн. долл.) бўлди.

ЕИ мамлакатлари Ўзбекистон иқтисодиёти учун энг муҳим инвестор давлатлардан ҳисобланади. Республикамиз ҳудудида ЕИга аъзо давлатларнинг 150 га яқин фирма ва компаниялари аккредитация қилинган. Республикада ЕИнинг 480 дан ортиқ фирма ва компаниялари фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, уларнинг 114 таси тўлиқ 100 % ли Европа капитали ҳисобига ишламоқда. Хуллас, 1995-2004 йилларда ЕИ давлатларининг фирма ва компаниялари, шунингдек уларнинг банклари Ўзбекистонда миқдори 8,0 млрд.долл. атрофидаги инвестиция лойиҳаларида қатнашган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон билан ЕИ мамлакатлари – Буюк Британия, Германия, Франция, Бельгия, Португалия, Австрия, Греция, Италия, Чехия, Словения, Руминия бошқалар ўртасида олиб борилаётган икки томонлама ҳамкорликлар йилдан-йилга ривож топиб бормоқда.

2004 йилда Ўзбекистон Республикасида умумий ҳисобда 3090 та хорижий инвесторлар ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 2497 таси қўшма корхоналарни ташкил этган эди. Ушбу қўшма корхоналарни ташкил этишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Туркия, ХХР, РФ, Украина, Қозоғистон Республикалари каби давлатларнинг инвесторлари фаоллик кўрсатмоқда. Ўзбекистон Туркия билан 50 та, АҚШ - 49 та, РФ - 56 та, Буюк Британия - 40 та, Жанубий Корея - 23 та, Швейцария билан эса 18 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Хуллас, Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган халқаро ташкилотлар доираси шунчалик кенгки, у БМТ ва унинг таркибидаги барча ташкилот ва муассасаларни ҳамда МДХ, Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, “Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти” ЕИ ва бошқа кўплаб минтақавий тузилмаларни қамраб олган.

Ўзбекистон Республикасининг НАФТА давлатлари билан савдо – иқтисодий алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Республиканинг АҚШ билан олиб бораётган иқтисодий муносабатларини ривожланиб боришида «АҚШ-Ўзбекистон ўртасида стратегик ҳамкорлик» тўғрисидаги Декларация (2002 йил) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда америкалик инвесторларнинг ҳамкорлигида ташкил топган 323 та ишлаб чиқариш корхоналари рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 233 таси қўшма корхоналар ҳисобланади (90-100 % хорижий капитал ҳисобига қурилган). АҚШ инвесторлари асосан республиканинг тоғ-кон саноати ва нефть-газ комплексларини қурилишларида, агрокомплекс базасини технологик ривожда, озиқ-овқат ва транспорт инфратузилмаси соҳаларида амал қилмоқда. Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг 10-15 йиллик суверен мустақиллиги йилларида Америка компаниялари ва молиявий институтлари томонидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалар 2,4 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этган бўлиб, уларнинг 1,4 млрд. долл.и Американинг молиявий институтлари томонидан суғурта қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари билан олиб бораётган савдо-иқтисодий ҳамкорликлари йилдан-йилга ривож топиб бормоқда. Жумладан, минтақанинг етакчи саноати ривожланган мамлакатларидан бири Япония республикани суверен мустақиллигини 1991 йилнинг 28 декабрида тан

олди. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ўрнатилишида Ўзбекистон – Япония ва Япония–Ўзбекистон комитетлари иқтисодий ва маданий ташкилотлар тузилишида (1994 йил) катта роль ўйнамоқда. Ўзбекистонда муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) ва ташқи савдо ташкилоти (ЖЕТРО) фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда республиканинг хомашё ресурслари базасида, нефть-газ ва текстил саноати соҳаларида Япон инвесторлари ҳамкорлигида ташкил топган 19 та йирик компания ва уларнинг бўлимлари, 8 та ҳамкорлик комплекслари фаолият кўрсатиб турибди. Хуллас, 2002 йилда икки давлат ўртасидаги товарайланма 31,9 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этган бўлиб, унинг 11,6 млн. АҚШ долл.и экспорт товарларга, 20,3 млн. АҚШ долл.и эса импорт товарларга тўғри келган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Корея билан олиб бораётган савдо – иқтисодий муносабатларини ривожланиб боришида икки давлат ўртасида ўзаро ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг ҳукукий асослари ҳисобланган «Савдо тўғрисида»ги, «Инвестицияни ҳимоя қилиш ва кенгайтириш тўғрисида»ги, «Илмий-технологик ҳамкорлик тўғрисида»ги бир қатор 20 дан ортиқ шартномаларни имзоланиши (1994 йил) муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2002 йилда иккала давлат ўртасидаги товарайланма 326,0 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган бўлиб, унинг 67,0 млн. АҚШ долл.и экспортга, 259,0 млн. АҚШ долл.и эса импортга тўғри келган. Ўзбекистон Республикаси экспортида асосий ўринда пахта толаси, хизмат кўрсатиш, мато ва тўқимачилик маҳсулотлари турган бўлса, импортида эса транспорт воситалари, механик ва электроасбоб- ускуналар, хизмат кўрсатиш, пластмасса ва улардан тайёрланган буюмлар турган. 2003 йилинг саккиз ойи давомида Ўзбекистон Жанубий Корея ўртасидаги товарайланма 179,2 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган бўлиб, унинг 39,1 млн. АҚШ долл.и экспортга, 140 млн. АҚШ долл.и эса импортга тўғри келган. 2003 йилда Жанубий Кореянинг экспорт импорт банки томонидан Ўзбекистонга кўрсатган кредити 96,4 млн. АҚШ долл.ни ташкил этиб ушбу ёрдам асосан республикада телекоммуникация узатишларини, «ЎзДэуАвто» кўшма корхонасида бир қатор янги автомобиль русумларини яратиш, касб-хунар

коллежларини янги техник воситалари билан таъминлаш, «Ўзбек ипаги» ассоциациясини техник қайта жиҳозлаш ишларига сарф этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида ҳамкорликни ўрнатилишида Ўзбекистон – Хитой ўртасида ўзаро савдо иқтисодий алоқаларни олиб бориш тўғрисидаги шартномани имзоланиши (1992 йил) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу шартномага мувофиқ 2002 йилда икки давлат ўртасидаги товарайланма 130 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган бўлиб, унинг 17,3 млн. АҚШ долл.и экспортга, 112,7 млн. АҚШ долл.и эса импортга тўғри келган эди. Ўзбекистон экспортида асосан хизмат кўрсатиш, ипак маҳсулотлари, нефть ва нефть – кимёвий маҳсулотлар, пахта толаси, калава иплар турса, импортида эса механик ва электрон – асбоб-ускуналар, оптик буюмлар ва аппаратлар, пластмасса ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, транспорт воситалари, трикотаж кийим – кечаклар, пойафзал, каучук ва резина буюмлар, кофе, чой ва турли ширинликлар туради. Ҳозирги кунда ХХР инвесторлари ёрдамида қурилган 100 дан ортиқ саноат корхоналар (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш умумий савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида) республикада фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида (АВЭС) ХХРнинг 19 та компанияси аккредитация қилинган.

16.3. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиш салоҳияти

Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари улкан территорияга, кўп миллионли аҳолисига, турли-туман ресурсларга эга бўлсада, у бошқа мамлакатлар билан доимий ва белгиланган иқтисодий алоқаларга эга бўлмасдан туриб, якка ҳолда ривожланишнинг юқори чўққиларига эриша олмайди. Жаҳон хўжалик алоқаларининг моддий-ашёвий асосларини у ёки бу минтақавий гуруҳлар ёки иттифоқларга бирлашган мамлакатларнинг интеграциявий салоҳияти ташкил қилади.

Мамлакатларнинг интеграция салоҳияти халқаро иқтисодий интеграциянинг алоҳида томонлари, яъни субъектларини амалга оширадиган халқаро ишлаб чиқариш, иқтисодий ҳамкорлик ва алмашув предмети бўлган табиий, меҳнат, ишлаб

чиқариш, молия-кредит, савдо ресурслари, илмий ходимлар ва одамларнинг ақлий қобилиятининг мажмуасидир. Ўзбекистоннинг интеграция алоқаларини жадаллаштиришга хизмат қиладиган асосий омилларнинг салоҳиятини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

- Евроосиё қитъасида қулай геостратегик жойлашуви;
- ер, минерал хомашё ва ўсимликлар дунёсининг катта захираси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлган унумдор тупроқ ва иқлим шароитлари;
- ташқи савдо ва экспорт салоҳияти;
- давлатлараро кооперациялашув рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон берадиган йирик ишлаб чиқариш салоҳияти;
- инсонлар салоҳияти (меҳнат ресурслари) ва шунингдек, нисбатан арзон (жаҳон миқёсида олиб қараганда) ишчи кучининг мавжудлиги;
- ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, яъни республикани МДХ бошқа минтақа давлатлари билан боғлаб турадиган, автомобиль ва темир йўл магистраллари, телекоммуникация тизимининг мавжудлиги;
- республикада ўзаро фойдали ташқи иқтисодий ва интеграция ҳамкорликнинг яхши кафолати бўлган барқарор сиёсат.

Юқорида кўрсатилган позициялар бўйича миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитида мамлакатнинг интеграциявий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш ҳолатига баҳо бериш керак. Биринчи навбатда, бу потенциалнинг таркибий қисмлари бўлган геостратегик жойлашуви, табиий-хомашё ва меҳнат ресурслари, шунингдек экспорт имкониятларни тавсифлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ноёб табиий бойликларга, кудратли иқтисодий ва илмий-техникавий ва маънавий салоҳиятга эга. Ўзбекистон Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиё йўллари чорраҳасида жойлашган. Республикамиз Евроосиё материғи учун иқтисодий ва маданий кўприк бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар ва маданий қадриятларнинг ҳаракати учун яхши шароит яратилган. 26 миллиондан ортиқроқ аҳолиси бўлган Ўзбекистон географик жихатидан ҳам, сиёсий

жиҳатидан ҳам Марказий Осиёнинг ўзаги ҳисобланади. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири Буюк Ипак йўли ҳам шу ердан ўтган. Халқимизнинг маданий тарихи уч минг йилликларга бориб тақалиб, кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Моварауннахр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган. Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива каби шаҳарлари жуда қадим замонлардан дунёга машҳур бўлган. Ушбу шаҳарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Ҳинд океанигача бўлган масофада алоқа ўрнатган бўлиб, ўтмиш аجدодларимиз азалдан ташқи дунё халқлари билан ҳар тарафлама халқаро алоқаларни ривожлантириб келишган.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиши ва унинг жаҳон ҳўжалиги тизимига интеграциялашуви ўз навбатида унинг салоҳияти билан дунёда тутган мавқеи билан характерланади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ўлка бўлиб, мамлакат ҳудудида 2 2700 дан ортиқ фойдали қазилма конлари мавжуд, уларнинг 900 га яқини ҳозирги кунда ўзлаштирилган. Ўзбекистоннинг келажаги қимматбаҳо қазилма бойликлари билан, рангли ва ноёб металллар билан, органик ёқилғининг барча турлари (нефть, табиий газ ва газ конденсати, кўмир, уран) билан қурилиш материалларининг кўплаб турлари ва бошқа конларни ўзлаштириш билан боғлиқдир. Қатор фойдали қазилма конларнинг (олтин, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолинларнинг) аниқланган захиралари ва истиқболли лойиҳалари бўйича Ўзбекистон нафақат МДҲда, балки дунё миқёсида ҳам етакчи ўринларни эгаллайди.

Ўзбекистон қазиб олинган олтиннинг умумий ҳажми бўйича дунёда саккизинчи ўринни, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса бешинчи ўринни эгаллайди. Республикада 30 га яқин олтин конлар аниқланган. Мурунтодаги олтин конларини (миқдори ва сифати бўйича) Колондайк (АҚШ), Витватерсранд (ЖАР), Колар (Ҳиндистон) сингари жаҳондаги энг йирик конлар билан бир қаторга қўйиш мумкин. Мустақиллик шарофати туфайли, олтин захираларини ўзи тасарруф этиш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон, жаҳон олтин бозорида ҳам тенг ҳуқуқли ҳамкор бўла олиши мумкин.

Бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича газ конденсати захираларининг 74 %, нефтнинг 31 %, табиий газнинг 40 %, кўмирнинг 55 %и Ўзбекистон хиссасига тугри келади. Табиий газ қазиб олиш бўйича республика МДХ мамлакатлари ичида учинчи ўринда ва дунёдаги бу соҳанинг кучли 10та етакчи мамлакати қаторида туради.

Ўзбекистон Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари доирасида пахта етиштирувчи асосий мамлакат бўлиб ҳисобланади. Пахта толаси етиштириш бўйича Ўзбекистон дунёда тўртинчи ўринда, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Республика сабзавот, мева, узум етиштириш бўйича ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 6 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Пахта хомашёсини ва мева - сабзавот маҳсулотларини етиштиришдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ушбу соҳаларда ҳам жаҳон бозорида етарлича ҳамкорлик қилиш имкониятига эга эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон МДХ давлатларининг ягона газқувур тизимига киради. Унинг 9 та бош газ транспорт тармоғи нафақат Ўрта Осиё учун балки, МДХнинг Европа қисми давлатлари ва Кавказорти учун ҳам умумдавлат аҳамиятига эга.

Республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарасида ва ташқарига ташишни (МДХ, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан) таъминловчи тармоқланган транспорт тизими шаклланди. Ўзбекистон Козоғистон Республикаси билан мустаҳкам транспорт алоқасига эга. Бу алоқа йўллари орқали республикамиз Россия, Хитой ва Осиёнинг бошқа давлатлари, Тинч океани минтақаси автойўлларига чиқиши таъминланади.

Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида Трансosiё магистралининг бир қисми ҳисобланган ва Жануби-Шарқий Осиёни Ғарбий Европа билан туташтирадиган Транссибирь магистралидан 1500 км қисқа бўлган Тажан-Серахс-Машхад янги йўли ишга туширилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларига Поти порти орқали Европа билан боғланиш имкониятини берувчи Туркманистон ва Транскавказ йўли орқали ўтган транспорт йўлаги ўзлаштирилди.

Республика автомобиль йўллари тармоғи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Мавжуд автомобиль йўллари республика ҳудуди орқали Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон давлатларига ва улар орқали эса Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари йўлларига транзит юк ва йўловчиларнинг узлуксиз ўтишини таъминлайди.

Ўзбекистон миллий авиакомпанияси Боинг- 747, А-310, Ил-86, ТУ-154 ва бошқа шу каби замонавий ҳаво лайнерларига ва маҳаллий йўлларга мўлжалланган кўп миқдордаги ҳаво кемаларига эга. Ўзбекистон МДХнинг бир неча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатлари: АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур кабилар билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Ўзбекистон ривожланган телекоммуникация тармоғига эга. Республикада телефон тармоғи хизматидан 1,5 млн.дан ортиқ абонент фойдаланмоқда. Телефон тармоғи абонентларига маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон хизматлари, уяли ва пейжинг алоқаси хизматлари кўрсатилмоқда. Мавжуд транспорт ва телекоммуникация тармоқларининг ривожланиши, Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги нуфузини оширмоқда ва халқаро алоқаларини янада кучайтирмоқда. Сайёҳлик (туризм) ни ривожлантириш учун имкониятларимиз жуда катта. Республика ҳудудида 4 мингдан ортиқ меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг кўпчилигини ЮНЕСКО ўз муҳофазасига олган.

16.4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг мустақил ривожланиш йўлини танлади ва мустақил иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга киришди. Бу жараёнда аввал бозор муносабатларини шакллантиришнинг турли моделлари ва мамлакатларнинг ривожланиш йўллари ўрганилди. Бунга кўра, бозор иқтисодиётига ўтишнинг «ўзбек модели»нинг беш тамойили Республика Президенти И. Каримов томонидан олға сурилди.

1. Иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши.

2. Давлат бош ислохотчи, иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори.

3. Қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг тенглиги ва ҳамманинг қонунга буйсуниши.

4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги.

5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислохотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш.

Ушбу йўл ҳақиқатан ҳам, Президент И. Каримов номи билан жаҳонга танилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» эди. У мавжуд бўлган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт йўналиши бўлиб, у қуйидагиларга асосланади:

- бозор иқтисодиёти ва демократия тамойилларига асосланган жамиятни барпо этишга;
- собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейинги Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолати, мавжуд шарт-шароит ва имкониятларга;
- халқнинг менталитети ва тарихий анъаналари, ислохотларни амалга оширишнинг у ёки бу суръатларига аҳолининг тайёргарлик даражасига.

Ислохотлар ва иқтисодий тараққиётнинг бош мезони, Президент И.Каримов таъкидлаганидек «Ислохот — ислохот учун эмас, балки ислохот — инсон учун, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтаришга қаратилганлигидадир».

1991-2004 йилларда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик дастурларини рўёбга чиқариш жараёнида қуйидагилар амалга оширилди:

- миллий валютани муомалага киритиш ва мустақил пул муомаласини ташкил этиш;
- гиперинфляция оқибатида ҳосил бўлган пул массасини имкон қадар камайтиришни таъминлаш, инфляция даражасини тўла-тўқис назорат қилиш учун миллий пул тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш;
- сотиб олишга қодир умумий талаб ва таклифни мувозанатлаштириш, маҳсулот ва хизмат бозорида муайян мувозанатга эришиш;

- кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштириш: аввал Марказий банк белгилаган ҳисобга олиш фоиз ставкасини ошириб, инфляция камайган сайин уни аста-секин пасайтириш;

- қатъий бюджет сиёсати асосида давлат бюджетини мувозанатлаштириш, бунда давлат кўмаги устунлигини аниқлашда чегаралаш ва танлов тадбирларини кўшиб олиб бориш;

- четдан келтирилаётган ёқилғи-энергетика ресурслари ва дон маҳсулотлари ҳажмини камайтириш ҳисобига, шунингдек энергетика ресурслари ва рангли металллар экспортини ошириш ҳисобига тўлов баланси аҳволини яхшилаш.

Макроиктисодий барқарорлаштириш тадбирлари республикада қуйидаги бозор ислохотлари билан бирга олиб борилмоқда:

- турли фонд институтлари ва маҳсулот бозорларининг бозор инфратузилмасини (банк, суғурта) тузиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни ўз ичига олган қонунлар ислохотини ўтказиш;

- кўпгина вазирлик ва идораларни қайта ташкил этиш, уларни тақсимот ва бошқарув вазифаларини бозор бошқаруви фойдасига ҳал этиш; эркин нархларни жорий этиш;

- маҳсулот, маблағ ва ишчи кучи бозорларини вужудга келтириш.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги мобайнида бир қатор иқтисодий ислохотлар олиб борилди. Ушбу ислохотларни изоҳлаш учун авваламбор мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, иқтисодий кўрсаткичларини маълумотлар орқали таҳлил қилиб кўришимизга тўғри келади.

Макроиктисодий ислохотлар - бутун бир давлатнинг, айти маънода халқнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, давлатнинг барча ижтимоий тизимларини бир маромда ишлашини таъминлаш ҳамда бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликда алоқалар ўрнатилишига имкониятлар яратиш мақсадида олиб борилаётган тадбирлар мужассамдир. Макроиктисодиётда иқтисодий жараёнларни кузатиш учун турли мақсадларга йўналтирилган кўплаб кўрсаткичлардан (ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот, ялпи миллий даромад ва бошқалар) фойдаланилади.

Улар орасида энг асосийси ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи ҳисобланади (20-жадвал).

20-жадвал

Ўзбекистонда 2000 – 2004 йилларда ялпи ички маҳсулот ЯИМ дан % ҳисобида

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Номинал ЯИМ, млн.сўм	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Жами қўшилган қиймат	87,3	87,4	87,6	87,5	87,6
Шу жумлдан:					
Қишлоқ хўжалиги	30,4	30,0	30,6	32,0	40,2
Саноат	13,8	14,1	14,1	14,4	14,6
Қурилиш	6,1	5,8	4,9	5,3	5,2
Бошқа фаолият турлари	37,0	38,2	38,7	32,8	27
Товарларга ва экспорт, импорт муомалаларига соф солиқлар	12,7	11,9	11,7	14,7	15,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2004 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида аграр ислохотларнинг янги йўналишлари белгилаб берилган. Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлиги ва мустақиллиги янада кучайди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун имтиёзлар берилди.

1991-2004 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги улуши 28,3 дан 39,4 %га кўтарилди. Ушбу ўсиш молиявий операцияларининг кенгайиши, савдонинг фаоллашуви, транспорт ва алоқа хизматининг кенгайиши ва бошқа турли хизматларнинг кўпайиши билан тавсифланади.

Ўтган давр ичида саноат ишлаб чиқаришнинг улуши 1991 йилдаги 26,3 дан 2004 йилда 14,6 %га, қурилишнинг улуши эса 8,9 дан 5,2 %га қисқарди, агар қишлоқ хўжалиги тармоғининг ЯИМ даги салмоғи 1991 йилда 37,3 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 40,2 %ни ташкил қилди. (21-22 жадвал)

21-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш бўйича таркиби, %

Кўрсаткичлар	2000й.	2001й.	2002й.	2003й.	2004й.
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Товарлар	50,5	49,9	49,6	48,3	45,8
Хизматлар	36,8	38,2	38,7	38,3	39,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари, 2005.

Ялпи ички маҳсулотнинг қиймат тўзилмаси

Кўрсаткичлар	2000й.	2001й.	2002 й.	2003й.	2004й.
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ишловчиларнинг меҳнат ҳақи	36,2	36,4	35,8	36,2	36,8
Соф солиқлар	14,1	13,8	14,4	14,1	15,1
Ишлаб чиқаришга солиқлар	16,8	19,4	17,9	16,8	16,7
Ишлаб чиқаришга субсидиялар (-)	2,7	5,6	3,5	2,7	3,1
Ялпи фойда (ялпи аралаш даромад)	49,7	49,8	49,8	49,7	49,8
Ялпи фойда	16,9	23,5	20,3	16,9	17,8
Ялпи аралаш даромад	32,8	26,3	29,5	32,8	32,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари, 2005.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барча асосий кўрсаткичларида ўсиш юз берган. Ялпи ички маҳсулот, миллий даромад ва саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда сезиларли ўсиш кузатилган. Хуллас, мустақиллик йилларининг иккинчи ярмида иқтисодиётнинг барча соҳалари бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ялпи ички маҳсулотнинг базис йилига нисбатан ўсиши таъминланган. 1996 йилда 1995 йилга нисбатан реал ЯИМ ҳажми 101,7 %ни ташкил қилди. Шунинг учун Республика Президенти 1996 йилни «туб бурилиш йили» деб эълон қилди. 1997 йилда аҳоли жон бошига ЯИМни ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, 102,6%ни ташкил этди. Шунинг учун буй ил «инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Эътиборлиси шундаки, республикамызда 1996 йилдан буён ЯИМ реал ҳажми ўсиб бориш хусусиятига эга бўлмоқда. 2000 йилда ЯИМ аҳоли жон бошига 2278 АҚШ долл.ни ташкил қилди.

Бугунги кунда ЯИМ қўшимча ўсишининг 50 %и саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатимизда ЯИМ 2004 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ривожланиши сабабли йиллик иқтисодий ўсиш 7,7 %га ўсди. 2004 йил ЯИМнинг давомий узлуксиз ўсишининг тўққизинчи йили бўлиб қайд қилинди. Унинг ўсиш суръати ўтган 2003 йил даражасига нисбатан бирмунча (4,1 %га) юқори бўлди.

Ўзбекистонда тизимли ўзгаришларнинг сиёсати иқтисодий ислохотларнинг миллий моделига асосланган ҳолда олиб борилиб, биринчи навбатда иқтисодий

мустақиллик, жумладан, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган эди. Бундан ташқари, ушбу сиёсат минерал хомашё ресурсларининг бой манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муҳим стратегик тармоқларни ривожлантиришга қаратилган эди. Мураккаб макроиқтисодий барқарорлаштириш ҳамда молиявий ресурсларнинг тақчиллиги шароитида хўжалик тармоқларида қайта ўзгаришлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Ушбу қўллаб-қувватлаш биринчи навбатда асосий тармоқлар, яъни нефтни қайта ишлаш, газ саноати, олтин казиб олиш ва қайта ишлаш, рангли металлургия саноати тармоқлари, автомобилсозлик, самолётсозлик, электроника, кимё ва нефт-кимё саноати тармоқларини ривожлантиришга қаратилган эди.

Республика иқтисодиётнинг муҳим стратегик тармоқлари (ёқилғи – энергетика саноати, машинасозлик, металлургия, кимё) давлат томонидан қўллаб-қувватлаши натижасида республикада энергетика ва озиқ-овқат мустақиллиги каби муҳим масалалар ҳал қилинди. Махсулотни ялпи ишлаб чиқаришда қайта ишлов берувчи саноатнинг салмоғи 77,9 %гача қисқарди. Қазиб олувчи саноат тармоқларининг салмоғи эса аксинча 22,1 %гача ортди. Лекин хомашёнинг аксарият қисми қайта ишланмай қолмоқда, бу эса иқтисодиётнинг хомашёга йўналтирилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон саноатида капитал сиғими юқори бўлган тармоқлар салмоғининг ортиши (электр-энергетика – 2 баробарга; ёқилғи саноати – 3 баробарга) кузатилди. Машинасозлик саноатининг тез суръатлар билан ривожланиши махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг янги номенклатура бўйича (автомобиллар, радиоэлектр-техника ва электр-техника махсулотлари ва бошқалар) тез ўсишига имконият яратди. Бу эса уларнинг саноатдаги умумий салмоғи 13,9 %гача ўсишига олиб келди. Лекин биз барқарор ҳолатда ривожланаётган мамлакатлар учун 26 %ни, индустриал мамлакатлар учун 35 %ни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда машинасозлик саноати ривожланиши борасида олиб борилаётган асосий натижалар техник ва технологик мустақилликни таъминлаш учун етарли эмас.

Тизимли қайта қуришнинг муҳим йўналишларидан бири ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг ривожланиши бўлди. 1996 йилдан бошлаб транспорт ва алоқа тизимларини молиявий маблағлар билан таъминлаш кескин ўсди ва умумий капитал қўйилмаларининг 19,6 %ни ташкил этди. Мамлакатнинг жанубий ва шимолий–ғарбий районларидаги бой табиий ресурсларни ўзлаштириш мақсадида Учқудук-Нукус, Гузор-Бойсун-Қумқўргон темир йўли қурилиши тугалланди. Халқаро алоқалар тизимида авиаташув ҳажми кенгайди. 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва телекоммуникация тизимига киришни таъминловчи Осиё-Европа оптик толали алоқалар линияси фойдаланишга топширилди. Лекин бевосита денгизга чиқиш йўлининг мавжуд эмаслиги, импорт ва экспорт қилинадиган маҳсулотларда транспорт харажатларининг юқорилиги рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этишда асосий тўсиқ бўлиб турибди.

Ўзбекистон ишлаб чиқаришида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. 2005 йил якунларига кўра ЯИМ ўсиш суръатлари 7 %ни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши 7,3 %га, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 6,2 % ўсди. 2005 йилда давлат бюджети ЯИМ га нисбатан кутилган 1 % тақчиллик ўрнига 0,1 % профицит билан бажарилди, унинг даромад қисми эса башорат кўрсаткичларидан 39 % зиёд бўлди. Иқтисодиётнинг ўсиш суръати 2000 йилга нисбатан 30,1 %, 1991 йилга нисбатан эса 28,2 %ни ташкил этди. Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислохотлар ва улардан кўзланган мақсадларнинг бажарилиши енгил саноатнинг жадал суръатлар билан ривожланишида ҳам ўз ифодасини топди. 2005 йилда ушбу тармоқда ўсиш 2004 йилга нисбатан 12 %ни ташкил этди.

2005 йилда экспорт қилиш ҳажми 11,5 %га ўсгани республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодий модернизация соҳасида эришилган ютуқларнинг муҳим натижасидир.

Умумий экспортда тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 %дан ошди. Бу эса мустақиллик йилларида энг юқори кўрсаткич 1,3 млрд. АҚШ долл. миқдоридagi ижобий сальдога эришиш имконини берди. 2000 йилда экспорт таркибида пахта

толеси ҳиссаси 27,5 %ни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 19 %ни ташкил этди. Импорт таркибида ҳам маълум ўзгаришлар бўлиб, мамлакатга олиб кириладиган умумий маҳсулот ҳажмида техника ва ускуналарнинг улуши 44 %дан ортди.

2005 йилда номарказ инвестиция манбалари улуши 76,6 %ни ташкил этди, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми эса қарийб 1,5 баробар кўпайди.

2006 йилда иқтисодий ривожланиш бўйича режа ва мақсадлар ҳақида тўхталиб Президентимиз И.А. Каримов: «2006 йилда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари, барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш масалалари доимо диққат марказимизда бўлмоғи даркор», - деб таъкидлаган эди. 2006 йилда ЯИМ 7,2 %га, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 6 % га кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 2006 йилда иқтисодий ривожланиш, авваламбор, саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш (9 %), қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (5,2 %), хизмат кўрсатиш соҳаси (13,2 %) ва садонинг (8,5 %) ўсиши ҳисобига таъминланади. Йил давомида инфляция даражасини чеклаш ва унинг 6-8 % даражада бўлишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

16.5. Ўзбекистонда ташқи савдонинг ривожланиш тенденциялари

Республикада бозор ислохотларини амалга ошириш моделининг асосий таркибий қисмларидан бири ташқи савдодир. Давлат экспорт сиёсати мустақиллик йиллари давомида биринчи навбатда керакли ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратишга қаратилган эди, бу пировард натижада ташқи савдо айланмаси тузилмасидаги ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш тенденциялари, ҳамда ташқи савдонинг глобал миқёсда жонланаётганлиги билан бир қаторда МДҲ мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида бирмунча барқарорлик ва ривожланишни кўришимиз мумкин.

1999 йилдаги баъзи бир пасайишлардан кейин республикадаги корхоналарнинг экспорт фаолиятини ривожланиши ва амалий фаоллигини

кучайиши сўнгги йиллардаги яқунлар кўрсатиб турибди. Бунда товар айланмаси тизимида импортнинг қисқарганлиги ва товар ҳамда хизматлар экспортининг ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу республика иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. 2000 йилда товар айланмасининг ижобий сальдо билан яқунланишига олиб келди. Шунини таъкидлаш жоизки, республика ташқи савдо баланси кейинги йилларда ҳам ижобий сальдо билан яқунланган.

2005 йилда ташқи савдо айланмаси 9,6 %га ўсди. Ижобий сальдо 1,3 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди. 2004 йилда Ўзбекистоннинг умумий товар айланмасида Европа мамлакатлари билан савдонинг улуши 63,1 %ни ташкил этган бўлса, 2005 йилда Ўзбекистоннинг 57,3 % ташқи савдо айланмаси Европа мамлакатларига тўғри келди. Узоқ хориж мамлакатларга экспортнинг 68,2 %, импортнинг 59 % тўғри келди. МДХ мамлакатларига эса мос равишда 31,8 % ва 41 % тўғри келди. Савдо операциялари узоқ хориж мамлакатлари билан 7,6 % га, МДХ мамлакатлари билан эса 13,3 %га ўсди. МДХ мамлакатлари доирасида Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг товар айирбошлаш кўрсаткичлари энг юқори бўлди. Россия билан товар айирбошлаш 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 125,5 %га, Қозоғистон-121,3 %, Белоруссия- 111,8 %, Қирғизистон-105,7 %га ўсди.

Ўзбекистон импортининг географик тузилиши ҳам турличадир. Республикага 121 мамлакатдан товарлар олиб келинди (жумладан, яқин хориж мамлакатларининг 11 тасидан). 2005 йилда узоқ хориж мамлакатларига импортнинг 58,9 %и тўғри келди. Аммо узоқ хориж мамлакатлар ҳиссасига келадиган импортнинг улуши 2,5 %га камайди. 2000 йилда товар оқими таркибидаги ўзгаришлар Европа қитъаси мамлакатлари билан амалга оширилаётган умумий товар айланмасининг пасайиши, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан бўлган савдо операцияларининг 7,2 %га кўтарилиши билан характерланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг АҚШ, Чехия, Эрон, Бангладеш, Малайзия ва бошқа қатор мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси ўсиб бормоқда. Осиё мамлакатлари билан иқтисодий, савдо ҳамкорлигининг фаоллашуви ҳам кузатилмоқда. Бундан ташқари ўтган йиллар мобайнида Бразилия, Миср, Австралия давлатлари билан яқин иқтисодий ҳамкорлик давом этиб, барқарор савдо

муносабатлари сақланиб келмоқда. Ўзбекистон билан олиб борилаётган товар айланмасида асосий ўринларни иқтисодий ва саноати ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Корея, Швейцария, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Франция, Италия, Туркия, МДХ давлатларидан Россия, Украина, Қозоғистон эгалламоқда.

2004 йилда Ўзбекистон умумий ташқи савдо айланмасининг 38,2 %и Осиё мамлакатлари улушига тўғри келди. Корея, Япония Туркия, Исроил, Хитой, Ҳиндистон Ўзбекистоннинг энг яқин савдо ва инвестиция ҳамкорлари ҳисобланади.

МДХ давлатлари билан бўлаётган савдода ҳам ижобий силжишлар кузатилмоқда. 2005 йилда давлат ташқи савдоси доирасида Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан бўлган товар айланмаси ўсди. Марказий Осиё давлатлари, Россия Федерацияси, Украина билан товар айланмаси ортиб, Озарбайжон, Грузия ва Арманистон билан савдо операциялари кенгайиб бормоқда.

Статистик маълумотларга қараганда экспорт таркибида унчалик муҳим ўзгаришлар юз бермади, аммо шу билан бирга қатор ижобий ҳолларни кузатиш мумкин. Бу иқтисодиёт соҳасидаги амалий ўзгариш ва ислохотлар, республика экспорт салоҳиятининг ривожланиши, ҳамда ташқи савдо инфратузилмасини такомиллашиб бораётганлигининг самарасидир (23-24 жадвал).

**Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(млн. АҚШ долл.)**

Кўрсаткичлар	2003й.	2004й.	Ҳажмдаги алмашув, % 2003 га нисб. 2004
<i>Ташқи савдо айланмаси</i>	1569,8	2084,2	132,8
МДХ мамлакатлари	449,4	610,0	135,7
Хориж мамлакатлари	1120,4	1474,2	131,6
<i>Экспорт</i>	920,3	1210,3	131,5
МДХ мамлакатлари	197,9	324,7	164,1
Хориж мамлакатлари	722,4	885,3	122,5
<i>Импорт</i>	649,5	874,2	134,6
МДХ мамлакатлари	251,5	285,3	113,4
Хориж мамлакатлари	398,0	588,9	148,0
<i>Савдо баланси</i>	270,8	335,8	X
МДХ мамлакатлари	-53,6	39,4	X
Хориж мамлакатлари	324,4	296,4	X
<i>Ташқи савдо айланмасининг таркиби, % ҳисобида</i>	100,0	100,0	X
МДХ мамлакатлари	28,6	29,3	X
Хориж мамлакатлари	71,4	70,7	X

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ, 2004 й.

Ўзбекистон экспорти ва импортининг географик тузилиши, % ҳисобида

Мамлакатлар	Умумий ҳажмга нисбатан ҳиссаси, % ҳисобида			
	Экспорт		Импорт	
	2003й.	2004й.	2003й.	2004й.
Умумий	100,0	100,0	100,0	100,0
МДХ мамлакатлари	21,5	26,8	38,7	32,6
Қозоғистон	2,1	2,6	5,8	5,3
Россия	6,7	11,1	24,7	20,9
Тожикистон	4,0	3,6	0,6	1,5
Украина	4,5	1,2	6,4	2,8
Бошқа мамлакатлар	4,2	8,3	1,2	2,1
МДХга кирмайдиган мамлакатлар	78,5	73,2	61,3	67,4
Афғонистон	1,8	2,1	-	0,2
Бельгия	1,9	2,2	0,8	0,6
Буюк Британия	13,2	6,7	2,4	1,6
Германия	1,0	1,1	13,8	6,4
Люксембург	3,8	4,6	0,6	0,6
Эрон	6,9	6,7	0,8	1,2
Италия	1,7	1,3	1,8	1,2
Хитой	1,4	2,1	6,4	8,8
Корея	1,5	1,6	6,2	8,4
Латвия	3,6	3,0	0,3	0,4
Нидерландия	0,4	0,2	0,7	0,7
АҚШ	2,4	2,4	7,2	14,3
Туркия	2,9	5,5	4,2	6,0
Франция	0,5	0,3	1,8	1,1
Швейцария	6,4	7,4	0,6	0,3
Япония	0,3	0,2	0,7	1,6
Бошқа мамлакатлар	28,8	25,8	13,0	14,0

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ, 2004 й.

Бой табиий ва қулай иқлимий шароитга эга бўлган Ўзбекистон жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари бозорларини қишлоқ хўжалиги, шунингдек саноат соҳалари билан бевосита боғлиқ бўлган анъанавий маҳсулотлар билан таъминлайди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳида ёнғоқ ва мевалар экспорти 1,2 баробарга, ўсимлик ёғи экспорти 12 %га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Консерва, шарбатлар, турли ичимликлар ва бошқа шу каби маҳсулотлар катта миқдорда экспорт қилинган.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида пахта толаси устунлик қилмоқда. Бу маҳсулот экспорти мамлакат учун муҳимдир. Ўзбекистон уни ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини

эгаллайди, савдоси бўйича эса жаҳон бозорида иккинчи ўринни эгаллайди. Республика ичида қайта ишлашнинг кенгайиши, ҳамда жаҳон бозорида пахтанинг нархи ва унга бўлган талабнинг ортиши республикада пахта толаси экспортини белгиловчи омил бўлди. 2005 йилда республиканинг экспорт таркибида пахта толасининг улуши пасайди ва умумий экспорт ҳажмининг 19 %ни ташкил этди. Пахтадан ишлаб чиқарилган товарлар ассортименти кенгайди ва экспорт ҳажми ортди. Ҳар хил турдаги ип, мато ва улардан тайёрланган маҳсулотлар экспорт таркиби мустаҳкам ўринни эгаллаб, бундай маҳсулотларнинг умумий экспортдаги улуши ортиб бормоқда.

Саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишловчи соҳаларини динамик ривожланиши минерал ва кимёвий маҳсулотлар гуруҳидаги экспорт таркибининг кенгайишига ёрдам берди. Хомашё экспортининг пасайиши даврида МДХ давлатларига анорганик кимё маҳсулотлари экспорти 1,6 баробар ўсганлигини, узок хорижий мамлакатларга минерал ўғитлар экспорти 2,9 %га ва бошқа минерал кимёвий маҳсулотлар экспорти эса 1,6 баравар ортганлигини кўрсатади.

Жаҳон иқтисодиётида рангли металллар нархининг кўтарилиши, металлургия саноат корхоналарининг фаолиятини барқарорлиги қора ва рангли металлларни, улардан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ҳамда экспортини кенгайтириш имконини берди. Рух, мис, молибден, алюминий, вольфрам ва бошқа рангли металллар, улардан тайёрланган маҳсулотлардан хорижлик ҳамкорлар кенг фойдаланишмоқда. 2001 йилда республика экспортида қора ва рангли металллар ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотларнинг улуши ўсиб, умумий экспорт ҳажмининг 6,7 %ни ташкил этди.

Жаҳон иқтисодий ҳудудида давлатларнинг интеграцияси ва ташқи иқтисодий алоқаларининг янги сифат даражасида шаклланиши нафақат янги корхоналарнинг ташкил топишига, балки саноатнинг ҳамма соҳаларида ишлаб чиқаришнинг техник – технологик модернизациялашишига туртки бўлди. Товарларнинг янги турлари саноат соҳаларида, хорижий инвестициялар орқали ташкил этилган корхоналарда, хусусий секторда ҳамда ўрта бизнес корхоналарида ўзлаштирилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида янги корхоналарнинг ташкил этилиши, саноатнинг янги соҳаси бўлмиш – автомобилсозлик саноатининг ривожланиши республиканинг товар айланмасига, экспорти ва импортига таъсир кўрсатмоқда. Республика саноат соҳаларида машина ва асбоб-ускуналар экспорти 2000 йилда 3,4 %га, 2004 йилда эса 3,8 %га ортди.

Ўзбекистоннинг ташқи савдосидаги яна бир ижобий натижа – импортнинг барқарор равишда пасайиб бораётганлигидир. Импорт таркибида ҳозирги кунда баъзи бир товарлар улуши ортиб, баъзиларининг улуши эса пасайиб бормоқда. Масалан, кейинги 2-3 йил давомида машина ва асбоб – ускуналар, қора ва рангли металллар, хизматлар импорти ортган бўлса, энергия манбалари, озиқ -овқат ва бошқа маҳсулотлар импорти борган сари қисқариб бормоқда.

Миллий электротехника ва автомобилсозлик саноатининг ривожланиши кўпгина товарлар импортидан воз кечиш имконини берди. Масалан, транспорт воситаларининг импорти 36,3 %га қисқарди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон товар ва хизматларни экспорт қилувчи асосий давлатлар – АҚШ, Корея, Германия, Туркия, Франция, Япония, Хитой, Польша, Россия, Украина, Қозоғистон бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бери ўтган давр мобайнида мамлакатда очиқ иқтисодиётни шакллантириш борасида кўплаб ишлар қилинди, бугунги кунда корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши учун ҳуқуқий асослар яратилди, хорижий инвестициялар фаолияти кафолатланди. Ташқи савдонинг миқдорий жиҳатдан чегараланиши тариф асосида бошқариш билан алмаштирилди, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари орқали имкониятлар берилди.

Ташқи савдони ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ташқи иқтисодий фаолиятни мақсадга йўналтирилган ҳолда либераллаштириш сиёсатини ўтказиш;
- экспорт ва импорт тузилмасини, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш йўли билан такомиллаштириш;

- республикамизда экспортга мўлжалланган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш;
- хорижий капитални аввало моддий экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга жалб қилиш;
- Ўзбекистонни жаҳон транспорт коммуникацияларига интеграциялашувини ривожлантириш.

16.6. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолият

Иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёнлари инвестиция фаоллиқни таъминлайди. Бундай шароитда инвестиция фаоллиқ жорий йилда 3012,9 млрд. сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш имконини берди. Инвестицияларнинг ўсиш ҳажми 107 %га тенг бўлиб, 2004 йилга нисбатан 1,8 фоизга бандига юқори бўлди. ЯИМда инвестицияларнинг улуши 2004 йилги 20,2 % ўрнига 2005 йилда 19,8 %га тенг бўлди. Инвестициялаш муҳотида яратилган шарт-шароитлар иқтисодий ривожланишга ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Умумий инвестициялар ҳажмининг ўсиши билан қўмитаси асосий капиталдаги инвестициялар ҳажмининг мулкчилик шакллари бўйича ўзгариши кузатилди. Давлат секторига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 5,2 % бандига камайиб, иқтисодиётга киритилган барча инвестицияларнинг 36,2 %ини ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичга мос равишда нодавлат секторга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 63,8 %га оширилди (25-жадвал).

25 - жадвал

Мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг тақсимланиш таркиби (%)

	04/1	04/1-11	04/-III	2004	05/I	05/I-II	05/-III	2005
Асосий капиталга инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100
Давлат мулки	40,8	43,7	42,8	41,4	32,3	40,3	39,8	36,2
Нодавлат мулк	59,2	56,3	57,2	58,6	67,7	59,7	60,2	63,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, 2005й.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, солиқ тизимини босқичма - босқич такомиллаштириш саноат ишлаб чиқаришининг молиявий жихатдан барқарорлигини таъминлади, бу эса ўз навбатида корхоналарнинг ўз (ички) маблағларини шакллантиришда фойда улушининг кўпайишини фаоллаштирди, хусусий секторнинг инвестиция фаоллигини оширди. Молиялаштириш манбалари бўйича капитал қўйилмалар умумий таркибида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестицияларининг улуши 5,3 % бандига ўсиб, 48,5 % га тенг бўлди.

Замонавий технологияларни татбиқ қилиш зарурати, тадбиркорлик бўйича чел эл тажрибасини ўзлаштириш ва инвестиция муҳитининг яхшиланиши борасида амалга оширилган чора-тадбирлар мамлакатда капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида чет эл инвестицияси таркибининг ўзгаришига олиб келди. Бунда тўғридан-тўғри инвестицияларни олиб киришнинг фаоллашуви кузатилди. 2005 йилда ушбу кўрсаткич умумий хорижий инвестицияларнинг 68,7 % ни ташкил этди. 2005 йилда иқтисодиётга 356,4 млн. АҚШ долл.и миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилди, бу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 1,5 марта кўпдир. "Уздунробита" ҚҚ, "Юнител Компани" ШК, "Кўкдумалоқ-газ" ҚҚ, "Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш" ҚҚ, "Фарм Глас" қўшма корхоналари ва бошқа корхоналардаги қурилиш ва асбоб-ускуналарнинг келтирилиши ҳисобига инвестициялар ҳажми ошди.

Корхоналар маблағлари ҳисобига шаклланган инвестициялар улушининг кескин ўсиши ҳисобига, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмидаги аҳоли маблағларининг улуши 11,8 % гача пасайди ёки ўтган йилга нисбатан 0,6 % бандига паст бўлди. Аҳоли маблағларининг асосий қисми яқка тартибдаги уй-жой қурилишига йўналтирилган бўлиб, ушбу инвестиция салоҳиятидан паст даражада фойдаланилмоқда.

Бюджетдан ташқари фонд маблағларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга фаол жалб қилиниши инвестициялар ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Бюджетдан ташқари фонд маблағларининг капитал қўйилмалари таркибидаги улуши 2,3 % бандига ошиб, умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши

4,7 %гача ошди. Бюджетдан ташқари фондлар, жумладан Республика йўл фонди маблағлари республика ва маҳаллий даражадаги автомобиль ва темир йўлларни куриш ва қайта таъмирлаш учун ажратилди.

Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қабул қилинган чоратadbирлар натижасида қисқа муддатли ва узоқ муддатли банк кредитларининг ўртача фоиз ставкалари камайтирилди ва унинг натижасида тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторини инвестициялаштириш жараёнидаги улуши 2,9 % гача ошди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,6 % бандига юқори бўлди.

Инвестиция жараёнларида давлатнинг иштирокини қисқартиришга йўналтирилган мамлакатда ўтказилаётган маъмурий ислохотлар марказлаштирилган маблағлар ҳажмининг пасайишига олиб келди. 2005 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган инвестициялар ҳажми 384,2 млрд. сўм атрофида, ҳукумат кафолати эвазига киритилган чет эл инвестициялари ҳажми 180,8 млрд сўмни ташкил этди. Давлат бюджетининг тўғридан-тўғри харажатларининг асосий капиталга қўйилган жами инвестициялардаги улуши 2,1 % бандига, ҳукумат кафолати билан жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг улуши эса 8,5 % бандига қисқарди ва бу мос равишда 2005 йилги жами инвестициялар ҳажмининг 12,8 % ва 6,0 %ини ташкил этди.

2005 йилда асосан асосий капиталга инвестициялар оқимининг қайта тақсимланиши билан боғлиқ бўлган саноат ва инфратузилма тармоқларининг ривожланиши иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатди. Инвестицияларга бўлган талаб динамикаси тармоқлар ва технологик тузилмаларнинг ўзгариши омилларининг жами таъсири билан аниқланади.

2005 йилдаги инвестициялар ҳажмининг 50,1 %и иқтисодиётнинг таянч тармоқлари (саноат, транспорт ва алоқа) га йўналтирилди, бу эса капитал қўйилмаларнинг салмоқли ҳажмининг (65,3 % гача) ишлаб чиқариш соҳасида тўпланишига олиб келди. Ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 1968,3 млрд. сўмни ташкил этди. Саноатда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2,5 % га ошди. Унинг жами капитал қўйилмалардаги улуши 29,9 %ни ташкил этди ёки 1,3 % бандига ўсди. Саноатни ривожлантириш учун ўз маблағлари

ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига Қандим углеводород конлари ўзлаштирилди, шунингдек ПХГ "Газли" сиқув компрессор станциясида, Дехқонобод калийли ўғитлар заводида, шиша ва ойна ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Кварц" АЖда ва истеъмол мажмуида фаолият юритаётган бир қатор қўшма корхоналарда қурилиш ишлари амалга оширилди. Самарқанд кимё ва Қўқон суперфосфат заводларида таъмирлаш ишлари олиб борилди (26-жадвал).

26-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби (%)

	04/I	04/1-II	04/1-III	2004	05/I	05/1-II	05/1-III	2005
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Ишлаб чиқариш йўналишига	63,4	55,7	56,2	64,1	67,4	61,1	62,2	65,3
Саноат	28,1	23,3	26,7	28,5	33,1	28,5	30,1	29,9
Қишлоқ хўжалиги	5,0	2,9	3,0	3,4	2,9	3,3	3,4	3,2
Қурилиш	0,2	0,3	0,5	0,5	2,8	0,4	0,6	0,8
Транспорт ва алоқа	21,7	19,0	17,1	23,1	22,0	23,1	21,6	20,2
Савдо ва умумий овқатланиш	1,5	1,2	1,4	1,3	1,3	0,9	1,3	1,3
Бошқа соҳалар	6,9	9,0	7,5	7,3	5,3	4,9	5,2	9,9
Ноишлаб чиқариш йўналишига	36,6	44,3	43,8	35,9	32,6	38,9	37,8	34,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. 2005й.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар инфратузилма тизимларини устувор ривожлантиришни ва транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантиришга қўшимча инвестициялар киритишни таъминлаб берди. Ушбу соҳаларга йўналтирилган инвестициялар ҳажми уларнинг умумий ҳажмида 20,2 %ни ташкил этди. Дизель локомотивлар парки модернизация қилинди, Тошгузар-Бойсун-Қумқурғон темир йўл йўналиши тизимларини ҳамда бир қатор халқаро аҳамиятга молик автомобил йўллари қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан республика телекоммуникация тармоғини модернизациялашнинг иккинчи босқичи амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар 0,2 % бандига қисқарди, бу инфратузилма объектлари ва дон ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган қисмининг камайиши билан боғлиқ бўлди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларнинг капитал қўйилмалар умумий таркибидаги улуши 3,2 %ни ташкил этди. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида сув хўжалиги объектларини қуриш, жанубий Қорақалпоғистонда ернинг захини қочириш тизимини яратиш бўйича қурилиш ишлари ва Аму-Занг канали насос станцияларини қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди. 2005 йилда хорижий капиталнинг ҳажми 518,2 млн. АҚШ долл.ни ташкил қилди. Ишлаб чиқариш соҳасида унинг улуши 3,5 % бандига ошди ёки умумий инвестициялар ҳажмининг 86,2 %ни ташкил этди. Саноат тармоғи инвестициялаш учун энг муҳим тармоқ бўлиб бормоқда. Хориж капиталининг ошиши саноат тармоқларида 9,2 фоиз бандини ташкил этди. Хориж инвесторлари учун ўзига жалб этадиган соҳа сифатида транспорт ва алоқа тармоқлари сақланиб қолди. Ушбу соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми хорижл капиталининг умумий улушида 30,2 %ни ташкил этди (27-жадвал).

27-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестициялар таркиби (%)

	04/I	04/1-II	04/1-III	2004	05/I	05/1-II	05/1-III	2005й.
Жами:	100	100	100	100	100	100	100	100
Ишлаб чиқариш йўналишига	81,8	78,7	73,6	82,7	90,6	90,6	88,7	86,2
Саноат	45,1	37,5	39,3	39,0	65,3	54,4	57,6	48,2
Қишлоқ хўжалига	0,2	0,1	0,3	0,7	2,0	1,8	1,8	2,4
Қурилиш	-	-	-	-	0,7	0,3	0,3	0,2
Транспорт ва алоқа	26,3	33,0	28,6	37,9	21,9	33,7	28,8	30,2
Савдо ва умумий овқатланиш	-	-	-	0,3	0,0	0,0	0,1	0,1
Бошқа соҳалар	10,2	8,1	5,4	4,8	0,7	0,4	0,1	5,0
Ноишлаб чиқариш йўналишига	18,2	21,3	26,4	17,3	9,4	9,4	11,3	13,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, 2005.

Саноат тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Саноатда инвестицияларга бўлган энг кўп талаб ёқилғи - энергетика ва металлургия мажмуига тўғри келган бўлсада, инвестициялашнинг тармоқлар бўйича диверсификациясини кузатиш мумкин.

Ёқилғи тармоғида инвестиция улуши 28,4 %ни ташкил этди, бу ўтган 2004 йилга нисбатан 8,1 % бандига ошганлигини кўрсатади ва ушбу тармоқнинг ривожланишнинг янги босқичига чиққанлиги билан изоҳланади. Электр- энергияга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 0,8 % бандига камайди, ёки 8,7 %гача камайди. Металлургия комплексида инвестиция улуши 4,7 % бандига ёки 21,1 %гача ошди бунинг асосий омили қора металлургия соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ (3,6 % бандига ошган).

Машинасозлик комплексида (3,2 дан 3,1 %га), кимё ва нефть кимёси соҳасида (7,5 дан 6,6 %га) ва енгил саноатда (21,0 дан 15,4 %га) инвестициялар улушининг қисқариши кузатилди (28- жадвал).

28- жадвал

Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби(%)

	04/I	04/II	04/III	2004й.	05/I	05/I-II	05/I-III	2005й.
Саноат, жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Электр энергетикаси	11,4	11,9	11,1	9,5	9,5	8,5	7,6	8,7
Ёқилғи	13,7	18,2	17,7	20,3	23,1	30,6	29,3	28,4
Металлургия	10,6	13,0	13,8	16,4	12,9	20,2	19,9	21,1
Машинасозлик	2,1	2,4	2,4	3,2	2,4	2,6	3,2	3,1
Енгил саноат	28,1	21,8	23,8	21,0	15,1	13,9	15,7	15,4
Озиқ овқат саноати	2,9	4,8	5,5	5,0	3,5	3,5	4,3	4,4
Кимё ва нефть кимёси	24,8	16,9	11,0	7,5	10,5	7,4	6,5	6,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, 2005.

Саноат тармоқларида асосий капиталга инвестициялар таркибининг ўзгаришига хорижий инвестициялар оқимининг тармоқлар бўйича ўзгариши сабаб бўлди. Ёқилғи саноатида хорижий инвестицияларнинг улуши 18,6 %гача, металлургия мажмуида 16,7 %гача ўсди. Ёқилғи саноати ва металлургия мажмуига хорижий инвестицияларнинг жиддий суръатда ўсиши углеводород конларини ўзлаштиришнинг бошланиши ва мавжуд тоғ қазиб чиқариш корхоналарининг техник ускуналар билан қайта таъминланиши билан боғлиқ (29 - жадвал).

Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестициялар таркиби (%)

	04/I	04/I-II	04/I-III	2004й.	05/I	05/I-II	05/II-III	2005й.
Саноат, жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Электр энергияси	8,7	6,8	7,8	6,6	6,5	3,5	3,2	2,6
Ёқилғи	2,0	2,3	1,3	4,5	6,3	24,1	22,7	18,6
Металлургия	0,1	0,0	0,0	5,5	11,4	16,9	15,6	16,7
Машинасозлик	0,1	0,5	1,3	1,5	0,1	1,5	1,1	1,7
Енгил саноат	55,2	56,3	61,5	50,1	31,9	32,5	35,5	38,5
Озиқ-овқат саноати	0,7	3,3	2,6	3,6	2,6	3,0	4,4	5,5
Кимё ва нефть кимёси	32,1	24,7	15,5	9,2	1,2	0,5	0,8	0,9
Қурилиш материаллари	0,0	2,2	1,4	0,8	8,7	-	3,9	3,5
Бошқа тармоқлар	1,1	3,9	8,6	18,2	31,3	18,0	12,8	12,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, 2005.

Инвестиция дастурларининг амалга оширилиши янги қурилиш объектлари ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатди. Машина ва механизмларни сотиб олишга йўналтирилган харажатларнинг камайиши ва қурилиш-монтаж ишларига бўлган харажатларнинг ошиши кузатилди. Янги машина ва механизмларни сотиб олишга сарфланган инвестицияларнинг улуши 4,8 % бандига камайди ва иқтисодиётда амалга оширилган инвестициялар умумий ҳажмининг 38,8 %ини ташкил қилди (30 - жадвал).

30 - жадвал

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби, (% ҳисобида)

	04/I	04/I-II	04/I-III	2004й.	05/I	05/I-II	05/I-III	2005й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Қурилиш — монтаж ишлари	50,4	53,8	50,9	45,6	48,5	54,2	52,6	47,0
Машиналар, ускуналар, инвентарлар	37,9	32,4	37,6	43,6	37,7	34,0	34,8	38,8
Бошқа харажатлар	11,7	13,8	11,5	10,8	13,8	11,8	12,6	14,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, 2005.

Инвестиция жараёнларининг янада фаоллашуви кўп жиҳатдан маҳаллий ва хориж инвесторларини, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва рағбатлантириш бўйича амалиётда ишлаб чиқилган механизмлар ва ричагларга кўп томонлама боғлиқ.

Тўғридан-тўғри сармояларни жалб этиш ва хорижий кредитларни таккослаганимизда 2000 йилда 24 %ни ташкил этди, ушбу фоиз таркиби 986,8 млн.

АҚШ долл.ни ташкил этди. Биргина ушбу босқичда хорижий сармоялар ҳажмида тўғридан-тўғри сармоялар улуши 37 %га камайди ва бу улуш 188 млн. АҚШ долл.ни ташкил этади. Умумий сармоялар улушидан хорижий сармоялар улуши 7,6 дан 4,6 % га камайди. 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида хорижий сармоялар ҳажми пасайиши кузатилди. 2001 йилда хорижий сармоялар ҳажми кимё соҳасида 25 %ни ташкил этди.

16.7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида амалга оширилган аграр ислохотлар

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш суръатларини жадаллаштиришни талаб этмоқда. Иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, чуқур, самарали таркибий ўзгаришларни мамлакат иқтисодий ва табиий омилларидан оқилона фойдаланиш орқалигина амалга ошириш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт таркибининг шаклланиши энг аввало иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ҳисобига юз беради бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини хомашё экспорт қилишини камайтириш билан бирга уни қайта ишлашни ривожлантиришга, валюта маблағларининг тежалишига, аҳоли бандлигининг ошишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий ўринда турувчи аграр-саноати ривожланган мамлакат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигининг ҳолати ва тараққий этиши аҳолини турмуш фаровонлигини ортишига, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожланишига, истеъмол бозорининг барқарорлигига асос яратади. Қишлоқ хўжалигининг аҳамияти яна шундаки, у саноат учун хомашё етиштириб берувчи ҳамда мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи тармоқ ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар иқтисодий ислохотларнинг ўзбек моделининг асосий принциплари асосида амалга оширилди. Бу энг аввало, ташкилий-ҳуқуқий асосларнинг яратилишида, таркибий-инвестиция сиёсатни юритишда давлатнинг фаол аралашувида ҳамда таркибий ўзгаришларнинг кетма-кетлигида ўз аксини топди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бир қатор ўзига хос бўлган хусусиятларга эга бўлиб, булар биринчи навбатда ер-сув ресурсларининг чекланганлиги, айрим қишлоқ ҳудудларида аҳолининг зич жойлашганлиги, иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларининг ушбу соҳа билан бевосита

боғлиқлигидир. Бу ва бошқа ўзига хос хусусиятлар қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруратини, унинг мақсад ва босқичларини асослаб берди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Республикамиз ҳукумати тармоқни ривожлантиришни биринчи галдаги вазифа қилиб белгилаб олди ва аграр ислохотларнинг энг устувор вазифалари қилиб қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, пахта якка ҳокимлигидан воз кечиш, аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва бошқалар белгилаб олинди.

Иқтисодиётда таркибий ислохотларнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнида иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида жумладан қишлоқ хўжалиги, саноат соҳаларида доимо ривожланиб боровчи ўзгаришларга эришиш муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда ҳам таркибий ислохотларни амалга оширишда қуйидаги вазифаларнинг устуворлиги белгилаб олинди:

- хомашё етиштиришга ихтисослашган иқтисодиётимизнинг бир томонлилигини бартараф этиш;

- тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган даражага етказиш;

- мамлакатимиз энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларини, ўзак тармоқлар ҳисобланувчи-нефть ва газ саноатини ривожлантириш;

- ички бозорда талаб билан таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш;

- қишлоқ хўжалигида пахта билан бир қаторда ғаллачилик, картошка, ем-хашак етиштиришни ривожлантириш ва ҳ.к.лар.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи даврида ер билан боғлиқ бўлган масалалар ҳал этилди. Бу ерни турли субъектлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигида хусусий мулкчиликни ривожлантириш мақсадида ер биринчи навбатда қишлоқ оилаларига сўнгра фермер ва деҳқон хўжаликларига берилди. Шундай қилиб, қишлоқда хусусий мулкчиликнинг ривожланишига асос яратилди. Бу эса ўз навбатида аграр секторда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ҳамда қишлоқ меҳнаткашлари даромадларининг ошишига олиб келди.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқич даврида қишлоқ хўжалиги корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди, чорвачилик фермалари

хусусийлаштирилди. Бунинг натижасида қисқа муддат ичида колхоз ва совхозлар бозор шароитида фаолият юритишга мослашган жамоа, ижара ва бошқа нодавлат мулк шаклларига айлантирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида бошқа ўтиш иқтисодиёти мамлакатларда (Марказий-Шарқий Европа давлатларида) бўлгани каби бирданига ўсиш кузатилмади. Мамлакатимиз иқтисодий ислохотларнинг босқичма- босқич йўлидан бориб, моддий-техника воситалари билан таъминлашда, пахта ва буғдойни етиштириш, нархларни шакллантиришда ҳамда сотиб олишда давлат назорати сақлаб қолинди, шу билан биргаликда қайта ишлаш саноати корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти чеклаб қўйилди.

Агарда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати ўсиш суръатларини кўриб чиқадиган бўлсак, 1991-2004 йилларгача бўлган даврни икки босқичга ажратишимиз мумкин. Биринчи босқич – 1991-1996 йилларни ўз ичига қамраб олиб, бу ишлаб чиқаришнинг камайиш даври ҳисобланади; иккинчи босқич – 1997 йилдан бошлаб, ялпи ички маҳсулотда ялпи қўшилган қийматнинг барқарор ўсиш даври ҳисобланади (31-жадвал).

31- жадвал

Ялпи қишлоқ хўжалигида маҳсулот таркиби, (%да)

	1992й.	1993й	1994й	1995й	1996й	1997й	1998й	1999й.	2000й.	2001й.	2002й.	2003й.	2004й.
Ялпи маҳсулот (ишлаб чиқариш)	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Дехқончилик маҳсулотлари улуши	60,0	60,0	61,0	61,0	63,0	63,0	64,0	64,0	65,0	65,0	51,6	50,7	51,8
Чорвачилик маҳсулотлари улуши	40,0	40,0	39,0	39,0	37,0	37,0	36,0	36,0	35,0	35,0	48,4	49,4	48,2
Ялпи қўшилган қиймат улуши (ишлаб чиқаришга нисбатан %да)	75,7	71,1	67,3	66,0	66,9	65,4	65,4	65,1	65,6	65,6	65,6	66,5	66,8
Оралик истеъмол улуши (ишлаб чиқаришга нисбатан %да)	24,3	28,9	32,7	34,0	33,1	34,6	34,6	34,8	34,4	34,4	34,4	33,5	33,2

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил. 2005 йил март, № 8. 52 б.

Ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати улушининг камайиши 90-йилларда давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг барбод

бўлиши билан ҳамда маъмурий буйруқбозликдан бозор иқтисодиётига ўтиш даври билан боғлиқ бўлган омиллар билан асосланади.

2004 йилга келиб оралиқ истеъмоли 1991 йилга нисбатан 8,9 %га ошди. яъни оралиқ истеъмоли ялпи ишлаб чиқаришга нисбатан 1991 йилда 24,3 %ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 33,2 %га етди. Қишлоқ хўжалигида оралиқ истеъмолининг ортиши асосан ёнилғи мойлаш материалларига, ўғит ҳамда импорт қилинадиган маҳсулотларга нархларнинг ошиши ҳисобига юз берди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши юқори бўлиб келмоқда. Бироқ охириги уч йил мобайнида деҳқончилик маҳсулотлари улуши камайиб, чорвачилик маҳсулотлари улушининг ўсиши кузатилмоқда. .

1996-2004 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати улушининг барқарор ўсиши кузатилаётган бўлсада, умуман бу давр ичида қишлоқ хўжалигида айрим маҳсулотлар улуши камайди (32-жадвал).

32-жадвал

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг
асосий кўрсаткичлари**

	Ўлч. бирлиги	1996й	1997й	1998й	1999й	2000й	2001й	2002й	2003й	2004й
Пахта	минг.т	3934	3350	3646	3206	3600	3002	3265	3122,4	2822,5
Бугдой	минг.т	3115	1562	3776	4148	4331	3929	4072	5792,6	6262,3
Картошка	минг.т	440	514	692	691	658	731,1	744	777,2	827,8
Сабзовотлар	минг.т	2713	2497	2384	2404	2680	2644	2778	2935,6	3299,2
Мева	минг.т	602	605	548	544	489	791	801	842,9	758,7
Узум	минг.т	621	478	512	336	344	624,2	573	516,4	401,4
Озуқабоп ем	минг.т	472	470	376	461	518	451,4	466	479,1	583,3
Гўшт (тирик вазнда)	минг.т	853	854	801	807	822	842	854	865	935,5
Сут	минг.т	3665	3390	3806	3498	3543	3633	3665	3721,3	4030,3
Тухум	млн.дона	1232	1057	1075	1165	1240	1254	1288	1368,9	1611,4

Манба: Ўзбекистон Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Ишлаб чиқаришнинг камайишига асосий сабаб бизнинг фикримизча қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестиция ва капитал қўйилмалар муҳитда давлат қўмагининг камайиши;
- механизация, химиялаштириш ҳамда мелиорация даражаларининг пасайиши;
- экин майдонларининг қисқариши, ер ҳосилдорлигининг ёмонлашуви;

- саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нархларнинг номутаносиблиги ва бошқалар.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш муносабатларини ислоҳ қилиш аграр соҳада таркибий ўзгаришларнинг энг асосий ва ҳал қилувчи масаласи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан юқорида айтиб ўтганимиздек, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш ва дон мустақиллигини таъминлаш мақсадида донли экинлар майдони сезиларли даражада кенгайтирилди (33-жадвал).

33- жадвал

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик экин майдонлари таркибининг ўзгариши


Экин Турлари	1991 й.		1995 й.		2001 й.		2004 й.		2004й.да 1991й.га нисбатан
	минг гектар	%	минг гектар	%	минг гектар	%	минг гектар	%	
Донли экинлар	1079,9	25,7	1656,5	39,0	1393,7	40,5	1532,6	43,3	141,9
Пахта	1720,6	41,0	1500,0	35,3	1452,1	42,2	1420,7	40,2	82,6
Картошка	40,0	0,9	45,9	1,1	50,8	1,5	48,8	1,4	122
Бошқа экинлар	1359,8	32,4	1047,6	24,6	547,9	15,9	534,8	15,1	39,3
Жами	4200,3	100	4250,0	100	3444,5	100	3536,9	100	84,2

Манба: Ўз.Р. Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2004 йилда 1991 йилга нисбатан донли экинлар майдони 41,9 %га ўсган бўлса, пахта экин майдони 17,4 %га қисқарган. Бундай ўзгаришлар натижасида донли экинларнинг жами экин майдонидаги улуши 1991 йилда 25,7 %дан 2004 йилда 43,3 %гача ўсди. Айни вақтда пахтанинг жами экин майдонидаги салмоғи 41 %дан 40,2 %гача пасайди. Донли экинлар майдонининг кенгайиши ва ҳосилдорликнинг ошиши эвазига донли экинлар ялпи ҳосили 1991 йилда 1908,2 минг тоннадан 2004 йилда 5539,0 минг тоннагача, яъни мустақиллик йилларида қарийб уч баробар кўпайди ва бунинг натижасида мамлакатимизда дон мустақиллиги таъминланди. Дон мустақиллиги йўлида олиб борилган сиёсат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга қуйидаги оқибатларга ҳам олиб келди:

- пахта экин майдонларининг бир қисми дон маҳсулотлари етиштириш учун ажратилиши пахтани сотишдан келадиган валюта тушумлари қисқаришига олиб келди;

- ем хашак ештиришга мўлжалланган экин майдонларининг бир қисми дон маҳсулотлари учун ажратилиши ўз навбатида чорвачилик маҳсулотларининг камайишига олиб келди (2 чизма).



1-÷èçìà. 1990-2003 èèèèàðää àñññèè кèøëйк õçæàèèèèè ìàññóëïòèèàðèèà àæðàòèèèääí ýèèí ìàéäññèèàðèèèèä ççãàðèèè àèìàìèèèàñè (ìèíã äãèèòàð)

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил. 2005 йил март, № 8. 51 б.

Мамлақатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларнинг яна бир муҳим йўналиши ер, сув, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида ер майдонларини ердан фойдаланувчи турли хил субъектлар ўртасида қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилишидир. Бир сўз билан айтганда қишлоқда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш зарурати. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларнинг босқичма- босқич амалга ошириш кўзда тутилган эди:

- мамлакатда кўп укладли аграр иқтисодиётни барпо этиш;
- ерга эғалик қилиш масалаларини ҳал қилиш;
- қишлоқда бозор инфратузилмасини яратиш;

- қишлоқ хўжалигида янги мулкдорлар синфини шакллантириш;
- қишлоқда кичик саноат корхоналарини ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш;
- қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш;
- қишлоқ хўжалигида ортиқча бўлган меҳнат ресурсларини қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига жалб этиш ва бошқалар.

Қишлоқда хусусий секторни ривожлантириш учун мустақилликнинг дастлабки йилларида ерлар энг аввало, шахсий ёрдамчи хўжаликларга ажратиб берилди (кейинчалик шахсий ёрдамчи хўжаликлар деҳқон хўжаликларига айлантирилди).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки энг қийин йилларида шахсий ёрдамчи хўжаликларга ер берилиши кескин ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнади. Иқтисодий тажрибалар натижасида хўжалик юритишнинг учта самарали ва истиқболли шакли танлаб олинди. Қишлоқ хўжалигида йирик товар ишлаб чиқарувчилар-қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), ўрта товар ишлаб чиқарувчилар-фермер хўжаликлари ва майда товар ишлаб чиқарувчилар-деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсата бошлади. Ушбу хўжаликларнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини таъминлаш мақсадида «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида»; «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқилди.

Ўтиш даври ислохотлари мулк шаклларида ҳам бир қатор таркибий ўзгаришларга замин яратиб, ресурсларни қайта тақсимлашга ҳам сабаб бўлди. 1998 йилдан бошлаб деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси ўса бошлади. Агарда 1998 йилда деҳқон хўжаликлари умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 62,8 %ини ишлаб чиқарган бўлса, 2002 йилга келиб ушбу кўрсаткич 66,5 %ни ташкил этди. Худди шу давр мобайнида фермер хўжаликларининг ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришда улуши 1999 йилда 3,5 %дан 2003 йилда 9,9 %га ортди. Мос равишда 1999-2003 йиллар оралиғида қишлоқ

хўжалиги ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи 33,7 %дан 24,6 %га қисқарди (34- жадвал). Яна шуниси эътиборлики, бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эришилмоқда.

34- жадвал

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хўжалик шакллари бўйича ишлаб
чиқариш таркиби (1999-2003 й.й.)**

	Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари					Фермер хўжаликлари					Деҳқон хўжаликлари				
	1999	2000	2001	2002	2003	1999	2000	2001	2002	2003	1999	2000	2001	2002	2003
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	33,7	32,9	27,8	26,8	24,6	3,5	4,6	5,5	6,9	9,9	62,8	62,5	66,7	66,3	65,5
жумладан: Деҳқончилик	56,4	52,4	46,4	42,6	42,0	5,6	7,4	9,7	11,7	17,6	38,0	40,2	43,9	45,7	40,3
Чорвачилик	10,6	10,1	9,0	9,3	6,8	1,3	1,3	1,3	1,6	1,9	88,1	88,6	89,7	89,1	91,3
Экин майdonлари	81,7	78,2	72,7	68,6	60,5	8,6	12,0	16,7	20,2	28,0	9,7	9,8	10,6	11,2	11,5

Манба: Статистический сборник Узбекистана в цифрах 2003 Т.2003, 106 бет.

Агар 1999 йилда жами экин майдонларининг 81,7 %и қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2003 йилга келиб уларнинг улуши 60,5 %гача пасайди. Айтилиши вақтда фермер хўжаликлариининг жами экин майдонидаги салмоғи 8,6 дан 28,0 %гача ўсди. Жами экин майдони таркибида фермер хўжаликлари улушининг сезиларли даражада ошиши республикамиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий самараси ҳисобланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрь ва 2002 йил 5 январдаги қарорларига мувофиқ аграр секторда паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилди. Ихтисослашган хўжаликлар балансида боғлар ва узумзорларни ижарага бериш тугалланди.

Шу билан бирга фермерликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарурий ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Бунинг натижасида 2002 йилда 2001 йилга нисбатан фермер хўжаликлариининг сони 17 мингтага ёки 30,6 %га ортди. Бугунги кунда фермер хўжаликларига бириктирилган

жами ер майдонларининг ҳажми 1591,7 минг гектарга, ҳар бир фермерга тўғри келадиган ер майдони 22 гектарга етди. Экин майдонлари таркибидаги бундай ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида фермер ва деҳқон хўжаликлари улушининг ўсиши яққол кўзга ташланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1999-2002 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжаликларининг улуши ўсаётган бўлсада, мавжуд салоҳият ва имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмапти. Хусусан, 2002 йилда фермер хўжаликлари жами экин майдонининг 28 %ини эгаллаган ҳолда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 9,9 %ини ишлаб чиқарганлар ҳолос. Деҳқончиликда бу кўрсаткич 17,6 %ни, чорвачиликда 1,9 %ни ташкил этади. Айни вақда деҳқон хўжаликлари жами экин майдонининг 11,5 %ига эгалик қилган ҳолда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 65,5 %ини, ялпи деҳқончилик маҳсулотининг 40,3 %ини, ялпи чорвачилик маҳсулотининг 91,3 %ини ишлаб чиқармоқдалар.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида аграр секторда қуйидаги ижобий ўзгаришларга эришилди:

- кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришга асос яратилди. 1997 йилга қадар иқтисодиётимизда хўжалик юритиш шакллариининг ўнга яқин тури фаолият кўрсатиб келди, бу эса ўз навбатида бозор талабларига жавоб берадиган мулк шакллариини аниқлашга ёрдам берди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мулкдорларни қўллаб-қувватловчи, улар фаолиятини тартибга солиб турувчи янги меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди;

- аграр секторнинг қайта ишловчи корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Мавжуд бўлган корхоналар асосида очик ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари барпо этилди. Чет Эл сармояларини жалб этган ҳолда қўшма корхоналар ташкил этилди;

- пахта ва буғдой сингари стратегик маҳсулотлардан ташқари барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун давлат буюртмаси бекор қилинди. Мазкур маҳсулотлар учун 1999 йилдан бошлаб фьючерс шартномалари кўринишидаги давлат харид қилиш тартиби жорий этилди. Пахта ва буғдой етиштириш учун аванс

тўловлари орқали давлат фондларининг тақсимланиши таъминланди;

- мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ривожланишини тартибга солувчи Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди;

- қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган мини банклар, суғурта ташкилотлари, биржалар, агрохизмат муассасалари ҳамда бошқа шу каби хизмат кўрсатувчи инфратузилма шакллантирилди;

- ягона ер солиғи жорий қилиниб, қишлоқ хўжалигида солиққа тортиш жараёнлари такомиллаштирилди, натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқрувчилари учун мураккаб бўлган солиқ тўлаш ҳисоб-китоблари бекор қилинди;

- яқин келажакда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Табиий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида аграр секторнинг минтақавий ва тармоқ таркибини такомиллаштириш;

- қишлоқ жойларда қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш;

- янги техника технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигида хомашёни қайта ишлаб қўшимча қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгроқ йўлга қўйиш;

- чорвачилик ва паррандачилик соҳаларини хорижий сармояларни жалб этган ҳолда ривожлантириш;

- замонавий суғориш технологияларини ва суғориш бўйича хориж тажрибисини ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш орқали камёб бўлган сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва шу орқали ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришиш;

- қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва етиштираётган маҳсулотларини эркин сотишлари учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш ва бошқалар.

Таянч иборалар

Инвестор, экспорт импорт банк, ҳудудий иқтисодий ташкилотлар, ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида (АВЭС), Осиё-Тинч Океани минтақаси, (ЭКОСОС, ЮНКТАД, ЮНИДО ва бошқалар).

Назорат саволлари

1. 50-70 йилларда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келиши жараёнлари сабабини очиб беринг.
2. БМТ тизимидаги иқтисодий муассасаларнинг (савдо ва тараққиёт бўйича анжумани – ЮНКТАД) тузилмаларини тавсифлаб беринг.
3. БМТ тизимидаги иқтисодий муассасаларнинг (саноат тараққиёти бўйича анжумани – ЮНИДО) тузилмаларини характерлаб беринг.
4. Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) фаолияти нималарни ўз ичига олади?
5. Ҳудудий иқтисодий ташкилотларни тавсифлаб беринг.
6. Ўзбекистон Республикасини халқаро иқтисодий ташкилотлардаги иштирокини ёритиб беринг.
7. Ўзбекистон Республикасини ЕИ ва Осий – Тинч океани минтақаси давлатлари билан савдо иқтисодий алоқаларини бориши ҳақида сўзланг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. -М., 2004.
2. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Илм –Зиё, 2005.
3. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2005.
4. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.
5. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.
6. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: Издательско-торговая корпорация. «Дашков и К°», 2006.
7. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006.

ГЛОССАРИЙ

“Демографик портлаш” — жаҳоннинг кам ривожланган ва камбагал мамлакатларида назорат қилиб бўлмайдиган даражада аҳоли сонининг ўсиши.

“Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши” — мамлакатдан "интеллектуал элита" вакиллари чёт элда ишга жойлашиш мақсадида чиқиб кетиши.

Божхона божи — товар давлат чегарасини кесиб ўтганда солинадиган махсус пул солиғи.

Божхона иттифоқи — икки ва ундан ортиқ давлатларнинг бир-бирига ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган тариф сиёсатини ўтказишидир.

Божхона тарифи — товар оқимларининг чегарани кесиб ўтишида давлат томонидан олинадиган солиқ миқдори кўрсатилган тартибланган товарлар рўйхати.

Валюта — маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта), бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари, Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликлари.

ГАТТ- Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув — ташқи савдо операцияларини ўтказишда белгиланган тамойилларга амал қилишга рози бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи савдо ва тариф масалалари бўйича халқаро акт.

Глобал муаммолар — оламшумул аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациямизнинг энг долзарб масалалари.

Евро - универсал европа ҳисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар ҳудудида ЭКЮ ўрнига жорий этилган.

Европа валюта тизими (ЕВТ) - ЕИ аъзоларининг ҳудудий валюта гуруҳи.

Европа Иттифоқи (ЕИ) -Европанинг 25та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гуруҳ.

Экспорт квотаси - мамлакат экспорти ҳийматининг унинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га нисбати (фоизларда).

Эмбарго - алоҳида мамлакат ёки давлатлар гуруҳи билан савдони бутунлай таъқиқлаш.

Эркин иқтисодий ҳудудлар - мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиқка тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иқтисодиётнинг бир қисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

Эркин савдо ҳудудлари (ЕСХ) — преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан холи савдо тартибига риоя қилинади.

Жаҳон баҳоси - талаб ва таклиф эгри чизиқлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халқаро савдо марказларида ҳосил бўлади.

Жаҳон бозори — моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол

боскичларни ўз ичига оловчи ХИМ субъектлари (миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иқтисодий таъсирлашиш глобал муҳитидир.

Жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) — миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида жами миграцион айланмаси.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) — БМТнинг асосий бошқарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМ соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Иқтисодий интеграция — ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларини ўзаро яқинлаш ва бир-бирига кириб бориши жараёни.

Иқтисодий иттифок — иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқуқий меъёрлар, солиқ базасини соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

Иммиграцион квота — хорижий фуқароларнинг кириб келишини давлат томонидан миқдорий чеклаш.

Инвестиция муҳит — мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси.

Картель - ташқи савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алоҳида товар гуруҳлари бўйича ишлаб чиқариш ва нарх сиёсатини мувофиқлаштириб олишади).

Ноу-хау - муаллифлик гувоҳномаси (патент) билан ҳимояланмаган ишлаб чиқариш тажрибаси ва маҳорат сирлари.

Озик-овқат хавфсизлиги - миллий ва глобал эҳтиёжларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти.

Оффшор ҳудудлар - миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширашади.

Портфель инвестициялар — хўжалик объектини эксплуатация қилиш туфайли даромад олиш ҳуқуқини кафолатловчи капитал қўйилмалари.

Протекционизм хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуллар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иқтисодий сиёсат.

Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) — БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Савдода энг қулай шароит яратиш режими — мамлакатлар ўртасида келишилган ҳолда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби.

Саноат тараққиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО) — БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) - чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштириш кўриниши.

Тўғри инвестициялар — фойда олиш билан биргаликда капитал қўйилаётган объект устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи капитал қўйилмалари.

Тўлов баланси - мамлакатнинг барча резидентларининг қолган барча мамлакатлар билан маълум вақт оралигидаги (одатда бир йил) иқтисодий битимлари натижаларини сицемалаштирилган ҳолда қайд этилишидир.

Жаҳон банки - ўзаро бир-бири билан боғлиқ бешта институтдан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти.

Умумий бозор — ишлаб чиқариш омилларини миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўриниши.

Жаҳон савдо ташкилоти — халқаро савдони институционал ва ҳуқуқий асосини ташкил этувчи мустақил давлатлараро ташкилот.

Франчайзинг — бир компаниянинг бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибутларидан фойдаланиш.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) — йирик ҳукуматлараро валюта-молия ташкилот бўлиб, БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.

Халқаро иқтисодий муносабатлар — мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алоқалари тизими.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси — ишлаб чиқариш босқичларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида миллий иқтисодий комплексларнинг ҳамкорлик қилиши.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви — мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти кўриниши бўлиб, унда ўзларининг ички эҳтиёжларидан ортиқча бир турдаги маҳсулотлар тайёрлаш билан шугулланувчи миллий ишлаб чиқаришларнинг табақаланиши юз беради.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — маълум давр (одатда бир йил) давомида бир мамлакат ҳудудида яратилган жами қиймат.

Янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) — иқтисодий жihatдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гуруҳи.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикасининг Европа Иттифокига кўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо -давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчиликни таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 18 майдаги ЎРҚ-1-сон Қонуни - *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами* 21-сон (157) 2005 й. май

2. “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлан-тириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони- *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами* 15-16-сон (151-152) 2005 й. Апрель.

3. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ—3618-сон Фармони - *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами* 23-24-сон (159-160) 2005 й. июнь

4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

5. Каримов И.А. “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим” 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, “Turkiston” 11 февраль, 2006 йил, 11-сон.

6. Халилов Х., Мухтаров М.С. ва бошқалар. Иқтисодий, юридик ва солиқларга оид атамаларнинг изоҳли луғати. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси. Фарғона, 2001.

7. Страны мира. -М.: Олмапресс, 2002.

8. Устинов И. Мировая торговля: статистическо-аналитический справочник. 2002.

9. Булатов А.С. Мировая экономика: Учебник.- М.: Юристъ, 2004 .

10. Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. -С.-П., 2003.

11. Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1,2. 2004.

12. Кругман П. Международная экономика. -изд. 5-е. -СПб.: Питер, 2004.

13. Ломакин В. Мировая экономика: Учебник. –М.: Юнити-Дана, 2004.

14. Ливенцев Н. Международные экономические отношения: Учебное пособие. –М., 2005.

15. Миклашевская Н. Международная экономика: Учебник. -изд. 3-е., 2004.

16. Спиридонов И.А. Мировая экономика: Учебное пособие. –М.: Инфра-М, 2004.

17. Энциклопедия стран мира. -М.: Экономика, 2004.

18. Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Азимов А. Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти (Илмий-оммабоп рисола). –Т.: ТДИУ, 2005.

19. Назарова Г.Ғ. Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2005.

20. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т., 2005.

21. Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ: Дарслик. -Т., 2005.

22. Анилионис Г.П., Зотова Н.А. Глобальный мир: единый и разделенный. Эволюция теорий глобализации. – М.: Международные отношения, 2005.

23. Волгин Н.А., Волгина О.Н. Оплата труда: японский опыт и российская практика: Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2005.

24. Лучшее в Москве (Th Best in MoscoW) 2005. Портер Майкл. Японская экономическая модель: Может ли Япония конкурировать?/ Майкл Портер, Хиротака Такеути, Марио Сакакибара/ Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.

25. Абрамов В.Л. Мировая экономика: Учебное пособие. –изд. 3-е, перераб. – М.: “Дашков и К”, 2006.

26. Василенко, И.А. Геополитика современного мира: Учебное пособие. - М.: Гардарики, 2006.

27. Кочетов Э.Г. Геоэкономика. Освоение мирового экономического пространства: Учебник. - М.: Норма, 2006.

28. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во «Проспект», 2006.

29. Интернет-ресурслар

30. <http://www.gov.uz>

31. <http://www.edu.uz>

32. <http://www.tseu.uz>.

33. <http://jahon.mfa.uz>.

34. <http://www.cer.ru>.

35. <http://www.bilimdon.uz>.

36. <http://www.review.uz>.

37. <http://market.yandex.ru.catalog.xml>.

38. <http://www.wto.org>

39. <http://www.worldbank.org>

40. <http://www.finansy.ru>

41. <http://econos.narod.ru>

42. <http://portal.rea.ru/>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ТИЗИМ СИФАТИДА	6
1.1. “Жаҳон иқтисодиёти” фанининг предмети ва ўрганиш хусусиятлари.....	6
1.2. Жаҳон ҳўжалиги ва унинг ривожланиш хусусиятлари.....	7
1.3. Трансмиллий компаниялар: жаҳон ҳўжалигининг субъекти сифатида.....	16
1.4. Жаҳон ҳўжалигида халқаро иқтисодий ташкилотлар.....	18
1.5. Жаҳон ҳўжалигида минтақавий интеграция гуруҳлар.....	19
1.6. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил топиши ва унинг кўринишлари.....	25
2- боб . ЖАҲОН ҲЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧ	36
2.1. жаҳон иқтисодиётининг моҳияти ва шаклланиш босқичлари.....	36
2.2. Жаҳон иқтисодиётида «очиқ иқтисодиёт» тушунчаси.....	40
2.3 Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.....	43
2.4 Жаҳон ҳўжалигида глобаллашув жараёнларининг бориши.....	48
2.5 Трансмиллий корпорациялар глобаллашув жараёнларни ҳаракатга келтирувчи омил эканлиги.....	49
3-боб. ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ	54
3.1. Жаҳон иқтисодиётида давлатларнинг таснифланиши ва асосий типлари.....	54
3.2. Жаҳон ҳўжалигида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси.....	56
3.3. Жаҳон ҳўжалигида мамлакатларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш.....	53
4-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ	63
4.1. Халқаро меҳнат тақсимотининг мазмуни, моҳияти.....	63
4.2. Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар.....	65
4.3. Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишини ўзига хос томонлари. Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси.....	66
4.4. Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий концепциялари.....	68
5-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР САЛОҲИЯТИ	72
5.1 .Жаҳон ҳўжалигида ресурсларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш муаммолари.....	72
5.2. Жаҳон ҳўжалигида табиий ресурслар.....	74
5.3. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари.....	76
5.4. Фойдали хомашё ресурсларда жаҳон нархларини шаклланиши.....	79
6- боб. ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	81
6.1. Жаҳон ҳўжалигида аҳоли миграциясининг дастлабки кўринишлари.....	81
6.2. Жаҳон иқтисодиётида «демографик портлаш» жараёни. Аҳоли ўзгаришининг ўзига хос популяцион цикллари.....	85
6.3. Жаҳон иқтисодиётида аҳолининг ёшига қараб таснифланиши.....	88

6.4.Ишчи кучи миграциясини тартибга солишда халқаро меҳнат тақсимооти.....	89
7-боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИНИНГ СОҲАВИЙ ТАРКИБИ.....	98
7.1. Жаҳон саноатининг ижтимоий ва ташкилий тузилишининг тармоқлараро ўзгариши.....	98
7.2. Жаҳон хўжалик тармоғининг ривожланиш жиҳатлари.....	104
7.3. Жаҳон саноат тармоқларининг ривожланишида географик жиҳатлар.....	109
7.4. Жаҳон иқтисодиётида транспорт ва алоқа тизимининг тутган ўрни. Халқаро тартибга солиниши.....	112
7.5. Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини тутган ўрни.....	117
8-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТЕНДЕНЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ	130
8.1. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари.....	130
8.2. Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорациялар.....	135
8.3. Жаҳон хўжалигида либерализация жараёнларининг бориши.....	141
9-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРНИНГ БОРИШИ.....	152
9.1.Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳияти. Интеграция жараёнларини ифодаловчи омиллар.....	152
9.2.Интеграция жараёнларнинг жаҳон марказлари.....	155
9.3.Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграциянинг кўринишлари ва типологияси.....	157
9.4.Жаҳон иқтисодиётида божхона иттифоқи, умумий бозор ва иқтисодий иттифоқ тушунчалари.....	158
9.5. Европа Иттифоқининг ташкил топиши ва унинг ривожланиш босқичлари.....	161
9.6. Европа Иттифоқи тузилмаси: замонавий босқичда ривожланиш муаммолари, истикболлари.....	164
9.7. Интеграция жараёнларини боришида халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий ҳамкорликлар.....	166
9.8. Интеграция жараёнларининг миллий иқтисодиётга таъсири.....	169
10-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР.....	180
10.1. Жаҳон иқтисодиётида глобал муаммоларнинг моҳияти ва хусусиятлари.....	180
10.2.Жаҳон иқтисодиётида қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш тенденциялари.....	181
10.3. Жаҳон иқтисодиётида экологик муаммолар.....	182
10.4. Жаҳон иқтисодиётида озик-овқат ва демографик муаммолар.....	183
11-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР.....	187
11.1. Ривожланган мамлакатларни иқтисодий ривожланишининг умумий нунчилиги.....	188
11.2.Ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий фаолияти.....	192
11.3.Ривожланган мамлакатларда халқаро ишчи кучи миграцияси.....	196
11.4.Ривожланган мамлакатларнинг молия - валюта сиёсати.....	197

12-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР	199
12.1. Ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий.....	200
ривожланиши.....	200
12.2.Ривожланаётган мамлакатларда халқаро товар алмашуви.....	204
12.3.Хорижий сармоялар - ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида.....	208
13-боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА “ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР”	213
13.1. Жаҳон хўжалигида “Янги индустриал мамлакатлар” нинг иқтисодий ривожланишига умумий тавсиф.....	214
13.2. “ Янги индустриал мамлакатлар” нинг иқтисодий ривожланиш тамойиллари.....	217
13.3. ”Янги индустриал мамлакатлар” – халқаро меҳнат тақсимооти тизимида.....	222
14-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ МАМЛАКАТЛАР	228
14.1. Социалистик режали хўжалик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлиги.....	228
14.2. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар.....	230
15-боб. МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ	235
15.1.Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил топиши ва ривожланиш хусусиятлари.....	235
15.2.МДҲ мамлакатларини жаҳон хўжалигига кириб бориши ва унинг муаммолари.....	237
15.3.Ўзбекистон Республикасининг МДҲ доирасидаги ҳамкорлиги.....	239
16-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ	254
16.1. Ўзбекистон Республикасини халқаро иқтисодий ташкилотларда иштироқи.....	254
16.2. Ўзбекистон Республикасини турли халқаро иқтисодий ва сиёсий ташкилотлар билан алоқаси.....	261
16.3. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиш салоҳияти.....	266
16.5 . Ўзбекистонда ташқи савдонинг ривожланиш тенденциялари.....	270
16.6. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолият.....	283
16.7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида амалга оширилган аграр ислохотлар.....	250
ГЛОССАРИЙ	301
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	304